ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

Р.Ҳ.Шодиев, Э.Р.Маҳмудов

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2005

65.5
Ш740

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган ва нашр учун тавсия этилган

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор **Р.С.Қосимов** умумий таҳрири остида

SamISI
Inv № _____

Ш-М $\frac{0604000000-97}{М352\ (04)-2005}$ қатъий буюртма 2005

ISBN 5-635-02297-9

© Р.Ҳ.Шодиев, Э.Р.Маҳмудов, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 йил.

СЎЗ БОШИ

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Ўтган асрнинг охирида халқларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётида юз берган жиддий воқеа-ҳодисалар дунё қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон тарихида янги давр бошланди. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, давлатлар, халқлар орасида яқинлашув, ҳамкорлик алоқалари тобора кучайиб, яхлит сиёсий, иқтисодий маконлар ва иттифоқлар вужудга келиб, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар, андозаларга ўтиш жараёнлари юз бермоқда. Бугунги кунда умуминсоният цивилизациясининг истиқболлари жаҳон хўжалик тизимининг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ бўлиб қолди.

"Ер куррасининг олтидан бир қисмида туб ислоҳотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради".[1]

Эндиликда бозор иқтисодига асосланган жамият қуриш барча халқлар ҳамда давлатларнинг муқаррар йўли бўлиб қолди. Ўз моҳият эътибори билан бозор интернационал бўлиб, миллий ҳудуд ва чегараларни тан олмайди. Бозор иқтисодининг интернационал моҳияти халқаро меҳнат тақсимоти асосида мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий алоқалар қарор топишидан, бозор хўжалигининг ривожланишига омил бўлувчи иқтисодий қонуниятлардан келиб чиқади.

Ўтиш даври иқтисодига хос мамлакатлар қайтиб кириши муқаррар бўлган жаҳон бозори тобора кўпроқ интеграцияга юз тутмоқда. Кейинги ўн беш йил ичида жаҳон савдоси

---

[1] *Каримов И.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 69-бет.

умумжаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан анча илдамроқ ривожланиши бунинг далилидир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар мобайнида ривожланаётган мамлакатлардаги бевосита чет эл инвестициялари миқдори олти баравар кўпайиб, уларнинг иқтисодиёти дунёга кўпроқ юз тутиб, очиқ тусга кира бошлади, бунинг натижасида улар жаҳон хўжалик тизимида тобора фаолроқ иштирок этиб, ялпи ички маҳсулотларидаги экспорт ва импорт салмоғи бундан ўн йил аввал 33 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 43 фоизга кўтарилди.

Узоқ йиллар давом этган яккаланишлардан сўнг ўтиш даврига хос мамлакатлар иқтисоди халқаро интеграциядан кўпроқ наф олишлари мумкин, чунки жаҳон хўжалигига интеграциялашув ички бозорни эркинлаштиришдан келиб чиқадиган иқтисодий самаралардан бир неча баравар фойдалироқдир.

Шунга кўра, ўтиш даврида ўз қобиғига бурканиб яшаб бўлмасликни тушунишнинг ўзи кифоя қилмай, ҳаётнинг янгидан-янги воқеликларига жавоб берадиган яратувчанлик тафаккури пухта режаларга асосланган тафаккурни талаб этади.

Турли даражадаги иқтисодий тизимлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетаётган дунё учун энг муҳим муаммодир. Бу тизимлар нафақат ўзининг тараққиёт даражаси билан, балки жаҳон меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалигига қай даражада жалб қилинганлиги билан ҳам ажралиб туради. Миллий иқтисодий тизимларни жаҳон хўжалигига тезроқ жалб этиш эҳтиёжлари XXI аср боши учун хос бўлган умумий қонуниятдир.

Аслини олганда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида энди-энди жаҳон саҳнига чиқиб келмоқда. Очиқ иқтисодга ўтиш сиёсати Ўзбекистон учун бозор иқтисодига ўтиш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб қолади.

Мустақиллик йилларида очиқ иқтисод пойдеворини барпо этиш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий заминлар яратилди. Ташқи фаолият соҳасидаги миллий иқтисодий йўл-йўриқлар жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Жаҳон тажрибаси эса шундан далолат берадики, ҳар томонлама ривожланишни истаган ҳар қандай давлат муайян тамойилларга амал қилмоғи шарт. Ўзбекистон ҳам ўз навбатида ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини шакллантириб олди.

Ушбу тамойилларнинг моҳияти аввало шундан иборатки, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида тенг ҳуқуқлилик,

халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатдорлик алоқаларини ўрнатиш шартларига амал қилади. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мустақилликнинг ўн уч йили ичида макроиқтисодий вазият барқарорлашди, 1997 йилдан бошлаб мамлакатда нафақат ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича, балки унинг аҳоли жон бошига тақсимоти бўйича ҳам иқтисодий ўсишга эришилмоқда, иқтисоднинг салмоқли бўғинларида жиддий таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Шунинг билан бирга, мамлакат ички бозорининг нисбатан торлигини ҳамда экспорт масаласи жаҳон бозорида хомашё маҳсулотлари нархининг ўзгариб туришига боғлиқ эканлигини назарда тутган ҳолда, импорт товарлари ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга эътибор бериш сиёсатидан кўпроқ экспортни кенгайтириш сиёсатига ўтишни тақозо қилади. Иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари Ўзбекистон жаҳон бозорида фақат хомашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи мамлакат сифатида ҳам намоён бўлиши билан чамбарчас боғланган.

Бунинг учун вақт ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларни олиб боришда кўникма талаб этилади. Чет эллик шерикларнинг ишончини қозониш учун ташқи бозорда моҳирона ишлай билиш, ташқи иқтисодий сиёсат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилиш лозим бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни муваффақиятли олиб бориш масаласи ўз навбатида давлатнинг турли эҳтиёжларини қоплаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни соғломлаштириш, унинг самарадорлигини оширишда муҳим воситалардан бири ҳисобланади ва миллат равнақини жадаллаштиради, оқибатда давлат куч-қудратининг юксалишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тузилиши, кўлами шерик мамлакатлардаги, умуман, жаҳон хўжалигидаги ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатларининг қай даражада эканлигига қараб белгиланади.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг қарор топиши, ривожланиши халқаро меҳнат тақсимоти кенг тус олаётганлиги, дунё мамлакатлари моддий ва маънавий бойликларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёнига тобора

кўпроқ жалб этилаётганлиги билан бевосита боғлиқдир. Халқаро миқёсда (шунингдек, алоҳида бир давлат доирасида) моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, уларнинг тақсимоти, айирбошланиши, истеъмоли *жаҳон* (ёки мамлакат) *иқтисодининг* асосини ташкил этади. Умумжаҳон қайта (такрор) ишлаб чиқариш жараёнидаги ана шу қайд этилган босқичларнинг ҳар бири ҳам умумий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар доирасида бутун жаҳон хўжалик тизимининг фаолиятига бевосита таъсир қилади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бир бутунлигини ташкил этувчи ҳалқаларининг мантиқи ҳам, Умумжаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир босқичнинг зарраларини ўзига жо қилган жаҳон иқтисодининг мураккаблиги ҳам ана шунда.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни бирор маҳсулот (ёки хизмат) ишлаб чиқаришдан бошланиб, унинг тақсимланиши ва истеъмол қилиниши билан тугалланади. Демак, *тизим сифатида* жаҳон иқтисодиётининг вазифа, мақсади инсон эҳтиёжларини қондиришдан иборатки, бу эҳтиёжлар ўз навбатида моддий неъматлар, хизматларга ошиб бораётган талаб ҳамда таклифларни келтириб чиқаради.

Шундай экан, *"жаҳон иқтисоди"* ёки *"жаҳон хўжалиги"* деганда нимани тушуниш керак, деган савол туғилади.

Айтиш керакки, ҳозирги замон иқтисодиёт адабиётларида бу тушунча турлича талқин қилинади. Булар орасида энг кўп тарқалгани қуйидаги икки талқиндир:

1. "Жаҳон иқтисоди" деганда – халқаро меҳнат тақсимоти, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими орқали бир-бири билан ўзаро боғланган миллий хўжаликлар йиғиндиси тушунилади.

2. "Жаҳон иқтисоди" деганда – ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими, миллий хўжаликлар ўртасидаги кенг кўламли алоқалар назарда тутилади. Бу ҳолда, табиийки, жаҳон иқтисоди тизими молия ва савдо муносабатлари, капитал ва ишчи кучини тақсимлаш масалаларини ўз ичига қамраб олади.

"Жаҳон иқтисоди" тушунчасининг бошқа талқинлари ҳам мавжуд бўлиб, буларда жаҳон хўжалигининг асосий таркибий қисмлари, шу жумладан, унинг моддий асоси ўз аксини топган. Шулардан бирида "жаҳон иқтисоди" тушунчаси ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда муайян устқурма муносабатлари даражасида кўрилиб, ушбу иқтисодни ташкил этувчи миллий хўжаликлар мазкур учта

даражанинг ҳар бирида ўзаро қанчалик келиша олиш қобилиятларига мос равишда муттасил қайта ишлаб чиқарувчи иқтисодий тизим сифатида таърифланади (Ю.В. Мишков, В.К. Ломакин ва бошқаларнинг талқини). Бу талқин гарчи тўғри ва анчагина мукаммал бўлишига қарамай, у илмий жиҳатдан ғоят мураккаблиги ҳамда кўпроқ назарийлиги билан оқсайди.

Демак, *жаҳон иқтисоди* деганда, доимий ўзгаришда ва ҳаракатда бўладиган, бир-бирига ўзаро таъсир этувчи, халқаро алоқаларга интилувчи миллий хўжаликлар йиғиндисини тушуниш мақсадга мувофиқроқдир. Бу алоқалар объектив бозор қонунлари асосида олиб борилгани учун мураккаб, қарама-қаршиликларга хос, лекин яхлит жаҳон иқтисоди тизимини ташкил этади.

Бундан кўринадики, барча талқинлар айни пайтда "жаҳон иқтисоди" маълум даражада яхлит бир тизимдан иборат эканлигини тан олади. Тизимнинг яхлитлилиги, бир бутунлилиги унинг барча таркибий қисмлари миллий ва жаҳон бозорларида барқарор даражада ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилишини назарда тутади.

"*Жаҳон иқтисодиёти*" *фанининг предмети* бозор иқтисодининг объектив қонунлари асосида ўзаро иқтисодий алоқалар билан боғланган миллий хўжаликлар йиғиндисидан иборат жаҳон иқтисодиёти ривожининг асосий жараёнлари, унинг тамойиллари ва қонуниятларини ўрганишдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, "Жаҳон иқтисодиёти" фани "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Даврнинг глобал муаммолари", "Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти", "Жаҳон иқтисодиёти географияси" сингари бошқа махсус фанлар шуғулланадиган бир қанча масалаларни ҳам қамраб олувчи ўқув фанидир. Негаки, "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" ихтисослигига оид барча мутахассислик фанлари бир-бири билан ўзаро боғланиб, "Жаҳон иқтисодиёти" фанидан келиб чиққан, маълум даражада халқаро иқтисодий алоқалар ва ўзаро муносабатлар тизимининг у ёки бу жиҳатини акс эттиради.

Масалан, "Халқаро иқтисодий муносабатлар" фани турли мамлакатлар миллий иқтисоднинг хилма-хил хўжалик алоқалари тизимини ўрганиш билан шуғулланади. Бироқ иқтисодий алоқалар мавҳум бир нарса эмас, улар мамлакат иқтисодининг муайян соҳаларида ёхуд миллий хўжаликлар йиғиндисининг (яъни жаҳон иқтисодиётининг) муайян

соҳаларида ишлаб чиқариш ёки маҳсулот айирбошлаш муносабатлари орқали рўй беради. Демак, мамлакат иқтисоди ёки миллий хўжаликлар йиғиндиси бўлмиш жаҳон иқтисодиёти ана шу иқтисодий муносабатлар юзага келувчи асосдир. Шунга кўра, гарчи бу фанлар мустақил ҳисобланиб, айни бир пайтда тадқиқотлар соҳасида бир-бирини тўлдириб турса-да, мазкур икки фан шуғулланадиган қатор масалалар ўзаро қўшилиб кетган.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар ёки ташқи иқтисодий алоқаларнинг бирор амалий жиҳатлари билан шуғулланувчи мутахассислар хилма-хил ва айни пайтда ўзаро боғланган, бири иккинчисини тўлдириб турадиган масалаларга дуч келишадики, бу нарса ҳар иккала фаннинг бир бутунлигидан, муштарак эканидан далолат беради. Шунга кўра, уларни изчил ўрганишлик халқаро иқтисод масалаларини пухта ўзлаштириб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Талабалар ва ўқитувчилар учун тақдим этилаётган ушбу дарслик "жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартига мувофиқ тарзда жаҳон иқтисодининг асосий масалаларини қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт олий ўқув юртлари ўқув дастурларида кўзда тутилганидек, ушбу фан умумтаълим фанлари мажмуасига киради.

Ушбу нашрда кўзга тутилган ва таҳлил этилган масалалар Ўзбекистонда ҳамда чет элларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси ва далилларига суянган. Унда жаҳон иқтисодининг энг муҳим назарий ва амалий жиҳатларини мантиқий изчиллик билан ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда дарслар баёни ҳам мослаштирилган, ҳар бир мавзу бўйича адабиётлар рўйхати берилган, амалий машғулотларнинг асосий масалалари бўйича мавзу доиралари белгиланган. Мазкур курс жаҳон иқтисоди тараққиётининг асосий жараёнлари, тамойил ва қонуниятларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини англаб етишга ёрдам берадики, бу халқаро иқтисодий алоқалар ва халқаро бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур дарсликда жаҳон хўжалигига бевосита алоқадор бўлган 19 мавзу қуйидаги учта асосий гуруҳга бўлинади:

1. Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатлар.
2. Ривожланаётган мамлакатлар.
3. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатлар.

Дарсликдан амалда яна ҳам самаралироқ фойдаланиш мақсадида, унинг охирги қисмида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти, уларнинг Ўзбекистон билан алоқаларига бағишланган маълумотлар илова қилинган. Зеро, "Жаҳон иқтисодиёти" дарслиги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ушбу соҳасидаги адабиётларнинг тўнғичидир. Ишончимиз комилки, ушбу дарсликни янада такомиллаштириш юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар унинг мукаммаллашувига омил бўлади. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар учун муаллифлар олдиндан ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Р.С.ҚОСИМОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

I БЎЛИМ

БОЗОР ИҚТИСОДИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР

1-БОБ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалигининг моддий асоси сифатида

Миллий хўжаликларни ягона жаҳон хўжалигига бирлашувининг асоси **халқаро меҳнат тақсимоти** (ХМТ) бўлиб, у мамлакатлар ўзаро айирбошлайдиган маҳсулот турлари бўйича ихтисослашувини назарда тутади.

Халқаро меҳнат тақсимоти – бу халқаро миқёсда маҳсулотлар, хизмат турлари ва билимларни айирбошлаш, дунёдаги барча мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш, фан-техника, савдо ва бўлак соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур бўлган объектив асосдир.

Рақобатчилик кураши жараёнида мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти тизими юзага келдики, у бирор бир мамлакатнинг ички эҳтиёжларидан ташқари халқаро бозорни ҳам кўзлаб, барқарор маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқариш тарзида намоён бўлиб, халқаро миқёсда ихтисослашувга асосланган ишлаб чиқаришнинг айрим босқичлари ўртасида ёки халқаро миқёсда ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида макон нуқтаи назаридан узилиш мавжуд бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги пайтда **ХМТнинг асосий шакллари** қуйидагилардан иборат: қисман тақсимот (тармоқлар ва кичик тармоқлар ўртасида); маҳсулот бирлиги бўйича (тармоқлар ва кичик тармоқлар ичида) ёки маҳсулот, қисмлар ва технология бўйича тақсимот.

Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон хўжалигида, ХМТда ҳамда хўжалик ҳаётининг интернационаллашувида тутган ўрни ва аҳамияти кўпгина омиллар билан боғлиқ. Бироқ буларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилардан иборат: миллий иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси, ўсиш суръати,

унинг қай даражада очиқлиги. ХМТга қандай жалб этилганлиги, ташқи иқтисодий алоқалар (ТИА) нечоғлик илғорлиги, ривож топганлиги, миллий иқтисодиётнинг халқаро хўжалик ҳаётига қанчалик мослаша олиши.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари ХМТ таъсири натижасида тобора мураккаблашиб, жаҳон хўжалик алоқаларининг бир бутун тизимига айланиб бормоқда. Бунда савдо ўз моҳиятига кўра ҳамон етакчи ўринни эгаллаб келаётган бўлса-да, ўз аҳамиятини аста-секин йўқотиб қўймоқда. Жаҳон хўжалигининг **ташқи иқтисодий соҳаси** мураккаб кўринишга эга. У халқаро савдони, ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув, бирлашув (кооперация)ни, фан-техника соҳасида ҳамкорликни, халқаро шартлар асосида қўшма корхоналар қуриш, кейинчалик булардан фойдаланишни, халқаро хўжалик ташкилотлари, турли хизмат турлари ва бошқа кўпгина фаолиятларни назарда тутади.

Фақат тараққиёт даражаси билангина эмас, балки ХМТга, жаҳон хўжалигига қай даражада қўшилганлиги билан ҳам фарқланувчи турли савиядаги тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик масаласи бир-бири билан тобора кўпроқ боғланиб кетаётган мамлакатлар учун энг долзарб муаммо бўлиб турибди. Давр интеграцияни, интеграция бўлганда ҳам кенг миқёсдаги — капиталлар, ишлаб чиқаришлар, меҳнат интеграциясини тақозо этмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув, бирлашув (кооперация) (ИХИК) — булар ўзаро чамбарчас боғланган ҳамда бир-бирини назарда тутадиган ижтимоий ҳодисалар бўлиб, мураккаб ва қарама-қарши моҳиятга эгадир. ХМТ асосан шу шаклда намоён бўладиган халқаро кооперативлашувдан фарқли ўлароқ, яна ҳам кенгроқ иқтисодий мезон ҳисобланади.

Халқаро кооперативлашув ҳамда халқаро ихтисослашув ХМТнинг шунчаки бир кўриниши эмас, балки унинг моҳиятини белгилаб берувчи унсур ҳамдир.

Ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув (ИХИ) деганда, мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг шундай бир шакли назарда тутиладики, бунда дунё миқёсида бир турдаги ишлаб чиқаришнинг жамланиши, меҳнатнинг умумлашуви, яъни миллий ишлаб чиқаришларнинг табақалашуви ички эҳтиёждан ортган бир турдаги меҳнат маҳсулотларини тайёрлаш мустақил технологик жараёнларга, алоҳида соҳа ва

соҳачаларга ажралиб чиқиши асосида кучайиб, оқибатда табақалашган миллий комплекслар бир-бирини тўлдириб боради. Ушбу жараёнлар халқаро миқёсда товарлар, хизматлар ва фан-техника билимларини айирбошлаш кучайганлигида ўз аксини топади.

ИХИ икки йўналишда – ишлаб чиқариш ва ҳудудий йўналишларда ривожланади. Ишлаб чиқариш йўналиши тармоқлараро ва тармоқ ичида ихтисослашувга ҳамда айрим корхоналар (компаниялар) нинг ихтисослашув турларига бўлинади. ИХИ ҳудудий маънода жаҳон бозорига мўлжалланган муайян маҳсулотларни, уларнинг қисмларини ишлаб чиқаришда айрим мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ихтисослашувини назарда тутади.

Яхлит (тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш), майда (маҳсулот қисмлари, бўлакларини ишлаб чиқариш), технологик ёки босқичли ихтисослашув (айрим ишларни амалга ошириш ёки баъзи технологик жараёнларни бажариш, масалан, йиғиш, бўяш, қолиплар ясаш ва ҳоказо) ИХИнинг асосий турлари ҳисобланади.

Ўз тараққиётининг моҳият-эътиборига кўра, кучли ташқи шарт-шароит таъсирида ИХИ доимий равишда ўзгариб туради. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви барча босқичларда, айниқса, ҳозирги кунда рўй бераётган жараёнларнинг жадаллиги, турларининг узлуксиз равишда ўзгариб туриши, янада мураккаброқ шаклларга ўтишга мойиллиги билан ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва бунинг оқибатида уларнинг тармоқларга, корхоналарга бўлиниш даражаси ўсиб бораётганлиги **ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперативлашуви** (ИХК) учун умумий холис асос ҳисобланади.

Кооператив алоқаларни ўрнатишда фойдаланиладиган асосий усуллар қуйидагилардан иборат:

1) қўшма режаларни (дастурларни) амалга ошириш;

2) шартнома асосида ихтисослашув;

3) ишлаб чиқаришда қўшма корхоналар (ҚК) ташкил этиш.

ИХК биринчи усули – **қўшма режаларни (дастурларни) амалга ошириш** доирасида асосан икки шаклда: пудратли кооперативлашув ва қўшма ишлаб чиқариш шаклларида намоён бўлади.

Пудратли кооперативлашув – саноатдаги ишлаб чиқариш алоқаларининг энг эски турларидан биридир. Пудрат фао-

лиятининг моҳияти – шартномага имзо чеккан томонлардан бири (буюртмачи), иккинчи томонга (ижрочига) муддати, ҳажми, ижро сифати ва ҳоказолар бўйича олдиндан келишиб олинган шартларга мувофиқ муайян бир ишни бажариш вазифасини юклайди. Ишлаб чиқаришдаги пудратли кооперативлашув асосан икки хил кўринишга эга: маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича "анъанавий" пудрат ҳамда янги маҳсулотни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш бўйича пудрат.

Ишлаб чиқаришдаги кооперативлашувнинг иккинчи усули – **шартномали ихтисослашув** келишиб олган томонлар ўртасида ишлаб чиқариш режаларини аниқ белгилаб олишдан иборат. Ихтисослашув ҳақидаги келишувларга мувофиқ ҳар икки томон ишлаб чиқаришда бир-бирини такрорлаш ҳолларини, икки ўртада бозорда пайдо бўладиган бевосита рақобатни йўқотиш ёхуд камайтиришга ҳаракат қилади. Кооперативлашув моҳиятини касб этадиган ихтисослашув ҳақидаги бундай келишувларнинг энг муҳим шарти – унда одатда мураккаб маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқариш, ўзаро ёки бир томонлама пудрат ишлари учун ашёларни етказиб бериш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, хулосалар чиқариш ва ҳоказолар шаклида қатнашчилар ўртасида яқин ҳамкорлик ҳақида битим мавжуд бўлиши зарур.

Ишлаб чиқаришда қўшма корхоналар ташкил этиш дунё миқёсида тобора кенг тарқалиб бораётган кооперативлашув фаолиятининг учта асосий усулларидан биридир. Интеграциялашган кооперативлашув усулининг моҳияти – унда бир неча қатнашчининг капитали ўзаро келишилган алоҳида мақсадларга эришиш йўлида ягона ташкилий шакл остида бирлашади.

Юқорида қайд этилганидек, бирор мамлакатнинг жаҳон иқтисодида ҳамда жаҳон хўжалик алоқалари тизимида бўлган мавқеи қатор омиллар билан белгиланиб, булар орасида миллий иқтисоднинг тараққиёт даражаси, ҳаракат суръати унинг қай даражада очиқлиги ва ХМТга қанчалик тортилганлиги, унинг ташқи иқтисодий алоқалари қандай ривожланганлиги, бу алоқалар тузилмаси миллий иқтисод халқаро хўжалик ҳаётида ўзгариб турадиган шарт-шароитга нечоғлик мослаша олиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун янги шарт-шароитда, халқаро иқтисодий алоқалар тизимида Ўзбекистон иштирокини кенгайтира боришга эришиш ҳам мамлакатнинг ички иқтисодий вазифаларини, ҳам унинг ташқи иқтисодий алоқаларини

такомиллаштиришга доир муаммоларни ҳал этишда ХМТ имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарур.

Бундай ривожланиш истиқболлари халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида миллий хўжалик тизимларининг ўзаро боғланганлик ва манфаатдорлик даражаси ошиб боришидан иборат бўлган мутлақо объектив ҳолатга алоқадордир.

Шу нарсани эътиборга олиш лозимки, очиқ турдаги иқтисодга ўтиш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён бўлмоғи керак, токи ташқаридан келадиган рақобат яратувчанлик омилидан ўтиб, маҳаллий иқтисодни барбод қиладиган кучга айланиб кетмасин.

Халқаро рақобат

Ҳозирги кундаги рақобат жаҳон бозорининг ажралмас бир қисми (элементи) ҳамда бозор жараёнларининг бир кўриниши сифатида ўзининг илгари мисли кўрилмаган кенг кўлами билан ажралиб туради.

Рақобатнинг кенг кўламлилиги ХМТ таъсири остида халқаро айирбошлаш жараёнига тортилиб, ташқи савдо муносабатларида қатнашаётган томонларнинг сони тинимсиз ошиб бораётгани, турли-туман соҳаларда халқаро ихтисослашув ва кооперативлашув жараёнлари ривожланаётгани билан бевосита боғлиқдир. Хўжалик ҳаётидаги интернационаллашув рақобат заминини кенгайтириб юборади. Улкан монополиялар қатори ўрта, кичик, ҳатто майда фирмалар ҳам бозор учун кураш майдонига киради. Жаҳон бозоридаги вазиятни ўз фойдасига ўзгартиришга астойдил бел боғлаган янги-янги мамлакатлар (асосан "янги саноат мамлакатлари" ҳисобига) экспорти кўпдан ривожланган мамлакатлар билан рақобатга киришиб кетмоқда.

Фан-техника инқилоби (ФТИ) рақобатни кучайтириб юборади. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сифатни ошириш, даромадни кўпайтириш бўйича рақобат бошланган ҳамма жойларда ФТИ рақобатчилик курашининг таъсирчан воситаси сифатидагина эмас, балки унинг энг қудратли тезкор омили (катализатор) сифатида ҳам намоён бўлади. Рақобатчилик курашининг шаклланиши ва шартларига, бу кураш воситаларига ФТИнинг фаол ва кенг кўламли таъсири барча қатламларда, қолаверса, алоҳида фирмалар, мамлакатлар ёки гуруҳ-гуруҳ мамлакатлар даражасида ҳам намоён бўлмоқда.

"Бошқарув масалалари бўйича Европа форуми" номли халқаро ташкилот (Женевада) Ғарб мамлакатларининг рақобатбардошлигини аниқлаш бўйича доимий изланишлар олиб боради. Айни чоғда **"рақобатбардошлик" тушунчаси** "ўзлари учун мавжуд бўлган шароитларда фирмалар томонидан рақобатчиларнинг маҳсулотларига нисбатан нархи ва нархдан ташқари хусусиятлари билан истеъмолчига кўпроқ мақбул келадиган маҳсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва сотиш соҳасидаги аниқ ва зоҳирий имконият" тарзида талқин этилади.

Рақобатбардошлик омиллари

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлаш учун қарийб 340 кўрсаткичдан, кўплаб иқтисодчи-экспертлар тавсиясидан фойдаланилади. Булар 10 омилга гуруҳланади:

1) Иқтисодий салоҳият (потенциал) ва иқтисоднинг ўсиш суръатлари;

2) саноат ишлаб чиқаришдаги самарадорлик;

3) фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, фан-техника ютуқларини ўзлаштириш суръатлари;

4) ХМТдаги иштироки;

5) ички бозор ривожи ва кўлами;

6) молия тизимининг тез мослашувчанлиги;

7) иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг таъсири;

8) меҳнат ресурсларининг малака даражаси;

9) меҳнат ресурслари билан қай даражада таъминланганлик;

10) ижтимоий-иқтисодий ва ички сиёсий вазият.

АҚШ, Япония, Германия ва Швейцария азалдан юқори даражадаги рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда экспертлар ушбу мамлакатларнинг рақобатбардошлилигини юқорида қайд этилган омилларни таъминловчи қудратли умумиқтисодий негизинигина эмас, балки шу рақобатбардошликда кам аҳамиятга эга бўлмаган таркибий жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишади. Бу ўринда иқтисодни жаҳонда юз бераётган талаблар ривожланишига қараб мослаштириш даражаси, ички имкониятларга мос келадиган миллий ихтисослашувни бехато танлаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки янги бозорларни забт этиш йўли билан бемаъни рақобатдан қочиш маҳорати ҳақида сўз бормоқда.

Етакчи жаҳон экспортчилари бозорда эришаётган ютуқларининг сири ҳам талабларнинг ялпи тузилмасини чуқур тушунишдан, бу талабларни керакли йўналишда фаол шакллантира билган ҳолда уларга дарҳол жавоб бера олишдан иборатдир.

Мамлакатлар ривожи даражасини белгиловчи кўрсаткичлар

Иқтисодий жараёнларни, мамлакатларнинг ривожланиш даражаси ва ўзаро мураккаб хўжалик алоқаларини таҳлил этишда халқаро тажрибада қабул қилинган **миллий ҳисоблар тизимидан** фойдаланилади. Бу макро даражада иқтисодиёт ривожига оид бўлган ва ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимидир. Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу кўрсаткич маълум давлат ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг маълум даврда яратган пировард маҳсулотлари ва хизматларининг умумий ҳажмини акс эттиради. Ушбу якуний маҳсулотни ҳисоблашда хомашё, ярим маҳсулотлар, бошқа моддалар, ёқилғи, электр қуввати ҳамда уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа хизмат турлари (қайта ҳисоб бўлмаслигининг олдини олиш учун) чегириб ташланади.

Айни пайтда баъзи мамлакатларда (АҚШ ва ҳ.к.) **ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)** кўрсаткичидан фойдаланиладики, у ЯИМдан фарқли ўлароқ қайси мамлакатда яратилганлигидан қатъий назар шу миллат (мамлакат)нинг корпорациялари, хусусий шахслари назоратида бўлган ишлаб чиқариш ҳажмини акс эттиради.

ЯММни аниқлаш учун шу мамлакатда фаолият кўрсатаётган чет элликларнинг даромадлари (чет эл корпорацияларининг фойдалари ҳамда чет эллик ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари) ЯИМдан чегириб ташланади, шу мамлакат корпорациялари, фуқаролари хорижда ишлаб топган даромадлари қўшилади. ЯИМ билан ЯММ кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут одатда миқдор жиҳатидан унчалик кўп бўлмайди, нари борса қарийб 1% ни ташкил этади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ЯИМ кўрсаткичи миллий ҳисоблар тизими асосида ишлаб чиқилади. Бу тизим меҳнат фаолиятининг барча турларида меҳнат унумли моҳиятга эга,

деган қоидага асосланган (қиймат яратилиши нуқтаи назаридан).

Миллий даромад (МД) кўрсаткичи қуйидагича белгиланади: ЯИМ минус амортизация (шунда соф ЯИМ ҳосил бўлади), минус билвосита солиқлар ва плюс субсидиялар. Солиқлар маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларига тирқалади. Субсидиялар нархларга тескари таъсир қилади – бу нархлар ана шу субсидиялар миқдорида пасаяди. МД кўрсаткичи ишлаб чиқарилган миллий маҳсулот кўрсаткичига деярли тўғри келади. Миллий маҳсулотнинг ўсиш суръати узоқ муддат нуқтаи назаридан ЯИМга деярли тўла равишда мувофиқ келади, шунинг учун ҳам адабиётларда асосан ЯИМ кўрсаткичидан фойдаланилади.

Турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш омиллари, тараққиёт даражасининг хилма-хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бирон-бир ягона кўрсаткич орқали баҳолашга имкон бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бошига ҳисоби.
2. Миллий иқтисод тармоқлари таркиби.
3. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (ушбу тармоқларнинг ривожланиш даражаси).
4. Аҳолининг турмуш даражаси ва унинг сифати.
5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Иқтисодий тараққиёт даражасини таҳлил этишда ЯИМ, ЯММнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари бош мезон ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни аниқлаш бўйича халқаро тоифалашда ана шу кўрсаткичлар асос қилиб олинган. Жумладан, XX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йилларнинг бошларида ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бир йилда 8 минг долларни ва ундан кўпроқни ташкил этувчи давлатлар ривожланган мамлакатлар тоифасидан жой олган.

Айрим ривожланаётган мамлакатларда (Саудия Арабистонида) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ривожланган мамлакатлар сингари юқори даражани ташкил этади, бироқ бошқа кўрсаткичлар (иқтисоднинг тармоқлар тузилмаси, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва ҳоказолар) йиғиндисига кўра бу мамлакатларни ривожланган мамлакатлар тоифасига қўшиб бўлмайди.

2 – 84

SamISI
Inv № _____

Халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган бошқа бир кўрсаткич ҳам бор — бу **миллий иқтисод тармоқлари таркибидир.** Уни аниқлашда тармоқлар бўйича ҳисоб-китоб қилинган ЯИМ кўрсаткичи асос қилиб олинади. Бу ўринда аввало халқ хўжалигининг моддий, номоддий тармоқлари ўртасидаги нисбат эътиборлидир. Бу нисбат аввало қайта ишлаш саноати мамлакат иқтисодиётида қанчалик салмоқли ўрин тутганлигига қараб белгиланади.

Алоҳида тармоқлар тузилмасини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, қайта ишлаш саноатининг тармоқ таҳлили, унда машинасозлик ва кимё, яъни фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар қанчалик салмоққа эга эканлигини кўрсатиб беради. Етакчи тармоқларнинг аҳамияти катта. Масалан, саноати ривожланган мамлакатларда машинасозлик тармоқлари ва ишлаб чиқаришларининг сони 150—200 ва ундан ҳам кўпроқ бўлса, иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатларда бу рақам атиги 10—15 ни ташкил этади. Йирик хўжалик мажмуалари ёқилғи-энергетика, агросаноат, қурилиш, ҳарбий саноат ва бошқаларнинг тутган салмоғи ҳам таҳлил қилинади.

Миллий иқтисодиёт ривожида бош омил ҳисобланувчи **баъзи асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга доир кўрсаткичлар** ҳам мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан далолат беради; улар мазкур мамлакат ана шу асосий маҳсулот турларига бўлган ўз эҳтиёжини қай даражада қоплай олиши мумкинлигини кўрсатади.

Бу кўрсаткичлар қаторида энг аввало аҳоли жон бошига электр қуввати ишлаб чиқариш қай даражада эканлиги эътиборга олинади. Электр-энергетика соҳаси барча ишлаб чиқариш турларининг ривожида тагзамин ҳисобланади. Бу кўрсаткич техника тараққиёти имкониятларидан, хизмат кўрсатиш савияси ва ҳоказолардан далолат беради. Ривожланган, суст ривожланган мамлакатлар ўртасида ушбу кўрсаткич бўйича нисбат ҳозирги пайтда 500:1, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Статистика аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотларининг энг муҳим турлари ичида пўлат эритиш ҳамда прокат, маъдан қирқувчи дастгоҳлар, автомобиллар, минерал ўғитлар, кимёвий толалар, қоғоз ва қатор бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳам алоҳида эътиборга олади.

Мамлакатда истеъмол маҳсулотларининг асосий турлари: дон, сут, гўшт, шакар, картошка кабиларни ишлаб чиқариш аҳоли жон боши ҳисобига қанчадан тўғри келиши ҳам бошқа бир муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Ана шу кўрсаткич БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти – ФАО ёки миллий институтлар томонидан ишлаб чиқилган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ўлчовлари билан қиёслаб кўрилганда, ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳоли қай даражада таъминланаётганлиги, истеъмолдаги озиқ-овқатнинг сифати ва бошқалар маълум бўлади.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлар: газлама, кийим-кечак, пойафзал, трикотаж кабиларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам турмуш даражасидан далолат беради.

Узоқ муддатли фойдаланиладиган қатор маҳсулотлар: музлатгич, кир ювиш машиналари, енгил автомобиллар, видеожиҳозлар, шахсий компьютерлар ва ҳоказоларнинг мавжуд миқдори (ёхуд мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми) аҳолининг ҳар 1000 нафарига ёхуд ўртача статистик оилага қанчадан тўғри келишига доир кўрсаткич ҳам шуларга киради.

Аҳоли турмуш даражасини аниқлаш, одатда, бир-бири билан ўзаро боғланган кўрсаткичлар: "истеъмол савати" (корзина) ва "ҳаёт кечириш минимуми" ни белгилаш орқали давом эттирилади.

Турмуш даражасини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади:

– меҳнат ресурсларининг аҳволи (ўртача умр кўриш, аҳолининг маълумот даражаси, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмоли, калориялар, протеин ҳисобига қанча эканлиги, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, ҳар 10 минг аҳолига қанча ўқувчи ва талаба тўғри келиши, ЯИМда таълим учун харажатлар салмоғи);

– хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи (ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган врачлар сони, ҳар 1 минг аҳолига тўғри келадиган касалхона ўринлари сони, аҳолининг уй-жой, маиший хизмат турлари билан қай даражада таъминланганлиги ва ҳоказо).

Кейинги йилларда жаҳон тажрибасида **турмуш сифатини** аниқлашда мамлакат ижтимоий тараққиётига доир кўрсаткичлар (ёки индекслар)дан фойдаланилмоқдаки, булар аҳолининг маълумот даражаси, ўртача қанча умр кўриши, иш ҳафтасининг муддати ва қатор бошқа нарсаларни ўз ичига олган кўпгина иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни жамлаб олади.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари гуруҳи иқтисодий тараққиёт даражасини жуда аниқ белгилаб беради, нега деганда у бевосита ёки билвосита – мамлакатда асосий ва айланма капиталдан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сифати, ҳолати, даражасидан далолат беради. Самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1) Меҳнат унумдорлиги (саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш тармоқлари ва турлари бўйича);

2) ЯИМ бирлигига ёки аниқ бир маҳсулот турига қанча капитал сарфланиши;

3) асосий фондлар қайтими коэффициенти;

4) ЯИМ бирлигига ёки аниқ бир маҳсулот турларига қанча хомашё сарфланади.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ташқи иқтисодий алоқалари шунчалик фаол ва хилма-хил бўлади. Демак, мамлакатнинг **халқаро иқтисодий алоқалардаги** иштироки ҳам қисман унинг иқтисодий тараққиёти даражасидан далолат беради.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси бу ердан **четга олиб чиқилаётган капитал** (капиталларнинг халқаро ҳаракати)га оид қуйидаги кўрсаткичларда акс этади:

1. Ушбу мамлакатнинг чет эллардаги бевосита инвестициялари (активлари) ҳажмида, унинг мамлакат миллий бойлиги билан нисбатида. Одатда юксак иқтисодий ривожланиш даражасига эришган мамлакат ўзга мамлакатлар иқтисодиётига капитал киргизишда катта имкониятларга эга бўлади.

2. Ушбу мамлакатнинг чет эллардаги бевосита (тўғридан-тўғри) инвестициялари ҳажмининг ўз ҳудудларидаги бевосита чет эл инвестициялари ҳажмига нисбати. Бу нисбат халқаро интеграция жараёнлари қанчалик ривожланиб бораётганлигини кўрсатади, капитал инвестиция қилинган мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти нечоғлик самарали ишлаётгани ва унинг тараққиёт даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

3. Ушбу мамлакатнинг ташқи қарзи ҳамда шу қарзнинг мамлакатдаги ЯИМнинг миқдорига нисбатан салмоғи.

Булардан келиб чиқиб, дунёдаги жамики мамлакатлар халқаро тажрибада асосан учта гуруҳга бўлинади: бозор иқтисодига асосланган – ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодига ўтиш босқичидаги мамлакатлар.

Бозор иқтисодига асосланган – ривожланган мамлакатлар гуруҳи 27 мамлакатдан иборат. Бу гуруҳ таҳлил мақсад-

ларида ўз навбатида саноати энг кўп ривожланган мамлакатларга бўлиниб, **ушбу тоифага улар ичида энг кўп миқдорда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқарувчи етти мамлакат** киради (Германия, Италия, Канада, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония).

Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатлар гуруҳига Шарқий Европа мамлакатлари, яъни Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ҳамда Иттифоқ барҳам топгандан кейин юзага келган янги давлатлар: Россия, Украина, Беларуссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Арманистон, Молдавия, Озарбойжон, Грузия, Болтиқбўйи мамлакатлари – Латвия, Литва ва Эстония, шунингдек, Югославия бўлиниб кетгандан сўнг пайдо бўлган янги мамлакатлар ҳамда Хитой ва Вьетнам киради.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг жуғрофий ҳолатига қараб турли минтақаларга бўлинади. Таҳлил мақсадларида бу мамлакатлар фаол тўлов баланси, капитални экспорт қилиш имкониятларига қараб алоҳида ажратиб кўрсатилади. Капитални экспорт қилиш имкониятларига эга бўлган мамлакатлар ўз навбатида энергоресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар ва буларни импорт қилувчи мамлакатлар тоифасига бўлинади. Мамлакат қуйидаги икки ҳолатга бараварига жавоб берадиган тақдирдагина **энергоресурсларни экспорт қилувчи давлат** ҳисобланади:

1) Унинг бирламчи энергия қувватлари (шу жумладан, тошкўмир, лигнит, ишланмаган нефть, табиий газ, гидроэнергия ва атом энергияси)ни ишлаб чиқариши ўз эҳтиёжларидан камида 20 фоиз ортиқча бўлса;

2) энергия қувватларининг экспорти мамлакатнинг умумий экспорт ҳажмининг камида 20 фоизини ташкил этса.

Саноат ривожи нуқтаи назаридан юқори даражада бўлган ривожланаётган мамлакатлар "Янги индустриал мамлакатлар" гуруҳини ташкил этади (Аргентина, Бразилия, Мексика, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Туркия).

"Жуда суст ривожланган мамлакатлар" гуруҳига 48 нафар ривожланаётган мамлакатлар киради. Кўпинча булар хўжаликда тор, ҳатто якка ҳокимлилик тузилмаларига эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги чора-тадбирларни молиялаштиришда кўп жиҳатдан ташқи манбаларга қарам бўлади. БМТда мамлакатларнинг ушбу гуруҳга мансублигини аниқлаш борасида учта белгидан фойдаланилади; ялпи ички маҳсулот

(ЯИМ) аҳоли жон бошига ҳисобланганда 350 АҚШ долларидан ошмайди, ўқиш-ёзишни биладиган ўрта таълимли катта ёшдаги аҳоли 20 фоиздан, ЯИМдаги қайта ишлаш саноати улуши 10 фоиздан юқори бўлмайди. Бу гуруҳга Осиёда 8, Африкада 28, Лотин Америкаси ва Океанияда 5 мамлакат ва ҳоказолар киради.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг узоқ давом этган ривожланиши, уларда рўй берган интернационаллашув натижасидир. Жаҳон хўжалиги ўз тарихида анча жиддий ўзгаришларни бошидан кечирди. Эндиликда у мураккаб иқтисодий тизимдан иборат бўлиб, унинг бағрида сайёрамизнинг барча умумий ижтимоий маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Трансмиллий корпорациялар, миллий хўжаликлар унинг субъектлари ҳисобланиб, буларнинг фаолиятида ҳамкорлик, қарама-қаршилик намоён бўлаверади.

Гарчи жаҳон хўжалиги яхлит бир тизимдан иборат бўлса, у қурама шаклда, турли хил шаҳобчалар, яъни ҳам умумий, ҳам ўзига хос томонларга эга бўлган кичик тармоқ тизимларидан ташкил топади.

Мутахассислар жаҳон хўжалигининг алоҳида кичик тармоқ тизимларига бўлинишини асослаш, холисона баҳолаш мақсадида қуйидаги мезонлардан фойдаланишади: иқтисодий тараққиёт даражаси, хўжаликнинг ижтимоий тузилмаси, ташқи иқтисодий алоқалар даражаси ва хусусияти, иқтисодий юксалиш йўллари.

Шу билан бирга кичик тармоқ тизимига баҳо беришда хўжаликнинг тараққиёт даражаси — аҳоли жон бошига қанча ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилишини кўрсатувчи омил кенг тарқалган мезон ҳисобланади. Бирор бир мамлакатнинг қай даражада ривожланганлиги айни бир пайтда ишлаб чиқаришнинг қанчалик саноатлашгани, таркиби қандай эканлиги билан ҳам белгиланадики, бу жиҳатлар миллий даромадининг ўсишида муҳим омилдир.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига қанча хомашё сарфланиши ҳам иқтисодий тараққиёт даражасини кўрсатади. Иқтисодий тараққиёт даражаси юксалган сари хомашё ва электр қуввати сарфлари камая боради, табиий хомашё ўрнига кўпроқ миқдорда сунъийлари ишлатилади.

Маълумки, мамлакатлар юқорида қайд этилган кўрсаткичлар ва аввало аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб

чиқариш кўрсаткичлари бўйича бир нечта гуруҳга ажратилади. Одатда мутахассислар мамлакатларни уч гуруҳга – **юксак даражада ривожланган мамлакатлар** (буларда ушбу кўрсаткич АҚШдаги ЯММ нинг ярмидан кўпроғини ташкил этади), **ўрта даражада ривожланган мамлакатлар** (буларнинг кўрсаткичи АҚШдаги кўрсаткичнинг 30–50 фоизидан иборат) ҳамда бошқа давлатлар, шу жумладан, бир гуруҳ **энг суст ривожланган мамлакатлар** (буларда мазкур кўрсаткич белгиси ғоят паст даражада) каби тоифаларга ажратишади.

Бундан ташқари, кичик тармоқ тизимларининг хусусиятлари ва жаҳон хўжалигида тутган ўрни ташқи секторнинг миллий хўжаликдаги ўрни билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу нарса маҳсулотларни хизмат турларини экспорт ва импорт қилишда, капиталнинг ҳаракатида намоён бўлади. Бу ҳол мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокининг йўналиши, салмоғи ва шаклларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожининг ҳозирги даражаси, ишлаб чиқаришдаги интернационаллашув ёпиқ мажмуалар кўламида самарали хўжалик юритишга имкон бермайди. Агар иқтисодиёт очиқ бўлса, халқаро миқёсдаги айирбошлаш туфайли етишмай турган ёхуд яна ҳам арзонроқ бўлган истеъмол ва капитал маҳсулотлари ҳамда хизмат турлари оқиб кела бошлайди, маҳсулотни сотиш учун қўшимча бозорларга йўл очилади.

Муглақо табиийки, ташқи иқтисодий алоқалар аҳамиятини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар ичида аввало маҳсулот ва хизмат турларига бериладиган экспорт ва импорт квоталари, ташқи савдодаги маҳсулот тузилмаси, капитал, технология, ишчи кучининг халқаро ҳаракатидаги иштироки, хўжаликнинг очиқлик даражаси сингари жиҳатлар муҳим ҳисобланади.

Бу ўринда **очиқ иқтисодиёт** деганда, шундай бир хўжалик назарда тутиладики, унда тараққиёт йўналишлари жаҳон хўжалигида амал қилувчи саъй-ҳаракатлар билан белгиланади, ташқи иқтисодий алоқалар кучайиб, айни пайтда ташқи савдода шундай даражага эришиладики, оқибатда у иқтисоднинг умумий ўсишини рағбатлантиради. Ташқи савдо кўлами ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 20 фоизини ташкил этадиган даражага етгач, у хўжаликка рағбатлантирувчилик, раҳна солувчилик таъсирини ўтказади, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, иқтисоднинг очиқлиги мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки билан белгиланадиган ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантириш бораси-

даги таъсири билан боғлиқ. У ёки бу даражада ёпиқ бўлган хўжаликда ишлаб чиқариш тузилмаси, бир томондан, мамлакатда мавжуд бўлган ресурслар, иккинчи томондан эса, ички талаблар тизими билан белгиланади. Очиқ иқтисодиётнинг хусусияти шундаки, халқаро меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришда ички тузилмаларни шакллантиришга доир қандай қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказади.

Кичик тармоқ тизимларини тоифалашда мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари — тараққиёт даражасигина эмас, балки ишлаб чиқариш кучларининг миқёси, аҳолининг сони, ҳудуднинг кўлами, табиий бойликларнинг мавжудлиги билан ўлчанадиган омиллар салмоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Хитой, Ҳиндистон сингари мамлакатларни қатор тадқиқотчилар алоҳида кичик тармоқ тизимларига киритганлиги бежиз эмас.

Умуман олганда, ҳозирги замон жаҳон хўжалигида турли мезонларга асосланиб тоифалаштирилган маълум миқдордаги кичик тармоқ тизимлари мавжуд. Булар орасида миллий иқтисодларнинг уч гуруҳи энг йирик ҳисобланади: булар ривожланган мамлакатлар, ўтиш давридаги мамлакатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатлардир. Айни бир пайтда мазкур кичик тармоқ тизимлари юқоридаги мезонларга кўра, яна кичик тизимларга бўлиниши мумкин.

Бозор иқтисодининг моҳияти ва асосий тамойиллари

Бозор иқтисоди ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини ўрганишга киришишдан олдин, сиёсий-иқтисодий тизимга биринчи қадамини қўяётганлар унинг ишлаш характерини белгилаб берувчи моҳияти, асосий принциплари билан умумий тарзда бўлса-да, танишиб чиқиши керак бўлади.

Лекин, аввал мавжуд иқтисодий тизимлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида тўхталиб ўтиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тизими жуда мураккаб тузилишга эга.

— У ўз ичига қонунлар (масалан, мулкчилик ҳуқуқлари ҳақида), қарорлар, фармойишлар, солиқлар, субсидиялар, хуллас — давлат асосий иқтисодий масалаларга таъсир кўрсатадиган барча воситаларни қамраб олади:

1) Нима ишлаб чиқариш керак?

2) қандай ишлаб чиқариш керак?

3) қандай тақсимлаш керак?

— У, шунингдек, маҳаллий капитал томонидан яратилган ёки чет эллик мулк эгаларининг назорати остида бўлган миқёси, мулкчилик шакллари турлича бўлган фирмаларни ҳам ўз ичига олади.

— Ҳам бой, ҳам камбағал истеъмолчилар унинг таркибий қисми ҳисобланади.

— Унинг ресурслардан фойдаланишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган ижтимоий тузилиши иқтисодий тизимнинг энг муҳим қисми ҳисобланади.

— Ҳар қандай жамият (давлат) ижтимоий тузилишининг характерли хислатлари унинг мулкка, назорат ва мақсадларига муносабати билан белгиланади. Айтилганларга яққол мисол тариқасида ишлаб чиқаришнинг ер сингари омилини олиб кўрамиз.

Унга қуйидагилар эгалик қилиши мумкин:

1) Давлат;

2) хусусий шахслар;

3) бир неча йирик ер эгалари ва ҳоказо.

Ердан фойдаланиш борасида унинг эгалари орқали назорат қилиниши ёки бу иш шу мақсадда ёллаб олинган фермерлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ердан фойдаланиш устида назорат қиладиганларнинг мақсадлари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Кимдир пул ишлаш учун мўл ҳосил етиштиришдан манфаатдор, бошқалар эса ўзи истеъмол қилиши учун маҳсулот ишлаб чиқаради.

Бинобарин, иқтисодий тизимлар тавсифномаси жуда хилма-хил бўлиши ва уларни уч турга бўлиш мумкин.

1. Анъанавий иқтисод.

2. Буйруқбозликка асосланган иқтисод.

3. Бозор иқтисоди.

Анъанавий иқтисод

Анъанавий иқтисодий тизим у ёки бу товар ишлаб чиқариш усулларида йилдан-йилга юз бераётган ўзгаришларнинг камлиги билан ажралиб туради. Унинг техника билан қуролланиши ҳам ана шундай эскича характерда бўлади.

Ишлаб чиқариш жамоа аъзолари ўртасида аввал белгилаб қўйилган анъаналарга мувофиқ тақсимланади. Нима ишлаб чиқариш керак, қандай ишлаб чиқариш ва қандай тақсимлаш

керак деган иқтисодий саволларга ҳам ўша анъаналарга таяниб жавоб бериш мумкин.

Ҳунармандчилик устахонаси, патриархал қишлоқ хўжалик жамоаси анъанавий иқтисоднинг ёрқин намуналаридир.

Буйруқбозликка асосланган иқтисод

Бунда ресурсларни тақсимлаш масаласи марказий раҳбарият томонидан ҳал қилинади, у барча юқорида айтилган уч иқтисодий масалалар юзасидан ҳамма зарур қарорларни қабул қилади.

Бундай иқтисод қарорларни марказлаштирган ҳолда қабул қилиш билан ажралиб туради ва у марказлаштирилган режалаштиришга муҳтож бўлади. Шунинг учун ҳам иқтисоднинг бу тури марказлаштирилган ҳолда тузиладиган, буйруқбозлик асосида амалга оширилади иқтисод деб таърифланади.

Бозор иқтисоди

Иқтисоднинг бу турида ресурсларни жойлаштириш ечими марказий йўл-йўриқларсиз, якка тартибда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан мустақил қабул қилинган кўпдан-кўп қарорларнинг ечими сифатида тадбиқ этилади.

Бозор иқтисоди шароитида асосий иқтисодий муаммоларга тааллуқли ечимлар марказнинг иштирокисиз қабул қилинади. Бозор белгилаган нархлар асосий мувофиқлаштирувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эркин бозор тизимини кўпинча нарх тизими деб ҳам аташади (price system).

Бозор – ноёб макон бўлиб, унда одамлар (индивидлар) товарларни, хизмат ёки ишлаб чиқариш омилларини сотиш ёхуд харид қилиш мақсадида бир-бирлари билан муносабатда бўлади. Бозор асосини алмашув ташкил этади.

Анъанавий кўринишдан ташқари бозорлар муайян биноларда жойлаштирилиши ҳам мумкин, баъзан анча абстракт кўринишга эга бўлади. Масалан, чет эл валюталари, қимматбаҳо қоғозлар, заёмлар бозори ва ҳоказо.

Умуман, бозор иқтисоди деган бир хил маънодаги аниқ тушунчанинг ўзи йўқ. Унинг ҳар хил кўринишда намоён бўлиши мамлакат ёки минтақанинг тарихий, географик ривожланишининг ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Лекин бозор иқтисодиётига хос бўлган бир қатор асосий ва универсал принциплар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

— рақобат (талаб ва таклиф)га асосланган баҳо белгилаш тизими. У фақат товар ва хизматларга бўлган нархларни эмас, алмашиш курслари, фоизли тўловларни ҳам ўз ичига олади;

— хусусий мулкка эгалик қилиш (давлат мулки сақланиб қолаётган айрим соҳалар бундан истиснодир, бунда тижорат тамойиллари қўлланиши керак);

— шартномавий муносабатларга киришиш эркинлиги;

— очиқ бозорлар;

— қонун устуворлиги;

— барқарор валюта.

Бу принциплар ўзаро боғлиқ, улар бозор иқтисодиётини барпо этиш учун зарур ҳолатларни яратиш билан иложи борича бир вақтда амалга оширилиши керак.

Жаҳон хўжалиги ривожининг асосий босқичлари ва хусусиятлари

Бозор иқтисоди ўз ривожида жамият ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожи даражасидаги ўзгаришларга мувофиқ бир қатор босқичларни босиб ўтди. Унинг тарихи ҳақида сўз бораркан, унинг айрим элементлари, жумладан, талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқлиги неча йиллардан бери мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Лекин узоқ ўтмишда уларнинг функциялари хусусий характерга эга бўлган, капитализмнинг ривожланиши билан эса ортирган ўша тизимни ташкил қилувчилик ролини ўйнаган эмас. Биринчи навбатда ёлланма меҳнат тизимининг ривожланиши билан боғлиқ янги ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши, ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашиши, буғ машиналарининг ихтиро қилиниши меҳнат унумдорлигининг кескин ошишига ёрдам берди, бу жамият тараққиётида муҳим роль ўйнаб, тарихда янги бир даврнинг келганини билдирди. Шунинг учун I-босқичнинг бошланишини XVIII аср охирига — XIX асрнинг биринчи ярмига кўчириш мумкин, бу даврда мазкур жараёнлар етакчи тенденция ролини касб этди.

Бинобарин, бу бўлимда янги давр капиталистик (бозор) иқтисоди ривожининг кейинги босқичлари хусусида гап боради.

1-босқич:

XIX аср ўрталаридан XX асрнинг биринчи чорагини қамрайди. XX асрнинг 20-йиллар охиригача жамғармалар миқдорининг кескин ўсиши капиталистик (бозор) иқтисодининг ўзига хос хусусияти бўлди. Бу:

– ишлаб чиқариш кенгайиши миқёсларига;

– миллий даромад кўламига;

– фойдага;

– капиталнинг ортиқча тўпланишига тааллуқлидир.

Лекин шунинг билан бирга капиталистик иқтисоднинг асосий таснифи ўзгармасдан қолди. Дарвоқе, у вақтларда ўзгаришлар тўғрисидаги масала долзарб эмас эди, чунки XX асрнинг 20-йилларида Ғарбнинг етакчи мамлакатлари хўжаликлари юксак суръатлар билан ривожланиб, ишлаб чиқариш янги усулининг тантанасини намойиш қилаётган эди.

2-босқич:

Бу босқич "буюк турғунлик" даври билан, ундан чиқиш ва урушдан кейинги йиллар билан боғлиқдир. Инқироз сира кутилмаганда, 1929 йилнинг 24 октябрида юз берди ("қора пайшанба"), ушбу пайтда АҚШнинг жамғарма биржасида 13 млн акция ниҳоятда паст нархда сотилди. Заводлар, корпорациялар, деҳқон фермалари хонавайрон бўлиб ёпила бошлади.

Америка иқтисоди учун бу мудҳиш вазият қуйидаги нохуш оқибатларга олиб келди:

– ишчанлик фаолияти жуда пасайиб кетди, бунинг натижасида мамлакатда саноат ишлаб чиқариш даражаси 1932 йилга келиб 1929 йилдагига қараганда 2 баробардан кўп қисқарди;

– ишсизлик ортди, 1935 йилда бутун ишчи кучининг 25%ни ташкил қилди;

– бошпанасизлар сони ортди – 1932 йилда 2 млн киши;

– ҳатто миллионерлар сони камайди; 513 кишидан 20 кишига тушиб қолди.

Бу ортиқча ишлаб чиқариш туфайли юз берган инқирознинг характерли намунаси эди.

Бунинг бош сабаби – 20-йиллардаги иқтисодий ўсиш даврида капиталнинг ортиқча тўпланиб қолиши, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қурилишга жуда кўп маблағ сарфланиши, иш ҳақининг жуда секин ўсишидир. Бу эса ўз навбатида талабнинг ортишини чеклаб қўярди.

Бунинг устига даромадлардаги табақалашув кескин ортиб кетди. 20-йиллар охирларида аҳолининг атиги 5% барча шахсий даромадларнинг 33 фоизини олар эди. Натижада жамғарма билан истеъмол ўртасида катта узилиш юзага келди. Даромадларнинг ўсиш суръати ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига нисбатан ниҳоятда пасайди.

Бу танг вазиятдан чиқиш йўлини АҚШ президенти Ф.Рузвельт маъмурияти таклиф қилди ва у "Янги йўл" деб аталиб, ўз ичига мамлакатдаги аҳволни мувофиқлаштиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг бутун бир мажмуасини оларди.

Жумладан, қуйидаги муҳим қонун лойиҳалари қабул қилинди:

— Банклар тўғрисидаги фавқулодда қонун;
— қишлоқ хўжалигини тартибга келтириш тўғрисида;
— саноатни тиклаш тўғрисида;
— "ичкилик ман этилган қонун"ни бекор қилиш тўғрисида;
— меҳнат муносабатлари ҳақида;
— ижтимоий суғурта тўғрисида, бу қонунга мувофиқ, жумладан, касаба уюшмалари расмий деб эълон қилинди, ишсизларга нафақа тўлана бошланди.

Ҳукумат давлат ишларига, уй-жой қурилишига, ҳарбий кемалар барпо этишга жуда катта маблағ (3,3 млрд доллар) ажратди. Бу тадбирлар одамларнинг иш билан кўпроқ таъминланишига, ишлаб чиқаришнинг жонланишига, охир-оқибатда талабнинг ортишига ёрдам берди.

Иш ҳақининг энг кам тариф ставкаси 25 цент, иш ҳафтасининг энг кўп муддати 44 соат қилиб белгиланди.

Ҳукумат ишсизлар учун меҳнат лагерлари барпо этди, улар бу ерда кўчат ўтказишар, йўлларни тузатишар, кўприклар қуришарди. Уларнинг ҳар бири бошпаналик бўлди, иш билан таъминланди, кунига 1 доллар иш ҳақи олди.

Қишлоқ хўжалигини рағбатлантириш учун ҳам алоҳида чора-тадбирлар кўрилди. Фермерлар дон маҳсулотларини давлатга паритет (тенг) нархларда сотиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга бўлди. Бу харид нархлари фермерлар сотиб олаётган ёнилғи, ўғит, техника ва бошқа харажатлар нархларидан анча юқори қилиб белгиланганлигини англатарди. Бундан мақсад, ишлаб чиқаришни даромадли қилиш, деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига йўл қўймаслик эди. Экин экиладиган ерларни сотиш 3 йилга таъқиқлаб қўйилди. Акс ҳолда миллионлаб фермерлар қарзлари туфайли

фермаларидан жудо бўларди. Дарвоқе, бу қарзларни узишда ҳам ҳукумат уларга катта ёрдам берди.

Бу ишларга керак пулни йиғиб олиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарадиган корхоналарга қўшимча солиқ солинди. Кейинчалик давлат асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳар йили норма (бу аслини олганда миллий режа эди) белгилади. Натижада давлат омборларида 3 йилга етадиган дон ғамлаб қўйилдики, бу уруш йилларида жуда асқотди. Ҳукумат фермерларнинг ўз маҳсулотларини сотишларида қийинчилик туғилмаслиги учун четдан мамлакатга олиб келинаётган товарларни ҳам назорат остига олди. Бу тартиб ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Шундай қилиб, жаҳон капитализмида илк бор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг механизмлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бундан мақсад эркин тадбиркорлик тизимини қайтадан тузиб чиқиш, унга давлат йўли билан тартибга солиб туриш элементларини киритиш эди.

Ф.Рузвельт бозорни мукаммал иқтисодий механизм деб ҳисобламасди, унга (бозорга) давлат қуйидагича тузатишлар киритиши билан таъсир қилишини эътироф этарди:

– қўшимча талабларни рағбатлантириш билан;
– давлат буюртмаларини жойлаштириш орқали;
– ижтимоий секторда иш жойларини барпо этиш билан;
– миллий даромадни қайта тақсимлаш билан.

3-босқич:

XX асрнинг 50-йиллари бошларидан бозор иқтисодига ўтган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида янги сифат ўзгаришлари юз бердики, улар капитализм ҳақидаги бизга таниш шакл ва тасаввурларга тўғри келмайди.

Янги ривожланишнинг дастлабки унсурлари 30-йиллардаёқ намоён бўла бошлади, лекин улар қатъий бир шакл ва тарихий аҳамиятини 70–80-йиллардаги инқирозлардан кейин касб этди.

Бу вақтга келиб оммавий узлуксиз стандартлашган ишлаб чиқаришнинг улкан потенциал имкониятлари билан кескин ўсган ижтимоий талаб ўртасидаги зиддият янада кучайди.

Талаб билан таклиф ўртасидаги бундай зиддият илгарилари ҳам бўлган, лекин улар илгарилари вақтинчалик даврий инқирозлар жараёнида ҳал этилган, XX асрнинг ўрталарига келиб вазият сезиларли даражада ўзгарди, чунки бу зиддиятлар энди бошқача хусусият касб этган эди.

Гап шундаки, капиталистик саноат 40—50-йилларда ўтган техника базаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш тури, айниқса, автоматлаштириш стандартлашган маҳсулотнинг жуда катта миқдорини "чиқариб ташлаш" учун янги имкониятлар очди, бозорни маҳсулотлар билан тез тўлдиришга ёрдам берди. Ўз навбатида аҳоли реал даромадларининг ортиши, давлатнинг ижтимоий сиёсати ижтимоий бозорнинг анча кенгайишига олиб келди.

Аҳолининг дастлабки талабларини тўла қондирилиши, умумий турмуш даражасининг ошиши ана шу тутилган йўллар натижаси бўлди.

Шу муносабат билан иқтисодий талаб ва бозорнинг мутлақо янги ҳолати юзага келди: талаб оммавийликдан якка тартибдаги талабга айланди, товарлар сифатига юксак талаблар қўя бошланди.

Бундан ташқари, истеъмолнинг янги турлари — ижтимоий товар ва хизматларга талаб пайдо бўлди:

— турмуш сифати;

— атроф-муҳит тозалиги;

— бўш вақтни ташкил этиш (фойдаланиш) эҳтиёжи ва ҳоказо.

Бундай шароитда ишлаб чиқариш кўламини оширишга асосланган ишлаб чиқаришнинг илгариги усули ва рационализаторлик усуллари энди иш бермай қўйди, бозордаги ўзгарган талабни қондириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг принцип жиҳатдан янги техник ташкилий базаси талаб этилар эди. Бу эса фан-техника тараққиётини тезлаштирди, иқтисодий тизимда хўжаликни ташкил қилиш, ўзаро муносабатларнинг принципиал бошқа шаклларини юзага келтирди.

Айни вақтда янги бир муаммо пайдо бўлди: ишлаб чиқарилаётган товарларни кўпайтиришни кўзда тутган иқтисодий ўсиш "ресурсларни ямламай ютадиган" бир ҳолатни юзага келтирдики, бу 90-йилларнинг бошларига келиб иқтисодий ўсиш учун жиддий хавф туғдирди ва мавжуд шароитда фан-техника тараққиёти йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Бу ривожланиш ишлаб чиқаришга бўлган янги талаблар энди фақат техник омил билан таъминланмаслигини кўрсатди. Мазкур омил XX аср бошлари ва ўрталарида индустриал жамият муаммоларини ҳал этар эди. Энди, ўтган юз йилликнинг охирги 3-қисмида у иқтисодий жараёнларни

рационаллаштиришдаги биринчиликни **инсон омилига** бўшатиб берди. Чунончи, Японияниинг "Мазда" автомобиль компанияси беш йил давомида (1975–1980) "ишлаб чиқаришнинг янги тури сари сакраш қилганида ва меҳнат унумдорлигини 2,5 баробар оширганида, ўсишнинг 80% янги техника ёки йирик маблағ сарфлаш билан боғлиқ бўлмади".

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигини жаҳон хўжалиги тараққиётидаги учинчи даврнинг энг муҳим босқичларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Географик маконни ўзлаштириш, халқаро. қатор ҳолларда эса глобал миқёсда ишлаб чиқариш кучларини шакллантириш даражаси кўтарилди, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ва бир-бирига боғлиқлик кучайди. Шарқий Европа мамлакатларида ғарб давлатларидагига яқин бўлган иқтисодий-сиёсий тузилмаларни шакллантириш ҳамда барпо этиш жараёнлари авж олди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида 90-йиллар бошларидан бери амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ушбу мамлакатлар иқтисодиётини хўжалик юритишни бозор шартларига мослаштиришга ҳамда жаҳон хўжалигига янада чуқурроқ интеграция қилишга қаратилмоқда. Жаҳон иқтисоди ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилиши мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашувига, уларнинг иқтисодий-сиёсий тузилмалари ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

90-йиллардаги жаҳон иқтисоди тараққиётида рўй берган ҳамда шу ўн йиллик ўрталарига келиб рўй-рост намоён бўлган муҳим хусусият шундан иборатки, саноатдаги инқироз секин-аста, гарчи изчил бўлмаса ҳам, лекин аниқ-равшан бартараф этила бошланди.

Чунончи, АҚШда иқтисодий ўсиш сезилмоқда; Япония турғунликдан кўтарилмоқда; Буюк Британияда узоқ давом этган стагнация даври тугади.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, умумий жаҳон иқтисоди охирги етти йилдан бери босқичли юксалиш палласида турибди. Чунончи, 1995 йилга келиб, у ЯИМнинг ўсиш суръатлари даражаси бўйича кейинги 25 йил ичида ўртача мавқега чиқиб олди, яъни бир йилда қарийб 3,5 фоизга кўпайди. Бироқ тахминан 1997 йилнинг ўрталаридан эътиборан иқтисодий юксалиш суръати пасая бошлади, бу ҳол 1998 йилнинг биринчи ярмида кучлироқ сезила бошлади. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) экспертларининг ҳисоб-

китобларига кўра ЯИМнинг жаҳон хўжалигидаги ўсиши 1998 йилда турғун нархларда 3,1 фоиздан иборат бўлган.

Шунга қарамай, иқтисодий юксалишдаги бу оқсоқлик ҳар ҳолда конъюнктурада юз берган вақтинча парокандалик билан боғлиқ кўринади. Экспертларнинг таъкидлашича, Жануби-Шарқий Осиё минтақасида 1997 йилда рўй берган молиявий-иқтисодий танглик оқибатлари жаҳон ишлаб чиқаришининг ривожига салбий таъсир кўрсатган. Яна шу тангликдан энг кўп зарар кўрган беш мамлакат (Жанубий Корея, Таиланд, Индонезия, Малайзия ва Филиппин) улушига ҳозир жаҳон ЯИМининг тахминан 2,7 фоизи тўғри келади, аммо Осиёда рўй берган бу танглик глобал даражадаги савдо ва инвестиция алоқалари тизими орқали дунёдаги кўпгина мамлакатларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатди.

Шунга қарамай, дунё хўжалигида ўзаро рақобат қилувчи учта асосий марказда кейинги пайтларда вазият турлича тус олди. Масалан, АҚШда қаторасига олти йил давомида барқарор иқтисодий юксалиш кўзга ташланмоқда: ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор нархларда 1996 йилдаги 3,8 фоиздан 2003 йилда 5 фоизга кўтарилиб, кейинги 10 йил ичида энг юқори чўққига эришди, саноатдаги ишлаб чиқариш ҳажми эса шу йилларда 2,7 фоиздан 4,7 фоизга кўпайди. 2003 йилга келиб ишсизлик даражаси ҳам пасайиб, 4,2 фоизни ташкил этди, бу кейинги чорак асрдаги энг паст кўрсаткичдир.

Европадаги етакчи давлатларнинг кўпчилиги юксалиш палласига АҚШдан кейин қадам қўйганлиги сабабли бу юксалиш аломатлари 1997 йилнинг иккинчи ярмидагина намоён бўла бошлади.

Бу минтақада иқтисодий фаоллик ошган бўлса-да, бу нарса бандлик соҳасидаги аҳволга ҳозирча сезиларли таъсир қилганича йўқ: меҳнатга яроқли аҳолининг умумий миқдорида ишсизлар сони 2003 йилда анча юқори даражани ташкил этди — бу рақам 8,3 фоиздан иборат бўлди.

Кейинги йиллар давомида Японияда иқтисодий вазият анча ёмонлашганлиги сезилди. Барқарор нархларда иқтисодий ўсиш 1996 йилдаги 5,1 фоиздан 1998 йилда — 2,8 фоизга тушиб қолди. Бироқ, 2001—2003 йиллар кўрсатгичлари сезиларли ўзгаришларга асос бўлмоқда.

АҚШ билан саноати ривожланган бошқа мамлакатларнинг тараққиёт даражалари ўртасида 50—70-йилларда рўй берган ўзаро тенглашув жаҳон хўжалиги ривожида муҳим белги бўлди. Олти етакчи мамлакатнинг (АҚШдан сўнг) ЯИМи 1955 йилда АҚШ ЯИМнинг 74 фоизини ташкил этган бўлса,

1970 йилда 114 фоизгача кўтарилди. Бироқ буларнинг бирортаси ҳам алоҳида, ўз ҳолича АҚШ иқтисодининг тараққиёт даражасига яқинлаша олмади. Аммо айни пайтда АҚШ иқтисодининг дунёдаги карвонбошлик ўрни ўз моҳиятини йўқота бошлади. Бу ҳолат рақобатда учта марказ: АҚШ–Япония–Ҳарбий Европа шаклланганлигида намоён бўлди.

Ҳозирги пайтда ривожланаётган мамлакатларнинг истиқболи ҳам анча яхшиланган бўлса-да, бу гуруҳдаги баъзи мамлакатлар ва минтақалардаги вазият мутлақо бир хил эмас.

Иқтисодиётдаги жонланиш 80-йиллардаги турғунликдан, мутахассислар "бой берилган ўн йиллик" деб атаган даврдан сўнг бошланди.

Мутахассисларнинг фикрича, 1997 йил иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатлар учун бурилиш йили бўлди. Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲдаги 25 давлатда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилган 7 йил ичида биринчи марта ЯИМ борасида камайишдан кўпайишга эришилди. Шарқий Европа ва Болтиқбўйи давлатларида иқтисодий ривожланиш суръатлари 1997 йилда бир мунча сустлашди, бироқ МДҲ ҳудудида хўжалик фаолияти бир мунча жонланганлиги сабабли бу сустлашувнинг кучи камайди. Ушбу ҳудудда ЯИМ ишлаб чиқаришдаги пасайиш 1996 йилда 4,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда ўсиш яна 0,8 фоизга кўтарилди. 2003 йилга келиб ЯИМ ўсиши кўпгина Шарқий Европа ва айрим МДҲ давлатларида 2,5–6 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич охирги (1996–2003) йилларда мунтазам 4–5 фоизга кўтарилмоқда.

Бозор иқтисоди ривожидаги замонавий тамойиллар

Мавжудликнинг яшашга қобил энг мақбул усулларининг "табиий танлаб олиниши" натижасида қатор янги тамойиллар шаклландики, улар бугунги кун капитализмининг қиёфасини, унинг XIX ва XX аср бошларидаги тамойиллардан "чекинишини" белгилаб берди. Биз қуйидаги бешта тамойилни ажратишни лозим топдик:

1. Чунончи, ўтган асрнинг ўрталаридан капитализмнинг муҳим тамойилларидан бирининг, яъни ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви: корхоналар кўлами ортиши, бир фирманинг тармоқ ишлаб чиқаришидаги улуши ўсиши, бир компания доирасида бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши кабилар муайян инқирозга учрагани кўзга ташланди.

АҚШнинг қайта ишловчи саноат корхоналарида ишлаб чиқариш концентрациялашувининг динамикаси (саноат соф маҳсулотининг шартли улуши), фоиз ҳисобида:

корхоналар, уларда ишловчилар сони	1954	1967	1998	2003
1–99	21,5	20,0	21,5	23,4
100–999	41,5	42,0	48,3	49,4
1000 ва кўпроқ	37,0	38,0	30,2	28,2

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, АҚШда 70-йилларнинг охирида мингдан ортиқ киши ишлайдиган йирик корхоналар сони кескин камайди, айни вақтда 999 ва ундан кам одам ишлайдиган ўртача корхоналар сони ортди. Умуман олганда, агар бу ерда 1970 йилгача ташкил этилган корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг ўртача сони 644 кишини ташкил қилган бўлса, 80-йилларда ташкил этилганларида атиги 210 кишини ташкил қилди, яъни 3 баробар кам эди.

2. Корхоналар кўламининг қисқариши билан бир вақтда (ёки шу туфайли) майда(мулк) капиталлар аҳамияти ортади. Бозордаги талабнинг ўзгариши муносабати билан ривожланган иқтисоднинг бир қатор тармоқларида майда якка хўжаликлар:

– катта иқтисодий самарадорликни;

– бозордаги вазиятнинг ўзгариши билан ўз йўналишини тезда ўзгартира олиш қобилиятини;

– йирик компанияларга нисбатан янги илмий-техник ғояларни тезроқ қабул қила олишини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда Японияда ўрта ва кичик корхоналар улуши мамлакатдаги барча корхоналарнинг 90%ни ташкил этади, уларда тахминан 45 млн киши ишлайди. Бу ерда кичик ва ўрта компаниялар мақомини белгиловчи корхоналар цензи қонунан аниқлаштирилиб қўйилган. У, биринчидан, ишловчилар сонини фаолият турига қараб табақалаштирилган ҳолда чеклашни ўз ичига олса, иккинчидан низомий капитални чеклайди.

3. Бозорлардаги янги вазият (истеъмолчилар талабининг ортиши, унинг илмни кўп талаб қиладиган маҳсулотлар

турини кўпроқ харид қилиши, товарлар хилма-хиллиги, сифатига алоҳида талаблар қўйиши ва ҳ.к.) хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро муносабатларида хилма-хил мослашувчан воситаларнинг бўлишига, уларнинг давлат ва истеъмолчилар билан алоқаларига алоҳида талаб қўяди.

Бошқача қилиб айтганда, хўжалик юритиш механизмининг янги тури талаб қилиндики, бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг бозор қонунларига асосланган хўжалик юритиш эркинлигини ишлаб чиқарувчилар томонидан иқтисодий жараёнларга мунтазам таъсир кўрсатиши орқали олиб борилди.

4. Мулкчилик шаклларининг кўплиги ёки мулкчилик соҳаларининг кенг демократлаштирилиши уларнинг ўзаро таъсир қилишининг қисм, шаклларининг мослашувчан ҳамда хилма-хил бўлишини тақозо этади.

Масалан, АҚШда 80-йилларнинг ўрталарида 16 млн дан ортиқ ҳар хил турдаги корхоналарнинг:

— 70%и якка мулкдорлар қўлида бўлган;

— 10%и 2 ёки ундан кўпроқ шахсларга қараган (шерикчилик);

— 20%и корпорация ёки акциядорлик корхоналари бўлган.

Кўриниб турибдики, сон жиҳатидан якка (индивидуал) мулкдорлар корхоналари кўпроқ, лекин уларнинг кўпчилиги майда ва жуда кичик корхоналар бўлиб, улар ишлаб чиқаришда ҳам, савдода ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ёрдамчи ишларни бажарган.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодида корпорациялар ҳал қилувчи роль ўйнайди, улар АҚШда 3 млн дан ортиқ. Лекин корпорация якка мулк эмас, балки акциядорлик мулки ҳисобланади, гарчи у хусусий мулкдан ўсиб чиққан бўлсада, ўзининг иқтисодий ҳолати, қайта ишлаб чиқариш усулига кўра, ассоциация мулкига қўшилиб кетди.

Ҳозирги шароитда айни шу акциядорлик мулки бозор иқтисодининг асосини ташкил этса-да, аввал бошиданоқ капитализмга хос бўлмаган.

XIX асрнинг 30-йилларигача акциядорлик жамиятлари нисбатан кам учрарди. Якка мулк эгаларига қарашли корхоналар капиталистик корхоналарнинг асосий шакли ҳисобланарди.

АҚШда XIX асрнинг 30-йилларида бошланган темир йўл қурилиши акциядорлик мулкчилигининг ривожланишига туртки бўлди. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

— биринчидан, у умум иқтисодий манфаатларни ифода этарди;

— иккинчидан, айрим капиталистларнинг маблағи қанчалик кўп бўлмасин, бу ишни эплай олмасди. Натижада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати туғилди.

Акциядорлик жамиятларининг сони ўтган юз йилликда тез ўса бошлади. Чунончи, 1914 йилда улар жами 300 та бўлса, 1937 йилда 530 мингга етди. 1965 йилда 1,4 млн дан ошиб кетди, 80-йилларнинг ўрталарида эса, 3 миллиондан кўпроқни ташкил этди.

Жаҳондаги энг йирик корпорациялар америкаликларники. 1990 йилларда АҚШнинг энг йирик 540 корпорацияси 3,4 триллион доллар миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарарди ва хизмат кўрсатарди, бу мамлакат ялпи миллий даромадининг 46 % дан кўпроғини ташкил қилиб, бу корхоналарда 14,2 млн киши ишларди.

Акциядорлик корхоналари ҳозирги кунда мамлакатнинг қайта ишловчи саноати маҳсулотининг 80%дан ортиғини ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги замон капиталистик иқтисодида тадбиркорликнинг турли шакллари ўртасида ролларни тақсимлашнинг ўзига хос бир усули пайдо бўлди:

— кичик, майда корхоналар маҳаллий бозорларга хизмат қилади.

— йирик корхоналар оммавий ишлаб чиқариш билан банд бўлиб, улар миллий ва жаҳон бозорларига хизмат қилади.

Шу билан бирга турли трансмиллий корпорациялар (ТНК) фаолиятида муайян ихтисослашиш қарор топди. Агар саноат соҳасида Америка корпорациялари устунлик қилган бўлса, жаҳон банк ишларида Японияниинг қўли баланд келди. 2003 йилда жаҳоннинг 10 йирик тижорат банклари ичида Япония банклари етакчи ўринни эгаллади.

Ўз навбатида мулкчилик турли шаклларининг самарадорлиги уларнинг муваффақиятли бирлашуви жараёнида янада ортди. Масалан, автомобиль саноатида, тижорат хизматлари соҳасида йирик корпорациялар билан майда хусусий фирмалар ўртасида шартнома, ижарачилик муносабатлари тизими юзага келди.

5. Ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари инсон (шахс) имкониятларидан иложи борича кўпроқ фойдаланишга қаратилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги мана шу омилга боғлиқдир. Зеро, инсон омили фақат техник-иқтисодий базисдагина эмас, балки:

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва хўжалик жараёнларининг алмашинувида;

– бошқарув тизимлари ва ҳоказоларда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодида инсон омилининг роли

Ишлаб чиқаришда инсон омили ролининг ортиб бориши биринчи галда ишлаб чиқариш воситалари ва технологиянинг янги авлоди билан боғлиқдир.

Бунинг натижасида ёлланма ходимнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги роли бутунлай ўзгарди. У оддий ижрочиликдан фаол ижодий меҳнатга ўтди.

Фундаментал илм базаси асосида ишлаб чиқилган, қайта созлашга, ўзгартиришга мослашувчан меҳнат воситалари ва технология ходимдан кенг қамровли малакани, илмни, интеллектуал салоҳиятни талаб қилади.

Ўз навбатида мана шу хусусиятларга эга бўлган ишчи кучининг мавжудлиги янги авлод ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштиришга имкон беради.

Шундай қилиб, янги типдаги ходимсиз техник омил имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.

Рағбат (боис)

Ходимнинг ишлаб чиқаришдаги мавқеининг ўзгариши унинг меҳнатини рағбатлантирувчи омилларнинг ўзгаришига олиб келди. Агар илгари меҳнатни рағбатлантириш асосан моддий воситалар (иш ҳақи, мукофот ва ҳ.к.) билан чекланган бўлса, ҳозирги шароитда вазият бутунлай ўзгарди.

Бугунги кунда меҳнатни рағбатлантириш ходимнинг фақат ўз меҳнати натижаларидан эмас, балки ўзи ишлаётган жамоа меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлишини ҳам талаб этади, чунки ишлаб чиқариш турли бўғинларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ниҳоятда ортди.

Рағбат учун янги омиллар: ходимнинг жамоага тегишли қарор қабул қилишга тааллуқлилиги, бошқаришга ҳам ўз корхонаси, ҳам бутун мамлакат мулкига дахлдорлилигини англатувчи омиллар яратилди.

Юқорида ходимларнинг мулкка муносабати шарти хусусида гапириб ўтдик, бу муносабатлар ҳозирги шароитда

тубдан, унинг акциядорлик шаклининг ривожланиши орқали ўзгаради.

Лекин тажриба шуни кўрсатдики, ишчи-хизматчилар мулкининг ўзи алоҳида олганда ёмон фирмани яхши қила олмайди. Ўша компанияларнинг акцияларига эга бўлган ишчилар меҳнатидан фойдаланган АҚШ компаниялари фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, меҳнаткашларнинг "фирмага эгалиги" уларни ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши билан қўшиб олиб борилмагунча, уларни яна ҳам "кўпроқ" ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга мажбур қилиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу ерда ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилиш концепцияси кенг ривожланди, зеро, бу корхона маъмурияти учун меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг энг самарали воситасидир. "Женерал моторс", "Форд мотор", "Крайслер" сингари гигант корхоналар бу воситани фаол жорий этишмоқда.

Бу концепцияни ҳаётда амалга ошириш шаклларидан бири — ўзини-ўзи бошқарадиган ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этишдир, улар бошқариш, ишни ва таътилларни режалаштириш, материалларга буюртма бериш ҳуқуқларига ҳам эга. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнини ишчиларнинг ўзи назорат қилиб боради, бинобарин, назоратчилар керак бўлмайди ёки уларнинг сони анча қисқаради.

Меҳнатни ташкил қилишнинг бригада усули ўзининг самарадорлигини исботлади. Қатор ҳолларда у меҳнат унумдорлигини 30% оширишга имкон беради.

АҚШ статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 80-йилларнинг охирида 476 йирик компаниялардан 70%и ушбу концепциянинг умумий шаклларини жорий қилишди — муаммоларни ҳал этишнинг "сифат гуруҳлари" номи билан машҳур бўлган бригада ёки қўмиталарни барпо этишди.[1]

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш янги шаклларининг кенг ёйилиши шуни кўрсатдики, Америка компаниялари японлардан кейин ҳозирги шароитда инсон

---

[1]Бундай гуруҳлар дастлаб Японияда пайдо бўлди. Улар фақат тавсияномалар бераг, уларга меҳнатни қайта ташкил этиш, ишчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини ошириш ваколати берилмаган эди.

омили (фақат техника ёки маркетинг эмас) муваффақият калити эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади.

Янги давр бошланиши билан ишловчиларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки, уларнинг меҳнатга, унумдорликдан маҳсулот сифатигача бўлган элементларини такомиллаштиришга бўлган онгли (манфаатли) муносабати янада ёрқин намоён бўла бошлади.

Иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида (ишлаб чиқариш, бошқарув ва ҳ.к.) инсон омили аҳамиятининг ортиши иқтисоднинг интеллектуаллашувини англатади. Ҳозирги вақтда бу масала қатор етакчи мамлакатлар учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Японияда мамлакат иқтисодий ва фан-техника тараққиётининг давлат дастурида ходимларни интеллектуаллаштириш, уларнинг умумий билимини ошириш сари махсус ҳаракат кўзда тутилган.

Бу ҳаракат "илмни кўп талаб қиладиган технология билан маданият қўлни қўлга бериб қадам ташлаши"ни назарда тутади. Шунинг учун гарчи япон ишчиси дунёдаги энг билимли ишчи ҳисобланса-да, мамлакатда мактаб таълимида истеъдодларни ривожлантиришни рағбатлантириш, ўқувчининг индивидуал ижодий имкониятларини ўстириш томон буриш вазифаси қўйилаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, "инсон материали"ни такомиллаштиришга интилиш Япония учун анъанавий ҳолдир. Айни ўша муҳандис ёки ишчининг юксак қобилияти урушдан кейин мамлакатни техник жиҳатдан ривожлантиришга, уни қисқа муддат ичида иқтисодий қудратли мамлакатга айлантиришга кўп томондан ёрдам берди.

Шахснинг малакавий сифатларини ривожлантириш, унинг умумий маданий савиясини ошириш ишлаб чиқаришни замон талабларига кўра такомиллаштиришга ҳамда талаб ривожини такомиллаштириш орқали бутун иқтисодни қайта қуришга рағбатлантиради.

Ҳозирги шароитда бозор муносабатлари орқали мамлакат аҳолиси маданияти билан унинг миллий хўжалиги (маданият — талаб — ишлаб чиқариш) ривожи даражаси ўртасида яқин алоқа мавжудлиги, уларнинг бир-бирларига боғлиқлиги хусусида гапириш мумкин.

Бозор иқтисодига ўтган давлатлар ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг ривожи (капитализмнинг "социаллашуви")

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларнинг ривожланиши:

— ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш тизимидаги ўзгаришлар;

— мулкчилик шаклларининг ривожи ва уларнинг ўзаро муносабатлари;

— ёлланган ходимларнинг фақат бошқарувда эмас, иқтисодий ва ижтимоий қарорларни қабул қилишда тенг ҳуқуқ билан иштирок этиши;

— ёлланган ходимларнинг мулкка ва капиталга эгалик қилишда бирга иштирок этиши жамият ижтимоий тузилмасининг ўзгаришига, унинг қарор топган мулкчилик муносабатлари орқали бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишига олиб келади

Ҳолбуки, турли мамлакатларда бу ўзгаришлар индивидуал характерга эга бўлиб, у ёки бу жамиятнинг тарихий қарор топган ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам капитализм бугун универсалликдан анча йироқ, иқтисодчи олимлар унинг турли моделларини муҳокама қилишмоқда.

Америка модели — бунда фирмалар бозорни жуда кўп қадрли акциялар билан таъминлаб туради. Бу ерда акцияларнинг кўп сонли эгалари бўлгани ҳолда кучли менежер асосий роль ўйнайди.

Япония модели — бунда акция эгалари манфаатларининг мураккаб чатишиб кетганлиги оқибатида фирма ва банклар бир бирларига боғланган.

Германия модели — бунда банклар компанияларни назорат қилиб боришади ва улар икки ролни — ҳам акционерлар, ҳам кредиторлар ролини бажаришади.

Лекин вариантлар қанчалик кўп ва хилма-хил бўлмасин, бу давлатлар иқтисодининг "социаллашуви" бозор иқтисодига ўтган етакчи давлатлар ривожида умумий белгиловчи тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу шу билан боғлиқки, урушдан кейинги даврда корпоратив шаклдаги хусусий мулкчилик ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига, жамиятнинг гуллаб-яшнашига тобора кўпроқ тўсқинлик қила бошлади, жамиятнинг катта қисми бўлмиш ишчи-хизматчилар мулкка эгалик қилишдан четлаштириб қўйилди. Натижада аҳоли

турмуш даражасининг кўтарилиши билан даромадларининг кўп қисми ишлатилмасдан колди, хўжалик оборотига киритилмади. Мулк эгаларида аҳолини ортиқча маблағини ишлаб чиқаришга жалб этиш ғояси вужудга келди. Бунинг устига 60-йилларда бир қатор ривожланган мамлакатларда "халқ корхоналари" деб аталмиш корхоналар пайдо бўлди ва улар фақат ўша ерда ишлаётган ходимлар мулки ҳисобланади.

Жумладан, АҚШда "халқ корхоналари" тизимининг ривожланишига мамлакат Конгресси фаол ёрдам берди. Бу ерда "ходимларнинг акциядорлик мулкини яратиш режаси" (ЭСОП) деб аталган тадбирни рағбатлантиришга қаратилган 25 дан ортиқ федерал қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларда турли имтиёзлар кўзда тутилган: солиқ бўйича, ҳукумат заёмлари, улар юзасидан кафолатлар, савдо сиёсатидаги рағбатлантиришлар, имтиёзлар, миллийлаштиришга қарши федерал сиёсатини ўтказишдаги имтиёзлар.

Бундан ташқари, хусусий компаниялар ходимларини акциядорлик капиталига биргаликда эгалик қилишга рағбатлантириш мақсадида 50 та штатнинг тахминан ярмида қонунлар қабул қилинди.

Мана шу ЭСОП дастурини рағбатлантириш мақсадидаги қонунлар туфайли 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб акциядорлик капиталининг 1%дан 100% гача ходимларга тегишли бўлган компаниялар сони тахминан 10–12 мингтага етди.

ЭСОП дастуридаги компанияда акцияларнинг 20–30%и ходимларга тегишлидир. Компанияларнинг 15–20%ида ходимлар акциянинг бундан кўпроқ қисмига, фақат 3% да акцияларнинг 100%ига эгалик қилади.

Ҳозирги кунда ЭСОП дастурига тааллуқли Америка компанияларида салкам 12 млн. ходим ишлайди, бу АҚШ бутун ишчи кучининг деярли 10% ни ташкил этади. ЭСОП "трастларидаги" акциядорлик капиталининг умумий миқдори тахминан 65–70 млрд ни ташкил қилади.

Акцияларнинг якка эгалари сони ўсаётган Ғарбий Европа ва АҚШдан фарқли ўлароқ Японияда акцияларга корпоративлараро эгалик қилиш ўсмоқда ва якка эгалик қилувчилар улуши сезиларли даражада пасайиб бормоқда (амалдаги капиталнинг атиги 1,1%ни ташкил қилади).

Бунинг оқибатида, бу ерда ишчи-хизматчиларнинг бошқарувга муносабати тамоман бошқача бўлиб, менежерлар, яъни бошқарув ўқувларини эгаллаган мутахассислар ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг японча моделининг ўзига хос хусусияти фирмаларни бошқариш тизимининг хусусиятлари ва ёлланма меҳнат мавқеидаги силжишлардан келиб чиқади.

Жумладан, булар:

– бир умрлик ёлланма меҳнат тизими – бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга (лекин ёш авлод таъсирида ҳозир бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда);

– бошқарув ходимлари билан ишчи-хизматчилар ўртасидаги муносабатлар тизими; "улар ўртасидаги алоқа ва маслаҳатлар тизими" деб аталмиш тизим ёки "ҳамкорлик асосидаги бошқарув тизими".

Япония Меҳнат институти маълумотларига кўра, бу тизим корхоналарнинг 80% дан кўпроғини қамраб олади.

Тизим моҳияти: турли фирмаларда корхона фаолиятига доир асосий масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда ходимлар фикр-мулоҳазалари сўралади ва улар ҳисобга олинади. Бу меҳнатни ташкил қилиш, унга ҳақ тўлаш, ходимларнинг бошқа ижтимоий манфаатларига оид масалалар бўлиши мумкин, яъни бунда ходимларни фирма ишларини бошқаришга фаол жалб этиш, унда иштирок қилиш тизими алоҳида аҳамият касб этади, ишчи-хизматчилар манфаатлари фирма манфаатлари билан бирлашиб, тенглашиб кетади. Шундай қилиб, иқтисодий ўз-ўзини бошқариш модели шаклланади ва ривожланади. Бу модел якка акциядорлик мулкчилиги билан қўшилиб кетмайди. Афтидан, бундай шароитда касаба уюшмаларига бўлган қизиқишнинг пасайиши табиий. Японияда ишчи-хизматчиларнинг 3/4 қисми касаба уюшмаларига аъзо эмас. Мутахассислар буни иқтисодни ташкил этиш ва уни бошқаришнинг "капитализмдан кейинги ўткинчи тузилиши" деб аташади, бунда яна мазкур тузилиш "социалистик иқтисод амал қилиши элементларини кўп жиҳатдан ижодий ўзлаштирганини" таъкидлаб ўтишади.

Бозор иқтисодининг "социаллашуви" деганда капитализмнинг тоталитар давлат мулкчилиги социализм томон ўзгариши деб ўйламаслик керак. Бу ўринда иқтисодий тизимнинг социаллашуви, мулкни демократлаштириш, миллий иқтисод объектларига эгалик қилиш, бошқаришга аҳолининг кенг табақаларини жалб қилиш ҳисобига унинг ижтимоий базасини кенгайтиришни англатади. Ҳозирги шароитда ривожланган кўпчилик мамлакатлар иқтисоди асл моҳияти билан "аралаш" ёки "ижтимоий бозор" иқтисоди ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириш билан шундай хулосага келиш мумкин:

1. Иқтисодий тизимлар бир-бирларидан қуйидаги томонлари билан фарқ қилади:

– асосий иқтисодий масалаларни ҳал қилиш усуллари;

– ижтимоий тузилиши;

– мулкка муносабати, назорат ва мақсадлари.

2. Агар анъанавий иқтисод шароитида ишлаб чиқариш ва тақсимлаш масалалари белгиланган анъаналарга мувофиқ ҳал қилинса, буйруқбозликка асосланган тизимда марказий давлат томонидан ҳал этилади, бозор иқтисодида эса асосий мувофиқлаштирувчи куч – бозор белгилаб берган нарх-наволар ҳисобланади.

3. Бозор иқтисоди ниҳоятда хилма-хил бўлиб, мамлакат ёки минтақанинг тарихий, географик, иқтисодий ривожининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Лекин унинг барча хилма-хил кўринишларига қатор универсал принциплар хосдир. У тараққиёти давомида сифат жиҳатидан қатор аъло босқичларни босиб ўтди: биринчи босқичнинг характерли белгиси – даромадларнинг пастлашгани ҳолда миқдорий жамғармаларнинг ниҳоятда тез ўсиши бўлди. Иккинчи босқич даврида ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг ўтказилиши туфайли бу тенгсизлик анча барҳам топди.

Ниҳоят, 50-йилларнинг ўрталаридан бозор иқтисоди ривожида қатор янги воқеалар содир бўлибди-ки, бу унинг тараққиётида чуқур сифат жараёнлари юз бераётганлигини англатар эди.

4. Ҳозирги замон иқтисодий муносабатларида инсон омилининг роли, унинг меҳнатини рағбатлантирувчи омиллар принцип жиҳатдан тамоман ўзгарди. Бозор иқтисодининг интеллектуаллашуви ҳозирги замон бозор иқтисодининг ривожида юз берган янги сифат ўзгаришлари сирасига киради.

5. Бозор иқтисодида замонавий жараёнларнинг ривожланиши жамият ижтимоий тузилишининг ўзгаришига, унинг қарор топган мулкчилик муносабатлари ўзгариши орқали трансформация бўлишига (бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишига) олиб келади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ РЕЖАСИ

1. Жаҳон иқтисоди тушунчасининг моҳияти, унинг хусусиятлари.

2. "Жаҳон иқтисодиёти" фанининг предмети нима ва у жамият тараққиётининг қандай масалаларини ўрганиш ва тушунтиришга мўлжалланган?

3. Иқтисодий тизимларнинг асосий тизимчалари ва уларнинг хусусиятлари.

4. Иқтисодий тизим тузилишининг асосий таркибий қисмлари.

5. Иқтисодий тизимларнинг замонавий хиллари ва уларнинг хусусиятлари.

6. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий тамойиллари.

7. Бозор иқтисоди ривожланишининг асосий босқичлари ва уларнинг хусусиятлари.

8. Бозор иқтисоди ривожланишининг ҳозирги тенденциялари.

9. Ҳозирги бозор иқтисодида инсон омили ролининг ва унинг меҳнатини рағбатлантириш усуллари эволюцияси.

10. Ҳозирги бозор иқтисодининг "социаллашуви" ва унинг сабаблари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996.

2. *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент, "Ўзбекистон", 1999.

3. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент, "Ўзбекистон", 2000.

4. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. "Халқ сўзи". 2003 йил 25 апрель.

5. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. "Халқ сўзи". 2004 йил 10 февраль.

6. *Басовский Л.Е.* Мировая экономика: Курс лекций. –М., ИНФРА-М, 2003.

7. *Бузанов А.С.* Экономика. М., 1996.

8. *Королева И.С.* Мировая экономика. Глобальные тенденции за 100 лет. М., Экономист, 2003.

9. *Крюгман Р., Обстфельд М.* Международная экономика – М., Питер, 2004.

10. *Платонова Е.* Экономические системы и их трансформация. // МЭ и МО: 1998, №7.

11. *Пороховский А.* "Капитализм: к характеристике нынешнего облика" – ж."Экономические науки", М., 1991, №9.

12. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.

13. *Рудакова И.Е.* "О новых явлениях в экономике современного капитализма" – Вестник Московского университета, серия: "Экономика", М., 1993. №3.

14. *Тэор Т.Р.* Мировая экономика. СП. Питер, 2001.

15. *Супян В.Б.* Эволюция форм собственности в США: современные особенности //США. Канада. Экономика. Политика. Культура. М., 2001, №1.

2-БОБ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШУВИ

Жаҳон иқтисоди интернационаллашувининг моҳияти ва унинг асосий босқичлари

Жаҳон хўжалигининг интернационаллашуви – меҳнатни халқаро тақсимлашни ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг кам-кўстини тўлдиришни чуқурлаштириш жараёнидир.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда, хўжаликларнинг интернационаллашув жараёнлари айирбошлаш соҳасига бориб тақалади. Чунончи, савдода маҳсулотларни айирбошлаш босқичидан кейин ҳудудий халқаро бозорларга йўл очилган. Анча кейинроқ, дастлабки сармоя йиғиш даврига келиб, тармоқлараро савдонинг ҳудудий марказлари ягона жаҳон бозорига айлана борган.

Маълумки, **тадрижийлик (эволюция) мантиғи** (буни жаҳон капиталистик бозорининг юзага келишига бевосита таъсир кўрсатган саноатдаги туб бурилиш асосида ва саноатни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатганлар учун ўзига хос "мезон" ҳисобланмиш Европа мисолида кўриш мумкин) **айирбошлаш соҳасидаги интернационаллашувдан капитал ва ишлаб чиқаришнинг интернационаллашувига** олиб келди.

1-босқич:

Эркин рақобатга асосланган капитализм ривожи даврида (XIX асрнинг охиригача) жаҳон бозорини ташкил этиш, кўпроқ халқаро савдо шаклида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан характерли эди.

XIX аср ўрталарига келиб индустриал давлатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши жараёнида меҳнатни халқаро тақсимлашнинг хилма-хил тизими қарор топди. Бу вақтга келиб Англия ўзининг саноат соҳасидаги пешқадамлигини йўқотганди, иқтисодни индустрлаштиришда муваффақиятга эришган деярли барча мамлакатлар ўз маҳсулотларини ихтисослаштириш йўлига ўтди, бунда улар:

– қўшни мамлакатлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда;

– мустамлака чекка ўлкаларда ўз маҳсулотларини сотиш имкониятларидан келиб чиқиб иш кўришди.

Масалан, Франция, Голландия сингари йирик мустамлакачи давлатлар ўз мустамлакаларидан олиб келинган хомашёни қайта ишлаш бўйича ихтисослашди, бунда улар фақат ўз бозорларини эмас, балки "бенасиб қолган" қўшнилари, биринчи навбатда, Германиянинг эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олишди.

Шундай қилиб, жаҳон хўжалигини шакллантириш жараёнида энг яқин савдо алоқалари биринчи навбатда:

– хомашё мустамлакалар билан индустриал метрополиялар ўртасида;

– қўшни мамлакатлар ўртасида юзага келди.

Биринчи ҳолда "хомашёни ишлаб чиқарувчилар ва уни истеъмол қилувчилар меҳнатини умумий тақсимлаш", иккинчи ҳолда, меҳнатни тақсимлашнинг хусусий кўриниши ҳақида гап боради. Иккинчиси тармоқ ичидаги (маҳсулот) товар бўйича ихтисослашишга асосланган бўлиб, қўшни мамлакатларда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги харажатлар ўзига нисбатан кўплиги туфайли фойда олишни мақсад қилиб қўяди.

2-босқич:

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида эркин рақобатга асосланган капитализм монополистик капитализмга ўтди, ўзининг ажралмас қисми – жаҳон бозорига эга бўлган умумжаҳон хўжалиги қарор топди. Лекин "умумжаҳон хўжалиги" тушунчаси – жаҳон бозори тушунчасидан анча кенгдир. Чунки, савдо соҳасидаги муносабатлар билан бир қаторда бу даврда мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш соҳасида бевосита алоқалар, капитални ташқарига чиқариш ва ҳар томонлама молиявий алоқалар ривожланди.

Бунга ишлаб чиқариш кучларининг анча ўсиши сабаб бўлиб, улар миллий чегараларнинг чекланган доираларидан сезиларли даражада ошиб кетди.

Капиталнинг марказларга тобе ва мустамлака ҳудудларга, узоқ жойларга олиб чиқилиши хўжалик ҳаёти интернационаллашувининг асосий кўринишига айланди.

Бунда капитални четга тадбиркорлик шаклида чиқариш монополияларнинг чет элда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши билан бирга олиб борилди, янги заводлар қурилди, конлар очилди.

Бозор иқтисодиёти ривожининг бу босқичида **айирбошлаш интернационаллашувига** "пишиб ўтган" индустриал марказлардан капитални олиб чиқишга асосланган **капитал интернационаллашуви** жараёни келиб қўшилди.

3-босқич:

Урушдан кейинги дастлабки ўн йиллар ичида фан-техника инқилоби таъсирида ишлаб чиқариш кучлари ривожида кескин ўзгариш юз берди. Унинг таъсирида жаҳон капиталистик иқтисодиётининг ички механизми ва ташкилий структурасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бундай шароитда рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқариш кўламини анча ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиб уни модернизациялаш керак эди. Ҳатто дунёнинг етакчи давлатлари компаниялари учун ҳам бу янги талаблар оғирлик қиларди.

Ўз навбатида йирик серияли, оммавий ишлаб чиқариш кўпинча миллий чегаралар доирасидан чиқиб кетадиган янада катта бозорларни талаб қиларди. Бундай шароитда ишлаб чиқаришни халқаро кооперациялаш ва ихтисослаштириш муаммоси янада долзарб бўлиб қолган эди. Предметли "халқаро ихтисослаштиришдан деталли (майда) ихтисослаштиришга ўтиш", майда ва кооперацияли ихтисослаштириш, кооперациялаштириш билан боғлиқ ички, тармоқлараро ишлаб чиқариш технологик мажмуаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши аниқ кўзга ташлана бошлади.

Меҳнатни тақсимлашнинг, мамлакатлар ўртасида ихтисослашувнинг чуқурлашуви тамойиллари янги, янада кўламли муҳим жараённинг – ишлаб чиқаришни халқаро умумлаштиришнинг ифодаси бўлди, бунинг аҳамияти иқтисодий ҳодисалар доирасидан чиқиб, жаҳон сиёсатида ҳам янги даврнинг бошланганлигини англатарди.

Шу билан бирга халқаро савдо соҳасида ҳам сезиларли қайта ўзгаришлар юз берди, улардан энг йириги ва барқарори – бу одатдаги тижорат савдоси ролининг ички фирмалар алмашуви доирасида ёки узоқ муддатли кооператив ҳамда пудрат муносабатлари асосида барқарор технологик алоқаларга хизмат кўрсатувчи товар айирбошлашларга нисбатан анча пасайиб кетиши бўлди.

Буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб хўжалик ҳаётининг интернационаллашувини, яъни капитал, ишлаб чиқариш, технология, илмий тадқиқотлар жараёнини алмашувини англатади.

Хулоса шуки, хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви – жаҳон иқтисоди ривожининг муайян босқичи бўлиб, ўзаро боғлиқ икки жараённи ўз ичига олади:

– халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва ривожлантириш;

– миллатлараро халқаро ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Ишлаб чиқариш кучлари интернационаллашувининг асосий шакллари ва йўналишлари

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви меҳнатни халқаро ихтисослаштириш, тақсимлашни чуқурлаштириш натижаси. Айни ўша ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда ихтисослаштириш ишлаб чиқариш кучлари интернационаллашувининг асосий шакллари ва йўналишларини келтириб чиқаради.

Б у л а р:

1) Товарлар ва хизматларнинг миллий чегаралар орқали кўчиб юриши;

2) капитал ва ишчи кучининг халқаро миграцияси;

3) жаҳоннинг турли минтақаларидаги интеграцион жараёнлар.

Ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ҳар доим у ёки бу мамлакатда маҳсулотнинг муайян тури ишлаб чиқарилишидаги сарф-харажатлар билан боғлиқ нисбий афзалликларга таянади.

Сарф-харажатлардаги нисбий афзалликлар доимий бўлмай, улар бир қатор ҳолатларга боғлиқдир.

XX асрнинг сўнгги чорагида миллий иқтисодиётнинг халқаро ихтисослашувини белгиловчи асосий омиллар

Қайд этилаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Табиий ресурслар, географик ҳолат, ўтмишдаги ишлаб чиқариш тажрибаси, мамлакатнинг ўтмишда қарор топган ишлаб чиқариш имконияти сингари халқаро ихтисослаштириш анъанавий омилларининг пасайиши.

Лекин бу анъанавий омиллар амал қилинишини тўхтатиб қўяди, деган маънони билдирмасдан, балки фан-техника тараққиёти натижасида янги қўшимча омилларининг пайдо бўлишини англатади. Масалан, индустриал мамлакатларда бугунги кунда икки муҳим ва узоқ муддатли жараёнлар кўзга ташлана бошланди:

— бир томондан, миллий хўжаликларни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш, аста-секин янги техника-технологияларга ўтиш орқали уларга кетадиган энергия ва материал харажати миқдорини қисқартириш, энергия, хомашёга бўлган эҳтиёж камаядиган янги техника-технологияларга ўтиш;

— иккинчи томондан, ўз табиий ресурсларини ўзлаштириш, табиий хомашё ўрнини босувчи турли сунъий материалларни ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш ҳисобига мамлакатлар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имкониятини яратиш.

2. Халқ хўжалик тузилмаларини мақбуллаштириш ва шунга яраша миллий маҳсулотлар сотиладиган бозорлар кўламини мослаштириш.

У ёки бу мамлакат ишлаб чиқариш имкониятидан фойдаланиш миллий доирадагина эмас, балки меҳнатни халқаро тақсимоти доирасида ҳам ихтисослаштириш жараёнини чуқурлаштириш билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида кенг ихтисослаштирилаётган миллий ишлаб чиқаришларнинг жаҳон бозорига чиқишини, мазкур мамлакатнинг юксак даражадаги иқтисодий самарадорлигини таъминлай олмайдиган миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан воз кечишни тақозо этади.

3. Корхоналарнинг нормаларини одатдаги миллий нормалардан жаҳон нормаларига айлантириш.

Саноат корхонаси иқтисодий самарадорлигининг асосий шарти — унинг қудрати ҳамда техник қуролланиши жиҳатидан энг мувофиқ жаҳон талабларига мос келиши бўлди. Лекин миллий эҳтиёжлар, миллий бозор, айниқса, кўлами кичик ва ўртача мамлакатларда, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини сотиш учун тобора торлик қила бошлади. Бу мазкур мамлакатлардаги саноатнинг етакчи соҳалари тақдирини ташқи бозорларга боғлиқ қилиб қўйди.

Шунинг учун ҳам йирик мамлакатлардаги кўпчилик саноат тармоқлари, масалан, авиация саноати, электрон-ҳисоблаш машиналарини чиқарувчи саноат корхоналари аввал бошданоқ ташқи бозорни мўлжаллаб иш кўришди. Ҳатто кўпинча чет эл истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш корхона фаолиятида етакчи ўринни эгаллади. Жумладан, Ғарбнинг кичик ва ўрта индустриал мамлакатларидаги кўпчилик машинасозлик тармоқлари маҳсулотининг 75—90%и экспортга кетади.

Булардан кўринадики, экспортни мўлжаллаб иш кўриш индустриал ривожланган энг йирик мамлакатлар саноати тараққиёти учун муҳим мезон ва омилдир.

4. *Истеъмол қилинувчи* (бу ерда истеъмол моллари маъносида эмас) маҳсулотлар номенклатурасининг тез кенгайиши, бу ҳозирги замон саноат тараққиётининг характерли хусусиятидир. Шу билан бирга, фан-техника тараққиёти айрим мамлакатларнинг тўла ёки ниҳоятда кўп тармоқли миллий мажмуаларни яратиш имконини чеклаб қўйяпти, чунки саноат маҳсулоти номенклатурасининг даражаси бугун шу қадар баландки, бирон-бир мамлакат жаҳонда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларни ўзида иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди.

5. Тармоқлараро меҳнат тақсимоти билан бир қаторда тармоқ ичидаги меҳнат тақсимоти ва бунга тегишли равишда ишлаб чиқаришни тармоқлар ичида ихтисослаштириш янада кенг ривожланди.

Ҳозирги шароитда халқаро савдо ривожи тамойили шундайки, келгусида фойдаланиши жиҳатдан ўхшаш, лекин ўзига хос техник-иқтисодий хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилувчи саноат буюмларини ўзаро алмашиш тобора кўпроқ аҳамият касб эта боради (станоклар станокларга, илмий ускуналар илмий ускуналарга). Бу жараён, масалан, кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш саноат тузилмаларига эга бўлган индустриал мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг тез ўсишида ўз ифодасини топди.

Шубҳасиз, мазкур тамойил айрим мамлакатлар халқ хўжалиги тузилмалари универсаллигини келгусида янада чеклаб қўяди.

6. Сўнгги маҳсулот бўйича ихтисослаштиришдан деталлар, узеллар, бутловчи буюмлар бўйича ихтисослаштиришга ўтишдан бошланувчи тармоқлараро меҳнат тақсимоти тараққиёти.

Ҳозирги замон машинасозлигида, масалан, машиналар барча деталларининг 15—20%игина ўзига хос ноёб бўлиб, қолган 75—85%и бир-бирининг ўрнини босадиган деталлар ёки машина ва асбоб-ускуналарнинг кўпгина турлари учун бир хил техник тавсифга эга деталлардир. Шубҳасиз, ишлаб чиқаришни бундай универсаллаштириш миллатлараро ва халқаро саноат кооперациялашувининг янада ривожланишига олиб келади.

80-йилларнинг охирларидаёқ миллатлараро ва халқаро кооперация йўли билан мол етказиб бериш индустриал мамлакатлар саноатининг етакчи тармоқлари маҳсулотлари

қийматининг 50–60%ини ташкил этди. Улар ўртасидаги товар оборотининг 30% дан ортиғи кооперация йўли билан ўзаро мол етказиб беришга тўғри келди.

7. Айрим мамлакатлар иқтисодий йўналишларини шакллантиришда, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ва ролини белгилашда миллий фан-техника имкониятлари аҳамиятининг кескин кўтарилиши.

Бунга сабаб – илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ишларига (НИОКР) кетадиган сарф-харажатларнинг анча оширилиши эди. Ҳозирги замонда бундай мақсадлар учун қилинадиган сарф-харажатлар ҳар 5–6 йилда камида икки баравар ортиб, Ғарбнинг етакчи мамлакатларида улар миллий даромадининг 2–3% идан кўпроғини ташкил этади.

Бундай шароитда энг ривожланган мамлакатлар ҳам зарур фундаментал, амалий тадқиқот ишларининг бутун юкини якка ўзи кўтаришга қодир эмас.

8. Миллий хўжаликларнинг тобора кўпроқ "очиқликка" интилиши, ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари: товар, ишчи кучи, капитал, илмий-техник билимларнинг халқаро миқёсда кўчиб юриши учун тўсиқларнинг камайиши. Жумладан, тарифлар, божхона чеклашларини камайтириш йўли билан.

Хўжалик ҳаёти, фан-техника тараққиётининг интернационаллашуви халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий омилларини ва ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш омилларини қатъий равишда биринчи ўринга олиб чиқади.

Жаҳон иқтисоди интернационаллашувининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири

Жаҳон иқтисоди интернационаллашуви жараёнининг ўсиши билан давлатлараро муносабатлар ҳам чуқурлашиб, давлат чегараларининг мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни чеклаб турувчи тўсиқлар сифатидаги аҳамияти пасаймоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир-бирига ёрдам кўрсатувчи мамлакатларнинг янада яқинлашуви фақат транспорт воситаларини такомиллаштириш туфайлигина юз бергани йўқ.

Бунда ҳал қилувчи сабаблардан яна бири – миллатлараро алоқа қилишнинг янги турларининг ниҳоятда тез ўсиши

бўлиб, улар фақат товарлар (савдо) эмас, балки ахборотларнинг қуйидаги шаклларида ҳаракат қилиши билан боғлиқ эди:

– пул маблағлари;
– техник ҳужжатлар;
– маданий бойликлар билан алмашув;
– сиёсий янгиликларни ёйиш.

Бу жараёнларнинг оқибати сифатида хўжалик соҳасида бир-бирларига боғлиқлик жудаям ортди, мамлакатлар дунё миқёсида хўжалик алоқаларига киришдилар, бу эса:

– уларнинг бир йўла ривожланишига;
– бир-бирлари билан яқинлашувига олиб келди.

Хўжалик ҳаётида бу қуйидагиларда намоён бўлади:

– стандартлаштиришда (бир хил андозада бўлишда);
– хўжалик ривожи характери (даражаси)ни тенглаштиришда;
– иқтисодий ўзаро бир-бирларига боглиқликнинг ўсишида.

Қуйидагилар стандартлаштирилаяпти:

– технологик жараёнлар;
– буюмлар турининг ҳажмлари;
– ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари;
– товар бозорларида истеъмолчилар талаблари.

Демак, кўриб чиқилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин. Кенг маънодаги жаҳон хўжалигининг интернационалланиши – бу халқаро меҳнат тақсимотини ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган турли мамлакатлар миллий иқтисодиётларининг ўзаро алоқалари ва ўзаро бир-бирларини ўлдириш жараёнини чуқурлаштиришдир.

1-босқич:

Эркин рақобатга асосланган капитализмнинг ривожланиш даврида (XIX аср охиригача) жаҳон бозорининг ташкил топиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг, кўпроқ, халқаро савдо шаклида ривожланиши (хомашёли мустамлакалар билан индустриал метрополиялар, шунингдек, қўшни мамлакатлар ўртасида) характерли эди.

2-босқич:

XIX аср охири ва XX аср бошларида эркин рақобатга асосланган капитализм монополистик капитализмга ўтди, умумжаҳон хўжалиги қарор топди.

Бу даврда савдо муносабатлари билан бир қаторда мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш соҳасида бевосита алоқалар, капитал чиқариш, хилма-хил молиявий муносабатлар ривожланди. Бозор иқтисодиёти ривожининг бу босқичида айирбошлаш интернационаллашувига капиталнинг интернационаллашуви келиб қўшилди.

3-босқич:

Урушдан кейинги дастлабки ўн йилликда фан-техника инқилоби таъсирида ишлаб чиқариш кучлари ривожида кескин сакраш юз берди.

Бундай шароитда рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқариш кўламларини анча ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиб уларни янада замонавийлаштириш зарур эди. Ўз навбатида йирик серияли, оммавий ишлаб чиқариш миллий чегаралар доирасидан чиқадиган янада катта бозорларни талаб этарди.

Бундай шароитда халқаро кооперациялар ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг фаоллашуви ортди. Предметли халқаро ихтисослашувдан деталли ихтисослашувга ўтиш яна ҳам сезила бошлади.

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, мамлакатлар ўртасидаги ихтисослашувнинг бундай йўли янги, кенг кўламли муҳим жараён – ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда умумлаштиришнинг ифодаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ишлаб чиқариш интернационаллашувининг барча асосий шакл ва йўналишларини вужудга келтиради. Булар:

– товарлар ва хизматларнинг миллий чегаралар орқали кўчиб юриши;

– капитал ва ишчи кучининг халқаро миграцияси;

– дунёнинг турли минтақаларида интеграциялашув жараёнлари.

Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ҳар бир ҳолатда бир неча омиллар билан боғлиқ бўлган у ёки бу мамлакатнинг нисбатан устун томонларига асосланади.

Жаҳон иқтисодининг интернационаллашуви жараёнининг ривожланиши билан мамлакатларнинг хўжаликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилиниши янада ўсиб боради, бу эса улар ривожининг уйғунлашувига, уларнинг бир-бири билан яқинлашувига олиб келади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Жаҳон хўжалиги интернационаллашувининг моҳияти ва сабаблари.
2. Жаҳон иқтисоди интернационаллашувининг асосий босқичлари ва уларнинг хусусиятлари.
3. Ишлаб чиқаришни халқаро умумлашувининг асосий сабаблари ва уни ҳозирги сиёсий-иқтисодий жараёнларга таъсири.
4. Ҳозирги жаҳон хўжалигида миллий иқтисодларнинг халқаро ихтисослашувидаги ўзгаришларни аниқловчи асосий омиллар.
5. Интернационаллашувни жаҳон хўжалиги ривожланишига таъсир кўрсатишининг асосий шакллари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Кузнецов В.* Что такое глобализация? МЭ и МО, 1998, №3.
2. *Чешков М.* Взгляд на глобализацию через призму глобалистики. // МЭ и МО, 2001, №2.
3. *Чепурин М.Н*, Киселева Е.А.(ред) "Курс экномической теории", Киров, изд. "АСА", 1995.
4. *Булатов А.С.* "Экономика", М., изд. "Бек", 1996.
5. Salbator Dominic International Economics (Fifth edition), New Jersey, USA, 1995.
6. World Investment Report. UN, 1997 – 2000.

3-БОБ
ХАЛҚАРО КОРПОРАЦИЯЛАР

Ишлаб чиқаришни умумлаштириш ва хўжалик ҳаёти интернационаллашувининг юксак даражаси халқаро корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун иқтисодий асосдир.

Улар ўз шаклларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

– трансмиллий корпорациялар (ТМК);

– халқаро (миллатлараро) корпорациялар (МК).

Трансмиллий корпорациялар капитали ва назорати бўйича миллий, лекин ўз фаолиятига кўра халқародир.

Трансмиллий корпорациялардан фарқли равишда халқаро (миллатлараро) корпорациялар эгалари битта давлатнинг эмас, балки икки, уч ёки бир неча давлатлар капиталларининг эгалари ҳисобланади. Уларнинг энг муҳим хусусияти – акциядорлик капиталини халқаро кўламда бўлиб-бўлиб жойлаштириш компания ёки концерн таркибининг кўп миллатлилигидир.

Трансмиллий компаниялар XIX асрда ҳам мавжуд эди. Лекин уларнинг фаолияти фақат XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб капиталнинг интернационаллашуви жараёни чуқурлашиши муносабати билан кенг қулоч ёйди. Кейинчалик, 80-йилларда трансмиллий корпорациялар фаолиятида халқаро операцияларнинг кўлами орта бориши билан жиддий ўзгаришлар юз берди, улар бу корпорациялар фаолияти асосий тамойилларининг жиддий ўзгаришларига олиб келди. Биринчи навбатда, турли миллат капиталларини бирлаштириш асосида қўшма тадбиркорликнинг ниҳоятда тез ривожланиши билан боғлиқ бўлган уларнинг бир миллатлилигини енгиб ўтиш бўлди.

Корпорация фаолиятини бошқариш тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Агар мумтоз трансмиллий корпорациялар учун қарор қабул қилишни марказлаштиришнинг юксак даражаси характерли бўлса, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шартлари эса ташкил этишнинг янги, янада мослашувчан шаклларини, фирмалараро алоқалардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Ҳозирги шароитда капитал янги турининг моҳиятини тушуниш интернационаллашув жараёни билан, яъни меҳнат, капитал, номоддий бўлмаган активларни ўтказиш борасидаги ташқи бозор муносабатларининг номукаммаллигига жавобан ўз ташкилий тузилмалари доирасида ички бозорларни барпо этиш билан боғлиқдир. Фирмалар бозор битимлари ўрнини шаҳобчалар ўртасидаги шартнома муносабатлари билан алмаштириб, бу билан ташқи омиллар таъсирини бартараф этади ва самарадорлиги жиҳатидан анъанавий ташқи бозордан устун турувчи ички бозорни шакллантиради.

Кўрсатиб ўтилган тамойиллар натижасида трансмиллий корпорациялар эски таърифи сақланиб қолгани ҳолда, уларнинг мазмуни анча ўзгарди. Шунинг учун ҳам мулкчилик характеридаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, уларни **миллатлараро корпорациялар** деб аташ тўғрироқ бўлади. Зеро, ҳозир чет эл иқтисодий *адабиётларида* ҳам мана шу ном қабул қилинган.

90-йилларнинг охирларида жаҳонда 54 мингга яқин, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда 43,4 минг, ривожланаётган мамлакатларда 9,3 минг ва Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида 0,8 минг халқаро корпорациялар мавжуд эди (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақалар ва мамлакатлар бўйича таъсисчи-корпорациялар ва уларнинг чет эллардаги шаҳобчалари миқдори

Минтақа /мамлакат	Йил	Мамлакатда жойлашган таъсисчи-корпорациялар	Мамлакатда жойлашган чет эл фирмалари
1	2	3	4
Ривожланган мамлакатлар		43442 в	96620
Ғарбий Европа		33302	63782
Европа Иттифоқи		27846 в	54875
Ғарбий Европа ва бошқа мамлакатлар		6044	9111
Япония	2001	4821	3241
АҚШ	2001	3838	2001
Бошқа ривожланган мамлакатлар		2530	10916
Ривожланаётган мамлакатлар		11421	2509
Африка		42	375
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар		1341	2323

Европанинг ўтиш даври мамлакатлари (Хорватия, Словения, собиқ Югославия)		1482	6045
Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё		7324	214621
Корея Республикаси	2002	48059	4120
Хитой	2002	379452	175112
Ғарбий Осиё (Баҳрайн, Уммон, Саудия Арабистони, Туркия, Марказий Осиё)		555	2790
Тинч океани (Фижи)	2001	-	1198
Марказий ва Шарқий Европа		980	141612
Бутун дунё бўйича		5930	471719

Манба: World Investement Report 2002: Trends and Determinotions UN, New York and Geneva, 2003, Table 1,2.

XX аср якунида дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги энг йирик 100 та халқаро корпорациядан 28 та корпорация АҚШда штаб-квартирасига, 18 – Японияда, 11 та Францияда, 9 та Германияда, 8 та Буюк Британияда, 5 та Швецарияда, 4 та Канадада, 3 та Швецияда, 2 та Италия ва 2 та Австралияда, 1 тадан Голландия, Жанубий Корея, Бельгия ва Венесуэлада штаб-квартирасига эга эди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, етакчи ўринларни АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатлари эгаллаган, булар бошқалардан анча илгарилаб кетганди. 2001 йилда бу ерда 100 та йирик халқаро корпорациялардан 88 тасининг штаб-квартираси жойлашган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, барча филиалларнинг 3/4 таси АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция ва Германияга тўғри келади.

2-жадвал маълумотларига кўра, 100 та корпорациянинг асосий улушини электроника ва электрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корпорациялар

ташкил этарди. Ундан кейин кимё ва фармацевтика товарларини ишлаб чиқарувчи корпорациялар, автомобил саноати, нефть маҳсулотларини қазиб олувчи, қайта ишловчи, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корпорациялар эгалларди.

2-жадвал

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги 100 та энг йирик корпорацияларда маҳсулотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши (1990, 2000 йиллар)

Тармоқ	1990	2000
Электроника (электрон асбоб-ускуналар)	14	17
Кимё ва фармацевтика товарлари	18	16
Автомобиль қурилиши	13	14
Нефть маҳсулотларини қазиб олиш	13	14
Қайта ишлаш ва тақсимлаш		
Озиқ-овқат маҳсулотларини ва ичимликларни ишлаб чиқариш	9	12
Хилма-хил ишлаб чиқариш (Diversified)	2	4
Телекоммуникация	2	5
Савдо	7	4
Машиналар ва асбоб-ускуналар	3	2
Металлар	6	3
Қурилиш	4	3
Воситачилик (Media)	2	2
Бошқалар	7	4
Жами:	100	100

Манба: World Investment Report 2001.Table 11,5.

Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодини ривожлантиришдаги роли

Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодига таъсири биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг ниҳоятда кенг шаҳобчалари ва тақсимланиши орқали олинаётган нисбий афзалликлар туфайли намоён бўлади. Улардан фойдаланиш чет эл шаҳобчалари орқали ҳам вертикал (тик), ҳам горизонтал (ётиқ) интеграциялашув воситасида таъминланади.

Вертикал интеграциялашув туфайли кўпгина халқаро корпорациялар фирма ичидаги савдони самарали ривожлантириш орқали хомашё материаллари ва оралиқ товарлари билан кафолатланган даражада таъминланиш имкониятига эга бўлиб, чет эл бозорларида учрайдиган муаммоларни енгиб, тақсимлаш, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини яхши таъминлай оладилар.

Халқаро корпорациялар горизонтал интеграция воситасида ўзининг чет эл фирмалари орқали монополистик ҳукмдорлигини яхшироқ ҳимоя қилади ва фойдалана олади, маҳсулотларини маҳаллий шарт-шароит ва одамлар дидига мослаштиради, унинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Халқаро корпорациялар нисбий афзалликларининг моҳияти шундаки, улар қуйидагиларни таъминлайди:

– ишлаб чиқаришнинг катта ҳажми, кўлами ҳисобига маҳсулот бирлигига кетадиган сарф-харажатларни тежашни;

– ишлаб чиқаришнинг катта кўлами ҳисобига меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштиришни янада чуқурлаштиришни;

– капиталнинг халқаро бозори хизматидан фойдаланишдаги катта имкониятларни, жумладан, йирик лойиҳаларни молиялаштиришни;

– тадқиқотларни амалга ошириш учун лойиҳаларни концентрациялашни, техника ҳамда кадрлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан тўғри келадиган бир ёки бир неча мамлакатларда уларни ривожлантиришни;

– шуъба компаниялар орқали улар жойлашган мамлакатлар ҳақида ахборотларни тўплаш ва улардан фойдаланишни;

– ташқи муҳитнинг ўзгаришларига (бозор, сиёсий вазият) кичкина компанияларга қараганда тезроқ мослашишни.

Ушбу афзалликлардан ташқари улар:

— ишлаб чиқаришнинг кенг диверсификация қилиниши туфайли таҳликали аҳволга кам тушишади ва кўпинча майда фирмаларга қараганда юксак даромад олишади;

— ниҳоят солиқ кўп солинадиган мамлакатлардаги филиалларига етказиб бериладиган товарлар нархини сунъий ошириш, бу мамлакатлардаги филиалларидан олиб келинадиган товарлар баҳосини пасайтириш орқали миллатлараро корпорациялар (МНК) солиқлар билан боғлиқ бўлган талофатларини камайтиришлари мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон ишлаб чиқаришининг 20% идан кўпроғи МНК улушига тўғри келади ва фирмалар ичидаги савдо (асосий компаниялар билан унинг чет элдаги шуъба компаниялари ўртасидаги) қайта ишловчи саноат маҳсулотларининг дунё бўйича савдосининг 25% дан кўпроғини ташкил этади.

Айрим халқаро корпорациялар йилига ўнлаб миллиард доллар миқдорида савдо қилишга эришмоқдаки, бу айрим давлатлар умумий миллий даромадидан кўпдир.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда дунёдаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кўпчилиги (90%) ҳам ана шу корпорациялар томонидан амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам Ғарбдаги у ёки бу мамлакатни бошқа давлатларда жойлаштирилган "иккинчи иқтисоди" кўламларини ҳисобга олмасдан туриб, уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаб бўлмайди.

80-йилларнинг бошида Америка корпорацияларининг чет эллардаги филиаллари маҳсулотларининг қиймати АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 41,4% ташкил қилди.

Моддий ишлаб чиқаришда "иккинчи иқтисод"нинг роли янада ортади: масалан, америка компанияларининг чет эллардаги филиалларининг маҳсулоти 2000 йилнинг биринчи ярмида АҚШнинг ўзидаги моддий ишлаб чиқаришнинг тахминан 60% ини ташкил этган. Бинобарин, улар учун ички ва ташқи бозорлар ўртасидаги фарқнинг аста-секин йўқолиб бориши табиий ҳолдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро корпорациялар ташқи операцияларининг асосий географик йўналиши — бу капиталларнинг Ғарбнинг юксак ривожланган мамлакатлар миллий хўжаликларига тобора чуқур кириб боришидир.

Бу корпорациялар фаолиятининг энг муҳим соҳалари — биринчидан, бошқа мамлакатларнинг ички бозорларида иш кўраётган корхоналаридан тўғридан-тўғри фойда олиш.

Америка халқаро корпорациялари, масалан, чет элдаги филиаллари маҳсулотларининг салкам 65%ини маҳаллий бозорларда, шу жумладан, бозор иқтисоди ривожланган давлатларда 75%ини ва ривожланаётган давлатларда 43%ини сотди.

Улар фаоллигининг аҳамиятини кўрсатувчи иккинчи муҳим соҳа – халқаро корпорациялар экспортини кенгайтириш. 80-йилларнинг бошларида бозор иқтисодига ўтган мамлакатларда жаҳон экспортининг 65–70% ана шу корпорациялар улушига тўғри келади.

90-йилларнинг иккинчи ярмида халқаро корпорациялар савдоси умумий ҳажмининг ўртача 45%ини экспорт ташкил қилди. Бундан ташқари, хомашёни халқаро миқёсда сотишни ҳам улар тўла назорат қилиб борарди. Жаҳон бозорларида сотилаётган буғдой, қаҳва, маккажўхори, ёғоч материаллари, тамаки, жут ва темир рудасининг 90%, мис ва бокситнинг 90%, чой ва қалайнинг 80%, банан, натурал каучук ва нефтнинг 75%и уларнинг улушига тўғри келди (*В.Кузнецов.* Что такое глобализация? МЭиМО, 1998, №3 16-бет).

Бунда асосий компаниялар билан уларнинг чет элдаги филиаллари ўртасидаги ички корпоратив алмашувлар муҳим ва тобора кўпроқ роль ўйнайди. Бугунги кунда энг янги технологияларни трансферт қилиш билан боғлиқ тўловларнинг кўпчилик қисми халқаро корпорацияларда ишлаб чиқарилади (АҚШ ва Буюк Британияда – 80%, Германияда – 90% гача).

Кўп сонли трансмиллий комплексларнинг пайдо бўлиши сезиларли йўналиш бўлиб, уларга кўра турли мамлакатларнинг ихтисослаштирилган ва ўзаро кооперативлашган корхоналари у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бирлашадилар.

Бу жараёнга ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, "янги индустриал мамлакатлар" аста-секин қўшилмоқда. Улар ривожланган давлатлар саноати учун ихтисослаштирилган буюмлар, узеллар, таркибий қисмлар етказиб берувчи сифатида фаол иш юритмоқда. Масалан, 2000 йилнинг бошларида Сингапур электрон ва электротехника саноати экспортининг 86%, Тайваннинг 78%, Жанубий Кореянинг 68%, Бразилиянинг машинасозлик маҳсулоти экспортининг 65%и дан кўпроғи йирик Ғарб корпорацияларининг чет эл филиаллари ҳиссасига тўғри келди.

Турли корпорациялар ўртасидаги рақобатнинг тобора ўсиши ҳозирги замон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти бўлиб, айни бир вақтда улар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва тижорат соҳасидаги алоқалар янада кучайди.

Шубҳасизки, халқаро корпорациялар биринчи навбатда уларни барпо этишга ўз маблағларини сарфлаган юридик шахсларга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, уларнинг фаолияти таянч мамлакатлар ва қабул қилаётган мамлакатларнинг умуммиллий манфаатларига ҳамиша мос келавермайди.

Таянч мамлакатларда халқаро корпорациялар фаолиятига муносабат

Ижобий томонлари билан бир қаторда халқаро корпорацияларнинг таянч мамлакат учун қуйидаги салбий томонлари кўзга ташланади:

— капиталнинг бевосита инвестициялар шаклида олиб чиқиб кетилиши натижасида МНК ватанида иш жойининг йўқотилиши;

— илғор технологиялар олиб чиқилади, бу эса технологик устунликнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Лекин бу далил халқаро корпорациялар илмий тадқиқотларини ўз мамлакатларида ривожлантириш бўйича дастурлар яратиши воситасида барҳам этилади;

— қарор топган тизимнинг бузилиши ва солиқдан тушадиган маблағ миқдорининг камайиши; халқаро корпорациялар капиталларининг халқаро бозорга чиқиши туфайли миллий валюта сиёсати четлаб ўтилгач, давлатнинг ўз иқтисоди устидан назорат қилиш функцияси оғирлашади.

Қабул қилаётган мамлакатларда халқаро корпорациялар фаолиятига муносабат

Қабул қилаётган мамлакатларнинг халқаро корпорацияларга эътирози кўпроқ ва уларнинг муносабатини қуйидагича тушунтириш мумкин:

— халқаро корпорациялар фаолияти уларнинг ривожланишини секинлаштиради (бу кўпинча ҳақиқатга тўғри келмайди);

— халқаро корпорациялар жамғармаларини таянч мамлакатларидаги илмий тадқиқотларнинг ривожига сарфлайди (аслида ҳам шундай бўлиб, бу биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатлар учун жиддий муаммо туғдиради);

— халқаро корпорациялар маҳаллий капиталларни, тадбиркорларни ўзига жалб этиб, уларни ўз мамлакатлари эҳтиёжлари учун хизмат қилишдан четлаштиради;

— халқаро корпорациялар солиқ ва тариф соҳасидаги имтиёзлар ёки солиқларни тўлашдан ўзини четга тортиши

орқали инвестиция натижасида олинган фойданинг катта қисмини ўзлаштиради;

— халқаро корпорациялар минерал ва хомашё ресурсларини ишлаб чиқариш учун ривожланаётган мамлакатларда амалга ошираётган тўғридан-тўғри инвестициялари чет эл эксплуатациясининг ўсишига олиб келади; бу ўсиш қабул қилаётган мамлакатларга тўланаётган нархнинг пастлиги, ортиқча ишчи кучи катта аҳамиятга эга мамлакатда кўп маблағ талаб қиладиган технологиянинг ишлатилиши мамлакат шароитига тўғри келмаслиги, маҳаллий кадрлар тайёрлашга эътибор етарлича бўлмагани, табиий ресурслардан керагидан ортиқча фойдаланиш ва дуалистик "анклав" иқтисод яратилиши оқибатида юз беради.

Бу даъволарнинг кўплари ривожланаётган мамлакатлар учун асослидир. Шунинг учун ҳам қабул қилаётган мамлакатларнинг кўпчилиги чет эл инвестицияларининг салбий таъсирини чеклаш ва олиниши мумкин бўлган фойдани кўпайтириш мақсадида чет эл инвестицияларини тартибга солиб боради. Масалан, Канада, инвестицияларини кўпайтириши мумкин бўлган чет эл компаниялари филиалларига солиқни оширди, уларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи қоидаларни белгилади. Айрим ривожланаётган мамлакатлар фақат қўшма корхоналар барпо этишга рухсат беради, уларнинг ишлаб чиқариш, молия, маҳсулотини сотиш соҳасидаги фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун-қоидаларни белгилайди. Булар табиийки, инвестициялар оқимини чеклаб қўяди.

Ҳатто йирик халқаро корпорациялар учдан бирининг штаб квартиралари жойлашган АҚШда ҳам 80-йилларнинг охирида чет эл инвестицияларини назорат қилиш борасида қатъий чора-тадбирлар кўрилди.

Нима бўлганида ҳам, таянч ва қабул қилаётган мамлакатлар манфаатлари умуман бир-бирига зид келар экан, асло халқаро қонунларнинг универсаллигини таъминлаб бўлмайди. Бунинг натижаси эса халқаро корпорациялар фаолиятига боғлиқ ҳар икки томон учун долзарб бўлган кўплаб муаммоларнинг ечимсиз қолишидир.

Келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Ишлаб чиқаришни юксак даражада умумлаштирилиши, хўжалик ҳаётини интернационлашуви халқаро корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун иқтисодий замин бўлди.

Халқаро корпорацияларнинг филиаллари билан шартнома муносабатларини шакллантириш воситасида ички бозорнинг

ташкил этилиши халқаро корпорациялар ҳозирги ривожининг ўзига хос хусусиятидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг 100 та энг йирик корпорациялари орасида етакчи ўринларни АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари эгаллаб турибди.

Асосий улушни электроника ва электрон асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи компаниялар ташкил этади. Ундан кейинги ўринни кимё ва фармацевтика товарларини ишлаб чиқариш, автомобилсозлик эгаллайди.

Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодини ривожлантиришдаги етакчилик роли, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш шаҳобчаларини кенгайтириш ҳисобига олинаётган нисбий устунлик билан белгиланади. Ҳозирги кунда жаҳон ишлаб чиқаришининг, кўпчилик инвестициялар ва халқаро савдонинг анча катта қисми халқаро корпорациялар улушига тўғри келади.

Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодидаги ролининг ўсиши билан улар ўртасидаги рақобат кескинлашмоқда. Шу билан бирга уларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат соҳаларидаги алоқалари янада кучаймоқда.

Таянч ва қабул қилаётган мамлакатлардаги халқаро корпорациялар фаолиятига муносабат бир хил эмас. Бу ўринда уларнинг миллий иқтисоднинг ривожланишидаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда, айни вақтда, бир қатор салбий омилларга ҳам эътибор қаратилади. Шунинг учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бу корхоналар фаолияти умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан назорат қилинади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, юзага келишининг асосий сабаблари ва шаклларининг эволюцияси. Жаҳон иқтисоди ривожланишида МКнинг роли.
2. МКнинг улар келиб чиққан мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири.
3. Қабул қилувчи мамлакатларда МК фаолиятига муносабат.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. "Халқ сўзи", 10 февраль 2004 й.

2. *Басовский А.Е.* Мировая экономика: Курс лекции. М., ИНФРА-М, 2003.

3. *Комаров В.* Прямые иностранные инвестиции и транснациональные корпорации. //Экономист, М., 1999. №7.

4.*Кругман Р, Обстфельд М.* Международная экономика – М., Питер, 2004.

5. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., 1998.

6. *Мухитдинова Н.М.* Совместное предпринимательство. ТНК: Движущие силы и противоречия. М., 1991.

7. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА, 2004.

8. *Тэор Т.Р.* Мировая экономика. СП Питер, 2001.

9. Salvatare, Domenick. International Exconomics Fifth Ed., New Jersey, 1995.

10. Dennis R, Appleyard, Alfred J Field International Economics, IRWIN, USA, 1995.

11. World Investment Reports 1998. Trends and Determinants, New-York, 1998.

12. Transnational corporations, vol 9, №1. UN. UNCTAD.

13. World Investment Report, 2000. Cross border Mergers and Asquisitions and Development. UN. 2000.

4-БОБ
КАПИТАЛНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ

Капитал олиб чиқилиши моҳияти

Капиталнинг халқаро ҳаракати – капитални чет элда, фойда олиш мақсадида жойлаштириш ва ишлатишдир.

Бунда "капитал" термини замирида фақат ишлаб чиқариш омили сифатида капиталнинг ўзи эмас, қисман меҳнат, ер, тадбиркорлик қобилияти ҳам тушунилади, чунки чет элда капитал сарфланганда уларни бир-биридан ажратиш анчайин қийин.

Чет элга капитал чиқариш **(капитал олиб чиқиш)** шундай бир жараёнки, унинг давомида бир мамлакатнинг миллий муомаласида бўлган капиталнинг бир қисми чиқариб олинади, турли шаклларда (маҳсулот, пул) иккинчи бир давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига, муомаласига киритилади. Капиталнинг халқаро ҳаракати мамлакатлар ўртасидаги капиталлар миграциясидан иборат бўлиб, ўз эгасига даромад келтиради.

Капиталнинг ҳаракат шакллари

Капиталлар чет элга қуйидаги шаклларда чиқарилади:

1) Хусусий ва давлат капиталлари шаклида;

2) пул ва товар шаклида;

3) қисқа муддатли (одатда бир йилгача), ўрта ва узоқ муддатли шаклларда;

4) ссуда ва тадбиркорлик капиталлари шаклида.

Судхўрлик шаклидаги капитал (ссуда капитали) мулк эгасига кўпинча қўйилган пул, заём ва кредитлар бўйича фоиз шаклида, тадбиркорлик шаклидаги (тадбиркорлик капитали) капитал эса фойда тарзида даромад келтиради. Буларни батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Капиталнинг чет элга чиқишига асосий сабаб унинг ўз мамлакатида – донор мамлакатда нисбатан кўплигидир. Бу ҳол янада кўпроқ даромад топишга, капитални чет элга жойлаштириш натижасида ҳам дивиденд, ҳам фоиз шаклида фойда олишга имкон беради.

Чет элга капитал жойлаштириш ўз **хусусиятлари** ва **шаклларига** кўра **турлича** бўлиши мумкин:

Чунончи, келиб чиқиш манбаларига қараб, улар одатда: давлат капитали ва хусусий капиталга бўлинади.

Халқаро тажрибада давлат томонидан жойлаштирилган капитал расмий деб ҳам аталади; бу капиталлар давлат бюджети маблағи ҳисобидан бевосита ҳукуматнинг, ёхуд ҳукуматлараро ташкилотларнинг қарорига биноан четга чиқарилади ёки четдан олинади.

Булар давлат заёмлари, қарзлари, грантлари (эҳсонлари), ёрдам тариқасида бўлиб, уларнинг халқаро ҳаракати ҳукуматлараро битимлар орқали белгиланади. Халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган (кредит) қарзлар ва бўлак маблағлар (масалан, ХВЖ қарзлари) ҳам шулар қаторига киради.

Хусусий капитал нодавлат манбалардан олинган маблағ бўлиб, хусусий шахслар (юридик ёки жисмоний) томонидан четга чиқарилади ёки четдан олиб келинади. Инвестициялар, савдо қарзлари, банклараро қарз беришлар шулар жумласидандир; буларнинг бевосита давлат бюджетига алоқаси йўқ, аммо ҳукумат буларнинг ҳаракатини ўз ваколати доирасида назорат қилиши ҳамда тартибга солиши мумкин. Амалда баъзан давлат маблағларини хусусий инвестицияларга айлантиришдек нозик ўйинлар ҳам учраб туради.

Чет элга капитал жойлаштириш усули **ўз муддатига кўра**, уч хил кўринишга эга:

1) қисқа муддатли (**бир йилгача**);
2) ўрта муддатли;
3) узоқ муддатли.

15 йилдан кўпроқ муддатга жойлаштирилган капитал узоқ муддатли ҳисобланади. Катта миқдорда қўйилган капиталлар ана шу тоифага киради, тадбиркорлик капиталининг бевосита ва билвосита шаклидаги барча инвестициялари (кўпинча хусусий), ссуда капитали (давлат ва хусусий кредитлар) узоқ муддатли ҳисобланади.

Чет элга қўйилган капиталлардан қандай **фойдаланишга** қараб, **қарзга бериладиган, тадбиркорлик учун** деган номлар билан иккига бўлинади.

Буларнинг биринчиси фоиз шаклида, даромад олиш мақсадида қарзга маблағ бериш, демакдир. Бу соҳада давлат ва хусусий манбалардан келадиган капиталлар анча фаол иштирок этади.

Тадбиркорлик инвестициялари бевосита ёки билвосита ишлаб чиқаришга жойлаштирилади ва улар дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқини беради. Бу ўринда кўпинча хусусий капитал назарда тутилади.

Тадбиркорлик мақсадида жойлаштирилган капиталлар **ўз олдига қўйган вазифасига** кўра икки тоифага: **бевосита ва билвосита (портфел) инвестицияларга бўлинади**. Буларнинг биринчисида капитал узоқ муддатли манфаатни кўзлаб жойлаштирилади ва мулкдорлик ҳуқуқи ёки бошқарувдаги ҳал этувчи ҳуқуқлар ёрдамида мақсадга эришилади. Бевосита чет эл инвестициялари асосан хусусий тадбиркорлик капиталидан иборат.

Иккинчи тоифа эса капитал жойлаштирилган объектни назорат қилиш ҳуқуқини эмас, балки узоқ муддат имтиёзли (биринчи навбатда) даромад олиш ҳуқуқини беради.

Халқаро валюта жамғармаси шу ўринда яна бир гуруҳни — **"бўлак инвестициялар"**ни ажратиб кўсатадики, булар асосан халқаро заёмлар ва банк депозитларидан иборатдир.

XX аср бошида етакчи капиталистик мамлакатларда эркин капиталлар жуда катта миқдорда йиғилиб қолди. Гап шундаки, рақобат тадбиркорни капитални сақлаб қолиш учун уни доимо кенгайтириб боришга мажбур қилади, у бунга жамғармани тобора кўпайтириб бориш орқалигина эришиши мумкин.

Кейинчалик фан-техника тараққиёти шароитида жамғармани тобора кўпайтириб бориш шунга олиб келдики, янги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми чет эл бозорида сотилган тақдирдагина, фойдали бўлиши мумкин бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам йирик тадбиркорлик капитали учун капитални четга чиқаришдан бошқа имконият қолмайди. Зеро, капитал кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнининг узвий бўлагига айланиб, буни жамғарманинг ҳозирги миқдори тақозо этади. Ортиқча капиталнинг четга чиқарилиши эса, унинг нисбий хусусиятга эгалиги, жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви туфайли амалга ошиши мумкин бўлади.

Капитални четга чиқариш сабаблари

Капитализм ривожининг дастлабки босқичларида капитални четга чиқариш товарларни чиқаришга нисбатан камроқ эди.

Капиталнинг четга чиқарилишининг асосий сабаби – унинг "ортиқчалиги". Ортиқча капитал дейилганда капиталнинг шундай кўплиги тушуниладики, унинг учун фойда меъёрининг пасайиши унинг миқдори билан тенглашмайди. Ёки бундай капиталлар миқдори мустақил иш кўришга қодир эмас.

Шу муносабат билан капитални четга чиқаришни рағбатлантирувчи капитал мўл-кўллигининг икки жиҳати таъкидлаб ўтилади:

1. Фойда меъёрини пасайиши тамойили қонунининг амал қилиши.

2. Хўжаликнинг энг муҳим соҳаларида энг йирик монополиялар ҳукмронлигининг қарор топиши натижасида ички капиталнинг тармоқлараро оқиб юришининг қийинлашиши.

Капиталнинг кўплиги унинг четга чиқарилиши учун бирдан-бир сабаб бўлиши мумкинми?

Агар дастлаб капитал мамлакат ичида фойда меъёрларини пасайтириб юборувчи жамғарманинг кўп миқдорда йиғилиб қолиши хавфи туғилган тақдирдагина четга чиқарилган бўлса, ҳозирда ички инвестициялар учун маблағ нисбатан етишмай қолган тақдирда экспорт қилинмоқда.

Хўш, нега энди компаниялар ички инвестициялар имкониятларидан тўла фойдаланмай туриб ҳозир четга чиқишади? Бунинг устига улар ўз мамлакатидаги инвестиция талабларини қондириш учун кўпинча капитални импорт қилишга ўтишади. Ган шундаки, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги шароитларида:

1. Компанияларнинг жамғарма миқёсларини (ишлаб чиқаришни) кенгайтиришга бўлган талаблари кескин ортиб кетди. Бунга сабаб — қайта ишлаб чиқариш жараёни мантиқи бўлиб, у компаниянинг энг мувофиқ (оптимал) ҳажмлари муттасил ўсиб боришини талаб қилади: улар рақобат қурбони бўлмаслиги учун кенгайишлари керак. Агар XX аср бошларида капиталистик фирмалар ишлаб чиқариш кўламини оширишга, ўз миллий ҳудудлари доирасида янги бозорларни эгаллаб олишга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган бўлсалар, ҳозир корхоналар кўламининг мувофиқ ҳажмларининг ортиши муносабати билан уларнинг кўплари учун миллий доиралар ҳар қачонгидан ҳам тор бўлиб қолди. Йирик компаниялар учун кўпинча капитални четда инвестиция қилишдан бошқа чора қолмайди. Жамғарманинг ҳозирги миқёси таъсирида четга капитал чиқариш қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узвий элементига айланиб қоляпти. Зеро, миллий иқтисодда монополлашув даражасининг ўсиши капиталларнинг тармоқлараро юришини қийинлаштириб юборди.

2. Миллий иқтисод тармоқларини монополлаштириш кучайди. Монополиялар фойда миқдорини ошириш кетидан қувиб, эндиликда янги бозорларга эгалик қилиш, рақибларни сиқиб чиқариш, кутилаётган имкониятли рақобатдан ўзини эҳтиёт қилиш мақсадида ортиқча ишлаб чиқариш хавфи туғилишидан анча олдин капитални экспорт қила бошлайди.

Бу шу билан изоҳланадики, мамлакат ичкарисидаги тармоқлар шу қадар монополлашганки, рақибларнинг бу тармоқларга капитал сарфлаши учун етарли тўсиқ қўйилган. Халқаро компаниялар истиқболда тармоқни кейинги инвестициялар учун заҳира сифатида қолдириб, янги бозорларни босиб олиш ва чет элдаги рақибларини сиқиб чиқариш учун капиталлардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтиришга интилади.

3. Ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви жадал суръатлар билан давом этади.

Агар XIX аср охирларида капитални четга чиқариш фақат унинг ҳаддан ташқари йиғилиб қолиши туфайли юз берган бўлса, ҳозирда чет эл инвестициясининг энг муҳим иқтисодий сабабларидан бири, юқоридаги билан бир қаторда ишлаб чиқариш интернационаллашуви жараёнининг чуқурлашиши бўлди. Фан-техника тараққиёти шароитида айрим транс ва кўп миллатли концернлар доирасида ички фирмалар меҳнат тақси-

моти халқаро меҳнат тақсимоти билан қўшилиб кетади, бу эса миллий хўжаликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтирди. Буни фақат савдо алоқалари билан эмас, балки турли мамлакат фирмалари ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш ва технологик алоқалар, халқаро ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш жараёнларининг ривожи билан тушунтириш мумкин.

4. Айрим трансмиллий корпорация ёки молиявий гуруҳ доирасидаги капитал ҳаракати солиқ тўлашдан бош тортиш, валюта курслари фарқи орқали фойда олиш каби савдо-чайқовчилик мақсадларни кўзлаш туфайли ҳам юз бериши мумкин.

Капитални четга чиқариш жараёнларидаги янги сифат тавсифлар

Ҳозирда бирор тармоққа қўшимча капитал сарфлаш ортиқча ишлаб чиқаришни келтириб чиқарадиган чегаралар анча орқа сурилди. Чунки уларнинг кўпчилик қисми эндиликда асосий капитални (ишлаб чиқаришни) кенгайтиришга эмас, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилаш билан боғлиқ замонавийлаштиришга сарфлана бошланди.

Капиталнинг халқаро ҳаракатида унинг ортиқча тўпланиб қолиши билан бирга кўпроқ ишлаб чиқаришни умумийлаштириш жараёни яширинган бўлиб, у миллий чегаралардан чиқиб кетди. Капитални четга чиқаришга эса, энди фойданинг миллий меъёрларининг ўзгариши ҳам, фойда меъёрлари ўртасидаги фарқ ҳам таъсир этмай қўйди. Бундан ташқари, компаниялар ўз шуъба корхоналарига капитал олиб чиқишдан миллий миқёсларда барқарор бўлиб турган ёки ҳатто анча ортиб бораётган ишлаб чиқариш ҳажмини тартибга солиб туриш йўли сифатида ҳам фойдалана бошлашди.

Капитални ривожланаётган мамлакатлардан экспорт қилиш 60–70-йилларга келиб капитални четга чиқаришдаги янги ҳодисалардан бири бўлди. Бундай мамлакатларнинг 2 гуруҳини кўрсатиш мумкин:

1. Миллий бозорлар маҳаллий тадбиркорлар учун "торлик қилиб қолган" мамлакатлар;

2. Иқтисодиёти нефтни экспорт қилишдан олинадиган жуда катта маблағларни ўзлаштиришга қодир бўлмаган

мамлакатлар (ОПЕК – нефть ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ташкилотига аъзо мамлакатлар).

Чет эл давлатларига капитал чиқаришнинг шакл ва усуллари эволюцияси

Бевосита хусусий инвестициялар ривожидаги ўзгаришлар кўпроқ қуйидагиларга ўтишда намоён бўлмоқда:

1. Ўз мустақил чет эл компанияларини ташкил қилишдан капитални импорт қиладиган мамлакатларда қўшма корхоналарни барпо этишга.

2. Чет эл фирмалар акцияларини шунчаки сотиб олишдан чет элда ўзларининг янги шуъба корхоналарини таъсис этишга.

3. Чет эл фирмалари акцияларига эгалик қилишдан улар билан узоқ муддатли шартномалар тузишга.

4 Халқаро корпорацияларнинг чет давлатлар хўжалик структураларига кириб боришнинг шакли сифатида бош фирма акцияларини унинг чет эл филиаллари акционерлари ўртасида тарқатиш сингари шакли ҳам тобора кўп аҳамият касб этмоқда.

Бу усуллар моҳияти тўғрисида

Чет элдаги фирмаларининг акцияларини якка ўзи эгаллашдан ушбу мамлакатларнинг хусусий капитал эгаларига (қўшма фирмалар орқали), баъзида давлатга (аралаш фирмалар орқали) уларнинг акцияларини сотиб олишга рухсат беришга ўтиш қуйидагилар билан белгиланади:

1. Фан-техника инқилоби ривожи билан (кўпроқ ривожланган мамлакатларда).

2. Миллий ҳукуматларнинг чет эл капиталига муносабати билан (асосан ривожланаётган мамлакатларда).

Фаннинг ва ишлаб чиқаришнинг бугунги талаби кўпинча айрим, ҳатто энг йирик монополиялар имкониятларидан ҳам ортиб кетаяпти. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлардаги чет эллик инвестор, маҳаллий капиталнинг иштироки қуйидагиларни енгиллаштиради, деб умид қилади:

– замонавий технологик жараёнларни жорий этишни осонлаштиради;

– маҳаллий шеригининг ишлаб чиқаришига киришига, унинг юксак малакали ходимларига, яхши йўлга қўйилган сотиш шоҳобчалари ва мижозларига кредитлар олишга йўл очади;

— керакли махсус ахборот-маълумотлар билан таъминлайди;

— "ўз" тадбиркорлари учун маҳаллий ҳукумат белгилаган имтиёзлардан фойдаланиш имкони туғилади.

Ривожланаётган мамлакатларга келсак, бу ерда кўпчилик чет эл компаниялари уларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ички нормалар билан боғлиқ муаммоларни четлаб ўтиш мақсадида миллий фирмаларни шерикчиликка оладилар. Чунки бу шериклар чет эллик компаниялар учун зарур бўлган техник билимга, бошқариш тажрибасига эга эмас. Уларнинг капитали ҳам қизиқиш уйғотмайди. Бундан ташқари, ёш давлатларнинг ҳукумати ўз ҳудудларида халқаро корпорацияларнинг ягона ўзи назорат қиладиган шуъба жамиятларини таъсис этишга умуман рухсат беришмайди. Яна трансмиллий корпорациялар ва миллатлараро корпорациялар ўз мулкини миллийлаштириш ёки экспроприация қилишдан қутқариш мақсадида ҳам ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида капиталга биргаликда эгалик қилишга рози бўладилар.

Кейинги йилларда, ривожланган мамлакатлардаги миллий ҳукуматнинг бевосита инвестицияларга бўлган муносабати ўзгарди ва бу билан уларни маълум даврга чеклашларни жорий этиш реал бўлиб қолди. Қўшма акциядорлик капитали йўли билан чет эл филиалларини таъсис этиш ана шу чеклашларни четлаб ўтиш, халқаро компаниялар мулкига нисбатан камситишларнинг олдини олиш йўлларидан бири бўлди.

Мутахассисларнинг берган баҳосига кўра, мулкка "жамоа бўлиб" эгалик қилиш қайд этилган иккала тизимда тобора ўсиб боради, лекин ҳозирча бу ривожланаётган мамлакатларда устунлик қилмоқда.

Чет эл давлатлари иқтисодида транс ва кўп миллатли концернларни жорий этишнинг анъанавий усулларининг ўзгариши битимлар аҳамиятининг тобора ўсиб бораётганида кўринадики, улар ўз мазмунига кўра чет эл шеригининг акцияларини шунчалик сотиб олишни эмас, балки чет элда янги фирмаларни таъсис этишни билдиради.

Чет элда инвестиция қилинган капитал узоқ давр мобайнида кўпроқ янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга эмас, балки маҳаллий компанияларни сотиб олишга сарфланди. Бунинг устига, агар ривожланган мамлакатларда маҳаллий назорат остида бўлган миллий компаниялар акцияларини сотиб олиш ҳозирча халқаро компаниялар томонидан чет эл филиалларини сотиб олишнинг асосий шакли бўлса,

ривожланаётган давлатларда бундай филиаллар энди кўпроқ янги фирмаларни таъсис этиш воситасида пайдо бўлмоқда. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

— ёш давлатлар ҳукуматининг чет элликлар томонидан миллий компанияларни сотиб олинишига нисбатан анча қатъий йўл тутаётганлиги;

— бу давлатларнинг кўпчилиги ҳозирча қайта ишлаш саноатини қарор топтириш, шакллантириш даврини бошидан кечиряпти, шунинг учун кўпинча бу соҳада у ерда сотиб оладиган нарсанинг ўзи бўлмайди.

Бунинг устига барпо этилаётган саноат корхоналари кўпинча чет эл капитали томонидан назорат қилинаётган ягона технологик комплексларнинг бир бўғинидан бошқа нарса эмас.

Халқаро монополияларнинг чет давлатларга, биринчи навбатда, ривожланаётган давлатларга кириб бориш усуллари орасида технологиялар, асбоб-ускуналар етказиб бериш, мутахассисларни тайёрлаш тўғрисида маҳаллий фирмалар билан узоқ муддатга тузилаётган шартномалар аҳамияти ортиб боряпти.

Қўшма жамиятлар ҳам кенг қулоч ёймоқда. Улар энди мулкка эгалик қилишга эмас, балки шартнома алоқаларига таяниб иш кўрмоқда. Бундай шароитда чет эллик шериклар ўз корхоналарини барпо этишмайди.

Бундай жамиятда иштирок этаётган чет эл компанияси унинг маҳсулотларининг бир қисмига эгалик қилишга ҳаққи бўлади, баъзида уларнинг нархи кредитлар, асбоб-ускуналар ва хилма-хил хизматларни етказиб бериш эвазига жаҳон нархидан ҳам паст бўлади.

Чет эллик шеригининг қарзидан қутилганидан кейин у шартномада кўрсатилган муддат давомида маҳсулотнинг ўз улушини энди жаҳон нархлари билан олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин.

Ғарб иқтисодчиларининг башоратларига кўра, халқаро бизнес соҳасидаги ўзаро муносабатлар келгусида эгалик қилишга эмас, кўпроқ шартномалар, битимларга асосланади. Бунга сабаб чет эллардаги бевосита инвестицияларнинг нисбатан қисқариши бўлиши мумкин, чунки капитал импорт қилаётган мамлакатларда у тобора кўпроқ қаршиликка учраяпти (биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларда), истиқболда эса инвестиция умуман таъқиқлаб қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, транс ва кўп миллатли концернлар мулкка эгалик қилишдан шартнома муносабатларига ўтар экан, чет элдаги юридик жиҳатдан мустақил фирмаларнинг уларнинг акциядорлик капиталида қатнашиши ва шахсий алоқалари орқали эмас, балки бу фирмаларни технологик ва ташкилий жиҳатдан ўзига тобе қилиш орқали бошқариш имконига эга бўлишади.

Ушбу бобга шундай хулоса ясаш мумкин:

Капиталларнинг халқаро ҳаракати – бу капитални чет элда даставвал фойда олиш мақсадида жойлаштириш ва ишлатиш.

Аввалда капиталнинг ортиқчалиги, мўл-кўллиги унинг четга чиқарилишининг бош сабабидир. Ҳозирги шароитда у ички инвестиция учун нисбатан етишмаган тақдирда ҳам экспорт қилинади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

1. Компанияларнинг ишлаб чиқариш умумий миқёсларини кенгайтиришга бўлган талабларининг кескин ошиши;

2. Миллий иқтисод тармоқларини монополлаштиришнинг кучайиши;

3. Ишлаб чиқариш интернационаллашувининг жадаллашиши;

4. Солиқларни тўлашдан бош тортиш, валюта курси фарқлари орқали фойда олиш каби савдо-чайқовчилик мақсадларида капитални четга олиб чиқилиши.

Жаҳон иқтисоди тадрижий ривожлангани сари капитал олиб чиқишнинг сабаблари ўзгаради, жамғарма ва капитални четга чиқариш жараёнларида янги сифат тавсифлари пайдо бўлади. Жумладан, бевосита хусусий инвестицияларни ривожлантиришда капитални импорт қиладиган мамлакатларда қўшма жамиятларни барпо этиш, чет эл фирмалари билан узоқ муддатли шартномалар тузиш, чет элда янги шуъба корхоналар барпо этишга бўлган мойиллик тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ РЕЖАСИ

1. Капитал миграциясининг моҳияти ва асосий шаклларини тушунтиринг.

2. Бевосита ва портфелли инвестицияларнинг моҳияти, хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини тушунтиринг.

3. Капитални четга олиб чиқаришнинг асосий сабаблари қандай ва нима учун ўзгаради?

4. Капитални жамғариш ва четга чиқариш жараёнларида ҳозирги тенденцияларнинг хусусиятлари ва сабабларини тавсифланг.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиз. "Халқ сўзи", 2004 йил. 10 февраль.

2. *Авдокушин Е.Ф.* Международные экономические отношения. М., 1998.

3. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., Финансы, ЮНИТИ. 1998.

4. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА. 2004.

5. *Рыбалкин В.Е.* Международные экономические отношения. М., 1998.

6. *Семёнов В.Е.* Международные экономические отношения. М., 1998.

7. *Тэор Т.Р.* Мировая экономика – СП. Питер, 2001.

8. World Investment Report, UN. 1997–2000.

9. Trade and Development Report, 2000 UN, New York, 2000.

10. Salvotore Dominic. "International Economics", (Fifth edition) - USA. New-Jersey. 1995.

5-БОБ
ИШЧИ КУЧИНИНГ ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯСИ

Ишчи кучи халқаро миграциясининг сабаблари ва эволюцияси

Одамларни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб юришга ундовчи сабаблар жуда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Уларнинг бирга қўшилиб кетиши ва биринчи ўринга чиқиши ҳам турли мамлакатлар ва минтақа, ҳам вақтига қараб фарқланади. Ҳозирги шароитда энг кўп тарқалганлари қуйидагилар:

1) Тенг меҳнат учун тўланадиган иш ҳақидаги миллий фарқлар;

2) дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларидаги аҳолининг ўсиш нисбати бир хил эмаслиги;

3) сиёсий, ижтимоий, миллий-ирқий, диний ва бошқа сабаблар.

"Аҳоли миграцияси" тушунчаси одамларнинг маълум ҳудудлар чегарасидан ўтиб, бошқа ерларга жойлашишини ва муқим турар-жойини ўзгартириши ёки шу ерга қайтиб келишини билдиради.

Бундан ташқари, **халқаро (ташқи) миграция** ҳам меҳнат қилиш учун, оилавий, туристик ва ҳоказо шаклларда намоён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аввало **халқаро меҳнат миграцияси** муаммолари, жаҳон бозорлари, хусусан, маҳсулот, хизмат турлари, капитал бозорлари қатори мавжуд бўлган **халқаро ишчи кучи бозорининг ривожланиш жараёнлари** эътиборга сазовор. Ишчи кучи бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ўтар экан, у товар сифатида ўзини бозорга солади, халқаро ишчи кучи миграциясида иштирок этади.

Ҳозирги замон халқаро меҳнат бозорида ишчи кучи миллий ҳудудлардан ошиб ўтиб, турли оқимларга бўлиниб кетишини назарда тутади. Шу тариқа **халқаро меҳнат бозори** миллий, минтақавий ишчи кучи бозорларини бирлаштиради ва ишчи кучи миграцияси шаклида намоён бўлади.

Меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияга олиб келадиган энг муҳим **рўкачлар ва сабаблар** орасида **иқтисодий ва ноиқтисодий** аҳамиятга эга бўлган турли омиллари мавжуд.

Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган сабаблар деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) Бирор-бир мамлакатда иқтисодий тараққиёт, хусусан, саноат тараққиёти даражасидаги тафовутлар (амалдаги тажриба шуни кўрсатадики, ишчи кучи асосан турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлардан даражаси юқори бўлган мамлакатларга миграция қилади); 2) иш ҳақи миқдоридаги миллатлараро фарқ; 3) айрим мамлакатларда, аввало, кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган сурункасига ишсизлик; 4) капиталнинг халқаро ҳаракати ҳамда халқаро корпорациялар фаолияти (маълумки, корпорациялар ё ишчи кучини капиталга яқинлаштиради, ёки ўз капиталини меҳнат ресурслари кўп бўлган минтақаларга олиб боради), ишчи кучининг капитал билан бирлашиб кетишига кўмаклашади.

Мутахассислар ишчи кучининг **ноиқтисодий миграция** сабаблари қаторига сиёсий, миллий, диний, ирқий, оилавий ва бошқа жиҳатларни бирга қўшиб изоҳлайдилар.

Кейинги пайтларда алоқа воситалари, транспортда рўй берган сезиларли ривожланиш, ўз навбатида, ҳозирги замон халқаро ишчи кучи миграциясини анча кучайтириб юборди.

Мамлакатлараро ишчи кучи миграциясининг бугунги тарихи **унинг бир неча муҳим йўналишларини** аниқлашга имкон беради.

Булар қуйидагилардан иборат: 1) Ривожланаётган мамлакатлардан саноати ривожланган минтақаларга миграция; 2) саноати ривожланган минтақалар доирасида миграция; 3) ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучи миграцияси; 4) собиқ социалистик мамлакатлардан саноати ривожланган мамлакатларга ишчи кучи миграцияси (ривожланаётган мамлакатлардан саноати ривожланган мамлакатларга бўлаётган миграция каби); 5)саноати ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга илмий ходимлар, малакали мутахассислар миграцияси.

Миграция сабаблари, унинг ижтимоий структураси тарихий кўчиб юриш характерига эга, яъни у кўпгина ички ва ташқи омилларга боғлиқ.

Масалан, XIX асрнинг 60-йиллари охирларигача дунёнинг етакчи капиталистик мамлакатларидаги саноат ривожи туфайли кўпроқ саноат ишчилари халқаро миграцияси юз берган. У "эски миграция" номини олган.

XIX асрнинг учинчи чораги ва XX асрининг биринчи ярмида миграцион оқимларга хонавайрон бўлган деҳқонлар оммаси — "янги миграция" келиб қўшилди ва етакчи роль ўйнади. Бу босқични бир томондан, аграр секторидаги танглик, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлари, иккинчи томондан, саноат кўламининг ортиши ва шунга тегишли равишда малакасиз ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши келтириб чиқарган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 100 минглаб зиёлилар вакилларининг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши — "ақлли-идрокли одамларнинг бошқа юртларга ўтиб кетиши" (brain drain) яққол кўзга ташлана бошлади. Бу шу билан боғлиқ эдики, фан-техника тараққиёти ҳозирги замон меҳнат миграцияси омиллари ичида етакчи роль ўйнади, унинг тараққиёти ривожланган давлатларда малакали чет эл ишчи кучига бўлган талабни кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Янги ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқларини шакллантириш юксак ривожланган мамлакатларда 50—60-йилларда малакали ишчи кучига талабнинг ошишига олиб келди.

Зеро, бу даврда малакали меҳнат ресурсларига бўлган талаб асосан маҳаллий аҳоли ҳисобига қондирилди. Лекин бундай ишлаб чиқаришлар жуда оз эди. Кўпгина бошқа соҳаларда қўл меҳнати сақланиб қолган, оқибатда, ишлаб чиқариш тармоқларининг малакали ишчиларга бўлган талабининг

ортиши натижасида ишчи кучининг бу тармоқларга кўчиб ўтиши юз берди. Жисмоний куч кўп талаб қилинадиган, иш ҳақи нисбатан кам тўланадиган бўшаб қолган иш жойларига эса сустроқ ривожланган мамлакатлардан ишчи кучлари жалб қилина бошланди (иқтисод ривожидаги поғоналилик).

Фан-техника тараққиётининг янги босқичида бундай механизм ўзгарди. Ғарбнинг гуркираб ривожланаётган етакчи мамлакатларида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш натижасида малакасиз ишчи кучига бўлган талаб анча камайди. Шу билан бирга фан-техника тараққиёти юксак малакали кадрларга: муҳандисга, мутахассисларга, илмий ходимларга бўлган талабни анча ошириб юборди. Лекин малакавий таълимнинг мавжуд тизими талабни тўла қондира олмайди, бунга бўлган эҳтиёж кўпинча бошқа мамлакатлардан кадрлар импорт қилиниши ҳисобига таъминланарди. Шунинг учун чет эл ишчи кучи таркибида тайёрланган мутахассислар улуши тобора орта борди. Масалан, ГФРга чиқиб кетган турк ишчиларининг умумий сонида малакали ишчилар 1970 йилда 27%, 1976 йилда эса 73% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, агар ривожланган мамлакатларда қўшимча "қўлларга" бўлган талаб кейинги йилларда пасайган экан, бу ҳеч ҳам "ақлли-идрокли" одамларни импорт қилиш камайди, деган маънони англатмайди.

Меҳнаткашларнинг халқаро миграцион оқимларига олий илмий унвонлар, дипломлар ва билимларга эга бўлган минглаб олимлар, муҳандислар, иқтисодчилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар келиб қўшиляпти.

Биргина 1993 йилнинг ўзида АҚШга чет элдан 23,5 минг иммигрант олим ва муҳандислар келди. Иммигрантлар сафида илгари кўрилмаган ишчи кучлари турининг пайдо бўлиши унинг сафарбарлигига, ҳатто, ўша аҳоли кўчиб юришининг ҳаракатлантирувчи кучлари қаторига кўплаб янги иммигрантларнинг келиб қўшилишини англатарди.

Жумладан, анъанавий сабаблар билан (иш ҳақи, турмуш шароити, сиёсий, ирқий, миллий ва бошқа сабаблар) бир қаторда, илмий тадқиқотлар учун шароитнинг йўқлиги, олимлар, кашфиётчилар, конструкторлар ва бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларни мукофотлаш, тақдирлашдаги жуда катта фарқлар сингари сабаблар ҳам бор эди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ривожланаётган мамлакатлар 70-йилларда АҚШда терапевт ва хирургларнинг ҳар йилги ўсишининг 25–50%и, олимларнинг 20%и, муҳандисларнинг 25–50%ини таъминлаб

турган. Масалан, 80-йилларнинг бошига келиб, Буюк Британияда араб мамлакатларидан салкам 600 олим, 6,4 минг шифокор ва 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга кишилар ишлаган.

80-йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Ғарбий Европада ишлаган Эрон шифокорларининг сони ўзларидагига қараганда кўп эди. 40 млн эронликка 15 минг киши тўғри келарди. Ҳолбуки, 16 минг Эрон шифокори АҚШда, 5 минги эса Ғарбий Европада ишларди.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошида АҚШдаги муҳандислар орасида чет элликлар улуши 10% га, шифокорлар орасида 24%га етган эди. Қизиғи шундаки, миллий академия аъзоларининг 23%и, Нобель мукофоти совриндорларининг 33%и АҚШга келган муҳожирлардир.

1983 йилдан 1988 йилгача Буюк Британиядан тарих, фалсафа, сиёсий фанлар ва физика соҳасидаги 200дан ортиқ йирик мутахассислар АҚШга муҳожирлар сифатида келишган. Бунга сабаб – иш ҳақининг пастлиги (АҚШдагига қараганда 3 баробар кам), ўз ватанида ишчи кучининг қисқариши, илм билан шуғулланиш учун шароитнинг кўнгилдагидек эмаслиги. 90-йилларнинг ўрталарида Нью-Йорк университетининг ҳар олтинчи профессори илгари Буюк Британия фуқароси бўлган.

Иммигрантлар сафида МДҲ вакиллари улуши ҳам сезиларли *(3-жадвал)*.

3-жадвал

1996 йилда Россия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидан кетган муҳожирларнинг малакавий таркиби (1000 киши)[1]

Соҳа ходимлари	Россия		МДҲ	
1	2	3	4	5
	Минг киши	%	Минг киши	%
Ҳаммаси бўлиб, шу жумладан	19,7	100,0	68,8	100,0

[1] *Супян В.Б.* Российская эмиграция в США (социально-статистический портрет) ж. США. Экономика, Политика, Идеология. М., 1998, №3, 118–120-бетлар.

Мутахассислар ва бошқарув ходимлари	3,0	15,2	6,9	10,0
Савдо ходимлари	0,2	1,0	07,	1,0
Маъмурий-ёрдамчи ходимлар	0,4	2,03,	1,0	1,5
Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари	0,9	4,6	2,8	4,1
Қишлоқ хўжалиги ходимлари	0,02	0,1	0,06	0,09
Малакали ишчилар	0,3	1,52	1,0	1,5
Ярим малакали ва малакасиз ишчилар	0,8	4,1	3,1	4,5
Қурувчилар	1,1	5,6	3,3	4,8
Талабалар ва мактаб ўқувчилари	7,2	36,5	18,6	27,0
Нафақадагилар ва ишсизлар	3,9	19,8	17,1	24,9

Халқаро меҳнат миграциясининг асосий марказлари

Халқаро ишчи кучи ҳаракати қайси географик йўналишларда кўпроқ?

Энг йирик анъанавий марказлардан — Ғарбий Европанинг аҳамияти урушдан кейинги даврда ортиб кетди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, Ғарбий Европа бозорларига ишчи кучи халқаро миграцияси ҳажми энг юқори даражага етди. 1973—74 йилларда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотига кўра, бу ерда 12 млн чет эллик ишчи ишлаган. Чет эллик аҳолининг сони (оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 20 млн дан ошиқ кишига етди (яширинча келганлар бунга кирмайди). 70-йиллар охиридан минтақа мамлакатларида миграция сиёсатининг ўзгариши 1974—75 йиллардаги иқтисодий инқироз туфайли Европага миграция ҳаракати кўлами камайди.

Кейинги ўн йилликларда жуда қудратли миграцион оқим АҚШ томон йўл олди. 70-йилларда бу мамлакатга фақат қонуний йўллар билан (легал) келганлар сони 4,5 млн кишига етди. Бу ўша давр мобайнида аҳоли сони кўпайишининг 20 фоизини ташкил этди (бу 60-йиллардагига қараганда 1/3 баробар кўпдир).

80-йилларда мамлакат аҳолиси кўпайишининг 1/3 қисми (34%) муҳожирлар улушига тўғри келди ёки салкам 8 млн кишини ташкил қилди, шу жумладан, 6 млн. киши қонуний йўллар билан, 2 млн киши яширинча келган (аҳолининг умумий ўсиши ушбу даврда тахминан 22 млнни ташкил қилган).

90-йиллар ўрталарида АҚШда 11 млн дан ортиқ муҳожирлар яшади. Юқорида кўрсатиб ўтилган йилларда муҳожирлар географияси анча ўзгарди. Агар 60-йилларда Канада ва Ғарбий Европа янги ишчи кучларининг асосий манбаи бўлган бўлса (79%), 70 ва 80-йилларда Лотин Америкаси ва Осиё олдинга чиқиб олди. 90-йилларда бу минтақалардан келганлар улуши 84% ни ташкил этди. 1995 йилда АҚШга келган 720 минг кишининг 267,9 мингини (37%дан кўпроғини) Осиё мамлакатларидан келганлар ташкил қилди. Шу жумладан, Филиппиндан 50 минг, Вьетнамдан 41,7 минг, Хитойдан 35,5 минг, Ҳиндистондан 34,7 минг киши келганди. Европа мамлакатларидан 128 минг (17,8%), Шимолий Америкадан 102,9 минг киши (14,3%), Кариб ҳавзасидан 96,8 минг киши (13,4%), Мексикадан 89,9 минг киши (12,5%), Марказий Америкадан 77,4 минг (10,8%) келганди.

4-жадвал

1970–2000-йилларда дунёнинг турли ҳудудларидан АҚШга келган муҳожир ишчи кучлари таркиби

Мамлакат	%	Мамлакат	%	Мамлакат	%
Осиё	35,2	Марказий ва Жанубий Америка	47,9	Европа	12
Шу жумладан, Филиппин	6,7			жумладан	
Корея	4,7	шу жумладан		Англия	2

Хитой	4,7	Мексика	23,7	МДҲ	1,3
Вьетнам	4,7	Куба	3,3	Канада	1,8
Ҳиндистон	3,5	Доминика Республикаси	3,2	Бошқалар	3,1
		Ямайка	2,8		
		Салвадор	2,2		
		Колумбия	1,6		

80-йилларнинг охирларидан бошлаб собиқ иттифоқ республикаларидан АҚШга келган муҳожирлар сони ортди[1].

Йил	1989	1990	1991	1992	1993	1994	1995	2002
Минг киши	11,1	25,5	57,1	43,6	58,7	63,4	54,5	78,9

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, агар 80-йилларнинг охирларигача МДҲ мамлакатларидан АҚШга келган муҳожирлар сони улуши атиги 1,3%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб 7,5%га етди.

Ҳалқаро меҳнат миграциясининг анъанавий марказлари (Ғарбий Европа, Шимолий Америка) билан бир қаторда янги йўналишлар пайдо бўлди.

Чет эл ишчи кучини жалб этувчи биринчи янги марказ Яқин Шарқнинг нефть конлари ва нефтни қайта ишловчи саноат корхоналари жойлашган туманларда жуда тез қарор топа бошлади.

80-йилларнинг бошларида бу ерда қўшни Араб мамлакатларидан, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Филиппиндан 3 млн.га яқин чет эллик ишчилар келиб ишларди. Бирлашган Араб Амирлигида (БАА) ишчи кучларнинг салкам 90%и муҳожирлар, Қатарда 80%дан ортиғи, Қувайтда салкам 70%, Саудия Арабистони ва Баҳрайнда 40%дан кўпроғи, Уммонда 34%и муҳожирлардир.

[1] *Супян В.Б.* Российская эмиграция в США. Социально-статистический портрет. ж. США. Экономика, Политика, Идеология. М., 1998, №3, 116-бет.

Африка қитъаси жанубидаги яна бир марказ Африканинг барча мамлакатлари, Ҳиндистон субқитъаси мамлакатларидан ишчилар ёллаб келинган. Булар Британ Американинг олтин қазиб олувчи, олмос ва уран саноати трансмиллий корпорациялари бўлди (250 минг муҳожир қонуний йўл билан ва тахминан 250 минг муҳожир яширин йўл билан келишган).

Бошқа марказ Жанубий Америка мамлакатларидадир. Биргина XX асрнинг 60–70-йилларида у ерга салкам 8 млн чет эллик ишчилар олиб келинган.

Кейинги марказ Жануби-Шарқий Осиёда бўлиб, унда миллионлаб филиппинлик, покистонлик, жанубий кореялик, индонезияликлар бор эди.

Яширин иммиграция

Америка қитъасининг қатор мамлакатлари ва минтақаларида, Ғарбий Европа мамлакатларида муҳожирлик сиёсати кескинлашган сайин миграция оқими ўзгариб, бу ерларга яширинча келадиган муҳожирлар сони тобора ортиб бормоқда.

Ғарбий Европада 1970-йиллардаги инқироз даврида ёлланиш мақсадида чегаралардан яширинча ўтиш оммавий тус олиб, 1976 йилда фақат Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ҳудудида 600 минг яширинча келганлар аниқланди. 1979 йилда Италияда 500 минг, 1982 йилда ЕИУ мамлакатларида 2 млн яширинча келган муҳожирлар бор эди. Шу жумладан, улар Францияда 300–500 минг, ГФРда 200–500 минг кишини ташкил этарди. Яширинча келганларга катта жарима солинарди: Буюк Британияда 400 доллар, ГФРда 500 минг марка, Францияда 100–200 минг франк, Бельгияда 500 минг франк.

Яширин келишлар Шимолий Америкада кенг қулоч ёйди. Иш қидириб келадиганлар сони 80-йилларда 800 минг кишига етди (мавсумга қараб 400 минг кишидан 1 млн 200 минг кишигача).

2001 йилда АҚШга қонунсиз келганларнинг умумий сони тахминан 5 млн кишига тўғри келади. Бу – мамлакатдаги ишчи кучининг тахминан 4 %ни ташкил қилади. Айрим маълумотларга қараганда, гарчи рухсатсиз келган ҳар бир муҳожир учун 500 дан 1000 долларгача жарима белгиланганига қарамай, 6 млн киши иш қидириб келган эди.

Тадбиркорлар учун яширин келганларни ишга ёллаш қуйидаги сабабларга кўра фойдали ҳисобланарди:

1) Уларга тўланадиган иш ҳақининг пастлиги;

2) иш солиқ хизматчиларига билдирмасдан бажарилгани туфайли солиқ тўланмаслиги;

3) мабодо улар тўсатдан қўлга тушгудек бўлса ёки "чегарани бузувчилар" оммавий равишда мамлакатдан чиқарилган тақдирда уларга тўланмаган иш ҳақи тадбиркорлар қўлида қолишлиги.

Жанубий Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Африканинг айрим минтақаларида ҳам яширинча келган муҳожирлар сони анча кўп.

Яширинча келаётган муҳожирлар оқимини тўхтатиш йўлидаги уринишлар кутилган натижани бермаяпти. Шунинг учун ҳам 1986 йилда АҚШда Иммиграция ислоҳоти ва Назорат актини қўллаб-қувватлашди. У қуйидагиларни таъминлайди:

1. 1982 йилнинг 1 январидан мамлакатда яшаётганлиги тасдиқланган кишиларнинг амнистия бўйича афв этилиши ва ошкора фуқаролик ҳуқуқини олиш имкониятини.

2. Яширинча келган муҳожирларнинг ҳар бирини ишга олганлиги учун иш берувчиларга 250–1000 долларгача жарима солишни.

Мазкур чора-тадбирлар туфайли 1995 йилга келиб салкам 2,5 млн. яширинча келган муҳожир қонуний ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлди, лекин АҚШдаги ана шундай ишчилар умумий сонининг атиги 1/3 ёки 2/3 қисмини ташкил қилади.

Ишчи кучи иммиграциясининг қабул қилувчи ва донор мамлакатларга таъсири

Чет эл ишчи кучлари оқими қабул қилаётган мамлакатлар иқтисодиётига умуман анча баракали таъсир кўрсатади:

– чет эл ишчи кучи нархнинг арзонлиги билан боғлиқ ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларнинг камайиши натижасида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги ортади;

– ривожланаётган мамлакатлардан келган малакали кадрлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат қийматининг ортиши (масалан, АҚШда йилига 3 млрд доллар);

– чет эл ишчилари яратилаётган товар ва хизматларга қўшимча эҳтиёжлар туғдиради, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва ўзлари келган мамлакатларда қўшимча иш жойларининг пайдо бўлишини рағбатлантиради;

– малакали ишчи кучларини қабул қилаётган мамлакат ўзида ўқитиш ва малакавий тайёргарлик учун кетадиган сарф-харажатларни тежайди (АҚШда йилига 1,8 млрд доллар);

– ижтимоий хизмат кўрсатишга сарфланадиган маблағлар ҳисобидан тежаш, чунки иммигрант ишчилар нафақалар билан таъминланмайди ва турли ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳисобга олинмайди;

– чет элликлардан юқорироқ олинадиган солиқлар ҳисобидан қўшимча фойда кўриш;

– инқирозлар ва ишсизлик юз берган тақдирда улар ишдан биринчи бўлиб бўшатилишлари мумкин;

– муҳожирлар кексалик (аҳоли қариши) жабрини кўраётган ривожланган мамлакатларнинг демографик манзарасини яхшилайди;

– Франция, Германия, Швецияда барча янги туғилганларнинг 10%и кўчиб келганлар оиласида туғиляпти. Швейцарияда 24%, Люксембургда 38%.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлардан ишчи кучининг оқиб келиши саноати ривожланган давлатларда айрим тармоқларни зарур кадрлар билан таъминлайди, уларсиз одатдагидек ишлаб чиқариш жараёни, баъзида эса одатдагидек кундалик ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Бунга сабаб – ўз меҳнат ресурсларининг чекланганлиги, уларнинг ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида ишлашни хоҳламаслигидир. Нисбатан кам ҳақ тўланадиган, меҳнати оғир, "ифлос", нуфузсиз ва меҳнатнинг айрим бошқа соҳалари ана шулар сирасига киради.

Масалан, Францияда муҳожирлар қурилишда ишлаётганларнинг 25%ини, автомобиль саноатидагиларнинг 1/3 қисмини, Бельгияда ҳамма кончиларнинг ярмини, Швейцарияда қурувчи ишчиларнинг 40%ини ташкил қилади.

Ишчи кучи эмиграциясининг донор мамлакатларга таъсири

Даставвал, ишчи кучини экспорт қилишга мамлакатта чет эл валютасининг кириб келиши учун бир манба деб қаралади. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига қараганда, ишчи кучи экспорт қилинганда олинадиган фойданинг ўртача нормаси товарларни экспорт қилингандагига қараганда 20% ва хизматларни экспорт қилгандагига қараганда 50% бўлади.

Масалан, собиқ Югославияда 80-йилларда товар ва хизматларни экспорт қилишдан ҳар йили тушган соф фойда

салкам 2,5 млрд. долларни ташкил қиларди. Ишчи кучини экспорт қилишдан эса мамлакат 3,5 млрд ва ишчилар чет элдан ўз уйларига қайтиб келганларидан кейин яна шунча сумма оларди. Натижада тушумлар 7 млрд долларни ташкил этарди. Бугунги кунда эса бу ерда ишчи кучини экспорт қилиш валюта олишнинг бирдан-бир манбаи бўлиб қолди.

Меҳнат ресурслари эмиграциясининг ривожланаётган мамлакатлар учун роли катта. 90-йилларда ишчи кучини экспорт қилишдан келадиган тушумлар ривожланаётган мамлакатларда юксак суръатлар билан ўсиб, йилига 10%гача етди. Шунинг учун ҳам улар меҳнат ресурслари бўйича ихтисослашиб, ишчи кучини экспорт қилиш валюта даромадларининг энг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Ишчи кучини экспорт қилишдан олинадиган даромадлар тўртта бевосита манбадан иборат:

– Воситачи фирмалар даромадидан олинадиган солиқлар;

– иммигрантларнинг оилага ва қариндош-уруғларига ёрдам тариқасида ўз ватанларига юборадиган пул жўнатмалари;

– иммигрантларнинг шахсий инвестициялари (ватанига ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган буюмларни олиб келиши, ер-сув, кўчмас мулк сотиб олиш, қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш);

– ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлардан келадиган капиталлар.

Булар кўпинча меҳнат ресурсларини қайта тиклашга, ижтимоий соҳага сарфланади.

Масалан, Миср Араб Республикаси учун Сувайш каналидан фойдаланиш 80-йиллар охирларида йилига 970 млн доллар, туризм – 600 млн, муҳожирларни юбориш эса 3 млрд доллардан ортиқ фойда келтирди.

Яманда муҳожирларни юбориш айрим йилларда экспортдан келадиган тушумлардан 30 баробар кўп фойда келтирди.

90-йилларнинг бошларида дунёнинг 40 га яқин мамлакатида чет элдан тушган киримнинг салкам 100 млн долларини муҳожирлардан олишган, 10 та мамлакат эса 1 млрд дан кўпроқ олган.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, тўлов балансларининг даромад қисмига киритиладиган хусусий пул ўтказишларнинг 90%ини муҳожирлардан тушган киримлар ташкил этади.

Ишчи кучининг экспорт қилиниши ортиқча меҳнат ресурсларининг тазйиқини, тегишли равишда мамлакатдаги ижтимоий тангликни пасайтиради. Экспортчи мамлакат учун

ишчи кучлари янги касбларга бепул ўргатилади, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари билан таништирилади. Замонавий Ғарб цивилизацияси билан танишиш анъанавий турмуш тарзига катта таъсир кўрсатади.

Экспортчи мамлакат учун ишчи кучини экспорт қилишнинг **салбий** жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— Ақлли, идрокли одамларнинг четга кетиши;

— малакали, ташаббускор кадрларнинг камайиши.

Муҳожирлар ўз ватанларига қайтганларидан кейин ҳам уларнинг ижтимоий-иқтисодий ролида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ишчиларнинг кўпи чет элга кетишидан олдин ўз мамлакатлари учун анъанавий бўлган қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланишган ва уларнинг озгина қисми саноатда ёрдамчи ишларни бажарган. Муҳожирларнинг кўпчилиги ўз ватанларига қайтиб келганларидан кейин ноишлаб чиқариш соҳасида ишлашга ёки ўз ишини очишга ҳаракат қилишади. Гап шундаки, билим савиясининг пастлиги, ўзи келган мамлакат тилини билмаслиги, қайтиб келгандан кейин унинг иш характери-мақомини белгилаб беради.

Муҳожирлар кўпинча қишлоқ хўжалик соҳасига қайтишга мажбур бўлишади. Натижада ишдан кўнгли совиб, яна чет элга кетишга ҳаракат қилади. Улардан айримлари кичик бизнес билан шуғулланишга муваффақ бўлади. Уйга қайтиб келгандан кейин ноишлаб чиқариш соҳасида иш топишга уриниш охир-оқибатда шунга олиб келадики, чет элда ишлаб топган пулнинг жуда оз қисми ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва бошқа воситаларни сотиб олишга сарфланади, яъни ундан самарасиз фойдаланилади.

Жанубий Европа мамлакатларига муҳожир бўлиб кетганларга оид маълумотлардан кўринадики, улар даромадларининг фақат 10%игина самарали фойдаланилади. Бундан ташқари, уларнинг уйларига юборган пул жўнатмалари товар массаси билан мустаҳкамланмаган тўлов қобилиятига эга бўлган талабни ошириб, пулнинг қадрсизланишига, муҳожирликка алоқадор бўлмаган оилалар турмуш даражасининг ёмонлашувига олиб келади.

Лекин чет элда бўлиш меҳнаткашларнинг ўзларига ҳам таъсир кўрсатади. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда муҳожирлар чет элдан қайтиб келганидан кейин ўз ватанида

бирор жиддий ўзгариш қилишга муваффақ бўла олмасаларда, талаб-эҳтиёжлари ортади, уларнинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатлари, қарашлари, одатлари ўзгаради.

Ушбудан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса ясаш мумкин:

Одамларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга муҳожир бўлиб боришларига туртки бўлган сабаблар ва муҳожирликнинг ижтимоий таркиби жуда кўп иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Зеро, уларнинг бирга қўшилиб келиши, устуворлиги, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларда вақтига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Фан-техника тараққиёти ҳозирги замон меҳнат миграцияси омиллари орасида етакчи роль ўйнайди, унинг ривожи биринчи навбатда ривожланган давлатларда чет эллик ишчи кучларига бўлган талабни кўп жиҳатдан белгилаб беради. Жумладан, юксак малакали кадрларга, хусусан, интеллектуал меҳнат кишиларига бўлган талаб кескин ортди.

Вақт ўтиши билан халқаро меҳнат миграцияларининг сабаблари ва ижтимоий таркибигина эмас, унинг географияси ҳам ўзгариб боради. Агар урушдан кейинги йилларда Ғарбий Европа миграциянинг асосий маркази бўлган бўлса, кейинги уч ўн йилликлар давомида ишчи кучини АҚШ кўпроқ жалб қила бошлади.

Агар 1960-йилларда бу мамлакат учун янги ишчи кучининг манбаи Канада ва Ғарбий Европа ҳисобланган бўлса, 1970-йиллардан бошлаб Лотин Америкаси ва Осиё бўлди.

Ишчи кучининг ошкора қонуний равишда миграцияси кўлами анча ортиши билан бир вақтда унинг яширинча келиши ҳам анча ўсди. Зеро, улар меҳнатидан фойдаланиш тадбиркорлар учун анча фойдалидир.

Чет эл ишчи кучи умуман олганда, қабул қилаётган мамлакатлар иқтисодиётига анча самарали таъсир кўрсатади: ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобат қилиш қобилияти ортади, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, одамларнинг қўшимча иш билан таъминланиши рағбатлантирилади, таълим, малакавий тайёргарликка қилинадиган сарф-харажатлар тежалади, айрим ривожланган мамлакатларда демографик аҳвол яхшиланади.

Ишчи кучини эмиграция қилиш ривожланаётган донор мамлакатларга ҳам самарали таъсири бор. Бу чет эл

валютасининг мамлакатга кириб келишининг асосий манбаларидан биридир. Бундан ташқари, бу ортиқча меҳнат ресурслари тазйиқини, бинобарин, мамлакатдаги ижтимоий тангликни пасайтиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, миллий кадрлар чет элга бориб, янги касбларни ўрганади, меҳнатни ташкил қилишнинг янги услублари, анъанавий цивилизациядан фарқ қилувчи ҳозирги замон цивилизациясининг яхши-ёмон томонлари билан танишади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ РЕЖАСИ

1. Халқаро ишчи кучи миграциясининг сабаблари.
2. Халқаро ишчи кучи миграцияси кўлами ва географияси ўзгаришининг асосий тенденциялари қандай?
3. Халқаро ишчи кучи миграцияси ижтимоий тузилиши эволюциясининг сабаблари ва хусусиятлари қандай?
4. Ишчи кучи миграциясини қабул қилувчи мамлакатлар ва етказиб берувчи мамлакатларга таъсири.

АДАБИЁТЛАР

1. *Авдокушин Е.Ф.* Международные экономические отношения. Учебное пособие.М.,1998.
2. *Басовский А.С.* Мировая экономика: Курс лекций. – М., ИНФРА – М., 2003.
3. *Королева И.С.* Мировая экономика: Глобальные тенденции за 100 лет. М., Экономист, 2003.
4. *Кругман Р, Обстфельд. М.* Международная экономика. М. Питер, 2004.
5. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., Финансы, ЮНИТИ, 1998.
6. Мировая экономика и международные экономическии отношения. Серия учебники. Учебное пособие Под.ред. Акоповый Е., Воронковой О.Н. Гаврилько Н.Н. – Ростов на Дону, Феникс, 2001.
7. *Раджабова З.К.* Мировая экономика М. ИНФРА, 2004.
8. *Семенов К.А.* Международные экономические отношения. Текст лекции. М., 1998.
9. *Супян В.Б.* Российская эмиграция в США (социально-статистический портрет) //США. Экономика. Политика. Идеология. М., 1998. №3.
10. *Тарлецкая Л.Х.* Международная миграция и социально-экономическое развитие. ж. МЭ и МО, М., 1998, № 7.

11. *Цапенко И.* Социально-политические последствия международной миграции населения // МЭ и МО, М., 1999, №3.
12. Millions Want to Come. // The Economist. April 4 th, 1998.
13. Salvatore D. International Economics.US, New Jersey, 1995.
14. Appleyard D.R. Field A. J. International Economics, 1995.

6-БОБ
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг қамрови кенгайиб бораётганлигидандир. Бу жараён ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари нафақат савдо-сотиқ соҳасида, балки бошқа кўламларда ҳам эркинлашиб бораётганлиги, уларнинг миллий иқтисодлари тобора кўпроқ ўз қобиғини ёриб, бир-бири билан боғланиб кетаётганлиги билан ажралиб туради. Ушбу жараёнлар қуйидаги икки ғоят муҳим ҳолат натижаси ҳисобланади:

1) Бир томондан, амалиётда тобора кўпроқ миллий бозорларнинг яратилиши, миллий иқтисодларнинг ташқи алоқаларга ургу бериши;

2) иккинчи томондан, халқаро хўжалик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида учрайдиган транспорт, коммуникация соҳаларида ғов-тўсиқларни дарҳол бартараф этувчи технологик инновациялар.

Бугунги кунда интеграция жараёни кучайиб бормоқда ва бу шароитда жаҳон иқтисодига қўшилувнинг туб баҳоси юз чандон ортиб кетмоқда.

1980-йилларнинг ўрталаридан бошлаб жаҳон иқтисоди халқаро савдо ва халқаро молиявий муомалалар ҳаддан ташқари юқори суръатлар билан ўсаётган даврга қадам қўйди.

1986 йилдан 1996 йилгача бўлган давр ичида халқаро савдо обороти ҳажми бир йилда ўртача 6,5%га ортди ва 10 йил ичида 1,9 баробар кўпайди.

Ушбу йиллар мобайнида халқаро хизматлар савдоси 2,4 марта кўпайди.

1985–1995 йиллар ичида халқаро савдонинг жаҳон ялпи маҳсулотидаги салмоғи олдинги 10 йилликдагига нисбатан 3 марта ва 1996–2004-йилларда эса қарийб 2 марта кўпроқ жадаллашди. Бу миллий иқтисодлар кашфи тезлашганидан,

уларнинг бир-бирига муҳтожлиги кучайиб борганлигидан далолат беради.

Худди ана шу даврда бевосита чет эл инвестицияларининг ўсишида жиддий ўзгариш юз берди: уларнинг жаҳон ялпи маҳсулотдаги салмоғи икки баробар кўпайди. Шуниси ҳам борки, ривожланаётган мамлакатларга мўлжалланган бундай инновациялар ҳажми 2004 йилнинг биринчи ярмига келиб 4,5 ҳисса ортди.

Ишлаб чиқариш кучларининг интернационаллашуви ва бунинг олий шакли бўлмиш жаҳон хўжалигининг глобаллашувидан иборат умумий жараён дунёнинг кўпгина минтақаларида интеграция ҳолатларининг ривожланиши ҳамда интеграцион бирлашмаларнинг юзага келишида намоён бўлади.

Иқтисодий интеграция – хўжалик фаолиятининг интернационаллашувида олий босқич бўлиб, ўзига хос ҳуқуқий тизимлари билан ажралиб турувчи, ҳам давлатлараро, ҳам устмиллий негизга таянган бамаслаҳат сиёсат асосида фаолият кўрсатувчи бир бутун ягона хўжаликдир. Бунга эса турли миллий иқтисодиётларнинг бирлашуви жараёнида эришилади (мисол – Европа Иттифоқи).

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти миллий хўжаликлар ўртасида ўзаро чуқур ва барқарор алоқаларни ривожлантириш, меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш, уларнинг турли даражадаги, турли шакллардаги қайта ишлаб чиқариш тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш асосида мамлакатларнинг хўжалик ҳамда сиёсат соҳаларида бирлашуви жараёнидан иборатдир.

Микро даражада қўшни мамлакатлардаги баъзи хўжалик субъектлари (корхоналар, фирмалар)нинг капитали бир-бири билан иқтисодий битимлар тузиш усулларини шакллантириш, чет элда ўз бўлинмаларини очиш йўли билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, демакдир.

Давлатлараро (макро) даражада эса интеграция давлатларнинг иқтисодий бирлашмаларини шакллантириш ҳамда миллий сиёсатларини мувофиқлаштириш асосида рўй беради.

Натижада миллий иқтисодлар бир-бирларига "кириб бормоқдалар". Хўжалик асосининг интернационаллашуви яққол кўзга ташланмоқда – фан-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, молия-тижорат фаолиятининг кўп ва турли босқичлари бир-бирига чатишиб кетмоқда. Мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлиги аниқ ҳақиқатга айланмоқда.

Иқтисодий интеграция асосига хўжалик ҳаётининг ўсиб бораётган интернационаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, фан-техника тараққиёти, миллий иқтисоднинг очиқлиги даражасининг ортиб бориши каби омиллар ҳам киради. Иқтисодий интеграциянинг шарт-шароитлари сифатида интеграцияда қатнашаётган мамлакатлар бозорининг ривожланиш даражасини солиштириш, уларнинг географик яқинлиги, улар олдида турган муаммоларнинг умумийлиги, бозор ислоҳотларини тезлаштиришга интилиш, интеграцион жараёнлардан четда қолмаслик каби хусусиятларни қайд этиб ўтиш керак.

Интеграциянинг энг муҳим умумий иқтисодий тавсифи қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий жараёнларни давлатлараро миқёсда йўлга қўйиш.

2. Бир-биридан у ёки бу даражада мустақил ҳисобланган миллий халқ хўжалик мажмуалари ўрнига умумий мутаносибликка, умумий қайта ишлаб чиқариш тизимига эга бўлган бирон минтақавий интернационал мажмуани аста-секин шакллантириш.

3. Минтақа доирасида маҳсулотлар, ишчи кучи, молиявий ресурсларнинг давлатлараро ҳаракати учун ҳудудий шароитларни кенгайтириш ҳамда бундай ҳаракатга монелик қилувчи кўпдан-кўп маъмурий ва иқтисодий ғовларни бартараф этиш.

4. Интеграцион бирлашмаларда қатнашувчи давлатларнинг ички иқтисодий шарт-шароитларини бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш.

Одатда, у ёки бу жўғрофий минтақа, унда жойлашган қўшни мамлакатлар шундай интеграцион бирлашмаларнинг асосий ўзагини ташкил этади.

Ҳозирда қарийб 70 дан ортиқ минтақавий ташкилотлар ва 65 мингга яқин миллатлараро корпорациялар мавжуд.

Иқтисодий интеграция даражалари

Иқтисодий интеграциянинг 5 босқичи — имтиёзли савдо битими, эркин савдо зонаси, божхона иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий иттифоқ ва валюта иттифоқи мавжуд.

1. Имтиёзли савдо ҳақидаги битим, (preferential trade arrengement) ушбу битимга аъзо бўлган мамлакатларга унга

аъзо бўлмаган мамлакатларга нисбатан савдода яна ҳам қулайроқ имкониятлар билан таъминлайди. Бу иқтисодий интеграциянинг энг ибтидоий шаклидир.

Масалан, Британия империясининг аъзолари ва айрим собиқ аъзолари билан Бирлашган Қироллик томонидан 1932 йилда қабул қилинган Британия Ҳамдўстлиги Преференциялари (имтиёзлари) тизими.

2. Эркин савдо зонаси (free trade area) — иқтисодий интеграциянинг бир шакли бўлиб, унда аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдода ҳамма ғовлар, божлар бекор қилинади, лекин ҳар бир мамлакат аъзо бўлмаган мамлакатлар билан савдода ўзининг чеклашларини жорий этади.

Эркин савдо зонаси — преференциал (бошқалардан афзал) ҳудуд бўлиб, унинг доирасида товарлар бож ва миқдорий чеклашлардан озод бўладилар. Эркин савдо зонасини яратиш иштирокчи мамлакатлар савдо сиёсати характерини барқарорлаштиради. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча тизимларини такомиллаштиради. Масалан, Бирлашган Қироллик, Австрия, Дания, Норвегия, Португалия, Швеция ва Швейцария (буларга 1961 йилда узвий аъзо сифатида Финляндия ҳам қўшилган) томонидан 1960 йилда ташкил этилган Европа Эркин Савдо Ассоциацияси, шунингдек, АҚШ, Канада ва Мексика томонидан тузилган эркин савдо ҳақида Шимолий Америка битими (НАФТА).

3. Божхона иттифоқи (custom union) — аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ягона ташқи савдо тарифини жорий этишни, савдодаги чекловлардан воз кечишни ва бундан ташқари, дунёдаги бошқа аъзо бўлмаган мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини мувофиқлаштириб туришни назарда тутади.

Божхона иттифоқи эркин савдо зонасига қараганда анча такомиллашган интеграцион структурадан иборат. Биринчидан, божхона тарифларига нисбатан ягона ташқи савдо сиёсатини олиб бориб, мамлакатлар товарлар оқимини уларнинг ташқи тарифини ва якуний нархини ҳисобга олган ҳолда тартибга солади. Бу эса ўз навбатида ресурсларни қайта тақсимлаш, ишлатиш ва ишлаб чиқаришга туртки бўлади.

4. Умумий бозор (a common market) — интеграциянинг божхона иттифоқига нисбатан имкониятлари янада кенгроқ, чунки унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида нафақат товарлар, балки меҳнат ресурслари, капиталнинг эркин ҳаракат қилиши назарда тутилади. Европа Иттифоқи 1980-йилларда умумий бозор мақомини олган.

Умумий бозорни барпо этиш учун иқтисоднинг муайян тармоқларини ривожлантиришнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг барча омилларининг эркин ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, ижтимоий ва минтақавий тараққиётнинг умумий жамғармаларини таркиб топтириш зарур.

5. Халқаро иқтисодий интеграция тараққиётининг навбатдаги икки босқичи – бу иқтисодий иттифоқ ҳамда валюта иттифоқидир. Иқтисодий иттифоқ токи миллий тасарруфдаги турли пул тизимларига суянар экан, у том маънода иттифоқ бўла олмайди.

Иқтисодий иттифоқ (an economic union) – интеграциянинг янада мукаммалроқ шакли бўлиб, у аъзо бўлган мамлакатларнинг валюта (monetary) ва молия (fiscal) сиёсатини мувофиқлаштиришни, ҳатто ягоналаштиришни (унификация) назарда тутади. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин илк бор Бенилюкс мамлакатлари – Бельгия, Нидерландия ва Люксембург ўртасида тузилган иқтисодий иттифоқ. Кейинчалик эса бунга мисол Европа Иттифоқидир.

Юқорида қайд этилган шакллардан ташқари интеграциянинг **солиқлардан озод этилган зоналар** (Duty – free zones) ёки **эркин иқтисодий зоналар** (Free economic zones) шакли ҳам мавжуд. Бу хомашё ва иккиламчи маҳсулотларни солиқсиз етказиб бериш йўли билан чет эл инвестицияларини жалб этиш учун ташкил этилган ҳудудлар.

Хулоса шуки, интеграция жараёнларини амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатдики, бу борада иқтисодий интеграциянинг бир неча шакллари кўзга ташланади.

Дастлаб интеграцион бирлашувнинг энг оддий шакли – эркин савдо зонаси юзага келдики, бунда шу минтақа доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида савдо чекловлари ва аввало божхона тўловлари бекор қилинди.

Унинг бошқа бир шакли – божхона иттифоқи ишлаб турган эркин савдо зонаси билан бир қаторда ташқи савдода ягона тарифни жорий этишни ҳамда ташқи савдода учинчи мамлакатларга нисбатан ягона сиёсат олиб боришни назарда тутади (Бундай ҳолларда давлатлараро муносабатлар фақат айирбошлаш соҳасидагина бўлиб, мақсад – ўзаро савдони ривожлантириш ва молиявий ҳисоб-китобларда иштирокчи мамлакатлар учун тенг имкониятлар яратиб бериш). Божхона иттифоқига қўшимча қилиб тўлов иттифоқи ҳам тузиладики, бу валюталарни ўзаро конвертация қилишни, ҳисоб-

китобларда ягона пул бирлиги бўлишини таъминлашга имкон яратади.

Интеграциянинг кейинги, анчагина мураккаброқ шаклларидан бири умумий бозор бўлиб, у иштирокчиларга ўзаро эркин савдо олиб бориш ва ташқи савдода ягона тариф ўрнатиш соҳасида ҳамкорлик қатори капитал билан ишчи кучининг эркин ҳаракат қилишини, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришни таъминлаб беради.

Лекин давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг юқори шакли иқтисодий ва валюта иттифоқи ҳисобланадики, у умумий иқтисодий, валюта-молиявий сиёсатини амалга оширган ҳолда интеграциянинг барча шаклларини ўзаро мужассамлаштиради.

Ўз-ўзидан равшанки, ўзаро иқтисодий таъсирнинг муайян шакллари иштирокчи мамлакатлар хўжалиги қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Мамлакатлар хўжалигининг ривожланишига хос бўлган муайян хусусиятлар ўз навбатида интеграция моҳиятига, унинг ҳаракатлантирувчи кучларига таъсир ўтказади. Ҳозирги пайтда дунёда 100 дан ортиқ минтақавий савдо, иқтисодий битимлар ва келишувлар амал қилмоқда.

Чунончи, саноати ривожланган минтақада интеграция жараёнлари Ғарбий Европада (ЕИ) ва Шимолий Америкада (НАФТА) кенг кўламда ривож топди.

Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада интеграция жараёнлари: умумий ва ўзига хос жиҳатлар

Ғарбий Европада минтақавий иқтисодий сиёсат эволюциясидаги босқичлар

Ғарбий Европадаги ҳозирги замон минтақавий интеграция тарихи 1951 йилга бориб тақалади. Худди ўша йили Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси – European coal and steel Community – (Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари иштирокида) – тошкўмир, темир рудаси ва металлургия саноатларини бирлаштирган халқаро ташкилот тузилган.

1957 йил март ойида бу мамлакатлар ("олтилик") Европа иқтисодий ҳамдўстлигини тузиш ҳақидаги Рим шартномасини имзолаган (1958 йилда кучга кирган). Бу ҳамдўстлик норасмий равишда "умумий бозор" деб ҳам юритилди.

Кейинчалик Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йилдан), Греция (1981), Испания, Португалия (1986), Финляндия ва яна иккита давлат унга аъзо бўлиб киргач, аъзо мамлакатлар сони 15 тага етди (2004 йил май ойидан бошлаб аъзолар сони яна 10 тага кўпайиб 25 мамлакатни ташкил этди. Бу ҳақда ушбу дарсликнинг IV бўлимида батафсилроқ маълумотлар берилган).

Дастлабки пайтларда Европа иқтисодий ҳамдўстлиги асосан иқтисодий ташкилот сифатида фаолият кўрсата бошлаган, унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

— Аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода барча чекловларни бартараф этиш;

— умумий божхона тарифларини жорий этиш;

— одамлар, капиталлар, хизматларнинг эркин ҳаракатига халал берадиган чекловларни тугатиш;

— транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий сиёсатга амал қилиш;

— валюта иттифоқини тузиш;

— аъзо бўлган мамлакатларнинг қонунчилигини бирбирига яқинлаштириш;

— мувофиқлашган иқтисодий сиёсат омилларини ишлаб чиқиш.

Ҳамдўстлик фаолиятида энг муҳим вазифа сифатида бу йўналишларнинг танлаб олиниши бежиз эмас.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатлардан ташкил топган бирор бир гуруҳ ишлаб чиқаришнинг барча омиллари бўйича эркин айирбошлаш йўлида ягона маконни шакллантиришга дарҳол эриша олмаган.

Олдинроқ ягона савдо, божхона макони яратилган ҳамда ўзаро сиёсий ишончда устуворликка эришган давлатларгина бу соҳалардаги ўзаро муносабатларини эркин айирбошлаш босқичига кўтаришлари имконияти бўлган.

Давлатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорликда, сиёсий ишончда анча юқори босқичга эришгандан кейингина капиталлар билан ишчи кучининг икки томонлама эркин ҳаракат қилиши ҳамда хизматларни, шу жумладан, ахборот-техника аҳамиятига эга бўлган хизматларни айирбошлаш учун ўз чегараларини очиб беришлари мумкин эди.

Ниҳоят, тўлақонли интеграцион ҳамкорлик аъзо бўлаётган давлатлар ишлаб чиқариш омилларини айирбошлаб, ўзаро тўловларни йўлга қўйиш ҳисобига божларни ва бошқа чекловларни бекор қилиш ёки ўзаро тўловларни йўлга қўйиш

ҳақидагина эмас, балки учинчи мамлакатларга нисбатан бамаслаҳат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёсат тўғрисида, иқтисодий сиёсатни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутади.

"Ягоналашган", мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёсатни амалга оширишни тақозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш йўлида эса ижроия – мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

Шундай қилиб, интеграция жараёни энг бошидаёқ аъзо мамлакатларнинг мувофиқлашган сиёсатига рўбарў келди.

• Европа иқтисодий ҳамдўстлиги қабул қилган мақсадларни рўёбга чиқариш жараёнида:

1) Саноат интеграциясининг жадаллашуви таъминланди;

2) қишлоқ хўжалик жамғармаси фаолияти орқали биргаликда ҳомийлик ўрнатиш, тўлов йиғимларини жорий этиш шаклида аграр интеграцияни жадаллаштиришга ҳаракат қилинди;

3) Европа валюта тизими юзага келди.

Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси иқтисодий интеграциянинг кенг томир ёйишига, Европа иқтисодий ҳамдўстлиги таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди.

Осиё, Африка, Кариб ҳавзаси ва Тинч Океанида жойлашган 60 дан зиёд ривожланаётган мамлакатлар билан Европа иқтисодий ҳамдўстлигининг "алоҳида муносабатлари" тизими юзага келди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабрь) Ғарбий Европа интеграциясининг ривожида сифат жиҳатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқига қуйидаги вазифаларни юклаган:

– Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;

– ягона иқтисодий сиёсатни, айниқса, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, (ўринли топилганда) кучайтириш;

– эркин рақобатга асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва ҳимоялаш;

– бой ва қашшоқ минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;

– қонунчилик ва тартиб-қоидани қўллаб-қувватлаш;

– айрим фуқароларнинг туб ҳуқуқларини эътироф этиш ва ривожлантириш;

— ташқи ишларнинг барча соҳаларини қамраб олувчи ягона ташқи сиёсатни бошқариш.

1994 йил 26 мартда Ғарбий Европа сиёсий-иқтисодий интеграция йўлида муҳим қадам қўйди: Европадаги 7 давлат (Германия, Франция, Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Испания, Португалия) Шенген битимини имзоладилар. Бу битимга кўра, ушбу мамлакатларнинг ҳудуди "чегараларсиз макон" деб аталиб, қуйидагиларни назарда тутади:

— Ушбу мамлакатларнинг бирортасида берилган виза бошқаларида ҳам кучини йўқотмайди;

— ушбу мамлакатлар шаҳарлари ўртасидаги авиа ва бўлак қатновлар ички қатнов мақомини олади ва ҳ.к.

Ғарбий Европа мамлакатларининг мафкуравий қараши эркинлаштириш ва ҳамкорликка таянувчи халқаро иқтисодий тартибни таъминлашга асосланган. Ғарбий Европа интеграцияси ўз тараққиётида 4 босқични — эркин савдо зонаси, божхона иттифоқи, ягона бозор ва иқтисодий иттифоқ босқичларини босиб ўтди. Ҳозирги вақтда Европа валюта тизими "евро" яратилиб, валюта иттифоқи босқичи бошланди. Унинг самарали ишлаши қатор ички ва ташқи сабабларга боғлиқдир. "Евро" воқеликка айланишига асослар бор. Лекин бунда муҳим бир вазиятни қайд этиб ўтиш керак: Европа Иттифоқи "евро"ни яратиш ва жорий этишни тезлаштирди. Ҳатто юзаки таҳлиллар шуни кўрсатадики, Европа Иттифоқининг барча аъзо давлатлари ҳам "кириш чиптаси"ни ололмадилар.

Савол туғилади: у ёки бу гуруҳга тегишли давлатларнинг бир қисми Европа валюта иттифоқининг анча юқори даражасида турса, қолганлари эса Европа Иттифоқининг паст даражасида бўлса, унга кўра Ғарбий Европа доирасида интеграция бир текис кетмоқда дейиш мумкинми?

Ғарбий Европадаги бугунги аҳвол шундан иборатки, у ЕИ давлатларнинг конфедератив ҳамжамияти бўлиб, ягона парламентга, миллий фуқаролик билан бирга норасмий равишда ягона фуқароликка ҳам эгадир; у барча иштирокчиларнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи ягона иқтисодий-ижтимоий сиёсатга эга. Конфедерация (иттифоқ, бирлашма) — давлат тузилишининг бир шакли, унда конфедерацияни ташкил этувчи давлатлар ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади, ўз давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига эга бўлади; муайян мақсадларда (ҳарбий, ташқи сиёсий ва ҳ.к.) ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш учун махсус бирлашма органларини ташкил этадилар.

Федерация (иттифоқ, бирлашма) – давлат тузилишининг бир шакли, унда давлат таркибига кирувчилар – федерал бирликлар – федерация аъзолари (масалан, ўлкалар, штатлар ва ҳ.к.) ўз Конституциясига, қонун чиқарувчи, ижроия, суд органларига эга бўлади. Айни пайтда давлат ҳокимиятининг ягона иттифоқдош – федерал органлари ташкил этилади, ягона фуқаролик, ягона пул бирлиги ва ҳ.к. жорий этилади (масалан, АҚШ, Швейцария, Ҳиндистон, ГФР ва бошқалар).

Шимолий Америкадаги интеграция жараёни хусусиятлари

АҚШ ва Канада Шимолий Америкада интеграция жараёнининг бешиги ҳисобланади.

Интеграциянинг ривожи устмиллий ташкилотларни барпо этиш йўли орқали давлат-корпорация асосига таянадиган Ғарбий Европадан фарқли ўлароқ, Шимолий Америкада бу жараён хусусий-корпорация негизида амалга ошмоқда.

Шимолий Америка минтақасидаги бундай ўзига хослик иккита мамлакат капиталлари бир-бирига киришиб, юксак даражада чамбарчас боғланиб кетганлиги оқибатида икки миллий иқтисодиёт ягона халқ хўжалик тизимига айланганлиги билан изоҳланади.

Масалан, қуйидаги ҳолатлар ушбу минтақада азалдан мавжуд:

– Мамлакатлар ўртасида капиталларнинг эркин ҳаракат қилиши;

– аҳоли ва ишчи кучининг эркин миграцияси.

Минтақанинг тарихий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар туфайли аввал бошиданоқ интеграциянинг табиати, йўналишлари урушдан кейинги 10 йилликлар мобайнида трансмиллий корпорацияларга айланган АҚШ корпорациялари, уларнинг Канададаги бўлимлари томонидан белгилаб берилди. Шунинг учун ҳам бу корпорациялар учун интеграция жараёнини тартибга солиб турадиган мураккаб ва устмиллий қурилмага эҳтиёж қолмади. Бироқ, АҚШ билан, Канада ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий интеграция 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларига келиб шериклар ва энг аввало, АҚШнинг эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолди. Бунинг натижасида Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари икки давлат ҳудудларини ошиб ўтиб, 1992 йилда Шимолий Америка эркин савдо зонаси ҳақидаги

шартнома имзоланди ва 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Ана шу шартномага биноан АҚШ ва Канада қатори Мексика ҳам ушбу ташкилотга аъзо бўлди.

Қудратли иқтисодий имкониятларга эга бўлган ушбу блок аҳолиси 2002 йилда 425 млн кишидан ортиқ эди. Унга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар ҳар йили 7,5 триллион доллар миқдорида мол ишлаб чиқаради, хизмат кўрсатади, уларнинг ялпи жаҳон савдоси ҳажмидаги салмоғи 20% ни ташкил этади.

Битимнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

– АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги ўзаро божхона тўловларини бекор қилиш;

– Ўз маҳсулотларини Мексика орқали АҚШга реэкспорт қилиш йўли билан Америка божларидан бўйин товловчи Осиё ва Европа компанияларининг Шимолий Америка бозорларига бўлган тажовузидан ҳимоялаш;

– АҚШ ва Канада компанияларининг Мексиканинг банк ва суғурта соҳаларига капитал қўйиш ва рақобат қилишдаги чекловларни тугатиш;

– Атроф-муҳитни сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил қилиш.

АҚШ 5 йил мобайнида Мексикадан экспорт қилинадиган маҳсулот турларининг қарийб учдан икки қисмига божларни бекор қилиши лозим эди. Шартномада ўзаро савдо соҳасидаги божхона чекловларини ҳам аста-секин камайтириб бориш, юз йиллик охирига келиб батамом тугатиш кўзда тутилган эди (Гарчи бу савдо илгари ҳам икки томонлама эркин бўлиб, жадал равишда ривожланаётган бўлса-да).

Бугунга келиб ўз аҳамиятига кўра, АҚШ учун Канада биринчи, Мексика эса учинчи даражали бозор ҳисобланади (иккинчи ўринда Япония туради). АҚШ капитали Канада иқтисодиётининг 50 – 60%ини назорат қилиб турибди.

АҚШ билан Мексика ўртасидаги иқтисодий алоқалар тез суръатлар билан ўсиб бормоқда: 1987 йилдан 1992 йилгача АҚШнинг Мексикага экспорти бир йилда ўртача 23%га кўпайиб борди ва 1995 йилдан бошлаб Мексика АҚШ саноат молларини харид қилишда иккинчи ўринга чиқиб олди.

АҚШ трансмиллий корпорациялари тўғрисида шуни айтиш мумкинки, 1995 йилдаёқ уларнинг минтақадаги саноат бўлимлари ички савдосининг 60%дан кўпроғи Мексикага тўғри келган эди. 1989 йилдан 1995 йилгача АҚШга қарашли чет эл бўлимларининг салмоғи АҚШнинг Мексика билан ялпи умумий савдо ҳажмида 24% дан 29%га кўтарилди. Ўз

навбатида 2002 йилда Мексика экспортининг 70%идан кўпроғи, шу жумладан, нефть экспортининг 55%и Қўшма Штатларга тўғри келади.

Шимолий Америка эркин савдо зонаси тузиш ҳақидаги шартнома кучга кирмасдан олдинроқ бир неча млн мексикалик фуқаро АҚШда доимий иш билан банд эди.

Шимолий Америка минтақасининг барча ҳудудларида йирик капиталнинг ўзаро кириб бориши кучайиб, "тенг имкониятлар" яратилганлиги натижасида дунёнинг учта иқтисодий марказлардан бирига айланди ва ҳозирги пайтда қолган икки марказ – Ғарбий Европа ва Япония билан кучли рақобат ўйини қилишга қодирдир.

Америка иқтисодчилари бугунги кунда Аляскадан Оловли ергача бўлган масофани қамраб олувчи "ўзига етарли панамерика савдо блоки"ни тузиш масаласини ўрганаяптилар.

Лотин Америкасига бўлган қизиқиш шу билан боғлиқки, бу минтақадаги мамлакатлар иқтисодий ривожланиш борасида шундай юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдаларки, тахминларга кўра, бу юксак суръат яқин йиллар ичида ҳам давом этади. Бу ерга оқиб келаётган бевосита чет эл инвестицияларининг ўсиш суръати юқори эканлиги шундан далолат беради. 2001 йилда Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар бевосита чет эл инвестицияларининг оқиб келишида рекорд даражага эришдилар – улар 56 млрд долларни ташкил этди. Бу рақам 1999 йилдагига нисбатан 30 фоиз кўп, демакдир.

Умуман олганда, бу минтақага тушган бевосита чет эл инвестициялари ҳажми 2000 йилда ривожланаётган мамлакатларга жойлаштирилган инвестицияларнинг 38 фоизини ташкил этди, буларнинг ўсиш суръати барча ривожланаётган мамлакатларга киритилган инвестицияларнинг ялпи ўсиш суръатига нисбатан учдан икки ҳиссага тенг бўлди.

Жанубий Америкада ҳам интеграция жараёнлари тобора ривожланиб бормоқда. 1965 йилнинг бошидаёқ бу ерда "Эркин савдо зонаси"ни ташкил этиш, кейинчалик, Марказий Америка умумий бозорини юзага келтириш мўлжалланган эди. Аммо сиёсий-иқтисодий танглик бу режаларнинг амалга ошишига имкон бермади.

1990-йилларнинг ўрталарига келиб, Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида 1991 йилда тузилган ва 1995 йил 1 январидан кучга кирган МЕРКОСУР савдо пакти туфайли интеграция жараёнларида жонланиш сезилди.

Ушбу пакт минтақада янги бир савдо-иқтисодий блокининг юзага келишига йўл очди, бу блок умумий аҳолиси 200 млн

кишидан зиёд бўлган, ялпи ички маҳсулоти 550 млрд долларни ташкил этувчи давлатларни ўзига бирлаштирди.

МЕРКОСУР гуруҳининг ташкил этилиши натижасида унга аъзо бўлиб кирган тўрт давлатга тегишли ўзаро савдонинг 90%и ҳар қандай божхона ғовларидан халос бўлади. Учинчи мамлакатлардан келадиган импорт маҳсулотларига нисбатан эса умумий бож тизимлари ва божхона қоидалари жорий этилади.

Режага кўра, Шимолий Америка эркин савдо зонаси МЕРКОСУР билан қўшилиб кетади ва минтақадаги бошқа давлатлар ҳам бирин-кетин уларга аъзо бўлиб киради.

Ҳозирги пайтда Шарқий Осиёда ҳам интеграция жараёнлари тобора кўпроқ ривожланиб бормоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йилдан бери муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг аъзолари орасида 4 нафар Осиё "аждаҳо"ларидан бири бўлган Сингапур, "янги тўлқин"га мансуб янги саноат мамлакатлари — Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин бор.[1]

Ушбу гуруҳ доирасидаги ўзаро ҳамкорликда эришилган натижалар Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланаётганлиги, уларнинг тараққиёт даражалари бир-бирига яқин эканлиги, ўртада тарихий анъаналарга эга бўлган дурустгина савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шакллари бир маромга етганлиги билан изоҳланади.

Шарқий Осиёдаги иқтисодий интеграциянинг ривожланиш истиқболлари кўпроқ Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (АТЭС) билан боғланмоқда. Бу ташкилот Осиё, Шимолий ва Жанубий Америкадаги 18 давлатни бирлаштиради. Халқаро экспертларнинг тахминига кўра, Шарқий Осиё яқин йилларда ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича Ғарбий Европадан, 2020 йилга келиб эса, Шимолий Америкадан ўзиб кетиши мумкин.

Ишлаб чиқилган режалар асосида ташкилот 2020 йилга келиб божхона ҳамда ички ғовлардан холис бўлган дунёда энг йирик эркин савдо зонасини ташкил этишни мўлжалламоқда.

---

[1] 1995 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига Вьетнам ҳам қўшилди. 2005 йилга келиб бу ташкилотга Ҳиндихитой ярим оролининг барча мамлакатлари аъзо бўлиши мўлжалланган.

Ташкилотнинг асосий мақсади минтақада эркин савдо ва инвестициялар ҳудудини ташкил этиш. Шу муносабат билан бу ташкилотга аъзо давлат раҳбарларининг Индонезиядаги учрашувида минтақанинг индустриал ривожланган мамлакатлари учун 2010 йилгача, минтақанинг ташкилотга аъзо ривожланаётган мамлакатлари учун эса 2020 йилгача эркин, очиқ инвестициялар ҳудудини ташкил қилиш тўғрисидаги баёноти эътиборга лойиқдир. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамдўстлиги кўп даражали халқаро хўжалик мажмуи бўлиб, унда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро алоқа тараққиётнинг умумий ҳаракатга келтирувчи кучларини вужудга келтиради, бу эса, барча иштирокчиларга ижобий самара беради.

Шарқий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида ҳам интеграцияга, ўзаро яқин ҳамкорликка интилиш сезилмоқда.

Африка давлатлари ўртасида, унинг шимолий қисмида интеграция жараёнлар ривожланиб бормоқда (гарчи анча сустроқ бўлса ҳам).

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, уларнинг интеграцияга мойиллиги ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, амалдаги интеграция жараёнлари анча заиф бўлиб, ўзининг табиати, ҳаракатлантирувчи омиллари, ривожланиш суръатлари жиҳатидан анча фарқ қилади.

Ривожланаётган мамлакатлардаги интеграция том маънодаги ривожланган шаклига, яъни хоҳ айрим фирмалар, корхоналар даражасида, хоҳ умуман миллий хўжаликлар даражасида, бевосита мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланишидан иборат бўлган, ҳамиша ривож топиб, чуқурлашиб борадиган жараён шаклига эга эмас. Ҳозирча, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга доир эълон қилган мақсадлари интеграция жараёнининг тайёрлов босқичидан иборат, холос.

Интеграция йўлида тузилган кўплаб гуруҳлар ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражаси пишиб етмаганлиги, миллий хўжаликларнинг ибтидоийлиги, бозор, молия инфраструктураларининг ривожланмаганлиги оқибатида бу тузилмаларни ё мақсадга бефойда интилиш ёхуд тўла муваффақиятсизликка маҳкум этиб қўйди.

Ҳинд океани минтақасида интеграция жараёнлари

Бу минтақадаги интеграцион жараёнларга Ҳинд океани мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси

(АРСИО) сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ассоциация 1997 йил 7 мартда Маврикий Республикаси пойтахти Порт-Луи шаҳрида тузилганлиги эълон қилинди. Янги ташкилотнинг хартияси ва ҳаракат дастури қабул қилинди. Унинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Ҳозирги кунда ассоциацияга Австралия, Ҳиндистон, Кения, Маврикий, Уммон, Сингапур, Жанубий Африка Республикаси, Индонезия, Яман, Мадагаскар, Малайзия, Мозамбик, Танзания ва Шри-Ланка аъзодир.

Мазкур ташкилот ўзининг амалий фаолияти ва ташкилий жиҳатдан шаклланишида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС) тажрибасига суянишни мўлжаллаган. У "жануб" деб аталмиш мамлакатлар учун жаҳон халқаро муносабатларида "шимол"нинг ҳозир мавжуд бўлган якка ҳокимлигига қарши тура оладиган тузилмани барпо этиш йўлидаги дастлабки уринишларидан биридир.

Бугунги дунё уч қутбга бўлинган. Унда Европа Иттифоқи (EU), Шимолий Америка эркин савдо зонаси ҳақидаги шартнома (НАФТА) ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигидан (АТЭС) иборат учта қудратли блок фаолият кўрсатмоқда, жаҳон иқтисодий айирбошлашларнинг 80%и шулар ҳисобига тўғри келади.

Африка ва Ҳинд океани минтақасида бу жараёнлар ҳозирча унчалик сезилмайди. Ваҳоланки, ер юзи аҳолисининг 20—25%и шу минтақада яшайди. Унда жойлашган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо ялпи савдонинг жуда кам қисмини ташкил этмоқда. 2003 йилги маълумотларга кўра, жаҳон ялпи маҳсулотининг 5,4%ини шу минтақа давлатларига тўғри келган, минтақанинг жаҳон савдосидаги салмоғи эса, 10% дан ошмаган. Осиё-Тинч океани ҳамкорлигига (АҚШ ва Японияда ташқари) хос бўлган ўша кўрсаткичлар шу тартибда 10,8 ва 21,8%ни ташкил этади.

Ҳинд океани мамлакатлари минтақавий ҳамкорлик ассоциациясининг ривожланиш тарихи

Ҳинд океанида жойлашган давлатларнинг жаҳон иқтисодий тизимида тутган ўрни асосан иккита омил билан белгиланади.

Биринчидан, бу ерда фойдали қазилмаларнинг жуда бой захиралари жойлашган. Форс кўрфазининг нефть-газ ҳавзаси дунёдаги саноати ривожланаётган давлатларнинг аксарияти учун асосий нефть-газ манбаи ҳисобланади. Бу минтақа олтин, олмос, қалай қазиб чиқариш, каучук олиш, чой, кофе, шоли, пахта,

мой ва кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Иккинчидан, қитъалараро энг муҳим транспорт йўллари Ҳинд океани орқали ўтади. Европа ва Австралияда истеъмол қилинадиган нефтнинг 50%, Япония харид қиладиган нефтнинг 98% ва Африка мамлакатлари харид қиладиган нефтнинг 75%и Ҳинд океани орқали етказиб берилади.

Ўзига қарашли саноат базасини мустаҳкамлаш заруратидан, ўз молларини сотишга чиқариш талабидан, шунингдек, замонавий транспорт инфраструктурасини барпо этиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда минтақа давлатлари янада мустаҳкамроқ иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга бел боғладилар.

Бироқ Ҳинд океани мамлакатлари ҳамкорлик ассоциациясини ташкил этиш ғояси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Ҳинд океани давлатларининг долзарб вазифаларни биргаликда ҳал этишга бўлган саъй-ҳаракати натижасида аввало баъзи суб минтақалар доирасидаги давлатлар ўртасида алоқалар мустаҳкамланди.

Ҳинд океани доирасида қуйидаги ташкилотлар шаклланди ва бир хил муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда:

– Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН);

– Жанубий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси;

– Қатор Ғарбий Осиё давлатларини бирлаштирувчи Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти;

– Форс кўрфази араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши;

– Ҳукуматлараро тараққиёт агентлиги (бунда асосан, Африка бўғози давлатлари қатнашади);

– Шарқий ва Жанубий Осиё умумий бозори;

– Африка жануби мамлакатларини ривожлантириш ҳамжамияти;

– Ҳинд океани бўйича комиссия (бунга океаннинг жануби-ғарб қисмидаги орол давлатлари бирлашган).

Ҳинд океани ҳавзасидаги мамлакатларда янада кенгроқ даражада умумминтақавий ҳамкорликни, энг аввало, савдо ва иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни ўрнатиш ғояси астасекин пайдо бўла бошлади.

Ҳозирга келиб Ҳинд океанидаги интеграция жараёнининг ташаббускор мамлакатлари Ҳинд океани мамлакатлари ҳамкорлик ассоциацияси фаолиятининг барча жиҳатларини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш бўйича зарур чора-тадбир-

ларни кўрган бўлишига қарамай, кўпгина масалалар ҳанузгача ҳал этилгани йўқ.

Ушбу бобни қуйидагича хулосалаш мумкин:

Ишлаб чиқариш кучларининг интернационаллашувидан, унинг олий шакли — жаҳон хўжалигининг глобаллашувидан иборат муҳим жараён дунёнинг кўпгина минтақаларида бирлашмаларнинг ривожланишида яққол намоён бўлмоқда.

Миллий хўжаликлар ўртасида чуқур ва барқарор ўзаро алоқаларнинг камол топиши, меҳнат тақсимотининг юзага келиши, такрор ишлаб чиқариш кучларининг турли даражада, турли шаклларда ўзаро ҳамкорлиги асосида мамлакатларнинг хўжалик ва сиёсий жиҳатдан бирлашуви жараёни халқаро иқтисодий интеграция моҳиятини ташкил этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ягона савдо ҳамда (қисман) божхона маконини ташкил этиб, ўзаро сиёсий ишончга эга давлатларгина ишлаб чиқаришнинг барча омиллари билан эркин айирбошлаш имконини берувчи ягона маконни юзага келтиришлари мумкин. Бамаслаҳат олиб бориладиган ўзаро келишилган умумий иқтисодий сиёсатга даъват этувчи бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида — бу ишлар учун масъул бўлган ташкилий структуралар юзага келди. Бинобарин, Ғарбий Европадаги интеграциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу давлат бошиданоқ етакчи ўрин эгаллаган шароитда амалга оширилди.

Шимолий Америкада бу жараён хусусий-корпорация тамойили рўёбга чиқарилади, зотан бу ердаги интеграциянинг табиати, йўналиши аввалданоқ АҚШнинг қудратли корпорациялари, уларнинг Канададаги бўлимлари томонидан белгиланб қўйилган бўлиб, булар интеграция жараёнини тартибга солиб турадиган устмиллий қурилмаларга муҳтож эмас.

1980-йилларнинг охири 1990-йилларнинг бошига келиб АҚШнинг Канада билан бўлган иқтисодий интеграцияси шерикларнинг эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолди ва 1992 йилда Шимолий Америкада эркин савдо зонаси ҳақида шартнома имзоланди, унга кўра, Мексика учинчи аъзо бўлиб қўшилди. Ҳозирги пайтда эса Аляскадан то Оловли Ергача чўзилган Панамерика савдо блокини ташкил этиш тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда.

Жаҳон иқтисодининг *глобаллашуви* — бу савдо, молия соҳалари, технология, ахборот айирбошлови ҳамда инсон омилларининг кўчиб ўтиши кенгайиб, янада чуқурлашуви натижасида айрим мамлакатлар иқтисодининг ўзаро қўшилувига

(интеграцияга) бўлган мойилликдир. Бу жараён бозорлар ва ишлаб чиқариш тизимларини қамраб олади. **Бозорларнинг глобаллашуви** муайян мамлакатларнинг бозорлари савдо тўсиқлари натижасида бир-биридан ажралиб қолган иқтисодий тизимдан уларни ягона глобал бозорга келтирувчи тизимга аста-секин ўтиш, демакдир. **Ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви** ишлаб чиқариш жараёнининг бирлигини назарда тутадики, бу ҳолда ишлаб чиқарувчилар дунёнинг исталган нуқтасида жойлашган. У ерда меҳнат, капитал, ер каби ишлаб чиқариш омилларидан энг кўп манфаат билан фойдаланишлари мумкин.

Бозорлар ва ишлаб чиқаришни глобаллашувининг асосий омиллари, энг аввало, охирги йиллар муваффақият билан якунланган кўп томонлама музокаралар чоғида маҳсулотлар, хизматлар, капиталларнинг эркин ҳаракатини чекловчи тўсиқларни бартараф этиш ёки камайтириш борасидаги битимлар бўлди. Бунинг натижасида корхоналарни ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун ғоят қулай бўлган ҳудудларда жойлаштиришга имкон туғилди.

Бундан ташқари, алоқа, транспорт, ахборот воситалари технологиясида рўй берган кескин ўзгаришлар, энг муҳими, қудратли ва арзон компьютерларнинг ишлаб чиқарилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди; фазовий йўлдошлар, оптик толалар ахборот оқимларига кенг йўл очиб берди; реактив самолётлар, катта сиғимли кемалар ҳамда контейнерлаштиришнинг жорий этилиши юк ташиш муаммосини кўп жиҳатдан осонлаштирди.

Жаҳон иқтисодининг глобаллашуви, унинг тобора чуқурроқ интернационаллашуви, халқаро миқёсда рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган ғоят муҳим жараёнларни ҳам қамраб олади. Глобаллашув, хусусан, жаҳон молиявий тизимининг юзага келишида, жаҳон савдосининг интенсивлашувида, глобал трансмиллий корпорациялар пайдо бўлишида, савдо-иқтисодий блокларнинг шаклланиб боришида, иқтисоднинг минтақалашувида, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тартибга солувчилик аҳамияти ўсиб боришида намоён бўлмоқда.

Иқтисоднинг глобаллашуви доимо устунликларни излаш, бозорларни кенгайтириш ҳамда харажатларни имкон борича камайтириш натижаси сифатида кўзга ташланади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва сабаблари.
2. Иқтисодий интеграция даражалари ва уларнинг хусусиятлари.

3. Ғарбий Европада ҳудудий иқтисодий интеграциянинг хусусиятлари.

4. Шимолий Америкада интеграция жараёнларининг хусусиятлари ва уни ривожлантириш келажаги.

АДАБИЁТЛАР

1. *Авдокушин Е.Ф.* Международные экономические отношения. Учебное пособие. М., 1998.

2. *Арин О.* Миф об АТР – "Азия и Африка сегодня", ж.,М., 1998, № 8.

3. *Борко Ю.* Европейский союз: углубление и расширение интеграции. //МЭ и МО. М., 1998.

4. *Ломакин В.К.* Мировая Экономика. М., Финансы, ЮНИТИ, 1998.

5. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА., 2004.

6. *Фридман Л. Кузнецова С.* Глобализация: развитые и развивающиеся страны. //МЭ и МО. М., 2000, №10.

7. *Черковец О.* Европейский союз: Уроки интеграции - "Экономист" ж., М., 1998, №10.

8. Salvatore Dominic international Economics - New York, 1995.

9. World investment report 1998: Trends and Determinants. UN, New York and Geneva, 1998.

7-БОБ
БОЗОР ИҚТИСОДИ РИВОЖИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Давлат хўжалик ҳаётида қай тарзда қатнашиши ҳақидаги масала ҳозиргача иқтисодиёт назариясининг ҳал этилмаган жумбоқларидан бири бўлиб келмоқда.

Бу соҳадаги нуқтаи назарларнинг кўлами ғоят кенг бўлиб, давлатни энг кам миқдордаги зарур вазифалар юкланган "тунги қоровул" деб билишдан тортиб (А. Смит), то давлатни амалда ҳамма нарсани тартибга солиб турувчи, ҳамма нарсани бошқарувчи зарурий бир орган (ёки механизм) деб қарашгача етиб боради.

1980-йиллар ва 90-йилларнинг бошларида ривожланаётган мамлакатларда давлатнинг роли

1980-йиллар мобайнида ривожланаётган мамлакатларнинг қарийб 2/3 қисмида миллий даромад камайиб, 19 та

мамлакатда бу кўрсаткич 30% дан кўпроқни ташкил этди. БМТ маълумотларига қараганда, бу даврда миллий иқтисодларнинг ўсиш суръатлари кутилган 7,2% ўрнига 2,3% дан иборат бўлди. "Учинчи дунё"даги инфляция даражаси юқорилигича қолаверди.

1989 йилда – 104,1%.

1990 йилда – 71%.

Дунё иқтисодида юз берган пасайишнинг номатлуб оқибатлари "учинчи дунё"нинг истиқболлари яхши эмаслигини билдирди. Ривожланаётган мамлакатларда қарийб 70-йилларнинг охирларига қадар мулкчилик, ялпи ички маҳсулот, инвестициялар, бандлик соҳаларидаги давлат салмоғи ортиб бораверди. Ўн йилдан кейин эса қишлоқ хўжаликдан бошқа тармоқларда бандликнинг 44%, ялпи ички маҳсулотнинг 10–20%, инвестицияларнинг 20–60%и давлат секторига тўғри келди.

Бироқ давлатнинг иқтисодда устун даражада қатнашуви иқтисодий-ижтимоий ривожланишда кутилган жадалликка олиб келмади. Давлатнинг ривожланаётган иқтисодга фаол аралашуви қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги танқидга учради. Фақат 80-йилларнинг бошидагина бу борада силжиш юз берди.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда давлат сектори бюджетидаги дефицит ўсиб борганлиги сабабли қарзларини тўлай олмай қолганлиги муносабати билан Ғарб кредиторлари уларга бўлган ўз сиёсатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлдилар. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси ривожланаётган мамлакатлар иқтисодини "таркибий мослаш"дан иборат янги сиёсатини эълон қилди. Бунинг моҳияти нимадан иборат?

Эндиликда муайян давлат лойиҳалари учун бериладиган кредитлар ўрнини маълум шартлар асосида бериладиган қарзлар эгаллади. Бу қарзлар:

1) Молиявий аҳволни барқарор қилиш;

2) Хусусий секторни ривожлантириш;

3) Хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш мақсадларида бериладиган бўлди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам давлатнинг имкониятларига қандай сиёсий йўналишда эканликларидан қатъий назар (Ироқ ва бошқалар) ишонмай қўйишди.

Шундай қилиб, "учинчи дунё"га мансуб мамлакатларнинг муаммоларини хусусий секторнинг иқтисоддаги устувор

ўрнидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш мумкин, деган умумий хулоса юзага келиб, ривож топди. Лекин воқелик шуни кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилган хусусийлаштириш миқёслари шу масала бўйича бошланган баҳс-мунозаралар кўламидан анча орқада экан.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 28 та ривожланаётган мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 1980-йилларда давлатга қарашли 3975 корхонадан 137 таси (3,4%) ёпилган ёки тугатилган, 85 таси (2%) тўла ёки қисман сотилган, 45 таси (1%) ижарага берилган ёхуд бошқаришга топширилган. Хусусийлаштириш суръатлари кутилганидан анча суст борди. Бироқ хусусийлаштириш натижаларини таҳлил этаётганда шуни назарда тутиш керакки, унинг миқёси ва суръатларигина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки хусусийлаштирилган корхоналарнинг нечоғли самарали ишлаши ҳам муҳимдир.

Тажриба кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда олиб борилган хусусийлаштириш жараёнининг умумий самарадорлиги саноати ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча орқада қолмоқда:

— хусусий шахсларга берилган бир қатор корхоналарда илгаригидан кам фойда олинмоқда ёки зарар кўрилмоқда;

— хусусийлаштирилган компаниялар шу даражада кўп енгиллик ва имтиёзларга эга бўлдики, бунинг оқибатида илгариги давлат монополиялари ўрнига хусусий монополиялар юзага келди ва бу билан хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун рақобатни кучайтириш муддаоси барбод бўлди.

Нима сабабдан хусусийлаштириш жараёни қийин кечди ва кутилган самарани бермади?

1. Объектив шарт-шароитни ҳисобга олмаган ҳолда, унинг устига қўшимча ташқи сабаб таъсирида юқоридан туриб бошланган ҳар қандай давлат ислоҳоти каби давлат мулкчилиги ва назоратни хусусий шахсларга топшириш жараёни турли ижтимоий кучларнинг жиддий қаршилигига дуч келди. Бу кучлар қуйидагилардир:

— вазирликлардаги амалдорлар ва давлат корхоналарининг раҳбарлари;

— давлат секторидаги касаба уюшмалар;

— зиёлилар;

— аҳолининг, айниқса, шаҳар аҳолисининг ғоят кенг қатламлари (булар биринчи навбатда субсидия қилинган нархлардан манфаатдор эди).

Шуниси ҳам борки, ана шу ҳолларнинг барчасида мухолифат объектив баҳо беролмайди. Давлат мулкини четга, бойиб кетаётган кам сонли миллат вакилларига сотишни истамаслик ҳам шулар жумласидандир.

2. Хусусий секторнинг заифлиги, демакки, сотиб олишга қурби етадиган шахслар доирасининг торлиги.

3. Хусусийлаштириш борасидаги техник қийинчиликлар ва катта миқдордаги моддий харажатлар.

Тажриба кўрсатадики, хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорлар кўп ҳолларда объект қийматини яхши ўрганиб чиқмасдан, аниқ саъй-ҳаракатларнинг муфассал дастурини ишлаб чиқмасдан, ўзбилармонлик билан қабул қилинган.

4. Иқтисодий юксалиш даврида ва рақобат анчагина ривожланган соҳаларда даромадли корхоналарни хусусийлаштириш жараёни бирмунча силлиқ кечиши мумкин. Худди ана шу ҳолда бозор омилларининг таъсири ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга жадал даъват этади ва корхонанинг даромадини оширади.

Амалда эса, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари инқирозга юз тутган иқтисодий ҳолат шароитида бюджетдаги камомаддан чўчиб, биринчи навбатда зарарли, кам даромадли корхоналарни хусусийлаштиришга, бу билан корхоналарнинг иш самарадорлигини ошириб, бюджетга қўшимча даромад келтиришга ҳаракат қиладилар. Қўшимча даромад олиш ҳаваси хусусийлаштиришга туртки берган асосий ички омиллардан бири ҳамдир.

Хусусийлаштириш соҳасида эришилган камтарин ютуқлар давлат мулкини хусусийлаштириш анчагина самарадор ва афзалликларга эга эканлиги ҳақидаги тасаввурларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Сиёсий иқтисодиёт асосчиси, шотландиялик А.Смит (1723—1790) "Миллатлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот" (1776) асарида "бозор кучларининг эркин жилваси уйғун тузилмани (тузумни) юзага келтиради", деб айтган эди.

Унга кўра, шахснинг ўз манфаатларига эришиш йўлидаги интилиши хўжалик ривожланишининг етакчи, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бунинг натижасида шахснинг ўзи ҳам, жамият ҳам кўпроқ фаровонликка эришади. Бундан,

мумтоз либерал иқтисодиёт назариясида, давлатга иккиламчи ўрин берилишининг сабаби маълум бўлади.

Унингча, давлатнинг "тунги қоровул" сифатидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Тартиб-интизомни (хусусан, олди-сотдини кафолатлайдиган) ва миллий мудофаани таъминлаш;

— қатор ижтимоий фойдали иншоотларни тартибда сақлаш;

— низоларни адолат юзасидан ҳал этиш ва ҳ.к.

Бу ерда шахснинг ўзи ё мустақил равишда бажара олмайдиган, ёхуд иқтисодий жиҳатдан самарали ҳал эта билмайдиган вазифалар ҳақида гап кетяпти. А.Смит фикрича, энг муҳими хўжалик фаолиятининг ҳамма субъектлари учун қуйидаги асосий иқтисодий эркинликлар кафолатланиши лозим:

— у ёки бу хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

— рақобат;

— савдо.

Бироқ, шахсни ҳаракатга чорловчи *манфаатдорлик* иқтисодий қурилманинг бир қисми, холос. Иқтисодий субъектни ҳаддан ташқари кўп фойда олиш ҳирсидан сақлаб туришга ундовчи иккинчи бир қисми *рақобат* бўлиб, у хўжаликда ҳаракат этувчи субъектларнинг манфаатларини маълум даражада ўзаро мосликка келтириб туради ёки бозор мувозанатини сақлаб боради.

А.Смит эркин бозорни жамиятнинг кундалик ҳаётини таъминловчи ва ўзини-ўзи бошқарувчи бир тизим сифатидаги хўжалик қурилмаси эканлигини таърифлаб берди.

Унинг иқтисодий тушунчасида:

— давлат бир зарурат эмас, ҳатто у иқтисодиётга аралашмаслиги маъқул, акс ҳолда бозор қурилмаларининг ҳаракати шароитида бўлади (бозор механизми бузилади);

— таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанат бозорларда ўз-ўзини мустақил тартибга солиб, бир маромда сақлаб туради, деб тахмин қилинади.

Бироқ, А.Смитнинг иқтисодий мутаносиблик ўз-ўзини мустақил бир маромда сақлаб туриши ҳақидаги фикрига тез орада шубҳа билан қараладиган бўлди.

Хусусан, Роберт Мальтус (1766—1834) аҳолининг ўсиши давлат томонидан махсус чора-тадбирлар воситасида назорат қилиб турилмаса, аҳоли ортиқлигига, қашшоқлигига, бутун бошли иқтисодий тизимнинг ҳалокатига олиб келади, деб уқтиради.

Тажрибада эса, назарий қолип билан амалий бозор ўртасида муҳим тафовутлар мавжуд. Чунки ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган хусусий мулкчилик омиллари ҳаддан зиёд капитал жамғариш ва ишлаб чиқаришни бир қўлда тўплаш имкониятларига эгадир.

Бу нарса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши натижасида корхоналарнинг молиявий имкониятлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетишига олиб келади.

Бозор қисмларга бўлинганлиги ва унда ҳаракат қилувчи субъектларнинг иқтисодий куч-қудрати тақсимланишида нисбий тенглик борлиги ҳақидаги тахмин, А.Смит назариясининг асосий қоидаларидан бири ҳисобланиб, ҳаётдаги воқеликка зид келади.

Бугун Ғарб тажрибасида "бозор иқтисоди"нинг бир-биридан анчагина фарқ қиладиган кўринишлари юзага келди. Масалан, АҚШ "Laissez faire" деган тамойилга бошқаларга нисбатан яқинроқ туради. Бу тамойилнинг моҳиятини – давлатнинг иқтисодга бўлган таъсирининг ниҳоятда мўътадиллиги белгилайди.

Бунинг акси ўлароқ, Францияда анчагина кучли давлат саноатини кўриш мумкин ва бу ерда "режалаштириш" кенг тарқалган шиорлардан бири бўлган. Германияда, Австрияда ҳам "ижтимоий бозор хўжалиги" шакли ривожланган.

Бозор иқтисодига асосланган мамлакатларда давлатнинг роли

Ушбу мавзудан келиб чиққан ҳолда қуйидаги омиллар биринчи даражали аҳамиятга эга:

– Мактаблар, касалхоналар, жамоат транспорти кабилар томонидан таъминланиб туриладиган хизматлар сифати, буларнинг тез мослашувчанлиги;

– тартиб-интизомнинг мавжуд аҳволи;

– шаҳар қурилиши;

– ижтимоий тўловлар ва ҳ.к.

Ривожланган мамлакатларда ана шу вазифаларнинг кўпчилиги давлат зиммасига юкланган (2, 3, 4-жадвалларга қаралсин).

Давлатнинг иқтисодда тутган ролини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири давлат мулкининг кўп-озлигидан (миқдоридан) иборатдир.

1980-йиллар хусусий секторга ишонч кучайган ўн йиллик ҳисобланади. Бу даврда хусусийлаштириш Мексикадан то Японияга етиб борди. 1980 йилдан 1988 йилгача Буюк Британияда ишлаб чиқаришдаги жамоат секторининг 40 фоиздан кўпроғи хусусий корхоналарга айлантирилди. 80-йилларнинг бошларида ҳамма жойларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва кўламини кенгайтиришнинг воситаси сифатида кенг миқёсда хусусийлаштиришни жорий этиш йўли билан давлат харажатларини чеклаш борасида фаол сиёсат олиб борилди. Бунинг оқибатида кўпгина мамлакатларда ялпи ички маҳсулот кўпайиши билан бир қаторда бу харажатлар тежалиб, бир қолипга тушди.

Буюк Британия бу соҳада кўп ютуқларга эришди. Бироқ, хусусий капитални янада кенгроқ кўламда иқтисодга жалб этиш режаси кутилган натижаларни бермади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра "аҳоли кўрсатилаётган хизматларнинг сифатидан норози". Маориф, тиббий хизмат, транспорт сингари соҳаларда бу нарса яққол намоён бўлди.

1990-йилларнинг бошларига келиб аҳвол анча ўзгарди, давлат секторига бўлган эътибор тобора кучайди.

Нима сабабдан?

1. Бизнинг хоҳиш-иродамизга мутлақо алоқаси бўлмаган ҳолда давлат секторидаги кўрсаткичлар ҳаётимизнинг сифатини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган тушунча тобора кенгроқ қарор топмоқда. Бу нарса эса оқибатда иқтисодий ривожланиш мақсади ҳисобланади.

Дарҳақиқат, капитализм турли-туман моллар ишлаб чиқаришда юксак самарадорликни таъминлайди. Бу тушунарли: капитализмнинг мақсади фойда олишдир.

Лекин алоҳида бир шахс учун автомобил, телевизор, дастгоҳ ва ҳ.к. ўз-ўзидан яхши ҳаётни таъминлаб бера олмайди. Натижада қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деган фикр юзага келади:

а) 80 йилларда амалга оширилган давлат харажатларини тежаш сиёсатидан воз кечиш. Лекин бу нарса солиқларнинг кескин ошишига сабаб бўлиши мумкин;

б) ҳозирги харажатларни (ялпи ички маҳсулотга нисбатан) сақлаб турган ҳолда, қатъий иловоҳотлар ёрдамида давлат секторидаги рақобатчилик унсурларини кучайтирган ҳолда ушбу секторга оид хизматлар сифатини ошириш.

2. Бозор "инсон омили" деган тушунчанинг туб маъносини таъминлай олмайди "келажакдаги кўпгина ижтимоий зарарлар ёки афзалликларга етарлича баҳо бера олмайди ёки уларни олдиндан кўра олмайди".

3. Бозорнинг нархлар тизими табиий бойликларни тақсимлаб бераётганида кўп жиҳатдан уларнинг тугаб боришини, бу ҳол атроф-муҳитга узоқ вақт салбий таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олмайди.

4. Илмталаб маҳсулотлар ва энг янги ғоялар билан халқаро миқёсда эркин алмашувнинг бир ўзи илғор технологияларнинг кенг жорий этилишига олиб келолмайди. Уларни ўзлаштириш эса онгли равишда мураккаб билимлар тўплашни, тажриба орттиришни талаб этади, бу ҳол эса давлат олдиндан ташаббус кўрсатиши лозимлигини тақозо қилади.

Ижтимоий тараққиётдаги давлатнинг ролига умуман тарихий нуқтаи назардан ёндашилса, шу нарса маълум бўладики, хусусий капитал иқтисодга тобора кенгроқ кўламда жалб этилаётганига қарамай, жамоат секторининг ҳиссаси узлуксиз ошиб боради. Ғарбдаги кўпгина етакчи мамлакатларда хусусийлаштириш сиёсати кенг кўламда олиб борилаётганига қарамай, уларнинг иқтисодида давлат секторининг иштироки ўсиб бормоқда.

Давлатнинг умуман иқтисоддаги роли давлат мулкининг салмоғи билан бир қаторда ялпи ички маҳсулотдаги давлат харажатлари улуши кўрсаткичлари билан ҳам белгиланади.

XIX асрнинг охирларида саноати ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотдаги давлат харажатларининг салмоғи ўртача 8,3 % ни (АҚШда – 4%, Францияда – 12,6%) ташкил этган бўлса, XX асрнинг 20-йилларида бу рақам 15,4% га кўтарилди.

Саноати ривожланган мамлакатларда давлатнинг миллий ресурсларини тақсимлашдаги ўрни 1929–1933 йиллардаги Буюк (депрессия) турғунликдан кейин салмоқли бўлди. 60-йилларда бу кўрсаткич 27,9%ни, 80-йилларнинг бошларида 42,6%ни ташкил этди, бу эса ўтган юз йил мобайнида таълим, темирйўл транспорти, телеграф, почта, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, санитария хизматлари давлат зиммасига юклатилганлиги билан изоҳланади. Бу рақам кейинчалик мазкур мамлакатларнинг бирортасида ҳам 30%дан ластга тушгани йўқ. Масалан, 1998 йилда АҚШда ялпи ички маҳсулотдаги давлат харажатлари салмоғи 38,7%ни, Японияда 34,9%, ГФРда 50,8%, Францияда 54,2%, Англияда 54,8%ни

ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда ўртача кўрсаткич 1998 йилга келиб ялпи ички маҳсулотда 47,2%га етди. Тўртинчи жадвалдан маълум бўлганидек, дунёдаги етакчи мамлакатларда ялпи ички маҳсулотдаги давлат харажатлари салмоғи кейинги йилларда ҳам муттасил ошиб борган.

Бозор иқтисодига ўтган мамлакатларда иқтисодиётга давлат таъсирининг асосий шакллари

Иқтисодда давлат сектори

"Катта еттилик"ка кирувчи Европа мамлакатлари иқтисодида давлат сектори энг кўп ривож топди. Унинг асосий фаолият кўламлари қуйидагилардан иборат бўлди:

а) ишлаб чиқариш кучларининг эгаси сифатида тадбиркорлик ишларини олиб бориш;

б) социал соҳани ривожлантириш мақсадида миллий даромаднинг бир қисмини давлат хазинаси ихтиёрига ажратиш;

в) умуммиллий миқёсда иқтисодиётни тартибга солиш.

1990-йилларда асосий жамғармаларга кириб келган ялпи қўйилмаларнинг муҳим қисми давлат секторига тўғри келди: бу Францияда 35%ни, Германияда 15%, Италияда 10,6%ни ташкил этди ва бу сектор ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 25%га яқинини истеъмол қилди ҳамда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик изланишларига сарфланган харажатларнинг 50%дан кўпроғини молиялаштирди.

Бир қатор мамлакатларда (Италия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Германия, Буюк Британияда) давлат сектори бозор иқтисодини қайта ишлаб чиқариш учун шарт-шароит таъминлаган ҳолда мустаҳкам мавқеларни эгаллаб турибди. У хусусий тадбиркорлик учун унчалик наф келтирмайдиган, кам даромадли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Одатда булар ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқлари: темирйўл, авиация транспорти, алоқа, қувур ётқизиш йўллари, денгиз портлари, энергетика, мудофаа, атом саноати, бир қатор мамлакатларда эса, машинасозлик тармоқларидан ҳам иборат бўлади.

Тажриба шуни кўрсатдики, давлат корхоналари хусусий корхоналарга нисбатан камроқ самара беришига қарамай, ишлаб чиқаришнинг аҳамияти фақат иқтисодий кўрсаткичлар билангина эмас, балки жамиятга қанчалик наф келтирищи

билан ўлчанадиган жойларда, яъни такрор ишлаб чиқариш учун ижтимоий шарт-шароитлар яратиб берадиган соҳаларда ғоят матлубдир. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир муайян тарихий босқичда давлат секторининг кўламлари унинг иқтисодий самарадорлигининг қанчалик озлиги ва камхаржлигига эмас, балки, хусусий капитал давлат назоратидаги корхоналар фаолиятининг тақдири учун ўз зиммасига қанчалик масъулият олиши билан ҳам боғлиқдир.

Иқтисодиётни тартибга солиш. Солиқлар сиёсати

Бозор механизмининг самарали ишлаши учун рақобатга асосланган иқтисодий усулларнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан зарурати туғилган давлат усуллари билан мақбул равишда узвий боғлаш керак бўлади.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш шунинг учун муҳимки, бозор усуллари ўз ҳолича шундай оғишларга, номутаносиблик ва зиддиятларга олиб келадики, бунинг оқибатлари хатарли бўлиши мумкин.

Бинобарин, ижтимоий бозор иқтисоди концепцияси, ўзининг соф кўринишида (давлат аралашувисиз) хусусий хўжалик худди кенг кўламдаги марказлашган режалаштириш каби муқаррар равишда иқтисоднинг самарасиз фаолият кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ижтимоий бозор хўжалигининг асосий ғояси қуйидагидан иборат: "бозор эркинлиги тамойили ижтимоий уйғунликни сақлаш тамойилига ҳамоҳанг бўлиши керак".

Ана шу назария тарафдорлари тан оладиларки, "иқтисодни тартибга солиш, фаолиятни мувофиқлаштириш жараёни биринчи навбатда бозор орқали амалга оширилиши лозим. Бироқ, бу ҳолда давлат бозор жараёнларининг ривожи ижтимоий жиҳатдан номақбул ва адолатсиз натижаларга олиб келиш хатари туғилган пайтдагина аҳволни тузатадиган у ёки бу тадбирлар орқали аралашиши лозим".

Шубҳасиз, давлат томонидан амалга ошириладиган тартибга солиш даражаси бир текисда бўлмай, мавжуд вазиятларга қараб ўзгариб туради. Бироқ, у муайян чегарадан пастга тушиб кетмаслиги шарт, акс ҳолда такрор ишлаб чиқариш жараёнига имкон қолмайди.

1990-йилларнинг бошларига келиб бозор иқтисодига ўтган етакчи мамлакатларда давлат томонидан тартибга солиш иқти-

соднинг 1/3 қисмини қамраб олди, молия ва кредитни тартибга солиш эса бутун иқтисодга ёйилди.

Давлат томонидан амалга ошириладиган иқтисодни тартибга солиш ва барқарорлаштиришдаги энг асосий воситалардан бири солиқлар сиёсатидир, харажатларга оид ҳукумат қарорлари, солиқ йиғимлари иқтисодий субъектларнинг фаолиятини бир маромга солиб туради.

Европа Иттифоқи мамлакатларида компаниялардан олинадиган солиқлар 34% атрофида, Люксембургда 46%гача, Германияда қайта инвестиция қилинган даромадлар бўйича 50%ни ташкил қилади.

Янги технологияларни рағбатлантириш

АҚШда янги технологияларни рағбатлантиришда кўпроқ давлат томонидан билвосита тартибга солиш усулидан фойдаланилади. Бу тизим иқтисодда янгиликларни маҳсулот, технология, ташкил этиш, бошқариш, савдо соҳаларига кенг жорий қилишга зарурат туғдирувчи доимий иқтисодий тазйиқ ва имкониятлар ҳосил қилишга асосланган.

Назарий тадқиқотлар олиб бориш учун фандаги инфраструктураларнинг аҳволи учун, тадбиркорлик, ихтирочилик, таваккалчиликни ҳимоялашни рағбатлантирувчи умумий иқтисодий шарт-шароитни таъминлашга давлат жавобгарлиги яққол кўзга ташланади.

Америка ва Европадаги "катта еттилик" мамлакатларида корпорациялардаги бошқарувни замонавийлаштириш янги технологияларни рағбатлантиришда муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

— Бошқарувда "қаттиққўллик"ка нисбатан "юмшоқроқ" усулларни кўпроқ қўллаш;

— айрим фирмаларнинг хўжаликни юритишда, инновация сиёсати масалаларида ваколатларини ошириш;

— юқори малакали ходимларнинг ташаббусларини бўғувчи сабабларни йўқотиш;

— иш билан банд бўлганларни гуруҳий рағбатлантириш усулларини жорий этиш.

Германияда давлат назарий тадқиқотларни кучайтириш йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Янги технологияларни рағбатлантиришга қаратилган чоралар силсиласида ҳам илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик изланишларига сарфланадиган давлат харажатларини оширишга (1990 йилда АҚШда ялпи

миллий маҳсулотнинг 2,8%и, Японияда 2,8%и, Буюк Британияда 2,4%, Францияда 2,3%, Германияда 2,7%, Италияда 1,5%ини ташкил этди), ана шу харажатларнинг таркибини шакллантиришга (соҳа бўйича тақсимот, назарий-амалий тадқиқотлар ўртасидаги нисбат, ҳарбий-фазовий лойиҳаларни қисқартириш ҳисобига фуқаролар манфаатларини кўзловчи режаларга устуворлик беришга) катта аҳамият берилмоқда. Корпорациялар фаолиятида бозорларни янги маҳсулот турлари билан ўзлаштиришга интилиш кучаймоқда.

Янги иш ўринларининг пайдо бўлиши, турмуш даражасининг ошиши саноатнинг илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик изланишларига сарфланадиган харажатлар анча юқори суръатлар билан ошиб бораётган, ишлаб чиқаришга жуда катта миқдорда капитал қўйилаётган тармоқларида рўй бермоқда.

Бироқ, бу соҳага сарфланадиган харажатларнинг кўпайиши – иқтисод тараққиётининг умумий стратегиясидаги дастлабки қадам, холос. Ҳукумат шу билан бирга мамлакатда техник билимлар, янги техниканинг оммалашувига (кичик корхоналарга алоҳида эътибор берган ҳолда) ҳар жиҳатдан ёрдам бериши лозим.

АҚШда 90-йилларда кичик фирмаларга ёрдам тариқасида технологияларни тарқатиш бўйича тузилган 27 та марказда, умумий ҳисобда йилига 50 млн доллардан сарфланди (асосан маҳаллий органларнинг бюджети ҳисобига).

Японияда худди шундай мақсадлар учун 500 млн доллар ажратилиб, 185 та технологияни ривожлантириш марказларига ёрдам кўрсатилди.

Кичик бизнеснинг давлат томонидан мана шундай рағбатлантирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнига билвосита аралашувнинг самарали воситаларидан бири бўлиб кўринади.

Америка олимларининг хулосаси бўйича ҳозирги замонда рақобатчилик курашидаги устунликлар эндиликда мамлакатнинг катта-кичиклигига ҳам, табиий бойликларининг кўп ёки озлигига ёхуд молиявий капиталнинг куч-қудратига ҳам боғлиқ эмас, эндиликда ҳамма гап таълим даражаси билан жамият тўплаган билимлар миқёсидадир.

Илм-фан ва таълим иқтисодий ривожланишда асосий омилга айланди. Масалан, Японияда ялпи ички маҳсулот кўпайишининг 2/3 қисми ушбу омил ҳисобига бўлади, ахборотга асосланган жамият тури учун бу табиий ҳолдир. Бу мамлакатда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик изланишларига (НИОКР) сарфланадиган маблағлар қуйидагича тақсимланган: фундаментал

назарий тадқиқотларга 12,6%, амалий тадқиқотларга 24,2%, уларни ишлаб чиқаришга 63,2%. Бу соҳадаги ўртача иш ҳақи мамлакатдаги ўртача иш ҳақидан 2,6 – 3,0 марта юқори.

Ижтимоий сиёсат

Ижтимоий ҳимоя масалалари 1929–1933 йиллардаги Буюк депрессиядан кейин ривож топгач, ҳозирга келиб Ғарбдаги етакчи мамлакатлар давлат стратегиясининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди ва улар ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятга эга.

Масалан, АҚШда булар асосан тегишли режаларда акс этган икки хил фаолият туридан иборат:

1. "*Ижтимоий суғурта режалари*": ишсизлик нафақасига чиқиш – вақтинча ишсизлик билан боғлиқ ҳолда камайган даромад қисман қопланади;

"Ижтимоий таъминот": қарилик, меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланадиган, муайян суғуртани, ишсизлик нафақаларини олиб бўлган, бировнинг қарамоғида бўлган шахсларга мўлжалланган суғурта;

Ижтимоий суғуртанинг ушбу асосий харажатлари иш ҳақига солинадиган солиқлар ҳисобига молиялаштирилади, яъни улар ишлаб топилган ҳуқуқ ҳисобланиб, давлат хайриясига мутлақо алоқаси йўқ.

2. "Давлат ёрдами режалари" ёки "Хайрия режаси" деган дастурлар мавжуд бўлиб, буларнинг вазифаси "меҳнатга лаёқатсизлиги ёки қарамоғида болалар бўлганлиги сабабли ўзи пул ишлаб топа олмайдиган шахслар"га нафақа тўлашдан иборат. Бу режалар умумий солиқ киримлари ҳисобига молиялаштирилади ва давлатнинг хайрия ишлари, деб ҳисобланади.

АҚШдаги ижтимоий сиёсат одатда ўз олдига фақат тор доирадаги энг қашшоқ, меҳнатга лаёқатсиз шахсларнигина ҳимоя қилиш вазифасини қўяди.

АҚШдан фарқли ўлароқ ижтимоий сиёсатнинг европача модели турмушда муайян қабул қилинган даражадан пастга тушиб қолган барча фуқароларни қамраб олади.

Масалан, Германияда давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Эҳтиёт чора-тадбирлари – меҳнат шароитини, даромадлар тақсимотини назорат қилиш, истеъмолчиларни, уй-жой ижарачиларини, атроф-муҳитни, соғлиқни ҳимоя қилиш, таълим, уй-жой, транспорт ва ҳоказо соҳаларда хизматлар кўрсатиш.

2. Баъзи тоифадаги шахслар (кексалар, беморлар, ногиронлар, ишсизлар)нинг маълум турмуш даражасини сақлаб туриш учун

зарур бўлган тўлов чора-тадбирлари, улар турли шаклларда – бадаллар ҳисобидан ижтимоий суғурта, солиқ тушумлари, хайриялар ва ҳоказолар ҳисобидан давлат ижтимоий хизматлари тарзида амалга оширилади.

3. "Ёрдам" тадбирлари, бунда турли уюшмалар орқали ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг норасмий усуллари рағбатлантирилади.

Баъзи мамлакатларда ўзига хосликлар бор. Айтайлик, Японияда*ги ижтимоий сиёсат ушбу режаларга дахлдор* одамлар ишлайдиган корхона ва муассасаларни уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини ҳал этишга жалб қилиш асосида қурилган.

Бироқ, энг умумий тамойиллар – қариганда нафақага чиқиш, касал бўлганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, ишсиз қолганда нафақалар олиш ҳуқуқини таъминлайдиган ижтимоий суғурта мавжудлигидан иборат. Бу хил суғурта асосида "қарс икки қўлдан" тамойили ётади, бунинг маъноси шуки, ижтимоий хизматларнинг таркиби, кўлами суғурта қилинган шахс тўлайдиган бадалнинг миқдорига боғлиқ бўлади.

Давлатнинг роли

– Бизнес қонунлари – "чангалзорлар (жунгли) қонунлари" эмас.

– Давлат бозор қўрғонининг ишончли посбони. Ушбу бири-бирига қарама-қарши иборалар ўз ўрнида ҳақиқатдир.

Давлатнинг ролига баҳо беришда энг аввало қуйидагиларни бир-биридан фарқлай билиш керак: Қонунчилик ҳужжатларини чиқарувчи, маъмурий тартибни сақловчи, яъни хўжаликка нисбатан ташқи куч сифатида ҳаракат қилувчи давлатни ҳамда хўжаликнинг айрим тармоқлари ёхуд айрим корхоналар эгаси сифатида ҳаракат қилувчи, яъни бевосита иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи давлатни.

Давлатнинг иқтисоддаги роли борасида қуйидагиларни фарқлаш лозим:

1) Давлатнинг бевосита хўжалик фаолиятини;

2) унинг тартибга солиш, мувофиқлаштиришдаги ўрнини.

Давлат органлари фирмаларнинг тижорат фаолиятига аралашмайди, лекин давлат қуйидагиларни назорат қилиб туради:

1) Истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини;

2) жамиятга тааллуқли махсус масалалар (экология, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, ижтимоий таъминот ва бошқалар) ҳал этилишини.

Бу масалаларни фақат бозор орқали ҳал этиб бўлмайди, нега деганда, бозор манфаатлари фойда кўришга, бевосита моддий даромад олишга қаратилган.

Мана шунинг учун ҳам ҳозирги бозор иқтисоди ҳақида, бир томондан, бозор билан рақобат ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисод эканлигини таъкидлаб ўтиш, иккинчи томондан, давлат бозорнинг, рақобатнинг ишончли посбони эканлигини уқтириб ўтиш лозим. Худди мана шу маънода иқтисод "аралаш иқтисод" ҳолида намоён бўлади.[1]

5-жадвал

1990 йил ўрталарида (фоиз ҳисобида) ижтимоий таъминот режаларини амалга оширишда давлат ва хусусий секторларнинг иштироки

Мамлакатлар	Хусусий ижтимоий суғурта бадаллари	Давлат сектори бадаллари	Бошқа манбалардан тушган бадаллар
Бельгия	-	-	-
Дания	14,0	78,8	7,2
Греция	46,9	49,0	4,2
Испания	73,1	25,8	1,0
Франция	76,4	20,2	3,4
Ирландия	33,3	65,9	0,8
Италия	67,7	30,7	1,6
Люксембург	59,5	32,2	8,3
Нидерландия	68,2	17,7	14,1
Португалия	64,4	33,1	2,5
Буюк Британия	47,1	43,2	9,7

[1] *Пороховский А.* Капитализм: к характеристике нынешнего облика. – Экономические науки. М., Финансы и статистика, 1991, №9.

6- жадвал

1990-йилларнинг бошларида ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими (умумийга нисбатан фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	Давлат бюджети	Ижтимоий суғурта	Хусусий суғурта	Фуқаро-лар тўлови	Ҳаммаси бўлиб 100%
Буюк Британия	73,1	7,7	5,5	13,7	100,0
Испания	37,6	40,0	5,0	17,4	100,0
Италия	35,7	40,6	4,9	18,8	100,0
АҚШ	24,5	18,7	31,2	25,6	100,0
Швеция	24,0	44,8	6,9	24,3	100,0

7-жадвал

Олий ўқув юртларини молиялаштириш манбалари

Мамлакатлар	Йил	Олий ўқув юртлари турлари	Давлат томонидан молиялаш	Ўқиш учун ҳақ тўлаш	Бошқа манба-лар
Австралия	1997	ҳамма институтлар	69,8	21	10,2
Финляндия	1997	давлат институтлари	85,0	х	15,0
Франция	1994	ҳамма институтлар	89,5	4,7	
Япония	1995	ҳамма институтлар	80,0	12,0	8,0
Норвегия	1997	давлат институтлари	90,0	х	10,0
Испания	1996	университе-тетлар	80,0	20,0	х

Буюк Британия	1997 1994	университетлар, хусусий институтлар	55,0 18,4	13,7 33,7	31,3 42,9
АҚШ	1995	давлат институтлари	59,3	14,5	26,3
Канада	1996 1995	ҳамма институтлар, университетлар	44,8 81,0	22,4 16,0	32,8 3,0

х – миқдорнинг камлиги боис келтирилмайди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Бозор иқтисоди ривожланишидаги қандай тенденциялар (хусусиятлар) А.Смитнинг бозор иқтисодига ўзини тартибга солувчи тизим сифатидаги қарашига қарама-қарши бўлди ва нима учун?

2. Бозор иқтисодига асосланган ривожланган мамлакатларда давлат роли эволюциясининг хусусиятлари қандай?

3. 1980-йилларда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги оммавий хусусийлаштиришнинг сабоқлари.

4. Бозор иқтисодига асосланган етакчи мамлакатларда давлат харажатлари улушининг ўсишини асосий сабаблари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-т. Т., «Ўзбекистон», 2003.

2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Т., «Ўзбекистон», 1996.

3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.

4. *Варга В.* Роль государства в рыночном хозяйстве. – ж. МЭ и МО, М., 1992, № 11.

5. *Раджабова З.К.* «Мировая экономика». М., ИНФРА, 2004.

6. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., Финансы,1998.

7. *Майкл Прауз.* Государственный сектор и качество жизни. – За рубежом. М.: 1990, №42.

8. *Пороховский А.А.* Роль государственной собственности в экономическом развитии США. //США. Канада. Экономика. Политика. Культура. М., 2000. №3.

9. *Шишков Ю.* Экономическая роль государства в современном мире. //ж. Экономист, М., 1999, №1.

10. Human Development Report 1996, Washington 1996.

II БЎЛИМ

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР

1-БОБ
РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР УМУМИЙ ТАВСИФИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакачилик тизуми барбод бўлгач, дунёда кўп сонли ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бу ўринда Осиё-Африка минтақасидаги мамлакатлар кўзда тутилади. Булар ҳақли равишда "озодликка эришган мамлакатлар" деб таърифланади. Кейинчалик шу мамлакатлар бундан тахминан юз йил бурун сиёсий мустақилликка эришган Лотин Америкаси давлатлари билан қўшиб тилга олинадиган бўлди. Натижада "ривожланаётган мамлакатлар" атамаси пайдо бўлди.

Гарчи "ривожланаётган мамлакатлар" (РМ) атамаси бир қадар шартли бўлса-да, ҳозир бу гуруҳга 120 дан ортиқ давлат киради, буларнинг баъзилари сиёсий мустақилликка XIX асрда, қолганлари эса XX асрда – иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейинги дастлабки ўн йилликларда эришган.

Ривожланаётган мамлакатлар деганда, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океаниядаги 128 мамлакат, шу жумладан, дунёдаги 48 та энг суст ривожланган мамлакат тушунилади. Улар ер юзининг қарийб 60 фоизини эгаллаган бўлиб, ер юзи аҳолисининг деярли 80 фоизини ташкил этади. Уларнинг умумжаҳон ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси атиги 18,3 фоизни ва саноат ишлаб чиқаришида 14 фоизни ташкил этади.

Тарихий шарҳ

Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпчилиги яқин ўтмишда Англия, Франция, Бельгия, Голландия, Германия, Португалия ва Испаниянинг мустамлакалари эди. Шу сабабли, уларнинг иқтисодий тизими таълим ва ижтимоий соҳалари монополияларидагига айнан ўхшатиб, уларнинг манфаатларига мослаб шакллантирилган.

Озодликка эришган бу мамлакатлар тарихидаги бу хусусиятлар, уларнинг тараққиёти, жаҳон иқтисодий хўжалигига интеграция бўлишдаги ўзига хослигини ва муаммоларини изоҳлаб беради. Шунга кўра, озодликка эришган давлатлар учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган асосий вазифа – фақатгина тезроқ иқтисодий тараққиётга эришиш эмас, балки ўзида мавжуд бўлган иқтисодий-ижтимоий тизимларни бирлаштириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган асосий белгилар

РМ хўжалик ҳаёти хилма-хил хусусиятларга эга бўлишига қарамай, унда ҳар ҳолда муайян даражада муштарак жиҳатлар ҳам мавжудки, булар ушбу мамлакатларни ягона бир гуруҳга киритиш имконини беради, иқтисодий-сиёсий ривожланиш борасидаги ўхшаш ёки айнан манфаатлар шулар жумласидандир.

Ривожланаётган дунё мамлакатларига хос бўлган ана шундай жиҳатлар (белгилар) аввало қуйидагилардан иборат:

1) Ички ижтимоий-иқтисодий тузилмадаги ўтиш даври хусусиятлари (РМ иқтисодидаги дуализм, кўп укладлилик);

2) ишлаб чиқариш кучлари умуман паст даражада ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги қолоқлик;

3) жаҳон хўжалиги тизимида қарамлик.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертларининг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатлар 90-йилларнинг бошига келиб, Ғарбдаги ривожланган мамлакатлардан меҳнат унумдорлиги соҳасида қуйидагича орқада қолган: саноатда 6–10 ҳисса; қишлоқ хўжалигида 20–25 ҳисса. Бу нисбат ҳозиргача ўзгармай келмоқда.

"Учинчи дунё" мамлакатларининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, уларнинг табиий бойликларга мўллиги ва аҳолисининг кўплиги билан ажралиб туради.

Бу мамлакатларда қуйидагилар мавжуд:

– Умумий саноат захираларининг, маъдан хомашёларининг 8 турининг (бокситлар, кобальт, мис, нефть, қалай, никель, табиий газ, фосфатлар) 2/3 қисми;

– темир рудаси, молибден ва ураннинг 1/3 қисми;

– вольфрам, марганец, қўрғошин, хром, рух билан боғлиқ саноат захираларининг қарийб 1/4 қисми.

Ривожланаётган мамлакатлар қимматбаҳо маъданлар ва тошлар бўйича дунё захираларида муҳим ўрин эгаллайди.

Бироқ, ривожланаётган мамлакатларда фойдали қазилма бойликлар мутлақо тенг жойлашмаган. "Учинчи дунё"да топилган фойдали қазилмалар уларнинг фақат 45 тасига тўғри келади. Булар, аввало, нефтни экспорт қилувчи, маъданларни ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатларнинг 2/3 қисми умуман маъдан ва энергетика захираларига эга эмас.

Ривожланаётган мамлакатларнинг табиий бойликларига хос яна бир хусусият, бу бойликларни мамлакатлар бўйлаб аниқлаш даражаси нисбатан жуда паст: мазкур 45 мамлакатнинг атиги 10 тасида 3 хилдан кўпроқ хомашё тури мавжудлиги аниқланган.

Мана шунинг учун ҳам хомашё ривожланаётган мамлакатларнинг фақат айримлари учун кўп тармоқли қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун етарли моддий замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг ўзи энергетика ва маъдан хомашёларини четдан олиб келишга мажбур. Масалан, мамлакат импортининг умумий ҳажмида хомашё салмоғи Вьетнамда 25, Марокашда 20, Покистонда 22, Парагвайда 25, Жанубий Кореяда 30% ни ташкил этади.

Ривожланаётган дунё минтақалари ичида четдан олиб келинадиган маъдан ва энергетика хомашёларига бутунлай қарам бўлиб қолгани Жанубий Осиё ҳисобланиб, унинг импортида бу маҳсулотларнинг салмоғи минтақа бўйича 28%дир.

Ҳозирги замон махсус адабиётларида ривожланаётган мамлакатларни тоифалашга оид бўлган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда бу давлатларни қуйидаги табақаларга бўлиш мумкин (кўп жиҳатдан шартли равишда):

"Янги индустриал мамлакатлар" (ЯИМ) ёки "янги саноат иқтисодлари" (ЯСИ) юқори табақани ташкил этади, кейин эса ўртача иқтисодий тараққиёт даражасидаги мамлакатлар, энг суст ривожланган (ёки кўп ҳолларда энг қашшоқ) мамлакатлар тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг тоифаларга бўлиниши

Ривожланаётган дунё табақалашган бўлиб, мамлакат ва минтақа кўламларида иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодий қолоқликнинг чуқурлиги, унинг қай шаклда намоён бўлиши билан боғлиқ муҳим тафовутлар мавжуд.

Иқтисодий тараққиёт даражаси кўпроқ ялпи миллий маҳсулот аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келишига қараб

белгиланади. Ана шу мезондан келиб чиқилса, ривожланаётган мамлакатларни энг паст, ўртача ва юқори даромад нуқтаи назаридан учта тоифага бўлиш мумкин:

1. Энг паст даромадли мамлакатлар аҳоли жон бошига ҳисобланганда ялпи миллий маҳсулот йилига энг кўпи билан 400 АҚШ долларини ташкил этувчи давлатлар. Асосан тропик Африкадаги мамлакатларнинг кўпчилиги, Осиёдаги 10 дан ортиқ давлат (Жанубий Осиё минтақасидаги) ҳамда Кариб ҳавзасидаги бир давлат – Гаити шунга киради.

Ана шу тоифага кирувчи мамлакатлар[1] БМТ услубиятига кўра, "энг суст ривожланган мамлакатлар" ҳисобланади; аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 215 АҚШ долларидан оз (1995 йилда), қайта ишлаш саноатида аҳоли жон бошига қўшимча қиймат салмоғи нари борса 10%, катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси кўпи билан 70% бошланғич мактаб, 17% ўрта мактаб таълимини олганлар ташкил этади.

2. Ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлар 1995 йилда ялпи миллий маҳсулот аҳоли жон бошига 766 – 9385 АҚШ доллари миқдорида тўғри келган давлатлардир. 20 га яқин Шимолий Африка давлатлари, Ангола, Ботсвана, Конго, Намибия, Зимбабве, Осиё мамлакатлар – Иордания, Эрон, Ироқ, Яман, Ливан, Малайзия, Лотин Америкаси, Кариб ҳавзасидаги давлатларнинг аксарияти, Океаниядаги бир давлат – Папуа Янги Гвинея шу тоифага киради.

3. 1995 йилда ялпи миллий маҳсулот аҳоли жон бошига 9386 АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган давлатлар юқори даромадли мамлакатлар тоифасига киради. Булар икки турдаги мамлакатлардир.

– ё нефть экспорт қилувчилар (Қувайт, БАА, Саудия Арабистони ва бошқалар);

– ёхуд янги индустриал мамлакатлар (Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Аргентина, Бразилия, Мексика ва ҳ.к. давлатлар)

---

[1]Энг кам ривожланган мамлакатлар: Афғонистон, Ангола, Бангладеш, Бенин, Буркина Фасо, Бурунди, Комбоджа, Капе-Верде, Марказий Африка республикаси, Чад, Камори, Конго, Жибути, Экваториал Гвинея, Эфиопия, Гамбия, Гвинея, Гвинея Биссау, Гаити, Кирибати, Лаос, Лисото, Либерия, Мадагаскар, Малави, Мальдиви, Малий, Мавритания, Мозамбик, Мьянма, Непал, Нигер, Руанда, Ғарбий Самоа, Сиерро-Леоне, Соломон ороллари, Сомали, Судан, Того, Уганда, Танзания, Вануату, Яман, Замбия, Бутан, Эритрея, Сан-Томе, Принсипи ва Гуала.

Жаҳон банки услубиятига кўра, янги индустриал мамлакатларга кирувчи давлатларнинг асосий белгилари аҳоли жон бошига ҳисобланганда миллий даромад 1998 йилги нархлар бўйича 10000 АҚШ долларидан кўпроқни, қайта ишлаш саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи камида 20%ни ташкил этиши керак.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромад бўйича Бруней энг юқори кўрсаткичга эга – бу рақам 2003 йилда 26200 АҚШ долларини ташкил этган, иккинчи ўринда Гонконг – 25160 АҚШ доллари, учинчи ўринда Сингапур - 24570 АҚШ доллари.

Ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражасининг пастлиги: унинг тавсифи ва асосий сабаблари

Аҳоли турмуш даражасининг пастлиги асосан қуйидагилар билан белгиланади:

– Озиқ-овқатни етарлича истеъмол қилмаслик;

– аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг камлиги;

– уй-жой шароитларининг нобоплиги;

– юқори даражадаги касалланиш;

– таълим даражасининг пастлиги;

– юқори даражадаги болалар ўлими;

истиқболнинг йўқлиги ва умидсизлик кайфияти.

Ана шу омилларнинг баъзиларига мурожаат қилайлик.

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад.

2000 йилда дунёдаги барча мамлакатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти 31.493 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан:

– Иқтисодий ривожланган мамлакатларда 25.470 млрд АҚШ доллари;

– ривожланаётган мамлакатларда 5.803 млрд АҚШ доллари;

– энг суст ривожланган мамлакатларда 123 млрд АҚШ доллари.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги нисбат 78,8% билан 21,2% ни ташкил этади, яъни дунё аҳолисининг қарийб 85%и жаҳон ишлаб чиқаришининг атиги 21,2%га яқин маҳсулотини берган.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад хусусида шуни айтиш мумкинки, ривожланаётган мамлакатларда бу даромад саноати ривожланган мамлакатларга қараганда 13,1 марта, энг суст тараққий этган мамлакатларда 64 марта кам бўлган.

2000 йилда баъзи ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бир йилда аҳоли жон бошига тўғри келган даромадлар (АҚШ доллари ҳисобида)

Люксембург	– 42930	Яман	– 360
Швейцария	– 38380	Непал	– 220
Япония	– 32030	Чад	– 210
Норвегия	– 33470	Сьерра-Леоне	– 130
Германия	– 25620	Малави	– 180
АҚШ	– 31910	Бурунди	– 120
Австрия	- 25430	Эфиопия	– 100
Франция	- 24170	Мозамбик	– 220

Манба: World Development Indicators 2001 Tabl 1,1; 4,2.

Бу кўрсаткичлар тобора ўсиб боришга мойил. 1960 йилдан 1985 йилгача бўлган давр ичида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлардаги фарқ уч ҳисса кўпайди: 5700 АҚШ долларидан 17 мингдан кўпроқ АҚШ долларгача етиб борди. 1995 йилда 100 дан ортиқ мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бундан 15 йил олдиндагига нисбатан кам бўлди. Оқибати, ушбу мамлакатлар аҳолисининг 1/4 қисмидан кўпроғи бундан 15 йил олдиндагига қараганда яна ҳам қашшоқроқ турмуш кечирди. Масалан, собиқ Иттифоқнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан, Россияда ҳам ялпи миллий маҳсулот 1985–95 йиллар орасида амалда 40% гача камайди ва бунинг оқибатида шахсий истеъмол кескин равишда озайди. Даромад даражаси паст бўлган 60дан кўпроқ мамлакатда бу кўрсаткич кейинги 15 йил ичида ҳар йили 1%га камайган. Ҳозирги кунда Африкада аҳоли жон бошига ҳисоблаганда истеъмол 1980 йилдагига нисбатан 20% камайган.

Миллий даромад тақсимоти

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларда қашшоқликнинг яна ҳам кенгроқ тарқалиши

ва кучайишига олиб келувчи омил кам тараққий этган алоҳида бир мамлакат ичкарисида бойлар билан камбағаллар ўртасидаги тафовут тобора ўсиб боришидан ҳам иборатдир. Айни пайтда аҳоли жон бошига тушадиган даромад даражаси билан олинадиган даромадларнинг тенгсизлик даражаси ўртасида ўзаро нисбат ёки корреляция йўқлиги эътиборга лойиқдир.

Лотин Америкаси, Жанубий Корея ва Тайванда даромадлар тақсимоти (Жини коэффициенти бўйича)[1]

Мамлакатлар	1970–1980	1990–2000
Аргентина(Буэнос Айрес)	0,39	0,46
Боливия (шаҳарлар)	0,48	0,52
Бразилия	0.57	0,63
Чили	0,53	0,53
Колумбия (шаҳарлар)	0,58	0,52
Мексика	0,51	0,55
Перу (Лима)	0,43	0,44
Уругвай	0,45	0,42
Венесуэла	0,51	0,50
Жанубий Корея	0,39	0,34
Тайвань	0,30	0,33

Масалан, Перуни Туркия билан солиштириб кўрганда шу нарса аён бўладики, 1990–2000 йилларда ҳар иккаласида ҳам аҳоли жон бошига тушадиган даромад деярли бир хил бўлгани ҳолда, Перуда аҳолининг каттагина қисми ўртасидаги

[1]Жини коэффициенти аҳолининг алоҳида гуруҳлари миллий даромаддан амалда қанча ҳисса олганликлари ва даромад тенг тақсимланган тақдирда қанча ҳисса олишлари мумкинлиги ўртасидаги фарқни ўлчайди. Коэффициент қанчалик юқори бўлса, даромадлар тақсимотидаги тенгсизлик ҳам шунча баланд бўлади.

қашшоқлик даражаси Туркиядагига нисбатан юқорироқ бўлган (15%га қарши 44%).

Бундан шу нарса келиб чиқадики, иқтисодий ривожланишни ёлғиз умумий даромадларнинг ёхуд аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиш даражаси ва суръатларига қараб белгилаб бўлмайди; бунда шу даромадлар мамлакат аҳолиси ўртасида қай тарзда тақсимланишини, яъни бу ривожланишдан кимлар кўпроқ манфаат кўришини ҳам ҳисобга олиш керак.

Тўйиб овқат емаслик ва саломатлик муаммолари

Ривожланаётган давлатлар аҳолиси учун кам даромадлар билан бир қаторда овқатланиш ва касалликлар билан боғлиқ муаммолар ҳам долзарбдир.

Энг суст ривожланган мамлакатларда инсон умрининг ўртача давомийлиги 2001 йилда 59 ёшни ташкил этди, ваҳоланки, бу рақам бошқа ривожланаётган мамлакатларда 69, ривожланган давлатларда эса 73 йилни ташкил этган (WDI , 2001 Table 2.19).

Гўдаклар (1 ёшгача бўлган) ўлими коэффициенти ҳамон юқори даражада: энг суст тараққий этган мамлакатларда – 77 промилле, бошқа ривожланаётган мамлакатларда эса 65 бўлса, ривожланган мамлакатларда – 13 ни ташкил этади.

1970-йилларнинг ўрталарида 1 млрд дан кўпроқ киши ёхуд ривожланаётган дунё аҳолисининг қарийб ярми (Хитойдан ташқари) тўйиб овқат емаслик шароитида кун кечирган, яъни улар зарур миқдордаги калорияларни олиш имкониятига эга бўлмаган. Уларнинг 1/3 қисмидан кўпроғини 2 ёшга етмаган гўдаклар ташкил этган.

Кейинчалик бу вазият, Саҳрои Кабир жанубидаги Африка мамлакатларида оғирлашди, бу минтақада озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш анча пасайиб кетди ва очарчилик кенг тус олди.

2002 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланганда бир кунда истеъмол қилинадиган калориялар миқдори ривожланаётган мамлакатларда 2572 калориядан, энг суст тараққий этган мамлакатларда 2103 калориядан иборат бўлган, бу эса, саноати ривожланган давлатлардагидан (3157 калория) нисбатан 24 ва 33% кам, демакдир.

Осиё ва Африка аҳолисининг қарийб 60%и саломатликни бир меъёрда ушлаб туриш учун зарур бўлган калорияларни энг кам миқдорда истеъмол қилади. Боз устига, олимларнинг

фикрича, истеъмолдаги бу етишмовчилик дунё бўйича етиштириладиган дон маҳсулотларининг бор-йўғи 2%ини ташкил қилади. Бундан кўринадики, очарчилик ер юзи аҳолиси билан озиқ-овқат маҳсулотлари ўртасидаги нисбат бузилганлигининг натижаси эмас, балки бунга жаҳонда даромадлар тақсимотидаги нисбат бузилганлиги кўпроқ сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган очарчилик ва саломатликнинг заифлашуви — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламларидан кўра, мамлакат қашшоқлигининг натижасидир.

Тиббий муассасалар, уларда хизмат қилаётган ходимларнинг етишмаслиги ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги учун жиддий муаммо бўлиб келмоқда.

1990—2001 йилларда ривожланаётган мамлакатларда врачлар сони ҳар 10 минг киши ҳисобига 18, энг суст ривожланган мамлакатларда 5 нафарни ташкил этган, саноати ривожланган мамлакатларда эса бу рақам 280 нафардир. Тиббий ҳамширалар, худди шу тартибда 85,26 ва 780. Айни пайтда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ривожланаётган мамлакатларда врачларнинг аксарияти асосан аҳолининг атиги 37%и (энг кам ривожланган мамлакатларда 23%и) яшайдиган шаҳарларда истиқомат қилади.

Масалан, Ҳиндистонда врачларнинг 80% и аҳолининг атиги 30% и истиқомат қилувчи шаҳарларда фаолият кўрсатади.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги — ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларига оид белгилардан биридир

Меҳнатнинг самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг тегишли омиллари мавжудлиги билангина белгиланмайди. Ана шу ишлаб чиқаришнинг техникавий ва муҳандислик таъминлангани ёнига бошқа шарт-шароитлар, жумладан, бошқарув тизимининг лаёқатлилиги, унинг қай даражада келишиб ишлаши, ишчиларни рағбатлантириш ва ҳ.кларни қўшиш лозим. Шунга кўра, ишлаб чиқариш кўламини кўпайтириш учун ички жамғармалар ва ташқи молиявий манбалар реал ишлаб чиқариш воситаларига янги инвестициялар киритиш (phycical capital goods) билан бирга, кадрлар таълими, уларнинг касбий тайёрғарлигига маблағ ажратиш (stock of human capital) йўлида сарфланмоғи лозим.

Ана шу инвестицияларнинг қанчалик самарали бўлиши, муайян ташкилий чора-тадбирлар кўришни: ерга эгалик ислоҳоти, корпоратив (муниципиал) солиқларни жорий этиш, банк тизимини ўзгартириш, мустақил, ҳалол, самарали маъмурий тузилмани такомиллаштириш; уларни ривожланаётган жамият эҳтиёжларига мослаштириш мақсадларига қаратилгани ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва таълим бериш режаларини қайта қуришни тақозо этади.

Меҳнат унумдорлигини оширишдаги бошқа ноиқтисодий усулларни ҳам эътиборга олиш зарур бўлади.

"Суғоришга олиб борилган отга сув ичира олмаслик ҳам мумкин" мақолини ривожланаётган мамлакатларга тадбиқ этсак, шу нарса маълум бўладики, уларни такомиллаштириш учун шарт-шароит яратиш мумкин, аммо керакли ташкилий, шаклий ўзгаришларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Шунингдек, ишчи билан бошқарувчининг ўз малакасини оширишга бўлган муносабатини уларнинг фаоллиги, кўникиш даражаси, янгиликларга ва тажрибага (experience) нисбатан ташаббускорлиги, хоҳиш-иштиёқи, меҳнатга, тартиб-интизомга, ҳокимиятга, эксплуатацияга муносабатларини эътиборга олиш лозим.

Ҳар бир шахснинг меҳнатидан қониқиш учун унинг жисмоний кучи ва иродасининг зўрлиги буларга қўшимча бўла олади.

Жисмоний куч эгаларига ривожланаётган мамлакатларда даромаднинг озлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани таъсир этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ва хомашёни четга чиқариш (экспорт)га юқори даражада қарамлик

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг кўпчилик қисми (65%дан ортиғи) қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Ривожланган мамлакатларда эса бу рақам 26%дан камроқни ташкил этади. Шу қатори ривожланаётган мамлакатларда меҳнат ресурсларининг 62%дан кўпроғи қишлоқ хўжалигида банд бўлса, саноати ривожланган мамлакатларда бу рақам 7%ни ташкил этади.

Шунга кўра, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 14%ини, саноати ривожланган мамлакатларда эса 3%ни ташкил этган (8-жадвалга қаралсин).

8-жадвал

Аҳоли ва меҳнат ресурслари сони ва иқтисоднинг қишлоқ хўжалиги секторидаги ишлаб чиқариш, 2000 йил

Мамлакатлар, минтақалар	Аҳолиси (млн. киши)	Шаҳар аҳолиси (%)	Қишлоқ аҳолиси (%)	Қишлоқ хўжалигида ишчи кучи (%)	Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоғи
Дунё бўйича	5978	44	56	35	15
Ривожланган мамлакатлар, шу жумладан,	896	77	23	4	13
АҚШ	278	77	23	3	8
Япония	127	79	21	5	8
Ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан	5082	39	61	62	12
Африка	290	58	42	75	14
Жанубий Осиё	1129	28	72	63	27
Шарқий Осиё	1837	34	66	46	14
Лотин Америкаси	508	75	25	19	8
Шарқий Европа ва МДҲ	474	43	57	19	

Манба: World Development Indicator, – 2001, Table 1,5.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқарувчи тармоқларда одамлар ва ишлаб чиқариш бир жойда тўпланиб қолганлигининг асосий сабаби, даромадлар ғоят паст бўлган шароитда ҳар қандай инсоннинг бирламчи қайғуси озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошпана топиш дардидан иборат бўлганлигидир.

Бу ерлардаги қишлоқ хўжалигининг кам маҳсулдорлиги одамлар сони кўп эканлиги ва ишловга нисбатан яроқли ерлар мавжудлиги билангина эмас, балки айни чоғда суст ривожланган мамлакатлар иқтисодининг бу соҳасида ибтидоий технология устувор эканлиги, ташкиллаштиришнинг заифлиги, жисмоний, капитал харажатлар чекланганлиги билан ҳам изоҳланади.

Технологик қолоқлик энг аввало аграр секторда нотижорат деҳқон хўжаликлари кўпроқ устун эканлигининг натижасидир. Кейин дунёнинг кўпгина минтақаларида, айниқса, Осиё ва Лотин Америкасида ердан фойдаланиш келишувлари мавжуд бўлиб, бунинг натижасида деҳқонлар одатда кичикроқ ер парчаларини ижарага олишни маъқул кўрадилар.

Ердан фойдаланишнинг бу усули ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарадорлигини такомиллаштириш борасидаги кўпгина иқтисодий тащаббусларга йўл бермайди. Ҳатто ер ғоят мўл бўлган жойларда ҳам ибтидоий техникани (омоч, сихмола, ҳўкиз, қўтос, эшак) ишлатиш ёки инсон кучидан фойдаланиш натижасида оддий бир оила ишлатадиган ер миқдори 5—8 гектар билан чекланади. Амалда эса кўпгина мамлакатларда бу миқдор 1—3 гектардан иборатдир.

Ана шу ер парчаси бевосита (фермада истеъмол қилиш билан) ва билвосита (шаҳарликлар ҳамда фермада ишламайдиган истеъмолчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан) гектар бошига одатда 10—15 кишини боқади. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган шоли, буғдой, маккажўхори, соя-дуккаклилар, тариқ ва ҳоказолар ҳосилини кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам тараққиётнинг устувор мақсади бўлиб қолади.

Экспортга қарамлик

Сустроқ ривожланган мамлакатларнинг иқтисоди аксарият ҳолларда бирламчи хомашёларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, иккиламчи ва учламчи тармоқлар кейинги ўринда

туради. Ана шу бирламчи хомашё моллар уларнинг бошқа мамлакатларга қиладиган экспортининг асосини ташкил этади. Масалан, 1995–2001 йилларда "учинчи дунё"га мансуб бўлган барча мамлакатларда бирламчи хомашёлар бутун экспортнинг 65 фоизини ташкил этган. Бой нефть захираларига, қиймат-баҳо маъдан бойликларга эга бўлган мамлакатлар, саноат молларини экспорт қилишда етакчи мавқега эга бўлган ривожланаётган давлатлар бу ҳисобга кирмайди. Сустроқ ривожланган мамлакатлар экспортининг асосини эса озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат ўсимликлар (nonfood cash crops) ва хомашёлар ташкил этади. Масалан, "sub- Saharan Africa"да бирламчи моддалар умумий экспортдан олинадиган даромадларнинг 94 фоизини ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида тараққиётга оид бирламчи даражали лойиҳаларни молиялаштириш учун маҳаллий жамғармаларга қўшимча чет эл валютасига эҳтиёж кучаймоқда.

Айни пайтда чет эл инвестициялари билан чет эл ёрдами хорижий валюта манбаидир. Хомашё моллари экспорти ривожланаётган мамлакатлар хазинасига бир йилда тушадиган чет эл валютасининг 60–70%гача бўладиган салмоғини ташкил этади. Афсуски, қарзга ботган кўпгина ривожланаётган мамлакатларда 80-йилларда экспорт йўли билан топилган чет эл валютасининг аксарият қисми олдинроқ олинган қарзларга фоизлар тўлашга сарфланди.

Бу мамлакатларда кейинги бир неча йил мобайнида амалда капиталларнинг халқаро ҳаракатида салбий қолдиқ кузатилмоқда, яъни бу мамлакатларга келиб тушган чет эл валютаси миқдорига нисбатан бу ердан чиқиб кетаётган валюта миқдори кўпроқ бўлмоқда.

Гарчи кўпгина ривожланаётган мамлакатлар учун экспорт муҳим омил ҳисобланса-да, "учинчи дунё"га мансуб мамлакатларда (нефтни экспорт қилувчи мамлакатлардан ташқари) экспортнинг ўсиш даражаси ривожланган мамлакат-лардаги шу кўрсаткич билан тенглаша олмайди. Бунинг оқибати ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги энг қулай келган йилларда ҳам умумжаҳон савдосидаги салмоғи нуқтаи назаридан ривожланган мамлакатларга нисбатан ўз мавқеларини қўлдан чиқара бошлади. Масалан, 1950-йилларда уларнинг бу соҳадаги салмоғи тахминан 33% бўлса, 2001 йилда 27,7%га тушиб қолди. Айни пайтда ривожланган мамлакатлар жаҳон савдосидаги салмоқларини 60%дан 69%га олиб чиқдилар

(асосан ўзаро савдо ҳисобига). Ваҳоланки, "учинчи дунё" мамлакатларининг ўзаро савдоси ҳам ортиб борди ва ўзаро ялпи экспорт фоизи 1970-йиллардаги 20 фоиздан 2001 йилда 38%га кўтарилди, лекин бунинг бошқа томони бор: суст тараққий этган мамлакатлар ўз маҳсулотларини четга чиқариб сотишда тобора кўпроқ бир-бирига қарам бўлиб қолмоқда. Айни пайтда уларнинг жаҳон савдосидаги салмоғи камайиб кетмоқда.

Демак:

1. Ривожланаётган мамлакатлар (аввало Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океаниядаги) ер юзидаги ҳудудларнинг қарийб 3/5 ҳиссасини ташкил этади, жами аҳолининг 4/5 қисми шуларда истиқомат қилади.

2. Уларнинг асосий хусусияти — жаҳон хўжалиги тизимидаги қарамлилик ҳолати, ишлаб чиқариш кучларининг ғоят суст ривожланганлиги (бу борада қишлоқ хўжалиги етакчи мавқеларга эга).

3. Бунинг натижасида аҳоли асосий қисмининг турмуш даражаси паст бўлиб, бу нарса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, тиббий хизматлар борасида ривожланган давлатлардан анча орқада қолганликда, узлуксиз тўйиб овқат емасликда, болалар ўлими даражаси юқори эканлигида ва ҳоказоларда намоён бўлади.

4. Иқтисоднинг суст ривожланганлиги унинг кўп даражада экспортга қарамлигини келтириб чиқаради.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Ривожланаётган мамлакатлар тавсифи, қолоқлиги, қарамлилигининг ижтимоий, иқтисодий ва тарихий сабаблари.

2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражада бўлиши: иқтисодий ва ноиқтисодий сабаблар.

3. Юқори даражадаги ишсизлик, иш билан тўла банд бўлмаслик ҳолларига сабаб бўлувчи омиллар, уларнинг хусусиятлари.

4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.

5. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодининг халқаро муносабатлардаги қарамлилик ва заифлик ҳолатларининг сабаблари, уларни бартараф этишнинг тахминий йўллари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Авдокушин Е.Ф.* Международные экономические отношения.Учебное пособие. М., ИВЦ "Маркетинг", 1998.

2. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., 1998

3. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.

4. Мировая экономика Экономика зарубежных стран. Учебник. М., 2001.

5. Доклад о человеческом развитии за 1998 г. Нью-Йорк, Оксфорд юниверситиприсс, 1998.

6. *Эльянов А.* Глобализация и расслоение развивающихся стран. // МЭ и МО, 2000. №6.

7. UNCTAD. Trade and Development Report,1998, New-York and Geneva,1998, p. 7 (Table 3).

8. Mishael P Todoro Economic development in the third World, New-York, 1998.

9-жадвал

Инсон омили кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Суст ривожланган мамлакатлар	Барча ривожланаётган мамлакатлар	Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари	Саноати ривожланган мамлакатлар	Дунё бўйича
1. Ўртача умр кўриш ҳаётимиз йили ҳисобида)	59	64	69	78	66
2. Катта ёшдаги аҳолиниг саводхонлик даражаси (фоиз ҳисобида)	49,2 (бошланғич таълим)	70,4 (бошланғич таълим)	98,5	98,6	77,6
3. Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (АҚШ доллари ҳисобида;млрд.)	100	5518	1098	24323	30876

4.Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (АҚШ доллари ҳисобида) 1970 й. 1980 й. 1990 й. 1995 й. 2000 й.	 245 272 257 254 420	 330 474 685 736 1240	 - - - 2411 2160	 7097 9344 11109 12310 26440	 1951 2660 3116 3298 5020
5. Калорияларни истеъмол қилишаги 1 йиллик миқдор (ривожланган мамлакатларга нисбатан % ҳисобида)	67	76	-	100	
6.Гўдаклар ўлими коэффициенти	77	65	26	13	60
7. Врачлар (100000 киши ҳисобига)	5	18	354	280	122
8.Тиббий ҳамширалар (100000 киши ҳисобига)	26	85	809	780	241
9.Соғлиқни сақлашга давлат харажатлари салмоғи (ялпи миллий маҳсулотдаги % ҳисобида, 2000)	1,2	2	4	6,1	2,6

10.Таълимга дават харажатлари салмоғи (ялпи миллий маҳсулотдаги % ҳисобида, 2000 й.)	3,2	4	5,1	5,4	4,6
11.Аҳоли жон бошига калория истеъмол қилишнинг бир йиллик миқдори	2103	2572	2882	3157	2702
12.Илмий тадқиқот ва тажрибанинг конструктор-лик изанишларида банд бўлган олимлар ва техник мутахассислар сони (1000 кишига ҳисобига)		0,4	3,1	3,8	1,3
13. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи салмоғи					
1970 й	85	72	29	18	56
2000 й.	76	61	19	4	49
14.Саноатда банд бўлган ишчи кучи салмоғи:					
1970 й.	59	12	38	38	19
2000 й.		16	39	33	20
15.Хизматлар соҳасида банд бўлган ишчи кучи салмоғи:					
1970 й.	10	17	34	45	25
2000 й.	15	23	42	57	31

16.Ташқи қарзлар (млрд. долларда; ялпи миллий маҳсулот %га кўра)	572 113	2572,6 41	486 30		

Манба: Доклад о человеческом развитии за 2000 г. Нью-Йорк, Оксфорд юниверсити пресс-табл. 1, 5, 7, 8, 9, 12, 13, 14, 15, 20, 25, 26 WDI 2001.

10-жадвал

Ялпи ички маҳсулот структураси (2000 й)

Жами	Қишлоқ хўжалиги	Саноат (%)	Хизматлар соҳаси (%)
Шимолий Америка	2	26	72
АҚШ	2	26	72
Япония	2	38	60
Швеция	2	32	66
Бирлашган Қироллик	2	32	66
Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари	10	37	52
Европа Иттифоқи	3		67

2-БОБ
РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ: ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аввало дунёдаги илғор саноат марказлари билан савдо-иқтисодий ва бўлак алоқаларни кенгайтириш орқали халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига тобора кенгроқ қўшилиш (интеграция) масаласи ривожланаётган мамлакатлар учун долзарбдир. Бу муносабатлар тарихи бир неча юз йилликлардан иборат. Денгиз кемачилигининг ривожланиши натижасида Европа мамлакатлари ўзлари учун Осиё, Африка, Америка ва бошқа қитъаларни кашф қилдиларки, булар уларнинг тарихий ривожида муҳим аҳмият касб этди. Бироқ, бу ўзаро таъсирни ошириш, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар алоқадорлигини кучайтириш жараёни жаҳон иқтисоди эволюциясига хос бўлган хусусият ва анъаналарга муносиб равишда секин-асталик билан амалга ошди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли эволюциясининг босқичлари

1. Ривожланаётган мамлакатлар мустамлакачилик даврида ва мустақилликка эришишнинг дастлабки босқичларида аввало хомашё манбаи, тижорат бозори ҳамда капитални сердаромад соҳаларга сарфлаш мумкин бўлган ўлка сифатида рағбат уйғотди. Уларнинг экспорти чекланган хомашёлар билан кифояланар, импорти эса уларнинг оддийгина эҳтиёжларини таъминловчи истеъмол молларидан иборат эди.

Экспортга хизмат қиладиган саноат ишлаб чиқаришидаги айрим корхоналарнинг бу борадаги аҳамияти унчалик катта бўлмаган.

2. 1950-йилларнинг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг бошларида ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалик муносабатларидаги иштирокида янги тизимга ўтиш жараёни рўй берди ва бу ҳол 80-йилларнинг бошларигача давом этди. Бунга сабаб фан-техника тараққиёти ва халқаро капиталистик хўжаликнинг объектив равишда юзага келган янги эҳтиёжларидир.

Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари:

Биринчидан, четга чиқариладиган хомашё билан озиқ-овқатлар миқдори нисбатан камайганидан сўнг қуйидаги ҳолатлар рўй берди:

– Экспортдаги хилма-хиллик (маркетингнинг бир тури) ва хомашё бўйича ихтисослашишга қисман қайтиш;

– нефть экспортчилари эришган ютуқлар натижасида конъюктурада хомашё ишлаб чиқарувчилар фойдасига бўлган ўзгаришлар барқарор ва ОПЕКка ўхшаш халқаро хомашё экспортчилари ташкилотлари бунинг гаровидир, деган умидлар пайдо бўлди.

Иккинчидан, қуйидагилар ҳисобига саноатлаштириш жараёни бошланди:

– Импорт ўрнини босадиган саноатни ривожлантириш;

– халқаро капиталистик хўжалик марказларидаги кўп меҳнат талаб қилувчи ишлаб чиқаришлар шу мамлакатларга олиб ўтилдики, бу нарса кўп ҳолларда арзон ишчи кучи ва ҳ.к. афзалликларга эга бўлган экспорт саноатини юзага келтирди.

Бунинг натижасида жаҳон бозорида янги индустриал мамлакатларнинг янги авлодлари фаолият кўрсата бошлади.

Учинчидан, юқори даражада ривожланган ва нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг ишчи кучи етишмайдиган минтақаларига ошкора, яширинча равишда паст малакали ишчи кучларининг кўп экспорт қилиниши "учинчи дунё" мамлакатларида ишсизлик, тўлов балансидаги тақчиллик сингари қатор муаммоларни ҳал этишда маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди.

Тўртинчидан, дастлаб давлат ёрдами, имтиёзли кредитлар шаклида, 70-йиллардан бошлаб эса қарз шаклида тобора кўпроқ четдан келиб турган маблағлар вазиятга муҳим даражада таъсир қилди.Четдан келиб турган бу маблағлар кўпгина ривожланаётган мамлакатларда жамғарманинг муҳим қисмини молиялаш, ўсиб бораётган истеъмолга пул ажратиш имконини берди.

3. Бироқ, 80-йилларда анча умидбахш бўлиб туюлган бу вазият инқирозга юз тута бошлади. Умумжаҳон иқтисодига таъсир кўрсатган туб ўзгаришлар натижасида ўсиш суръатлари кескин камайиб кетди (1980–1986 йилларда 15%гача).

Хомашё етиштиришдаги ихтисослашув ожиз қалқон бўлиб чиқди, "антикартеллар"га бўлган ишонч барбод бўлди. Етакчи капиталистик давлатларнинг иқтисодиёти нефть билан боғлиқ бўлган, шунга ўхшаш бошқа тангликлар пайтида юқори даражада омилкорлик кўрсатди.

Ана шу парокандаликлар иқтисодий тараққиётда энергетикани тежаш босқичига ўтиш жараёнини тезлаштирди.

"Учинчи дунё" мамлакатларининг қайд этилган тангликдан олдинги тараққиёт тажрибаси хулосаси:

– Хомашё соҳасидаги ихтисослашув ўзининг ҳаракатлантирувчи иқтисодий вазифаларини фақат вақтинча ва қисман, шунда ҳам кичик ва табиий бойликлари сероб бўлган мамлакатлардагина самарали бўлиши мумкин;

– марказлардаги ишлаб чиқаришларни кўчириб келиш жараёни иқтисодий-ижтимоий сабабларга кўра объектив равишда чекланган бўлади, ривожланаётган мамлакатларнинг саноат экспорти эса қўшимча солиқлар ва бошқа тўсиқлардан кўра кўпроқ бошқа жиҳатлар: жумладан, ривожланган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқаришда маъдан ишлатиш камайганлиги, тўқимачилик, енгил саноатнинг бошқа тармоқлари роботлаштирилганлиги оқибатида талаб озайиб бораётганлиги ёки улар Ғарбдаги бозор ўлчовларига жавоб бермаётганлиги сабабли (сифати, етказиб бериш шартлари ва аниқ муддатлари, таннархи нуқтаи назаридан) касод бўлаётганлиги оқибатида тобора қийинлашиб борди;

– қарздорлик вазияти кескин ёмонлашди.

Бу кўпгина ривожланаётган мамлакатларда жамғарма миқдорининг камайишига, саноатни янги техника билан қуроллантиришдаги қийинчиликларга, аҳолининг энг қашшоқ қатламлари истеъмолини давлат томонидан молиялаш имкониятларининг чекланишига, умуман, иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди.

Ривожланаётган мамлакатлардаги молиявий маблағларнинг четдан келишидан кўра, четга чиқиши кўпайди. Жуда катта миқдордаги қарзлар (1 трлн., 300 млн доллардан кўпроқ) ривожланаётган мамлакатлар иқтисодига ёмон таъсир қилди.

Хомашё ва тайёр саноат маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар учун 80-йиллардаги конъюнктура ўзгаришларидан келиб чиқадиган асосий сабоқ, жаҳон меҳнат тақсимотидаги иштироки туфайли юзага келувчи устунликлардан, арзон ишчи кучи ва хомашё билан боғлиқ бўлган ҳамда ўз иқтисодини доимо қайта қуриш зарурлигидан халос этадиган устунликлардан узоқ вақтгача бемалол фойдаланишга имкон берувчи қулайликлар жаҳон хўжалигида йўқолиб боряпти.

Бошқача қилиб айтганда, "учинчи дунё" мамлакатларининг кўпчилиги учун (аксарияти учун эса келажакда) давр шуни тақозо этади: хўжаликнинг лоақал айрим соҳаларини жаҳон ишлаб чиқариш жараёнига туташтириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган самарадор ишлаб

чиқаришларни юзага келтириш, жаҳон меҳнат тақсимотида қатнашувнинг самарали ҳаракатчан шаклларини излаб топиш.

Бу йўл ҳозир амалда мавжуд бўлган жаҳон бозорларидаги рақобатчиларни шунчаки сиқиб чиқаришнигина эмас, балки, бундан ташқари хизмат бозорларини ҳам юзага келтиришда қатнашувни назарда тутади.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги даражаси ва ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон меҳнат тақсимотида шаклланган анъанавий устунликларининг ўзгариши

Ҳалқаро меҳнат тақсимотида узоқ вақт ривожланаётган мамлакатларнинг асосий устунлиги, айни пайтда устувор омилларидан бири нисбатан қиммат бўлмаган бой табиий бойликлар ва арзон ишчи кучидан иборат эди.

Ана шу икки омил экспорт салоҳиятини ушлаб туришга имкон берди.

Бироқ, ана шу ихтисослаштириш билан боғлиқ бўлган янги технологияларни ўзлаштиришдаги қолоқлик, рақобатчиликдаги сусткашлик аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг 70-йилларда жаҳон бозоридан сиқиб чиқарилишига сабаб бўлди.

Чунончи:

1. Ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш, истеъмолида юксак технологияга асосланган маҳсулотлар ва хизматларга мойиллиги биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларнинг кўп ресурс талаб этувчи маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни нисбатан камайтиради:

а) Ривожланган давлатларнинг ялпи истеъмолида бу маҳсулот салмоғи камайиши орқали;

б) бу мамлакатларда ахборот технологияларидан тобора кенгроқ фойдаланиш ҳисобига тайёр маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва хомашё харажатлари камайиши сабабли;

в) янги турдаги конструктив материал ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқариш жадал ўсиб бориши туфайли.

2. Ғарбда кам меҳнат талаб қиладиган электрон технологиялар устун даражада тарқалиб бораётганлиги натижасида меҳнат унумдорлигининг кескин ошиши паст иш ҳақининг илгариги аҳамияти таъсирини камайтириб, баъзан эса уни деярли йўққа чиқармоқда. Масалан, ўта катта интеграл схемалардаги нарх-навода иш ҳақининг салмоғи 30%дан 5,4%га тушиб кетди, яъни қарийб 6 баробар камайди.

3. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги нисбатан устунликлари ахборот технологияларининг тарқалиши билан ғоят мураккаб даражада боғланган рақобатбардошлик ўлчовлари ўзгариб бораётганлиги сабабли ҳам анчагина мавқеини йўқотмоқда. Маҳсулотнинг айнанлик, ишончлилик каби сифат белгилари нарх аҳамиятини иккинчи даражага суриб, тобора кўпроқ устун мавқега эга бўлмоқда.

Масалан, электрон саноатини олиб кўрайлик. Ҳатто кўп меҳнат талаб этувчи иш жараёнларини чекка жойларга олиб чиқиш соҳасида энг кўп жонбозлик кўрсатган АҚШ трансмиллий корпорациялари фаолиятида ҳам бу жараён кенг қулоч ёйган 1970-йиллардаёқ ривожланаётган мамлакатларда ярим ўтказгичлар ишлаб чиқаришни нисбатан камайтиришга интилиш сезилган эди.

Интеграл схемаларда бўлганидек, 1974—78 йилларда АҚШ ҳудудларидан ташқарида қўшилган қиймат салмоғи қарийб 1/3 ҳиссага камайди (57%дан 39%га тушиб кетди).

Японияда ҳам аҳвол шундай. Япония микропроцессор ва автоматик тизимларни ўзлаштиришда етакчи мавқеларни эгаллаб олгач, кўп меҳнат талаб қилувчи жараёнларни ривожланаётган мамлакатларга кўчириш борасида АҚШга нисбатан камроқ саъй-ҳаракат кўрсатди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг саноат экспортини юксалтиришда етакчи аҳамиятга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида ҳам шу аҳволни кўриш мумкин. Бу тармоқдаги электронлаштириш жараёни, гарчи, такомиллашишдан ҳали анча узоқ бўлса-да, электрон саноатига ўхшаб бу соҳада ҳам меҳнат унумдорлигининг кескин кўтарилиши натижасида ривожланаётган мамлакатларнинг нисбатан арзон ишчи кучи ҳисобига рақобатчиликда эришган устунликларини сезиларли даражада йўққа чиқаради, деб бемалол тахмин қилса бўлади.

4. Бир-бири билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришлар ва технологик операцияларни олдингидек ажратиб ишлатиш, ихтисослаштириш ўрнига уларни бирлаштиришга мойиллик — ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимотини қайта кўриб чиқишга сезиларли таъсир қилади.

5. Кўп сонли механик компонентлар ўрнига, аксарият ҳолларда бутун тизимлардан иборат бўлган электрон мосламаларни қўллаш натижасида илгари кам ҳақ олувчи ишчи кучидан фойдаланилган ишлаб чиқариш жараёнлари (масалан,

йиғув) автоматик иш усулига ўтказилди. Оқибатда қуйи ва кам малакали ишчи кучи эмас, балки бир қатор анъанавий касбларнинг юқори малакали мутахассислари ҳам бундан заҳмат чекди.

6. Ғарбда кўп сменали иш шароитида, инсон саломатлиги учун зарарли жараёнларда электрон технологиялардан фойдаланиш ана шу ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга кўчириш кўламини ҳам чекламоқда.

7. Шундай меҳнат тақсимоти йўлидаги бошқа бир ғов саноатнинг қатор тармоқларида ўзаро боғланган ишлаб чиқариш, савдо, транспорт ва бошқа хизмат жараёнларини синхронлаштириш ҳисобига моддий захираларни (икки сменали иш эҳтиёжларигача) анча камайтиришга бўлган мойилликдан иборатдир, чунки синхронлаштириш ишлаб чиқаришни ихчамроқ қилиб, айни пайтда уни истеъмолчи марказларга яқинроқ жойлаштиришни тақозо қилади.

Марказ билан чекка жойлар хўжалиги ўртасидаги технологик тафовутлар амалда янада кучайиши мумкин. Бироқ Ғарб саноатида автоматлаштирилган технологик тизимларни ўзлаштириш жараёни ҳам такомилдан анча узоқда турибди. Бунинг далили: маҳсулот бирлигида жонли меҳнат сарф-харажатлари ҳамон юқорилигидир. Масалан, АҚШда узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмларда бу харажатлар ишлаб чиқариш сарфларининг 40%ини, қисқа муддатли буюмларда 27–32%ни, ўрта муддатлиларида эса 15–19%ни ташкил этади.

Лекин айтилганлардан тушкун хулосалар чиқмаслиги лозим. Ҳозирга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг келажаги ҳақидаги тушкунлик кайфиятлари вазиятга тўғри баҳо бериш кайфияти билан алмашмоқда. Натижада янги технологияларни ўзлаштириш йўлидаги ғовларга етарлича баҳо берилмаганлиги айни пайтда бу технологияларнинг муайян секторлардаги бевосита натижалари бўрттирилганлиги маълум бўлди. Ишлаб чиқариш кучларининг қайта кўчирилиши борасида айтарли ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Лекин ривожланаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги янги тузилмасига қўшилиб кетиши зарур.

Ривожланаётган мамлакатларнинг меҳнат тақсимотига қўшилишига халал берувчи омиллар

Ривожланаётган мамлакатларнинг янги босқичга ўтган жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши фақат хоҳиш-

истак билангина амалга ошмайди. Бу иштирок уларнинг иқтисоди фан-техника тараққиётидаги мавжуд ютуқлардан фойдаланган ҳолда муносиб равишда ривожланган бўлишини тақозо этади. Лекин ушбу мамлакатларда бу жараён эндигина бошланмоқда. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий ва фан-техника ривожида ғоят орқада қолиб кетганлиги фан-техника янгиликларидан фойдаланишга жиддий халал беради. Бу янгиликларни ўзлаштириш масаласи қуйидаги қийинчиликлар билан боғлиқ:

– Инфраструктуралар, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари кам ривожланганлиги;

– ахборот билан таъминланишда ўта паст даражада эканлиги;

– энг янги технологияларнинг талаблари хулқ-атвор ва тафаккур соҳаларида юзага келган анъанавий андозаларга мос келмаслиги.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш олдига шундай янги, янада оғирроқ талаблар қўйилмоқдаки, ишлаб чиқариш кучларининг сифат даражаси ғоят паст бўлган шароитда буларни бажариш мушкул.

1. Бу нарса аввало меҳнат ресурсларининг сифат белгилари (интизом, малака, меҳнатга муносабат), ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, уни фан-техника ютуқлари билан таъминлашга боғлиқ.

2. Энг янги технологияларни ўзлаштириш ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг, ҳар хил хизмат турларини, ишлаб чиқариш, бозор, молия ва ахборот инфраструктуралари (транспорт, омбор хўжалиги, электрон-ҳисоблаш машиналарига асосланган ахборот тизимлари, замонавий алоқа турлари ва ҳоказолар)ни ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни кескин кўпайтиришни назарда тутади.

3. Иқтисодни электронлаштириш йўлида ривожланаётган мамлакатларнинг ички бозори тор эканлигидан келиб чиқадиган ғовлар бартараф этилган эмас.

4. Ахборот тизимини ривожлантириш учун талаб этиладиган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик изланишлар харажатлари (НИОКР) даражаси ғоят баланд эканлиги туфайли бунга имкон йўқ. Масалан, 2000-йилларнинг бошларида ярим ўтказгичларни ишлаб чиқаришда НИОКРга сарфланган маблағлар сотилган маҳсулотлар қийматининг ўртача 10%ини, ушбу электрон технологияларни истеъмолчиси ҳисобланган қайта ишловчи саноат соҳаларида эса 2% ни ташкил этган.

5. Фан-техника тараққиёти туфайли ишлаб чиқариш кучларида рўй бераётган ўзгаришларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – тараққиётнинг шундай бир шаклига эришилдики, унда соҳалар, технологик тизимлардаги нисбатан барқарорлик уларни узлуксиз қайта қуриш жараёнлари билан алмашиб туради.

6. Саноат маҳсулотлари ва хизмат турларининг жадал суръатда янгиланиб туриши ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқаришида энг мақбул бўлган маҳсулот турларига талабни чеклаб қўяди.

7. Технологияларнинг тез ўзгариб туришидаги ўта жадал суръатлар, янги маҳсулотлар ва технологияларнинг умри қисқариб бораётганлиги етакчи давлатларни "қувиб етиш" муаммосини қийинлаштиради.

8. Янги технологияларни ишлаб чиқарувчилар бу борадаги монополияни сақлаб қолишга бўлган табиий интилишлари натижасида қийинчиликлар яна ҳам кўпаяди.

9. Фан-техника тараққиётининг муҳим қисми бўлмиш иқтисодни ахборотлаштириш соҳасининг аҳамияти хусусида гап кетаркан, гарчи ахборот технологиясидан тараққиёт мақсадида фойдаланилса-да, ахборотлаштириш тараққиёт омили эмас, балки унинг натижаси ҳамдир. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодда, ёхуд ҳеч бўлмаса унинг айрим соҳаларида қандайдир даражага эришилгандан кейингина ундан самарали фойдаланиш мумкин. Ваҳоланки, анъанавий технологияларга суянган ҳолда бундай даражага эрищиш йўлидаги интилишлар эндиликда унчалик самара бермай қўйди, негаки, шу асосда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар янги технологиялар билан таъминланган маҳсулотлар олдида умуман рақобатбардошликни йўқотиб, сотилиш бозорларидан маҳрум бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотига қўшилишига ёрдам берувчи омиллар

1. Саноат маҳсулотларини экспорт қилишда ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган қийинчиликлар ҳозирги шароитларда халқаро меҳнат тақсимотига фаол қўшилув, жаҳон хўжалигига интеграциялашиш фақат саноат молларини четга чиқариш билан боғлиқ эмас. Булар турли анъанавий миллий ишлаб чиқаришлар, хизмат турлари ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқишдаги ихтисослашув ҳам шунга киради.

2. Жаҳон иқтисоди тараққиётидаги кўп босқичлилик муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўз тараққиётида илгарилаб кетган айрим мамлакатлардан бўшаб қолган макон ва соҳаларни ижтимоий-иқтисодий, фан-техника, технологиялар эволюциясида орқада қолган мамлакатлар эгаллаб олади.

3. Ҳозирги босқичдаги капиталистик ишлаб чиқаришнинг табиатидаги ўзгаришлар аввало майда ва ўрта компанияларнинг аҳамияти кучайганлигида, бунинг натижасида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган капиталнинг миқдор даражаси пасайиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

4. Модомики, жаҳон ҳамжамияти бора-бора ҳарбий-сиёсий ва экологик фалокатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган қашшоқлик билан ўта даражадаги қолоқликни бартараф этишдан ғоят манфаатдор экан, у қолоқ мамлакатларнинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига янада кенгроқ, чуқурроқ қўшилувини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини жадаллаштириш йўлида кўпроқ саъй-ҳаракат кўрсатишга мажбурдир.

5. Илғор капиталистик давлатлар озодликка эришган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожидан кўзлаган мақсад ёлғиз тинчликни сақлаш ва экология қайғусидан иборат эмас. Бу ерда дастлаб марказнинг чекка ўлкаларга иқтисодий жиҳатдан қарам эканлигини эътиборга олиш керак. 1950—70 йилларда жаҳон иқтисодида, хусусан, жаҳон капиталистик хўжалигида "учинчи дунё" мамлакатларининг аҳамияти ошиб бораётганлиги яққол сезилди. Ўз навбатида ривожланган давлатлардаги саноат ва банк корпорациялари "учинчи дунё" билан кўпроқ қизиқа бошлади. Уларнинг бозорларига, хомашё манбаларига, капитал жойлаштириш соҳаларига кириб бориш учун фирмалараро ва давлатлараро рақобат кучайди. Ҳар иккала омилнинг натижаси ўлароқ, жаҳон капиталистик хўжалиги марказларининг ўзи чекка ўлкаларга кўпроқ қарам бўлиб қолди.

Бу дастлаб индустриал мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари юқори бўлганлиги, ривожланаётган мамлакатларда бўлган талаб ортиб борганлиги, улар четга чиқараётган ялпи маҳсулотларининг 50—60 фоизи ривожланган давлатлар бозорларига тўғри келаётганлиги билан изоҳланади. Америкалик мутахассисларнинг тахминларига кўра, яқин ўн йил ичида бу бозорлар муттасил кенгайиб, анча вақтгача фаолият кўрсатиб туради. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташки-

лотига кирувчи мамлакатларда 1996–2005 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 7–8 фоиз бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар учун ўз маҳсулотини сотишда янги бозорларга кириб бориш имкониятларининг кенгайиши, Уругвай раунди якунларига биноан, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда импорт ғовлари муттасил камайиб бораётганлигига ҳам дахлдордир.

Ҳозирги пайтда ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги аввало иқтисод ва экспорт соҳа тизимларини такомиллаштиришдек ўта муҳим жараёнларга ташқи омиллар таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда жаҳон меҳнат тақсимотидаги ўрнини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда.

Экспорт тармоқ тизимининг аҳамиятли ортиб, унумли фойдаланиш халқаро меҳнат тақсимотида самарали қатнашув имконини оширадиган муҳим воситага айланмоқда. Айрим маҳсулот бозорларидаги вазиятни ўрганиш, турли соҳаларни ташқи савдо кўламига жалб этиш нечоғли фойдали эканлигини ҳисоблаб кўриш натижасида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат ташкилотлари экспортда қайта ишлаш саноати маҳсулотлари салмоғини кўпайтириш манфаатли экан, деган хулосага келди. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, маъдан-хомашё экспортида қайта ишланган маҳсулотлар салмоғини ошириш зарурлиги белгиланди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат тизимидаги ўрни ўзгариб бораётганлиги билан боғлиқ бўлган вазифа улар учун икки йўналишда: ички ишлаб чиқариш тизимларини қайта қуриш ва экспортда саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш соҳаларида куч-ғайрат сарфлаш лозим, деган маънони англатади.

Ҳар иккала йўналиш ташқаридан, ривожланган жаҳон капиталистик хўжалиги томонидан бўладиган кучли бир таъсирга дучор бўлиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ички иқтисодий ва экспорт тизими халқаро капиталистик хўжаликдаги эволюциянинг табиати, йўналишлари, жаҳон капитализми марказлари олиб бораётган ташқи иқтисодий стратегия билан бевосита боғлиқ. Ана шу жаҳон хўжалиги марказлари ўзгариб турган халқаро меҳнат тақсимотида қандай ўрин эгаллаш йўлидаги изланишларини ўз навбатида ишлаб чиқаришни самарадорлигини таъминлаш орқали, яъни айрим оқсаётган саноат соҳаларига маблағ ажратиб ёрдам кўрсатиш, тадбиркорларга

солиқларда имтиёзлар бериш орқали тармоқларни ички қайта қуриш, асосий капитални янгилаш жараёни билан қўшиб олиб боришга интилмоқда. 1970-йилларнинг ўрталаридан амалга ошира бошланган бу чора-тадбирлар "янгича ҳомийлик" деган ном олган.

Қолоқ, рақобатга бардош беролмайдиган соҳаларни – тўқимачилик, тери-пойафзал, металлургия, автомобилсозлик, кемасозлик соҳаларини техник жиҳатдан замонавийлаштириш "самарадорлаштириш"нинг асосий элементларидан бири бўлди. Бу соҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан мақсад бандлиликни сақлаб қолиш манфаатларидан иборатдир (гарчи бу манфаатлар миллий хўжалик самарадорлигини оширишда тўғаноқ бўлиб турган бўлса ҳам).

Шундай шароитда йирик хусусий капитал учун қолоқ соҳалар фаолиятини тўхтатиб, уларни ривожланаётган мамлакатларга кўчириш фойдалироқ эди. Ривожланаётган мамлакатлар бу жараённи ўз навбатида жаҳон саноат тизимини қайта қуришнинг бошланиши деб баҳоладилар, уни иложи борича тезлаштиришни, бу соҳаларнинг тизимини ўзларининг миллий ривожланиш стратегияларига мослаштиришни асосий мақсад, деб билдилар.

Лекин ривожланган мамлакатларнинг қолоқ саноат соҳаларида амалга оширилган кейинги замонавийлаштиришлар озодликка эришган давлатлар учун янги муаммоларни келтириб чиқарди. Замонавийлаштириш жараёни давлат томонидан маблағ билан таъминланишидан, солиқдаги имтиёзлардан фойдаланган, маҳсулотларнинг ички нархлари сунъий равишда оширилишидан манфаатдор бўлган ҳолда бу соҳалар янги технологик асослар (роботлаштириш, автоматлаштириш, энг янги буюмларни ишлатиш)га ўтказила бошланди. Ривожланган давлатлар энди импортни яна ҳам қаттиқроқ чеклаш йўлига ўтиб олдилар. Натижада АҚШдаги трансмиллий корпорацияларнинг чет элга чиқарадиган инвестицияларининг ўсиш даражаси пасайиб кетди. Масалан, бу ҳолни қора металлургияда кўриш мумкин, айни пайтда эса ички капитал инвестициялари кўпайди (биргина 2001 йилда 22 фоизга ошди). Булар автоматлаштиришга, кўп энергия-меҳнат талаб қилувчи жараёнларни камайтиришга мўлжалланди.

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатларида автомобиль саноатини замонавийлаштириш анча кенг кўламда олиб борилди, бу нарса кўп меҳнат талаб қилувчи жараёнларни

камайтиришга, йиғув ишлаб чиқаришларни чекка ўлкаларга олиб чиқиш заруратини озайтиришга имкон берди.

Халқаро капиталистик хўжалик марказларига қарашли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш тизимида, ташқи савдодаги иқтисослашувида амалга оширилган қайта қуриш иккала гуруҳ мамлакатлари учун маълум оқибатларга сабаб бўлди.

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ички тармоқлари ўзгариши ва уни технологик янгиланиши: 1) ривожланаётган мамлакатлардан келтириладиган хомашё истеъмолининг янада камайишига; 2) ёш давлатларнинг саноат молларини экспорт қилиш имкониятлари чекланиб қолишига; 3) тадбиркорлик капиталининг баъзи қисмини ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга оқиб келишини сусайишига олиб келади.

Иккинчидан, ривожланган капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши натижасида ички талаб жадалроқ ўсиб боради (бу ҳол бошқа сабаблар қатори тўла бўлмаган бандлилик билан изоҳланади), бунинг устига инфляцияга қарши кураш, пул миқдорини кўпайтирмаслик, бюджетдаги тақчилликларни камайтириш давлат томонидан махсус чеклаб турилади.

Бошқача қилиб айтганда, ривожланган капиталистик мамлакатлар маҳсулотларини тобора кўпроқ чет элга чиқариб сотишга, айни пайтда халқаро миқёсда янги иктисослаштирувга йўл бермаслик зарурати билан тўқнашадилар.

Ривожланаётган мамлакатлардан қарамлилик миқёслари кенгайганлигини эътироф этиш, ривожланган мамлакатлар тўқиган "ўзаро қарамлилик" ақидасининг муҳим қисмидир. У Ғарбнинг биргаликда олиб бораётган ҳаракат дастурини тобора кўпроқ белгилайди. Фақат 70-йилларнинг ўзидагина ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга саноат моллари экспортидаги салмоғи 31 фоиздан 40 фоизга кўтарилди ва ҳозир ҳам аҳвол шундай.

"Ўзаро қарамлилик" ақидаси трансмиллий корпорациялар манфаатларидаги эволюцияни ҳам назарда тутади.

Трансмиллий корпорацияларнинг озодликка эришган мамлакатлардаги қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга бўлган муносабати, уларнинг чекка ўлкалар (периферия) ташқи иқтисодий алоқаларидаги аҳамияти уч асосий гуруҳга кирувчи омиллар билан белгиланади.

Халқаро капиталистик хўжалик марказларидаги технологик ўзгаришлар биринчи гуруҳга оид бўлиб, улар давлат субсидиялари билан биргаликда ишлаб чиқариш харажат-

ларининг камайиши, айни пайтда меҳнат унумдорлигининг ошишига, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўтарилишига олиб келади. Бу ривожланаётган мамлакатларнинг яқиндагина самарадорлиги нисбатан юқорироқ бўлиб турган соҳаларига ҳам таалуқлидир.

Унумдорликни ошириш жараёнида харажатлар тизимининг ўзгариши меҳнатни тежайдиган усуллар жорий этилишини рағбатлантиради, технологик янгиликлар эса ишлаб чиқаришни маҳсулот сотиладиган бозорга яқинроқ жойлаштиришни тақозо қилади.

Ривожланаётган мамлакатлар қайта ишлаш саноатидаги АҚШ инвестициялари 1982 йилгача "уйдаги"дан кўра кўпроқ фойда келтирган бўлса, 1982 йилдан бошлаб бунинг аксини кўриш мумкин. Натижада ривожланаётган мамлакатлар саноатининг бошқа тармоқларига жойлаштирилган бевосита инвестицияларнинг ўсишида сусткашлик сезилди.

Маҳсулотни сотиш имкониятлари иккинчи гуруҳга киради: Трансмиллий корпорациялар учун ҳомийлик билан ҳимояланган Ғарб бозорларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ривожланаёган мамлакатларда экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кўра фойдалироқ бўлди.

Юз берган ана шу ўзгаришлар трансмиллий корпорациялар ташқи сиёсатини анчагина қайта қуришга сабабдир. Ривожланаётган мамлакатларга келаётган бевосита инвестициялар даражаси пасаймоқда. 1970-йилларда ўртача 16,4 фоиз бўлган бўлса, 1982–1983 йилларда 11,8 фоизга ва охирги йилларда янада пасайди.

Лекин шуни ҳисобга олиш зарурки, аксарият бевосита инвестициялар кам маблағ талаб қиладиган хизмат кўрсатиш соҳаларига жойлаштирилади, шунда ҳам иштирокнинг ноакциядорлик шакли фойдалироқ ҳисобланади.

Шунга кўра ривожланаётган мамлакатларга келаётган капиталнинг суръат даражаси ёки салмоғида рўй бераётган пасайишлар трансмиллий корпорацияларнинг океан ортидаги бозорларга қизиқиши камайганидан кўра, кўпроқ ўша жойларга кириб боришнинг янги-янги воситаларини қидираётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда, трансмиллий корпорациялар учун бу мамлакатларда муҳим ишлаб чиқаришларни ташкил этишдан кўра, муҳим савдоларни амалга ошириш аҳамиятлироқдир.

Шундай қилиб, трансмиллий корпорациялар ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришни шакллантиришга

ёрдам бериб, айни пайтда ўзи ҳам ушбу ишлаб чиқариш структурасига мослашяпти.

Саноат моллари жаҳон бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган ўрни

Техника тараққиёти чекка ўлкаларнинг нисбатан арзон ишчи кучи билан боғлиқ устунликларига батамом путур етказа олмади. Бунинг устига ривожланаётган мамлакатларга янги технологияларнинг кириб келиши янги устунликларни юзага келтирди.

Мана шунга кўра, турли-туман ғовларга ҳамда объектив ва субъектив қийинчиликларга қарамай, бир қатор чекка мамлакатлар муқоясадаги анъанавий афзалликлар ва янги қўлга киритилган устунликлардан фаол фойдаланганликлари туфайли ўз экспортлари фазилатларини ошириш ва диверсификация қилишда анчагина ютуқларга эришдилар.

Ривожланаётган мамлакатлардаги баъзи ишлаб чиқарувчилар энг йирик жаҳон корпорациялари билан тенглашадиган даражага етдилар. Буларнинг рақобатдаги устунликлари қисман меҳнат ҳақига нисбатан кам харажат сарфланиши билан боғлиқ. 1985 йилда Жанубий Корея ва Бразилияда автомобиль саноатида соатбай иш ҳақи 1,7 АҚШ долларидан иборат бўлган, Японияда бу рақам 6, ГФРда 12, АҚШда 20 долларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам бу фарқлар сезиларли даражада.

Бироқ, илғор технологияларнинг ўзлаштирилиши, роботлаштириш, автоматлаштиришнинг жорий этилиши натижасида сифат ва самарадорликка эришилуви ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон саноат маҳсулоти ва ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи 1950 йилдан 2000 йилгача анча кўтарилди. Бу ўсиш даражаси кейинги 25 йил ичида экспортга мўлжалланган саноатлаштиришнинг афзалликлари аниқ кўриниб, унинг тарафдорлари кўпайгандан кейин юқорига кўтарилди.

Нефть экспортидан келадиган тушумлар икки баравардан кўпроқ камайгани (347 млрд доллардан 137 млрд долларгача) туфайли 1980—1988 йилларда саноат маҳсулотларини четга чиқариш олис ўлкалар учун ташқаридан келадиган маблағларни кўпайтиришда ягона манба бўлиб қолганлиги сабабли бу соҳада кўтарилиш юз берди. 1971—2001 йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг саноат экспортидаги сал-

моғи 3,8 ҳисса, машина-техника маҳсулотлари бўйича эса 10 баравар кўпайди.

Машина-техника маҳсулотлари орасида ҳозирги замон ашёлари ва технологиясидан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар энг кўп муваффақиятга эришди. Биринчи навбатда бу электроникадир. Автомобиллар, самолётлар, кемалар, электр ускуналари, баъзи қурол-яроғ ва техник жиҳатдан мураккаб бўлган бошқа буюмларни жаҳон бозорига олиб чиқишда сезиларли ютуқларга эришилди.

Чунончи, Корея четга чиқараётган автомобиллар сонини 1970 йилда 28819, 1980 йилда 123135, 2002 йилда 1218020 донага олиб чиқди. Тайвань металлни қайта ишлашда қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар экспортида энг юқори мавқега эга бўлди.

Шуниси эътиборлики, ривожланган давлатларга саноат молларини экспорт қилишда ривожланаётган мамлакатлар саноатининг салмоғи ортиб бормоқда. Лекин саноат маҳсулотларини экспорт қилишда ривожланаётган мамлакатлар бир хилда қатнашаётгани йўқ.

Айрим мамлакатларнинг, бир гуруҳ мамлакатлар ва минтақаларнинг саноат маҳсулотлари экспортидаги роли секин-аста ўзгариб бормоқда. Анъанавий ҳисобланган етакчилар (Ҳиндистон, Бразилия, Мексика ва бошқалар) ўз мавқеларини бой бермоқда, кўпроқ янги кичик давлатлар кескин равишда олдинги марраларга чиқиб олмоқда.

Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлардаги саноатлаштириш жараёни — технологик, ижтимоий-иқтисодий қолоқликни имкони борича жадаллаштиришга, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирокига, энг серҳаракат ва истиқболли соҳаларини ўзлаштиришларига боғлиқ.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодига қўшилувида миллий ҳукуматнинг таъсири сезиларли. Зотан, ушбу мамлакатларнинг ярим асрдан кўпроқ тажрибаси шуни кўрсатадики, улардаги ўзгаришларнинг умумий йўналиши, ҳаракатида давлат ўрнатган тартиб-қоидалар, иқтисодий сиёсат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳар иккаласи ривожланаётган иқтисодларнинг умумий тараққиёт анъаналари, мавжуд имкониятлари, эҳтиёжларига қанчалик кўпроқ мослашган бўлса, замонавийлаштириш йўлидаги олға силжишлар ҳам шунчалик кўп самара берди.

Шунинг билан бирга, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги тажрибаси шуни кўрсатадики,

ҳозирги шароитда уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларидаги анъанавий иштирокида кўпинча ташқаридан кўринмайдиган тангликлар рўй бермоқда.

Хулоса: жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар эволюциясидаги мураккаб жараёнда ўзининг мустақил ўрнини излаб топиш асосий вазифадир.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли қай тарзда ва нима сабабдан ўзгариб борди?
2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги анъанавий устунликлари ўзгаришига қандай сабаблар (омиллар) таъсир қилмоқда?
3. Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳозирги халқаро меҳнат тақсимоти тизимига қўшилувига халал берувчи асосий муаммолар.
4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодини замонавийлаштиришнинг асосий йўл ва усуллари, халқаро меҳнат тақсимотида уларнинг аҳамиятини ошириш.
5. Саноат маҳсулотлари халқаро бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг ўрни ва аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. *Арефьева Е.* Международное разделение труда: Место и роль освободившихся стран.– ж.Азия и Африка Сегодня, № 3, 1987.
2. *Аркадьева Е.* "Третий мир": Резервы роста.– ж. МЭ и МО, №1, 1992.
3. *Басовский Л.Е.* Мировая экономика. Курс лекций. М., ИНФРА-М, 2003.
4. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., Финансы ,1998.
5. *Михалев В.* Развивающиеся страны: структурная адаптация и приоритеты отраслевой политики.-ж. МЭ и МО, №4,1993.
6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.
7. *Шейнис В.* Структурные сдвиги в экономики капитализма и перспективы развивающихся стран.– ж.Азия и Африка Сегодня, № 11, 1988.
8. *Шейнис В Эльянов А. С* позиций оптимизма.– ж. Азия и Африка Сегодня, № 10, 1989.
9. *Эльянов А.* Развивающиеся страны на рынке промышленных изделий. – ж. МЭ и МО, №5, 1992.
10. *Эльяное А.* Развивающиеся страны в международном разделении труда – ж. МЭ и МО, №9, 1995.

3-БОБ
РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ривожланаётган мамлакатларга нисбатан қизиқишнинг ортиб боришига сабаб, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, бошқа давлатларнинг ва энг аввало ривожланган давлатларнинг тарихий ривожига таъсиридир.

Ўз навбатида жаҳон иқтисодида юз бераётган жараёнлар озод бўлган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ва ниҳоят, ривожланаётган давлатлар сиёсий мустақилликка эришганларидан сўнг дуч келган кўп муаммолар собиқ иттифоқ республикалари, Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари олдида ҳозир кўндаланг бўлаётган муаммоларга жуда ўхшаб кетади.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиб бориши

Мустамлакачилик даври

Мустамлакалар ролининг ўзгариши метрополияда капитализм ривожланишига боғлиқ эканлиги (капитализмдан олдинги давр)дир.

– Дастлабки капитал жамғариш даврида мустамлакаларнинг аҳамияти амалда қуллар, қимматбаҳо буюмлар, ноёб тропик товарларни олиб чиқиб кетиш билан чекланган.

– Йирик машина саноати ривожланиши билан хомашё етказиб берувчи манба ва метрополиядан келтирилган маҳсулотлар сотиладиган бозор сифатида уларнинг аҳамияти ортди.

– Капитализмнинг империалистик босқичи даврида мустамлака ва қарам мамлакатлар молия капиталининг эксплуатация объектига айланди (ички ва ташқи савдони монополиялаштириш).

Мустамлакачиликдан кейинги давр

Озод бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари:

Сиёсат:

– Сиёсатнинг иқтисоддан устуворлиги;

– ижтимоий ривожланишни тезлаштиришга уриниш – социалистик йўналишларнинг оммалашуви, иқтисодда давлат ролининг устуворлиги.

Иқтисод:

Илгаригидек ривожланган мамлакатлар учун хомашё ва энергия ресурслари манбалари.

XX аср охирида жаҳон экспортида ривожланаётган мамлакатларнинг бокситлар бўйича улуши 71%, темир рудаси бўйича 49,7%, нефть 83,5%, марганец рудаси 49,3%, фосфатлар 79,9%, қалай 78,2%, мис 53% ва ҳ.к.ни ташкил этди.

Ғарб-Шарқ — арзон хомашёни кўзлаш

— 1970-йиллардаги энергия ва хомашё инқирози. Ривожланган мамлакатларнинг жавоби — энергия ва материаллар тежаладиган технологияларни ўзлаштириш. Натижа — хомашёга боғлиқликнинг қисман қисқариши.

— Фан-техника тараққиётидаги янги босқич — иқтисоднинг интернационаллашуви, устувор алоқаларни ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга қайта йўналтириш.

Жаҳон иқтисодидаги бундай анъаналар қуйидаги натижаларга олиб келди:

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг хомашё ва энергия ресурслари етказиб берувчи, ривожланган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун бозор сифатидаги аҳамиятининг нисбатан камайиши.

2. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодидаги тузилмавий ва фан-техника борасидаги ўзгаришларга фаолроқ мослашуви.

3. Бу мамлакатлардаги ички жараёнларнинг саноати ривожланган давлатлар билан муносабатлари чуқурлашувига боғлиқлигининг кучайиши (ривожланган мамлакатларда урушдан кейин то 1990 йилгача ишлаб чиқариш ўсишининг энг узоқ даври бўлди).

Айтиб ўтилган анъаналар озод бўлган давлатларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидаги аҳамиятининг ўзгаришига сезиларли таъсир этди. 80-йиллар охирида бу мамлакатларнинг айримлари қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқарувчи саноат ва хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бўйича Ғарб мамлакатларининг 60-йиллар бошидаги ўртача даражасига етди. Айниқса, экспорт тузилишидаги муваффақиятлар сезиларли бўлди.

Нефть ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар (ОПЕК) ташкилотига кирмайдиган мамлакатларда 1980-йиллар мобайнида экспортдаги тайёр маҳсулотлар улуши 1/3 дан 2/3 гача ўсди.

Бироқ озод бўлган давлатларнинг жаҳон иқтисоди ҳолати билан чамбарчас боғлиқлиги бир қатор салбий оқибатларга олиб келди. 1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ривожланган мамлакатлар иқтисодидаги даврийлик омили, Шарқий Европа давлатларида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, Форс қўлтиғи минтақасидаги инқироз оқибатида жаҳондаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви туфайли жаҳон импорти қисқарди, хомашё (нефтдан ташқари) нархи пасайди. Демак, миллий бюджетга тушум қисқарди, молия ресурсларининг етишмовчилиги оқибатида жаҳон капитал бозорларида фоиз ставкаси юқорилашиб кетди, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун чет эл кредитларини олишнинг имкони бўлмай қолди.

Ана шулар натижасида ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатларига жиддий путур етди, уларнинг халқ хўжалигидаги турли соҳалар ва тармоқларида нохуш оқибатлар содир бўлди.

Тахминан 2/3 қисм ривожланаётган мамлакатларда 80-йилларда миллий даромад камайди. Бундай камайишнинг энг кўпи 19 давлатда 35%ни ташкил этди.

БМТ маълумотларига кўра, умуман 80-йилларда миллий иқтисоднинг ўсиш суръатлари 7,2% ўрнига 2,3%ни ташкил этди.

"Учинчи дунё" мамлакатларида инфляция юқорилигича қолди.

1989 йил 104,1%,

1990 йил 71%.

Жаҳон иқтисодидаги пасайиш оқибатида "учинчи дунё" мамлакатларининг истиқболлари кўп жиҳатдан миллий хўжаликлар жаҳон хўжалигининг ўзгариб бораётган талабларига мослашиб қайта кўриб чиқишга ва чуқур ўзгаришларни амалга оширишга боғлиқ экан.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) томонидан тайёрланган жаҳондаги иқтисодий вазиятга мувофиқ ривожланаётган мамлакатлар жорий тўлов балансининг тақчиллиги 1995 йилда 65 – 70 млрд АҚШ долларини ташкил этган, 2001 йилда эса – 80 млрд.

Сабаб: чет эл кредитлари бўйича тўловларнинг ортиши, фойданинг бевосита чет эл инвестицияларига ўтказилиши.

Миллий маҳсулотни яратишда ички моддий, молиявий ва инсон ресурслари асосий ролни ўйнасагина "учинчи дунё" мамлакатларида иқтисодий илоҳотларни ўтказишда муваффа-

қиятларга эришиш мумкинлигига борган сари кўпроқ ишонч ҳосил қилинмоқда.

Бу ҳолда "учинчи дунё"да ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларни жаҳон бозорларига экспорт қилишни кенгайтириш катта аҳамият касб этади.

Айнан шу омил (экспорт) импорт тўловлари, миллий иқтисодни техник-иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш ва қарз мажбуриятларини тўлаш учун зарур валюта ресурсларининг асосий манбаи бўлмоғи лозим.

Иқтисодий ривожланишни тезлаштиришга ёрдам берадиган тадбирлардан бири сифатида миллий иқтисодни хусусийлаштириш сиёсати кўзда тутилган эди.

Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш муаммолари ва самарадорлиги

Мустақилликка эришилганидан сўнг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларини амалга оширишда етакчи роль давлатга тегишли эди. Чунки давлат кўп ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган.

Деярли 70-йиллар охирига қадар ривожланаётган мамлакатларда мулкчилик, ялпи ички маҳсулот, инвестициялар, иш билан таъминлашда давлат улуши ортиб борди. 80-йиллар бошига келиб давлат сектори улушига:

– Қишлоқ хўжалигида бандлик бўйича 44%;
– ялпи ички маҳсулот бўйича 10–20%;
– инвестициялар бўйича 20–60% тўғри келди.

Бироқ, давлатнинг иқтисоддаги устувор иштироки ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кутилган натижани бермади. Ривожланаётган иқтисодга давлатнинг аралашуви оқибатлари 60–70-йилларда танқидга учради, лекин 80-йилларда бу борада бурилиш юз берди.

Давлат бўғинида бюджет камомади ўсиши оқибатида баъзи ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлик инқирози анчагина кескинлашганлиги туфайли ғарб кредиторлари ўз сиёсатларини қайта кўриб чиқдилар.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасида ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодини "таркибий мослаш" деб аталадиган янги сиёсат маълум қилинди.

Энди аниқ давлат лойиҳалари учун бериладиган кредитлар ўрнини қуйидаги мақсадларда бериладиган қарзлар эгаллади:

1) Молиявий аҳволни барқарорлаштириш;

2) хусусий секторни ривожлантириш;

3) хусусийлаштириш дастурини ўтказиш.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида ҳам давлатнинг имкониятларига ишонмай қўйилди. "Учинчи дунё" мамлакатлари муаммоларини иқтисодда хусусий бўғиннинг устуворлик ролига суянибгина ҳал қилиши мумкин, деган умумий хулоса шаклланди ва кундан-кунга ўсиб борди.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштиришнинг ҳақиқий кўлами шу масала юзасидан бўладиган мунозаралар кўламидан анча орқада қолди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг 28 тасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки олиб борган тадқиқотларга мувофиқ, 80-йилларда 3975 та давлат корхонасидан 137 таси (3,4%) ёпилган ёки тугатилган, 85 таси (2%) бутунлай ёки қисман сотилган ва 45 таси (1%) ижарага қўйилган ёки бошқарувга топширилган. Хусусийлаштириш суръати ҳам кутилганидан анча секин амалга оширилган.

Хусусийлаштириш натижаларини таҳлил қилишда, фақат унинг кўлами ва суръатинигина баҳолаш муҳим бўлиб қолмасдан, хусусийлаштирилган корхоналарнинг иш самарадорлигини баҳолаш ҳам жуда муҳимдир.

Тажриба шуни кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатлардаги хусусийлаштиришнинг самарадорлиги саноати ривожланган мамлакатлардагига нисбатан умуман анча паст бўлган:

— Хусусий шахсларга берилган кўпгина корхоналар кам фойда кўрадиган ёки ҳатто зарар келтирадиганлигича қолган;

— хусусийлаштирилган компанияларга шунчалик кўп имтиёзлар берилганки, натижада илгариги давлат корхоналари ўрнида амалда хусусий монополиялар пайдо бўлган ва хусусийлаштиришнинг моҳияти — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун рақобатни кучайтириш омили йўққа чиқарилган.

Нима учун хусусийлаштириш кутилганига нисбатан қийинчилик билан кечди ва кам самарали бўлди?

1. Объектив шарт-шароитларни ҳисобга олмасдан, юқоридан ўтказилган, бунинг устига кўпинча ташқи омиллар

таъсирида бошланган ҳар қандай давлат ислоҳоти каби давлат мулки ва назоратини хусусий шахслар ихтиёрига бериш қуйидаги ҳар хил ижтимоий кучлар:

– Вазирликларнинг амалдорлари ва давлат корхоналарининг раҳбарлари;

– давлат сектори касаба уюшмалари;

– зиёлилар;

– аҳоли, айниқса, шаҳар аҳолисининг кенг қатлами ва биринчи навбатда, субсидияланган нархлардан фойда кўрувчи аҳолининг жиддий қаршилигига учради.

Давлат мулкини чет элликларга ва иши юришиб турган миллий озчиликка сотишни истамаслик омилини ҳам шундай сабаблар жумласига қўшиш мумкин.

2. Хусусий секторнинг кучсизлиги, сотиб олишга қодир шахслар доирасининг торлиги.

3. Хусусийлаштиришдаги техник мураккаблик ва моддий харажатларнинг катталиги.

Хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорлар кўпчилик ҳолларда объект қийматини синчиклаб ўрганмай, аниқ ҳаракатларнинг мукаммал дастурини ишлаб чиқмай турйб, ўзбошимчалик билан қабул қилинган.

4. Иқтисодий юксалиш пайтларида, анчагина ривожланган рақобат мавжуд бўлган тармоқларда сердаромад корхоналарни хусусийлаштириш назарий жиҳатдан анча силлиқ кечган. Айнан шундай ҳолларда бозор имкониятларининг таъсири ресурслардан самарали фойдаланишга тезроқ олиб келган ва корхонанинг даромадлилигини оширган.

Амалда эса ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумати кўпинча инқирозли иқтисодий вазиятда бюджет тақчиллиги таъсирида энг аввало зарар кўраётган ёки кам даромад келтираётган корхоналарни хусусийлаштиришга қарор қилади, бунда у корхоналарнинг иш самарадорлигини ошириш, бюджет учун қўшимча даромад олишни кўзда тутади. Ана шу кейинги омиллар амалда хусусийлаштириш учун асосий ички туртки ҳисобланади.

Умумий хулоса қилинганда ривожланаётган рақобатни хусусий мулксиз тасаввур қилиб бўлмаса-да, умуман олганда, хусусий корхоналар давлат корхоналарига нисбатан самаралироқ ишласа-да, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳақиқий шарт-шароитлари ўзига хос бўлганлиги сабабли хусусийлаштириш ягона мақсад бўлмаслиги лозим.

Хусусийлаштириш "учинчи дунё" мамлакатлари иқтисодини эркинлаштиришнинг асоси эмас, балки воситаларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун хусусийлаштириш сиёсатининг муваффақияти (самарадорлиги) иқтисодни тузилмавий қайта қуришнинг бошқа воситалари муваффақиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Давлат мулки тўғрисида гапирадиган бўлсак, унинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодидаги аҳамияти Осиё шароитида анчагина катта имкониятларга эга. Самарадорликни баҳолашда хусусийлаштиришнинг фақат соф иқтисодий оқибатларини эмас, балки унинг ривожланаётган иқтисодга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Хусусан, жамият бирламчи зарур товарларни бозор нархида сотиш шароитига тезда ўтиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди, муайян вақт мобайнида аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодий самарадорликдан воз кечишга мажбур бўлади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Жаҳон иқтисодида ривожланган мамлакатлар ролининг эволюцияси.
2. 1980-йиллар ва 90-йиллар бошида "учинчи дунё" мамлакатлари иқтисоди тавсифи, уни ривожлантиришнинг долзарб масалалари.
3. "Учинчи дунё" мамлакатларида хусусийлаштиришнинг самарадорлиги хусусиятлари ва муаммолари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Арефьева Е.* Международное разделение труда: место и роль освободившихся стран — ж. "Азия и Африка сегодня", № 3, 1987.
2. *Бланжский Л.Е.* Мировая экономика: Курс лекций. М., ИНФРА М, 2003.
3. *Журавская Е.* Процессы приватизации в развивающемся мире. Тенденции мирового экономического развития. Обзор за 1990 и начало 1991 гг. М., "Наука", 1991.
4. *Ломакин В.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.
5. *Раджабова З.К.* Мировая экономика М., ИНФРА-М, 2004.
6. *Чехутов* Б.К. "Третий мир: жизнь требует реформ" — Тенденции мирового экономического развития. Обзор за 1990 и начало 1991 гг. М., "Наука", 1991.

4-БОБ
РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ВА КАПИТАЛНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ

Капитални чиқариш сабаблари, анъаналари ва ҳудудлари

Ҳозирги замон шароитида жаҳон иқтисоди ривожланишидаги умумий анъана интернационаллашувнинг чуқурлашуви оқибатида трансмиллий корпорациялар ривожланишининг тезлашуви ва натижада турли мамлакатлар корпорациялари ўртасидаги курашнинг кучайишидир.

Бунда, катта бизнесдаги асосий роль илгаригидек АҚШга тегишли бўлишига қарамай, (2000 йилда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига қарашли 100 та йирик корпорациялардан 28 таси АҚШга тегишли бўлган), уларнинг вазиятлари бошқа миллий капиталлар, энг аввало, Ғарбий Европа ва Япония сармоялари сиқувига дуч келмоқда.

Масалан, 1960–1987 йилларда капиталистик дунёга қарашли 100 та йирик концернинг савдо обороти 18,9 марта ортди. Айни вақтда бунда АҚШ улуши 70,6% дан 45% гача қисқарди. Ғарбий Европа мамлакатлари улуши 27,8% дан 36,8% гача, Япониянинг улуши 1,6% дан 12,4% гача ёки 7,8 марта ортди.

Кейинчалик ҳам АҚШ улуши қисқариб борди. 1996 йилда унинг йирик корпорациялари оборотининг умумий суммаси 28,8% ни ташкил қилди, айни пайтда Ғарбий Европа мамлакатлари улуши 35,2% ни, Япониянинг улуши 32,2% ни, 2001 йилда чет эллар билан бўлган савдо-сотиқда ҳам АҚШ улуши 27% ни ташкил қилгани ҳолда Ғарбий Европа корпорациялари улуши 38% ни, Япониянинг улуши 26% ни ташкил этди.

Жаҳон хўжалигининг етакчи марказлари ўртасидаги рақобат курашининг ривожи чет эл инвестициялари оқими географиясида янги анъаналарга сабаб бўлмоқда. Ривожланган мамлакатлар трансмиллий корпорациялар капиталини ривожланаётган мамлакатларга чиқаришнинг анча жонланганлиги шу мамлакатларда Америка ва Ноамерика трансмиллий корпорациялари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг жиддий кучайишига, жаҳон иқтисодиётининг чекка ҳудудларида Американинг етакчилик роли йўқолишига олиб келди.

Япония корпорациялари Америка трансмиллий корпорацияларининг энг йирик рақобатчилари ҳисобланади. Чет эл мамлакатларига инвестициялар киритишдаги япон феноменининг моҳияти шундаки, япон корпорациялари киритадиган бевосита инвестицияларнинг анчагина қисми ривожланаётган давлатларга, энг аввало Осиё ва Лотин Америкасига тўғри келади.

Қуйида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 90-йиллар ўртасига келиб Японияниг бевосита чет эл инвестицияларида ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ улуши анча камайган, айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар, энг аввало, Жанубий, Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё ва Хитой улуши кескин кўпайган (17%дан 42%гача).

Энг юқори кўтарилиш даври (чўққи давр)да ва иқтисодий пасайишдан кейин Япония бевосита чет эл инвестицияларининг тақсимланиш географияси

Минтақа (мамлакат)	Давр чўққиси (1989–1991)	Иқтисодий пасайишдан кейин (1994–1996)
Барча мамлакатлар (млрд АҚШ доллари)	41,0	21,0
Ривожланган мамлакатлар (%)	83,0	58,0
АҚШ (%)	51,0	37,0
Европа Иттифоқи (%)	23,0	13,0
Ривожланаётган мамлакатлар (%)	17,0	42,0
Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё (%)	11,0	34,0
Хитой (%)	1,1	12,0
Марказий ва Шарқий Европа (%)	0,1	-

Манба: World Investement Report 1997: Trends and Determinants, UN, New York and Geneva, 1997.

1990-йиллар охиригача Осиёдаги япон инвестицияси 2,5 марта ошди, чет элларга Япония кўрсатадиган ёрдамнинг 70%и Осиё ва Ҳинд субминтақаси учун мўлжалланган.

Япон тадбиркорлари ишлаб чиқаришни ривожланаётган мамлакатларга чиқариб, ташқи бозорда ўз товарларининг *рақобатбардошлиги пасайишига* қарши туришга ҳаракат қилишади.

АҚШ бевосита чет эл инвестициялари борасида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. 1995–1997 йилда ривожланган мамлакатлар улуши 75,8% дан 65% гача қисқарди, айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар улуши 26,9% дан 34,3% гача ўсди. Бунда ҳам янги анъаналар пайдо бўлганлиги диққатни жалб қилади. Хусусан, бевосита чет эл инвестицияларининг Осиё мамлакатларидаги улуши нисбатан қисқаргани ҳолда Лотин Америкаси минтақасидаги улуши кўпайган (17,4% дан 20,8% гача). Бу ҳудудда АҚШ ҳали ҳам асосий хорижий инвестор ҳисобланади. АҚШ бевосита чет эл инвестицияларининг Лотин Америкаси минтақасидаги умумий ҳажми 1995–2001 йилларда деярли 97 млрд АҚШ долларига етди, Лотин Америкаси мамлакатларига киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 64%ини ташкил этди.

Ривожланаётган мамлакатлар хусусий инвестициялар билан бир қаторда расмий тараққиёт ёрдамини ҳам олади. Айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда бундай ёрдамнинг қиймати анча камайди: 90-йиллар бошида давлатнинг маблағ билан таъминлаши ривожланаётган мамлакатларга кириб келаётган инвестициялар оқимининг ярмидан кўпини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу улуш атиги 14%ни ташкил этди. Айни пайтда 1990–97 йилларда инвестицияларнинг умумий ҳажми ҳар йили 16%га ўсди, давлатнинг маблағ билан таъминлаши эса ҳар йили 3%га камайди.

Энг суст ривожланган мамлакатларга расмий тараққиёт ёрдами кўрсатиш анча юқорироқ, унга инвестициялар оқимининг асосий улуши тўғри келган. 1990–95 йилларда у барқарорлигича қолди ва фақат 1996 йилда 14%га қисқарди ва 2001 йилда кўтарилди.

Энг суст ривожланган мамлакатларда хусусий капитал оқими аҳволи ҳам бошқача. Бу ерда хусусий инвестицияларнинг ахамияти ортаётганлиги инвестиция ва молия соҳасидаги эркинлаштириш, жаҳон миқёсига чиқишга интилиш ўсаётганлигида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларда капиталнинг ҳаракатидаги тўсиқлар бекор қилинмоқда.

Чет эл хусусий инвестицияларидан портфель инвестициялари бевосита чет эл инвестицияларига нисбатан "ҳаракатчанроқ",

чунки улар бевосита чет эл инвестицияларидан фарқли ўлароқ истиқболдаги тараққиёт мақсадларида эмас, балки тезроқ фойда олиш мақсадларида жалб қилинади.

1990–2000 йиллар мобайнида тижорат банкларининг ссудалари ривожланаётган мамлакатларга кириб келаётган хусусий капиталлар оқимининг тахминан ўртача 1/10, портфель инвестициялар тахминан 1/3 ва бевосита чет эл инвестициялари тахминан 1/2 улушини ташкил этди.

Умуман, бевосита чет эл инвестицияларини ривожланаётган мамлакатларга чиқаришнинг ўсиши ҳақида гапирилганда шуни таъкидлаш лозимки, 2000 йилда бевосита чет эл инвестициялари умумжаҳон оқимининг деярли 2/5 улуши бу мамлакатларга тўғри келган. Бу улар 1993 йилда эришган даражадан 2 марта, 1985 йилдагидан 10 марта кўпдир. 1996 ва 1997 йилларда бевосита чет эл инвестициялари ривожланаётган мамлакатларга Ғарбий Европага нисбатан деярли 30 млрд АҚШ доллари миқдорида кўп киритилди.

Шу билан бирга, бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича пешқадамлар Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё – 82,4 млрд АҚШ доллари (53,3%), Лотин Америкаси – 56,1 млрд АҚШ доллари (37,7%) ва Африка – 5 млрд АҚШ доллари атрофида (3,2%) бўлди.

Хусусий секторга кўмаклашадиган Халқаро молия корпорацияси чет эл инвесторлари нуқтаи назаридан Африка ҳозирча паст истиқболли эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан, 2001 йилда бевосита чет эл инвестицияларини ривожланаётган мамлакатларга чиқариш умумий ҳажмида бу минтақанинг улуши атиги 3,6%ни ташкил этди.

Бу ерда хўжалик фаоллигини рағбатлантириш мақсадида Халқаро молия корпорацияси биринчи навбатда қуйидаги чораларни кўрмоқда:

– Хусусий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш;

– микрокорхоналарни (қабул қилинган тасниф бўйича) рағбатлантириш дастурини амалга ошириш.

Шарқий Осиё мамлакатларининг чет эл инвесторларини қизиқтирадиган томонлари қуйидагилар:

– Уларнинг юқори суръатларда барқарор ўсиши ва сиёсий жиҳатдан барқарорлиги;

– уларнинг ички бозорлари сиғими анча ошганлиги.

2000 йилда 75 млн осиёлик оила ўртача америкаликнинг даромадига етадиган йиллик даромадга етишиши лозим эди.

1992 йилда бевосита чет эл инвестицияларини оладиган энг йирик ривожланаётган мамлакат Хитой бўлди. 1993–96 йилларда ривожланаётган мамлакатларга кириб келаётган бевосита чет эл инвестицияларининг умумий оқимига нисбатан Хитойнинг улуши 36% ёки йилига ўртача 35 млрд АҚШ долларига, 1997 йилда 30,4% ёки 45,3 млрд АҚШ долларига тўғри келди. Чет эл инвесторлари учун Хитойнинг ўзига жалб қиладиган томони фақат инвестицияларнинг миқдори эмас, балки иқтисоднинг юқори суръатлар билан ривожланаётганлигидир. Хитой иқтисоди 1990–96 йиллар мобайнида йилига 10% дан кўпроқ ўсиб борди.

Бундан ташқари, мамлакатда ишчи кучи арзонлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу эса Хитойда кўп меҳнат талаб қиладиган экспорт товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган трансмиллий корпорациялар учун жуда муҳим омилдир.

Чет эл капиталининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида иштирок этиш шакллари:

I. Чет эл капиталининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодига кириб боришининг асосий шакли ҳалқаро корпорацияларнинг шуъба корхоналари ҳисобланади. Бунга далил ривожланаётган иқтисодга кириб келаётган капиталнинг умумий оқимида трансмиллий корпорациялар бевосита инвестицияларининг улуши 1975–79 йиллардаги 14,5% дан 1980–85 йилларда 17,2% гача ўсганлиги.

Урушдан кейинги бутун давр мобайнида ривожланаётган мамлакатларда чет эл инвестицияларига тўғри келадиган фойда нормаси саноати ривожланган мамлакатлардагидан юқори бўлган. Масалан, 1950 йилда АҚШ корпорациялари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига қўйган капиталларга тўғри келадиган фойда нормаси 13,5% ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 23,6% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 1970 йилда 8,9% ва 15,1%, 1980 йилда 15,5% ва 22,8%, 1985 йилда 16,2% ва 14,1%, 1988 йилда 16,6% ва 19,4%, 2000 йилда 19,4 ва 21,2 бўлган. Ушбу маълумотлардан охирги вақтларда фойда нормасининг пасайгани кўриниб турибди.

Бевосита хусусий инвестициялардан фойдаланишнинг нисбий самарадорлиги пасайишига сабаб:

– Ривожланаётган мамлакатлардаги чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар;

– миллий ҳукуматларнинг мамлакатдаги иқтисодий вазиятни ўз қўлида тутиб туришга интилиши;

– бозор иқтисодининг етакчи марказларида ишлаб чиқаришда меҳнат ва энергия тежаладиган технологиянинг ривожланиши.

Ўз навбатида, ривожланаётган мамлакатлар чет эл компанияларининг фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам бериш учун ҳар жиҳатдан интиладилар, чунки чет эл капитали:

– Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технология билан жиҳозлашга ёрдам беради;

– хусусий тадбиркорликни мустаҳкамлайди;

– мамлакат хўжалигини ривожлантиришни тезлаштиради, деб умид қиладилар.

Бироқ, ташқаридан келадиган молия оқими ҳаракати жуда эҳтиёткорлик билан юз беради. Энг аввало, улар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади ўртача бўлган мамлакатларга мўлжалланади, бу кўрсаткич паст бўлган мамлакатларни четлаб ўтади, камдан-кам ҳоллардагина бунга риоя қилинмайди.

Даромади паст бўлган мамлакатлар расмий каналлар бўйича бериладиган ёрдамга умид қилиши мумкин, бу ҳол бундай мамлакатларнинг кўпчилиги хусусий капитал бозорлари учун шароит ярата олмасликларини билдиради.

Кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатларга бериладиган ёрдам ҳажмини қисқартириш анъанаси пайдо бўлди. Масалан, 2001 йилда у 48 миллиард АҚШ долларигача камайди.

Шу билан бирга, АҚШнинг бу мамлакатларга ноҳарбий моддий ёрдами улуши анча қисқариб бораётганлиги эътиборни жалб қилади. 1997 йилда Япония бу мамлакатларга шу мақсадда 14,5 миллиард АҚШ долларини, Франция 8,4 млрд, Германия 7,5 млрд, АҚШ 7,3 млрд АҚШ долларини ажратди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти маълумотларига кўра, 1995 йилда АҚШ ҳукумати ёрдам дастурига ялпи ички маҳсулотнинг атиги 0,1%ини ажратди. Бу ёрдам урушдан кейинги йиллар мобайнида энг кам ҳисобланади.

Бундан ташқари, баъзи мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой, Индонезия)дан ташқари ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг соф миллий капиталининг ташқарига чиқиб кетишидан азият чекмоқда.

Бу гуруҳдаги мамлакатларда капитал қўйишдан манфаатдор эмаслик сабаблари:

– Макроиқтисодий нобарқарорлик;

– инфратузилманинг нобарқарорлиги;

– ишчи кучининг паст малакалилиги;

– бозор хўжалигининг институционал шароитлари ривожланмаганлиги.

Кейинги йилларда баъзи ривожланаётган давлатларнинг ҳукуматлари томонидан трансмиллий корпорацияларнинг

фаолиятини йўлга қўйиш кучайганлиги туфайли бу мамлакатлар иқтисодиётида чет эл капиталининг иштирок этиши борасида ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди. Улар корхоналарга биргаликда эгалик қилиш ва уларни қуришни, лицензия бериш, бошқариш учун битимлар тузишни, корхонани бошдан-охиригача қуриб бериш, халқаро субпудрат ва ҳ.к.ни кўзда тутади.

II. Қўшма корхоналар акциядорлик капиталининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Уюшма капиталистик мулкнинг ўзига хослиги шундаки, фирманинг ҳақиқий капитали ҳаракатини назорат қилиш ишлари шериклар орасида тақсимланади. Бундай шакл миллий ва чет эл капитали орасидаги маълум муросани билдиради.

Жаҳон иқтисодининг ҳозирги ривожланиш босқичида аралаш компанияларнинг тузилиши ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам, трансмиллий корпорацияларнинг ҳам манфаатларини қониқтиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг саноат компанияларига халқаро монополиялар иштирокини ташкил этиб, биринчидан:

1) Капитал, натурал-моддий шаклдаги капитал тақчиллиги муаммоси маълум даражада ҳал қилинади;

2) ишлаб чиқаришга янги техника ва технология киритилади, уни ташкил қилиш тажрибаси ўзлаштирилади, маҳсулотни кафолатли сотиш имконига эга бўлинади ва ҳ.к.

Иккинчидан, миллий давлат томонидан трансмиллий корпорациялар фаолиятини назорат қилиш доираси кенгаяди.

Қўшма тадбиркорликни рағбатлантириш учун ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари кўпинча имтиёзли солиқ тартибини жорий қилади; одатда солиққа тортиш мақоми бўйича ташкил қилинадиган қўшма корхоналар маҳаллий компанияларга тенглаштирилади, лекин уларга солиқ имтиёзлари ҳам тадбиқ қилиниши мумкин.

Одатда давлат мураккаб технология қўлланиладиган муҳим, ўзи учун зарур саноат тармоқларида, юқори экспорт даромадларини таъминлайдиган тармоқларда қўшма корхоналар тузилишини қўллаб-қувватлайди.

Кўпчилик ҳолларда ривожланаётган мамлакатлар қўшма корхоналарда миллий мулк улушини кўпайтиришга ҳаракат қилади ва шу йўл билан чет эл капитали иштирок этадиган корхона устидан тўлиқ назорат ўрнатиш учун курашади.

Бироқ, капиталнинг катта улушига эгалик қилиш ҳар доим ҳам иқтисодий фаолиятни амалда назорат қилишни

таъминлайвермайди. Чет эл инвесторларининг капиталда анчагина кичик улушда иштироки ҳам уларга яхшигина даромад кўришлари учун имкон бериши мумкин.

Маҳаллий шерикларига нисбатан молия ва технология борасида устун бўлган чет эл инвесторлари корхонага маъмурий ва техникавий раҳбарлик тизгинини ўз қўлларида тутиб туришга, уни ўзларининг трансмиллий ишлаб чиқариш мажмуаларига сингдириб юборишга қодирлар.

Баъзи Америка экспертларининг фикрича, агар чет эл компанияси исталган маҳаллий компания капиталининг 5% улушига эгалик қилса, бу маҳаллий компанияни чет эл компаниясининг филиали деб ҳисоблаш мумкин.

III. Кейинги 20—25 йил мобайнида трансмиллий корпорациялар шуъба ёки қўшма корхоналар тузишдан воз кечмаган ҳолда (бу усул ҳали ҳам чет эл капиталининг маҳаллий иқтисодда иштирок этишининг муҳим шакли ҳисобланади) ривожланаётган давлатларнинг компаниялари билан битимли муносабатларни (технология етказиб бериш тўғрисида, корхонани жиҳозлаш ёки қуриш, бошидан то охиригача қуриш ҳақида, мутахассислар тайёрлаб бериш тўғрисида ва ҳ.к.) йўлга қўйишга борган сари кўпроқ ҳаракат қилмоқда.

Чет эл корпорациясининг саноат объектларини бошидан охиригача ("калит топширилгунча") қуриши деганда уни маълум муддат ишлатиб, кейин қабул қилувчи мамлакат ҳукуматига топшириш тушунилади (бу усул асосан ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади).

Бундай компания ёки корхонада иштирок этадиган чет эл монополияси ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг муайян қисмини сотиб олиш, баъзан жаҳон нархларидан арзонроққа сотиб олиш (берилган кредитлар, жиҳозлар ва турли хизматлар эвазига) ҳуқуқига эга бўлади.

Компания ёки корхона чет эллик шерикнинг қарзидан қутилишидан сўнг у шартномада кўрсатилган вақт мобайнида ўз улушидаги маҳсулотни жаҳон нархларида сотиб олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин.

Транс ва кўп миллатли концернлар мулкка эгалик қилишдан битимли муносабатларга ўтганда чет эллардаги кўпчилик юридик жиҳатдан мустақил фирмаларни акциядорлик капитали, шахсий муносабатлар орқали эмас, балки бу фирмаларни технологик ва ташкилий жиҳатдан ўзларига боғлаб қўйган ҳолда тасарруф қиладилар.

Битимли муносабатлар ролининг ошиши ривожланаётган давлатларнинг қарзи кўпайиб бораётганлиги, жаҳон капитал бозорида фоиз ставкаларининг ўсиши, трансмиллий банкларнинг битимли муносабатларни маблағ билан таъминлаши кенгаяётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Битимли муносабатлар трансмиллий корпорацияларни ўзига жалб этишининг сабаби, улар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодига капитал киритишдаги сиёсий ва тижорат таваккалчилиги билан боғлиқ бўлмайди. Бундан ташқари, битимли муносабатлар кўпинча акциядорлик назорат шаклини қўшимча тўлдиради. Масалан, Бритиш Лейланд компанияси Кениядаги юк машиналари, автобуслар ишлаб чиқарадиган корхонанинг 45% акцияларига эгалик қилгани ҳолда, шу мамлакат ҳукумати билан мазкур корхонани ўн йил давомида бошқариш учун битим тузди.

Шунга қарамай, истиқболда халқаро корпорацияларнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодига кириб боришининг асосий шакли бевосита инвестициялар бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Ривожланаётган мамлакатларга келсак, уларда бевосита чет эл инвестициялари мутлақ ўсгани ҳолда монополияларнинг ушбу мамлакатлар иқтисодига кириш тадбирларида бевосита инвестицияларнинг аҳамияти пасайиб бориши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлардан капитал олиб чиқиш

Кейинги 20–25 йилда ривожланаётган мамлакатлардан капитални олиб чиқиш кенг қулоч ёйди. 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан то 2001 йилгача улардан олиб чиқилган бевосита чет эл инвестициялари ҳажми 8 марта, ривожланган мамлакатлар учун эса бу кўрсаткич 3 марта ўсди.

Капитал экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

– Саноати анча ривожланган, миллий, трансмиллий корпорациялари бўлган ва ўз фаолиятини кенгайтираётган мамлакатлар (Аргентина, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва ҳ.к.).

– Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар[1].

---

[1]Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар: Жазоир, Ангола, Баҳрайн, Бруней, Дор-ус-салом, Камерун, Конго, Эквадор, Миср, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Қувайт, Ливия, Малайзия, Мексика, Нигерия, Уммон, Қатор, Саудия Арабистони, Тринидад ва Тобаго, Тунис, Бирлашган Араб Америкалари ва Венесуэла.

I. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида капитал ҳосил бўлиши жараёни жамғариш суръатлари паст ва миқдори кичик бўлган майда тарқоқ капиталлар массаси билан боғлиқ. Бироқ, айрим тармоқларида борган сари капитал маблағларнинг қудратли генератори сифатида намоён бўлаётган миллий корпорациялар шаклланаётган ва куч тўплаётган баъзи ривожланаётган мамлакатлар (масалан, Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ва ҳ.к.)да капиталнинг нисбатан ортиқча жамғарилиши юз бермоқда. Бундай ортиқча жамғарилиш асосида қуйидагилар ётади:

1. Бу мамлакатларда етакчи капиталистик давлатлардан келтирилган техника асосида ривожланаётган йирик саноат ишлаб чиқариши билан ички бозорнинг торлиги орасидаги қарама-қаршилик мавжуд.

Ички бозорнинг торлигига сабаб хўжалик юритишнинг эскирган архаик шаклларининг жуда кўплигидир. Чунки:

— анъанавий меҳнат замонавий ишлаб чиқариш воситаларини деярли талаб қилмайди;

— аҳолининг харид қилиш қобилияти ҳам жуда паст.

Ҳатто замонавий бўғинда ҳам реал иш ҳақи жуда пастлиги туфайли меҳнаткашларнинг харид қилиш қобилияти ҳам паст. Шунинг учун ҳам баъзи ривожланаётган давлатларда шаклланаётган йирик шахсий капитал дастлабки босқичлардаёқ ортиқча жамғарила бошланади.

Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг самарали (айниқса оптимал) миқдори шу маҳсулотни сотишга мўлжалланган ички бозорнинг мутлақо торлигига тақалиб келади.

2. Иқтисоднинг турғунлашган тарқоқлиги — хўжаликнинг турли босқичдаги ҳар хил технологик шакллари ва турлари параллел (ёнма-ён), автоном (алоҳида-алоҳида) мавжудлиги, улар ўртасидаги чуқур тафовутлар кўпинча йирик миллий капиталнинг ички иқтисодда рисоладагидек айланишига кескин тўсиқларни вужудга келтиради.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодининг тарқоқлиги шахсий капиталнинг ортиқча жамғарилиши билан миллий иқтисод даражасида капиталнинг ўткир тақчиллиги ёнма-ён бўлишига, яъни капиталнинг нисбатан ортиқча тўпланиб қолишига олиб келади.

Ривожланаётган иқтисоднинг тарқоқлиги:

— капиталистик сектор билан ёнма-ён тарзда хўжаликнинг кўплаб эскирган архаик шакллари мавжуд бўлишида;

— капиталистик секторга кирувчи таркибий қисмлар орасида ўзаро алоқаларнинг кучсизлиги, унинг пастки бўғинлари юқори бўғинларига бўйсунмаслигида акс этади.

Миллий капитал бозорининг тарқоқлиги, "алмисоқ"дан қолган капитал шакли — савдогар ва судхўрлар капиталининг мавжудлиги, шунга ўхшаш омиллар капитални тармоқлараро ҳаракати йўлида қўшимча ғовлар қўяди. Демак, озод бўлган мамлакатларнинг ривожланган гуруҳи ичида ортиқча капитал ҳосил бўлиши жараёни юз беради. Ана шу ортиқча капитал энг юқори фойда олиш мумкин бўлган соҳаларни излаб, чет элларга йўл олади.

II. Ривожланаётган мамлакатлардаги капитал эгалари бирон бир соҳага мўлжалланган капиталга тўғри келадиган фойда нормаси мамлакат ичидаги фойда нормасидан ошмайдиган ҳолларда ҳам ўз капиталларини чет элларга йўналтирадилар. Бунинг сабаби, капитални чиқариш унинг фаолият соҳасини кенгайтириши билан айланишини оширади, натижада фойда массаси, нормасининг ўсишига олиб келади.

Бундан ташқари, бирон бир ривожланаётган мамлакатда капитални четга чиқаришнинг конкрет иқтисодий-сиёсий сабаблари ҳам мавжуд бўлади:

— миллий валютадаги маблағларни бошқа мамлакатларнинг валютасига ўтказиш йўли билан уларни қадрсизланишдан сақлаб қолиш;

— миллий ҳукуматнинг мамлакат иқтисоди ичидаги валюта, солиқ назорати ва ҳ.к.ларни кучайтиришга қаратилган тадбирларидан бўйин товлаш;

— капитални миллийлаштириш эҳтимолидан, сиёсий жанжал вазиятлари натижасида юз бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва ҳ.к.лардан асраш.

III. Нефть қазиб олувчи мамлакатларда капитални экспорт қилиш борасида шаклланадиган ортиқча капиталнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Унинг бевосита манбаи капиталистик жамғариш жараёни эмас, балки нефть ресурслари монополияси билан боғлиқ рентадир.

Бу давлатларни ривожланаётган мамлакатларга таққослаганда ҳам, қолоқ бўлган иқтисоди 70-йиллар ўртасида рўй берган энергетика инқирози ва нефть нархининг ошиб кетиши натижасида бу ерга жуда катта миқдорда оқиб келган пул массасини ўзлаштиришга қодир эмас эди. Натижада ортиқча капитал ҳосил бўлиш жараёни юз берди.

IV. Капитал ривожланаётган мамлакатлардан тадбиркорлик йўли билан ва ссуда шаклида чиқарилади. Бу капитал

чет элларда портфель инвестициялар, давлат қимматли қоғозларига қўйилган пул, банк депозитлари, кредитлар тарзида жойлаштирилади.

Ривожланаётган мамлакатлардан олиб чиқиладиган тадбиркорлик капиталининг асосий қисми озод бўлган бошқа мамлакатларга асосан қўшни давлатларга жойлаштирилади. Бироқ, ривожланаётган мамлакатлар инвесторларининг баъзилари ривожланган мамлакатларга ҳам кириб боради.

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан 2001 йилгача бўлган даврда ривожланаётган мамлакатлардан олиб чиқилган бевосита чет эл инвестициялари 11,3 млрд дан 91,3 млрд АҚШ долларигача ёки 8 марта кўпайган.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатлардан олиб чиқиб кетилаётган маблағларнинг асосий қисмини шу мамлакатларни бошқараётган ёки бошқарган режим раҳбарлари қўяётган чет эл пул омонатлари ташкил қилмоқда (Ф. Маркос Филлипинда, Ж.К. Дювалье Гаитида ва ҳ.к.).

Озод бўлган мамлакатлардан капитал олиб чиқилиши ривожланаётган ва ривожланган давлатлар иқтисодига турлича ва қарама-қарши таъсир кўрсатмоқда. Шунинг билан бирга, ривожланаётган мамлакатларнинг капитал экспортерларига айланиши кўп жиҳатдан ижобий ҳисобланади. У бу мамлакатларнинг иқтисодий алоқалари кенгайишига, мустақиллиги ошишига, жаҳон иқтисодидаги роли кучайишига ёрдам беради. Бир озод бўлган давлатдан иккинчи озод бўлган давлатга капиталнинг олиб чиқилиши уларнинг хўжалиги интернационаллашувини тезлаштиради, нисбатан қолоқ давлатга янги технология, ишлаб чиқариш тажрибаси, молиявий ёрдам берилиши имкониятини яратади.

Ушбу бобга шундай хулоса ясаш мумкин:

1. Жаҳон иқтисодининг интернационаллашуви, трансмиллий корпорациялар ривожланишининг тезлашуви янги бозорлар учун улар ўртасидаги курашни кескинлаштиради.

2. Ўз навбатида жаҳон иқтисодиётининг етакчи марказлари орасидаги рақобатнинг кучайиши чет эл инвестициялари географиясида янги оқимларни келтириб чиқаради, ривожланаётган мамлакатларга бевосита чет эл инвестициялари олиб киришнинг илгарилаб кетишига олиб келади.

3. Айни вақтда ривожланаётган мамлакатлар ичида кейинги икки ўн йиллар мобайнида бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида яққол етакчи мамлакатлар пайдо

бўлди. Булар, Жанубий, Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидир. Уларнинг ўзига жалб қиладиган томони, ички бозорлари юқори суръатлар билан ўсмоқда ва кўламлари кенгаймоқда.

4. Ривожланаётган мамлакатларга хусусий инвестициялар кириши билан бирга улар расмий ёрдам ҳам оладилар. Бироқ, кейинги 10 йил мобайнида расмий ёрдам бирмунча қисқарди.

5. Чет эл капиталининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодда иштирок этишининг асосий шакли у ерларда чет эл филиалларини тузиш бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, аралаш (қўшма) корхоналар тузиш, шу мамлакатлар билан битимли муносабатларни йўлга қўйиш каби усуллар ҳам кенг қулоч ёймоқда

6. Кейинги 20–25 йил ичида ўз навбатида ривожланаётган мамлакатлардан капитал олиб чиқиш кўлами кенгаймоқда.

7. Янги индустриал мамлакатларда капиталнинг жамғарилиши билан бир вақтда, айрим тармоқлар, иқтисоднинг замонавий тармоқларида ички бозорнинг торлиги кузатилмоқда. Бунга сабаб хўжаликнинг эскириб қолган анъанавий шакллари кўплаб сақланиб қолганлиги ва иқтисоднинг тарқоқлигидир.

8. Ривожланаётган мамлакатлардан капитални олиб чиқилишида иқтисоди "нефть доллари"нинг ортиқча кўп массасини ўзлаштиришга қурби етмайдиган нефть қазиб олувчи давлатлар катта роль ўйнамоқда.

9. Умуман, ривожланаётган мамлакатлардан капитал чиқариш уларда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳ.к. жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, бу ҳол уларнинг мустақиллиги кучайишига, жаҳон хўжалигига чуқурроқ кириб боришига ёрдам беради.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Ривожланаётган мамлакатларга капиталнинг олиб чиқилиши сабаблари, анъаналари ва географиясидаги ўзгаришлар.

2. Ривожланаётган мамлакатларга капитал олиб чиқилиши тузилмасининг ривожланиши.

3. Чет эл капиталининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида иштирок этиш шакллари.

4. Ривожланаётган мамлакатлардан капитал олиб чиқилишининг сабаблари ва анъаналари.

5. Капитал экспортининг ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. *Басовский Л.Е.* Мировая экономика. Курс лекций — М., ИНФРА-М, 2003.

2. *Белоус Т.Я.* Международные монополии и вывоз капитала. М., «Наука», 1987.

3. *Брагина Е, Гумен Р.* Мировая промышленность: статика и динамика. — ж. МЭ и МО, М., 1995, №5.

4. *Ковалевский А.* Частные прямые инвестиции странах Азии Африки и Океании. -ж. "Азия и Африка сегодня". М., 1989, №5.

5. *Ломакин В.К.* Мировая экономика, М., «Финансы», 1998.

6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.

7. *Солюс Г.П.,Кузнецова А.И.* Развивающиеся страны в сетях финансовой зависимости. М., Финансы и политика, 1990.

8. *Хвойник П.* Трудные проблемы внешнего финансирования развивающихся стран. — ж. "МЭ и МО", 1990, №3.

9. World Investement Report 1998: Trends and Determinants, UN, New York and Geneva, 1998.

5-БОБ
ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН ИҚТИСОДИДА ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР

1960-йиллар охири 70-йиллардан бошлаб ривожланаётган мамлакатлар иқтисоди учун ривожланиш суръатларининг юқорилиги, халқаро иқтисодий муносабатларга қўшилиши характерлидир. 1970—96 йиллар мобайнида уларнинг жаҳон савдосидаги улуши 18,9% дан 28,7% гача, яъни 1,5 мартадан кўпроқ ўсди.

Бироқ, бу умумлаштирилган кўрсаткич ушбу ютуқларга эришишда "учинчи дунё" мамлакатлари турли гуруҳларининг ҳақиқий иштирокини акс эттирмайди. Амалда эса вазият шундайки, айтиб ўтилган даврда улардан кўпчилигининг жаҳон бозоридаги иштироки камайган. Юқорида айтиб ўтилган ютуқларга бир неча мамлакатлар туфайлигина эришилди. Умумий товар экспортига 15 та ривожланаётган давлатнинг ҳиссаси 41,5 дан 77% гача, жумладан, қайта ишлов берувчи саноат экспортида уларнинг ҳиссаси 27,1 дан 91,8% гача ўсди. Улар орасида "Янги индустриал мамлакатлар" деб аталадиган давлатлар, аввало Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари етакчи ўринни эгаллади. Улар кейинги 20—30 йилда жаҳон иқтисодига шиддат билан кириб келишди.

Бир давлатни янги индустриал мамлакатлар жумласига қўшиш учун умумий мезон йўқ. Баъзи олимларнинг фикрича, экспортда саноат товарлари анча катта ўрин тутадиган бир қатор ривожланаётган мамлакатлар (Бразилия, Мексика, Аргентина, Ҳиндистон, Сингапур, Индонезия, Жанубий Корея, Тайвань ва ҳ.к.) ни, ўртача ривожланган капиталистик мамлакатлар (Испания, Греция, Ирландия ва ҳ.к.)ни "янги индустриал мамлакатлар" жумласига қўшиш мумкин. 1978 йилда экспортда саноат маҳсулотлари улуши Гонконгда 96%, Жанубий Кореяда 85%, Ҳиндистонда 60%, Сингапурда 45%, Бразилияда 33%, Аргентина ва Мексикада 26% ни ташкил этди.

Бошқа баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, бир қатор кўрсаткичлар йиғиндисини ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, қандай мамлакатларни янги индустриал мамлакатлар жумласига киритиш кераклиги борасида мутахассисларнинг фикри турлича бўлмоқда. Шунга қарамай, жаҳон иқтисодий амалиётида Аргентина, Бразилия, Мексика, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Индонезия, Гонконг, Филиппин, Малайзия, Тайланд каби давлатлар "янги индустриал давлатлар" номини мустаҳкам эгаллаб олди.

Янги индустриал мамлакатлар иқтисоди тавсифи. Экспортнинг роли

Янги индустриал мамлакатлардан баъзиларини, яъни Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган Жанубий Корея, Гонконг (ҳозир ХХР ҳудудида), Тайвань ва Сингапурни "янги Япония" ёки "тўрт аждарҳо" деб аташади. Бунга сабаб уларнинг иқтисодий жиҳатдан тез ривожланганлигидир. Бу тараққиётнинг асосини экспорт тармоғининг ривожланиши, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишни кўпайтиришдаги муваффақиятлар, рақобатбардошликнинг юқорилиги, жаҳон бозоридаги ўзига хос тажовузкорлик ташкил қилади.

Янги индустриал мамлакатлар "тўрт аждарҳо" иқтисоддаги кескин юксалиш туфайли 1970-йиллар ўрталаридан бошлаб ўз ривожида, айниқса, экспортда юқори натижаларга эришди ва амалда саноати ривожланган давлатлар даражасига кўтарилди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида уларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари 7–8% дан пастга тушмади, ўртача олганда умуман 10% ни ташкил қилди.

Ташқи қарзи жуда катта бўлган кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда, "тўрт аждаҳо " ўз тўлов балансларида йирик ижобий қолдиқни жамлади: 1987 йилда у 30 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўша вақтда барча Ғарбий Европа мамлакатларидан пича камроқ эди. Шунинг учун ҳам "тўртлик"да пул жамғармасининг даражаси энг юқорилардан бири бўлди. Масалан, Тайваннинг валюта захиралари 1989 йилнинг ўзида 76 млрд АҚШ долларга етди. Бу АҚШ, Буюк Британия, ГФРникидан кўп, фақат Японияникидан озгина кам эди.

Шунинг учун ҳам бу даврда янги индустриал мамлакатлар ўз тарихларида инфляциядан деярли қийналмадилар, уларда ишсизлар деярли бўлмади, аҳолининг ҳаёт даражаси эса жуда юқори бўлди.

"Тўртлик"нинг экспорти биринчи навбатда АҚШ ва Японияга қаратилган. Агар иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг умумий импортида янги индустриал мамлакатларнинг улуши 7%ни ташкил қилган бўлса, АҚШ импортида 14%гача, Япония импортида 11%ни ташкил этади.

Янги индустриал мамлакатларнинг Америка бозорига мослашганлигини тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечаклар импортида уларнинг улуши 46%, маиший техникада 37%ни ташкил қилганидан билса бўлади.

Шу билан бирга, янги индустриал мамлакатлардан АҚШ бозорига саноат маҳсулотларининг оқиб кириши кўп жиҳатдан Америка ва Япон трансмиллий корпорацияларининг фаолияти натижаси ҳисобланади. Масалан, Япония бу мамлакатлардан ўз рақобатдошлари — АҚШ бозорларига кириб бориш учун йўлак сифатида фаол фойдаланади. Ривожланган капиталистик давлатларнинг корпорациялари янги индустриал мамлакатлардаги имтиёзли тадбиркорлик шароитларидан фойдаланишади. Янада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун арзон ишчи кучи ва хомашё, солиқ имтиёзлари ва ҳ.к. шулар жумласига киради. Айниқса, шу мамлакатларнинг манфаатлари янги индустриал мамлакатлар иқтисодидаги устувор йўналишларга, ташқи савдо тузилишига асосий таъсир кўрсатиши бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан Малайзия ташқи савдо кўрсаткичлари анча ибратли. Қуйида келтирилаётган жадвалдан кўринадики, мамлакат импортининг катта қисмини оралиқ товарлар ташкил қилади. Оралиқ товарлар деганда якунловчи

операцияларни бажариш учун четдан келтирилган, кейин халқаро бозорга чиқариладиган товарлар тушунилади. Шунинг учун экспортда қайта ишловчи электрон саноат маҳсулотлари етакчи роль ўйнайди.

Малайзия экспорти ва импорти тузилиши (%да)

	1998	2001
Экспорт	100	100
Асосий хомашё товарлари:		
каучук	0,97	0,97
пальма ёғи	6,2	5,6
тайёр тўсин ва тахталар	1,5	-
хом нефть	2,6	-
Ишлов берувчи саноат маҳсулотлари:	82,9	84,6
газлама, кийим-бош, пойафзал	3,3	-
нефть-кимё маҳсулотлари	4,8	-
электрон саноат маҳсулотлари	56,4	55,9
металлга ишлов бериш маҳсулотлари	2,9	-

Жанубий Корея иқтисодининг тез суръатлар билан ривожланишида экспортнинг ғоятда тез ўсиши энг муҳим аҳамият касб этди. 1960 ва 1989 йиллар орасида ҳар йиллик экспорт ўртача 30% ўсди, шу давр охирида эса, 60 млрд АҚШ долларидан ошди. Мамлакат экспорти диверсификациясида ҳам юқори натижаларга эришилди: 1962 йилда 69 номдаги экспорт товарлари, 1989 йилда 5270 номда экспорт товарлари чиқарилди, яъни ҳар йиллик экспорт товарлари 200 та янги маҳсулот билан тўлдириб борилди.

Кейинчалик экспортнинг ўсиш суръатлари анча қисқарди, бунга минтақадаги инқироз сабаб бўлди. Агар 1995 йилда Жанубий Корея экспорти ҳажми 1994 йилдагига нисбатан 31,5% ўсган бўлса, 1996 йилда 4,1%, 1997 йилда 7,2% ва 2001 йилда 6,1%га ўсди.

Мамлакат ҳукумати лицензия, имтиёзли қарзлар бериш, импортни кредитлаш асосида экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан ташқи бозорга мўлжал олиш йўлидан оғишмай борди. Натижада миллий фирмалар орасида рақобат кучайди: шу билан бирга, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш "ўзига хос" тарзда рағбатлантирилди. Жанубий кореялик иқтисодчи Б.Сонгнинг айтишича, ҳукумат кўрсатмаларини бажармаган ёки унинг режаларига мос иш юритмаган корхоналар иқтисодий инфратузилмадан узиб қўйиларди (ҳатто сув ва электр энергияси бериш тўхтатиларди).

Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий юксалиш сабаблари

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш чўққисига чиқишларига асосий сабаб, уларнинг қулай географик минтақада жойлашганлигидир. Улар турли қитъаларни бирлаштирадиган асосий савдо йўллари туташган ерда жойлашган. Масалан, Гонконг қадимдан Хитойга боришдаги Жанубий дарвоза вазифасини ўтаган. Тинч ва Ҳинд океанлари туташадиган Сингапурни эса, ҳар доим Шарқнинг ғарбий дарвозаси ва Ғарбнинг шарқий дарвозаси деб аташган.

Яна бир хил мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу ривожда бошқа кўп омилларнинг уйғунлашуви катта аҳамиятга эга бўлиб, омиллар ичида уддабуронлик билан юритилган эпчил солиқ сиёсати алоҳида ажралиб туради. Бу сиёсат Гонконг ва Сингапурга кўпгина чет эл савдосотиқ ва саноат компанияларини, умуман молия капиталини жалб қилишига имкон берди.

Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайванга йирик ғарбий ва япон бизнесини тортган муҳим магнит бу ерда ишчи кучининг арзонлиги, маҳаллий халқнинг меҳнатсеварлиги, иш қобилияти юқорилиги бўлди. Қуйидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 1995 йилда тўқимачилик соҳасида ва кийим-бош ишлаб чиқаришда ишчи кучининг қиймати АҚШда Корея Республикасидан 19,0 ва 9,1, Индонезиядан 68 ва 5, Туркиядан 58 ва 61 фоиз юқори бўлган.

Айрим мамлакатлар ва саноат тармоқларида ишчи кучи қиймати 1980 ва 2002 йилларда (АҚШ даги иш ҳақига нисбатан)

Мамлакат	Тўқимачилик тармоғи		Кийим-бош ишлаб чиқариш	
	1980	2002	1980	2002
Корея Республикаси	0,74	0,83	0,79	0,90
Ҳиндистон	1,16	0,85	1,19	0,86
Индонезия	0,58	0,34	1,14	0,85
Туркия	0,69	0,45	0,71	0,48

Булар албатта янги индустриал мамлакатларнинг ривожланган давлатлар билан фаол муносабатларга киришувидаги муҳим омиллардир. Бироқ, жаҳон иқтисоди ривожининг ҳозирги босқичи, унинг хусусиятлари ҳал қилувчи омил бўлган.

Янги индустриал мамлакатларнинг юқорида санаб ўтилган табиий омиллари (географик ўрни, арзон ишчи кучи ва ҳ.к.) анча илгаридан маълум, лекин бу омилларнинг айнан кейинги 2—3 ўн йилликларда қўл келгани тасодиф эмас. Бу мамлакатлар ўзларига хос хусусиятлардан жаҳон иқтисоди ривожининг янги замонавий босқичида уддабуронлик билан фойдаландилар, бу босқич учун қуйидагилар хос:

— иқтисоднинг интернационаллашуви, бу ҳол халқаро меҳнат тақсимотининг янада ривожлантирилиши ва шунга боғлиқ равишда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари миллий хўжаликларининг таркиби ўзгариши билан боғлиқ;

— йирик кўламли оммавий ишлаб чиқаришдан майда серияли хусусий ишлаб чиқаришга ўтиш;

— ишлаб чиқаришни марказлашиш, бир жойга тўпланишдан чиқариш, бозор ўзгаришларига тез мослаша оладиган майда ва ўртача корхоналарнинг аҳамиятини ошириш;

— шу муносабат билан майда капиталларнинг аҳамияти ошиши;

— хўжалик юритишнинг янги тури — маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бозор қонунлари эркинлигини, хўжалик

юритувчи субъектлар томонидан иқтисодий жараёнларга режали таъсир кўрсатилишини ўзида жамлаган турига талаб ошганлиги;

— мулкчилик шаклларининг кўплиги, улар орасидаги муносабатларнинг уйғунлиги мавжудлиги;

— инсон омилининг роли ошганлиги, иқтисоднинг интеллектуаллашиши, яъни фан ютуқларига суяниши.

Бу ерда бир-бирини излаб юрган, бир-биридан манфаатдор бўлган шериклар учрашиб қолгандагидек ҳол юз берди. Осиёдаги янги индустриал мамлакатларнинг тақдирида ривожланган мамлакатлардан Япония алоҳида роль ўйнади. Осиё мамлакатларидаги шиддатли иқтисодий юксалиш тахминан шундай даврга тўғри келдики, бу даврда япон капитали ўзининг қудратини сезиб, бу капитални жойлаштиришнинг янгидан-янги жойлари ва тармоқларини қидираётган эди. Айнан ўша "тўртлик" япон бизнеси учун жуда қулай жойлашганлиги деярли ҳал қилувчи ролни ўйнади. Япония 70-йиллар охирида бу мамлакатлар иқтисодига капиталини фаол жойлаштириб, чет эл инвесторлари ичида у ерларда етакчи ўринни мустаҳкам эгаллади (Япония 1988 йилда Сингапурда рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринга чиқди).

Япон инвестициялари турли шаклларда тез ўсиб бормоқда: саноатга доир ва бошқа лойиҳалар маблағ билан таъминланади, маҳсулотларни жойларда йиғиш учун зарур қисмлар етказиб берилади, маҳаллий ходимларга иш ўргатилади ва ҳ.к.

1997 йилда Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларига Японияниинг бевосита чет эл инвестициялари умумий ҳажмининг 22,6% (2001 йилда 18,4%) улуши тўғри келган (айни вақтда бошқа барча ривожланаётган мамлакатларнинг улуши 36,9%ни ташкил қилган).

Илгари Япония ўз технологиясини бошқа мамлакатлар билан истар-истамай баҳам кўрган. Бироқ, энди вазият ўзгара бошлади. Япония бўйича мутахассис Рональд Морзенинг фикрича, "Улар янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий кучайишига ёрдам беради ҳамда шу туфайли у ерларда сиёсий ва стратегик таянчга эга бўлади".

Шу нарса жуда муҳимки, янги индустриал мамлакатларнинг ўзи япон капитали ва бошқа капиталлардан, шунингдек, жаҳон иқтисоди ривожидаги бошқа замонавий анъаналардан анча самарали фойдаланди.

Масалан, Сингапурда олдинига Японияниинг 60-йиллардаги тажрибаси, яъни аввало экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш тажрибаси ўзлаштирилди. Энг янги технологиянинг арзон ишчи кучи билан уйғунлашувини таъминлаш мақсадида лицензиялар, патентлар сотиб олишга зўр берилди.

Вақт ўтиши билан бу тажриба ўз аҳамиятини йўқотди. Японияниинг шундай ривожланиш моделини танлаган Жанубий Корея, Тайвань мамлакатлари томонидан рақобат кучайиб, ўз салбий таъсирини кўрсата бошлади. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар ўз ички бозорларини ҳимоя қилувчи кучли тўсиқларни ярата бошладилар.

Бундай шароитда Сингапур, тўртликнинг бошқа аъзолари каби, ўта мураккаб технология яратишни, фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни, малакали кадрлар тайёрлаш учун катта маблағлар сарфлашни мўлжал қилиб олди.

Сингапур ҳукумати кам унумли қўл меҳнатини сиқиб чиқариш учун 1979 йилдан бошлаб қўл меҳнати учун (энг кам) иш ҳақини мажбурий (тадбиркорлар учун) ошириш сиёсатини юритди. Бу чора тадбиркорларни эски кам истиқболли тармоқларни тугатиб, ишлаб чиқаришни янгилашга, автоматлаштиришга мажбур қилди.

Фан ютуқларига асосланган тармоқларга мўлжал олиб, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань каби ривожланаётган мамлакатлар, АҚШ, Япония, Германия каби энг ривожланган мамлакатларга анча жиддий рақобатчига айланди.

Бунинг натижасида АҚШ "тўртлик"дан электрон қисмларни сотиб олишни анча қисқартирди. Ўз ички бозорларини уларнинг товарлари билан тўлдирмаслик мақсадида бошқа чораларни ҳам кўрди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳукуматнинг роли

Бозор тизими иқтисодий ҳаётда хусусий секторнинг етакчи ўрин эгаллашини кўзда тутади. Бироқ, иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқичида "сиёсий ечимлар иқтисодий омиллардан устунлик қилганда" давлат етакчи ролни ўз қўлига олгани маъқул дейиш учун кескин асослар бор. Масалан, 1960-йилларда Корея раҳбарияти фикрича, улар ўз кучларини хусусий тадбиркорликни юксалтириш учун

шароит яратишга жамлаши лозим эди, шу мақсадда хусусий тадбиркорларга қуйидаги ёрдамни кўрсатди:

1) ҳукумат ижтимоий инфратузилмани, шу жумладан, йўллар, тўғонлар, портлар, темир йўллар, саноат зоналари, мактабларни барпо қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди;

2) хусусий тадбиркорликни кенгайтиришни осонлаштириш, унинг йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш учун ҳукумат янги қонунлар қабул қилди, эскиларини синчиклаб қайта ишлаб чиқди;

3) жамғармаларни кўпайтириш, экспортни кенгайтириш, миллий капитални, чет эл хусусий капиталини жойлаштиришга ёрдам бериш, чет эллардан инвестициялар, технологияларни жалб қилиш мақсадида кўплаб янги институтлар ташкил қилинди, сиёсий тарздаги кўплаб тадбирлар кўрилди;

4) йирик кўламли лойиҳалар (электр станциялари, пўлат қуйиш заводлари, кемасозлик корхоналари қуриш) учун кетадиган харажатларни қоплашга ишлатиладиган ташқи қарзлар бўйича кафолатлар бериб, ҳукумат кўпинча хусусий тадбиркорларнинг инвестиция борасидаги фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликни ўз зиммасига олди;

5) давлат маъмурий аппаратининг самарадорлигини оширишга доир тадбирлар кўрилди (ходимларни чет элларда ўқитиш, малакасини ошириш ва ҳ.к.).

Кореянинг урушдан кейинги иқтисоди нисбатан кичик бўлганлиги, иқтисодий ривожланиш мақсади анча оддийлиги, хусусий тадбиркорларга зарур маълумотлар, бошлаган ишини келажагини кўра билиш уқуви етишмаганлиги туфайли иқтисодий ривожланиш жараёнини бошқариш учун ҳукумат айрим фаолият турлари, баъзи саноат тармоқлари учун рағбатлантирувчи омиллар яратиш йўли билан бозор кучларини маълум йўналишга солиб юборишга ҳаракат қилди. Ҳукумат тутган ана шу фаол ўрин корейс иқтисодини кескин юксалтиришга туртки бўлган асосий ҳаракатлантирувчи кучлардан бири бўлди.

Бироқ, иқтисодиёт ўсгани ва мураккаблашгани сари, жаҳон иқтисодий вазияти тез-тез ўзгариб турганлиги туфайли сиёсатдонларга шу нарса аён бўла бошладики, бозор механизми, хусусий иқтисодий фаолиятга давлатнинг ортиқча аралашаверищи салбий оқибатларга олиб келар экан.

Иккинчи нефть инқирозидан (1978–79) кейин давлатнинг иқтисодни бошқариш услуби рўй берган салбий ҳолатлар

(қудратли оғир саноатнинг енгил саноатга нисбатан ортиқча ривожланиши, инфляциянинг юқорилиги, даромадларни тақсимлашдаги адолатсизликлар, тўлов балансининг бузилиши) туфайли борган сари танқидга учрай бошлади.

Янги корейс ҳукумати мамлакатдаги иқтисодий вазиятни ва конъюктуранинг кескин ўзгарганлигини ҳисобга олиб, 1980-йиллар бошида хўжалик сиёсатини нархларнинг муқим барқарорлигига эришиш, бозор кучларининг эркинроқ ҳаракатланишига йўл қўйиш, тадбиркорлик фаолиятига юмшоқроқ ёндошиш томонига ўзгартира бошлади.

Ҳозирги вақтда корейс бизнесменлари илгаригига нисбатан анча қаттиқ рақобат шароитида фаолият кўрсатмоқдалар, ҳукуматнинг йўналтирувчанлик роли ва унинг инвестициялар, ишлаб чиқариш ва экспортдаги фаолликни қўллаб-қувватлаш даражаси паст бўлмоқда.

Давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида устувор ролни ўйнаши фақат Кореягагина хос эмас. Шу билан бирга, кўпинча, "тез ва тартибли иқтисодий ўсиш учун ривожланаётган мамлакатда авторитар ҳукуматнинг бўлиши қанчалик ўзини оқлайди ва қанчалик зарур" деган савол туғилади. Бироқ, муаммо шундаки, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда токи муайян маданий ва иқтисодий шарт-шароитлар пишиб етилмагунча сиёсий демократия шаклланмайди. Демократияни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири, аҳоли кўпчилик қисмининг фаровонлиги муайян даражага етишидир. "Ақлнинг улуғворлиги — фаровонлик оқибати", деган қадимги Хитой мақоли бор. Демократия "ақлнинг улуғворлигини", яъни сенинг эътиқодинг ва манфаатларингга зид бўлса ҳам муросасозликка боришга ва электоратнинг ҳар қандай қарори билан келишишга тайёрликни билдиради. Бу эса аҳолининг фаровонлик даражаси анча юқори бўлишини, ҳеч бўлмаганда, умумий сурункали очарчилик бўлмаслигини тақозо қилади.

Сиёсий демократиянинг бошқа иқтисодий шарти бозор тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Бозор қобиғидаги иқтисодий ривожланиш давлатнинг иқтисодиётга аралашувига авторитар иқтисодий тузумга қарши бўлган кучларни келтириб чиқаради. Кейинги йиллар мобайнида корейс сиёсий тизимининг равон фаолият кўрсатаётганлигига айнан шу омил асос бўлмоқда.

Мамлакатда вужудга келган иқтисодий тажриба қанчалик кучли йўл-йўриқларга асосланмасин, унинг асосини турли мулкчилик шаклларига мўлжал олинганлиги ташкил қилади. Ана шу кейинги омил монополияни бартараф қилишга олиб келди. Хўжалик механизми ўз эпчиллиги, ҳаракатчанлиги, ташқи ва ички шароитлар ўзгаришига мослашувчанлигини сақлаб қолди. Ҳукуматнинг иқтисодиётга аралашуви ва таъсири унинг жамғармадаги катта улуши билан таъминлаб турилди, лекин хусусий сектор мустаҳкамланган сари бу улуш анча камайди: 80-йиллар бошига келиб, биринчи 5 йиллик режадаги 40,7% дан 20,6% га тушиб қолди.

Давлат мулкчилиги ҳам шунга монанд ўзгариб борди. Давлат корхоналари сони 60-йилларда юқори суръатлар билан ўсди ва 70-йиллар ўрталарида энг юқори қийматга эришди. Лекин бешинчи беш йиллик (1982–86) режани амалга оширишга киришар экан, ҳукумат хусусийлаштириш сиёсатини юрита бошлади. Бунда у хусусий сектор корхоналарни, металлургия ва нефть-кимё тармоқларидаги корхоналарни самарали бошқариши мумкин деб ҳисоблади. "Иқтисодиётнинг ва чет эл давлатлари билан муносабатларнинг мураккаблашиб бораётганлиги туфайли давлат аралашувини чеклаш, хусусий секторнинг қарорлар қабул қилишига кўпроқ эркинлик бериш зарурлиги" борган сари ойдинлашиб борди.

Давлат билан хусусий инвестициялар ўртасидаги нисбатнинг сифат жиҳатидан ўзгариши илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (НИОКР) каби устувор соҳада ҳам юз берди. Бу нисбат 1970 йилда 79:21ни ташкил қилди (жами 10,4 млрд вон, ялпи миллий маҳсулотнинг 0,4%). Бу кўрсаткич ривожланган Ғарб мамлакатлари кўрсаткичларига тенг ёки ҳатто ундан ортиқ бўлган.

1986 йилда бу нисбат 20:80 ни ташкил этди, яъни нисбат тубдан ўзгарди (1,878 млрд вон, ялпи миллий маҳсулотнинг 2,5%) ва 2002 йилда шу даражада бўлди. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинган бундай катта харажат ҳайратли бўлиб, кўп жиҳатдан мамлакатнинг муваффақиятларини изоҳлайди.

Янги индустриал мамлакатлар иқтисодиёти ривожининг муваффақияти сабабларидан яна бири маҳаллий ҳокимиятларнинг умумий таълим ва касбий тайёргарлик тизимини ривожлантиришга катта эътибор беришидир. Илгари янги индустриал мамлакатларнинг афзаллиги арзон ишчи кучи мавжудлиги билан боғлиқ бўлган бўлса, бу ҳол аста-секин

ўз қийматини йўқотди. Ҳозирги замон иқтисодиётида ривожланган юқори технологик ишлаб чиқариш ўз меҳнатидан манфаатдор бўлган, катта иш ҳақи оладиган малакали ишчи кучисиз самарали бўла олмайди. Жанубий Кореяда чет эл ресурслари, маҳаллий ресурслардан фойдаланишнинг юқори самарали бўлганлигига асосий сабаб маҳаллий кадрларнинг малакали эканлигидир. Жанубий Кореяга хос меҳнатнинг асосий кўрсаткичларидан бири ана шу юқори малакали ишчилардир. Тадқиқотчилар маҳаллий ишчи кучининг сифатини жуда юқори баҳолайди. Улар таъкидлашича, "Жанубий Корея меҳнат қилишга чанқоқ, маълумотли ва фидокор ишчи кучига эга, унинг улкан хусусиятларидан бири ҳам ана шудир".

Давлат томонидан яратилган турли даражадаги таълим тизимлари, шу жумладан, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрланиши ишчи кучининг юқори сифатли бўлишини таъминлади.

Мамлакатда катта ёшли аҳолининг саводхонлиги 93% га етди (Тайванда 79%, Японияда 99%).

Тайванда давлат томонидан таълим тизимига биринчи даражали аҳамият берилади. Амалдаги қонунга мувофиқ бу мақсадларда миллий бюджетнинг камида 15%и, вилоятлар бюджетининг 25%и, уезд ёки шаҳар бюджетининг 35%и сарфланади. 20 млн аҳоли яшайдиган оролда 120 та университет ва коллеж ишлаб турибди. Кейинги бир неча йилдан бошлаб мактаб битирувчиларининг ярмидан кўпи олий ўқув юртларида ўқишни яна давом эттиради.

Маданият масалаларига ҳам худди шундай катта аҳамият берилди. 1978 йилда Чан Кайшининг ўғли президент Цзян Цзинго ички сиёсатнинг бир қатор устувор йўналишларида миллий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг маънавий дунёсини бойитиш масалаларини илгари суриш ҳақида баёнот берди.

Мамлакатда "маданий ҳаётни сифат жиҳатидан кўтариш йўли билан иқтисодий юксалишни ижтимоий барқарорлик билан уйғунлаштириш" шиорини амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Тайванда Ғарб дунёси билан иттифоқнинг нақадар фойдали эканлиги таъкидланди. Ҳозирги Тайвань амалда икки тилли мамлакат ҳисобланиб, бу ерда миллионлаб кишилар инглиз тилида ҳам гаплашади, инглиз тили мактабларда мажбурий тарзда ўқитилади. Бу ерда: "Агар биз дунёга фақат иероглифлар орқали қараганимизда эди, ҳозирги муваффақиятларимизга эришмаган

бўлардик", дейишади. Маданият масалаларига бунчалик устувор эътибор ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш анъаналари ва хусусиятлари билан изоҳланади.

Фақатгина касбий ва ақлий савияни эмас, балки умуммаданий савияни ҳам оширмай туриб, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига самарали кириб бориш (интеграция) мумкин эмаслигига янги индустриал мамлакатларда вақтида аҳамият беришди.

Умумий хулосалар қуйидагича:

1. Янги индустриал мамлакатларнинг асосий хусусияти — иқтисоднинг юқори суръатларда ривожланишидир. Бунинг асосида экспорт тармоқларнинг, аввало, саноат товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг ривожланиши ётади.

2. Бу давлатлар экспортининг ўзига хос хусусияти, уларнинг АҚШ ва Япония бозорларига мўлжал олганлигидир. Бу Америка ва Япон трансмиллий корпорацияларининг тезкор фаолияти билан изоҳланади.

3. Янги индустриал мамлакатлар иқтисодиёти, экспортининг юқори суръатларда ривожланиши сабаблари, уларнинг жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги замон ривожланиш босқичида ўз географик ўринлари, арзон ишчи кучи, хомашё борасидаги афзалликлардан самарали фойдалана олганликлари билан изоҳланади.

4. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишда юқори кўрсаткичларга эришишида, бу ерда сиёсий демократияни яратишда давлатнинг фаол сиёсати етакчи роль ўйнади; шу туфайли зарур иқтисодий, ташкилий ва ҳ.к. омиллар яратилди.

5. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишдаги муваффақиятларидан бири маҳаллий ҳокимиятларнинг таълим тизимини ривожлантиришга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор берганликлари ҳамда минтақа мамлакатларида таълимнинг анъанавий тарзда қадрланишидир.

6. Миллий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг маънавий дунёсини ҳар тарафлама бойитиш масалаларига ҳам худди шундай эътибор берилди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) иқтисоди ва экспорти ривожланишининг хусусиятлари.

2. ЯИМ иқтисоди жуда тез ривожланишининг ва уларнинг жаҳон хўжалигига интеграциясининг ички ва ташқи сабаблари.

3. Ҳудуддаги ЯИМда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг роли.

4. Ҳудуд мамлакатларидаги валюта-молия инқирозининг сабаблари ва уни мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсири.

АДАБИЁТЛАР

1. *Брагина Е.* Республика Корея: закономерности экономического чуда. – ж. "МЭ и МО". 1991, №10.

2. *Дак Ву Нам.* Опыт экономического развития Республики Корея в условиях рыночной системы, – ж. "МЭ и МО". 1991, №4.

3. *Иванов П.Н.* Гонконг. История и современность. М., "Наука", 1990.

4. Международные экономические отношения. Проблемы тенденции развития. Санк-Петербург, 1990.

5. *Оникиенко А.* Модернизация на Тайване: от экономической либериализации к политической демократии. – ж. "МЭ и МО". 1993, №2.

6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М, 2004.

7. *Тэор Т.Р.* Мировая экономика, СП Питер, 2001.

8. *Федоровский А.* Новые индустриальные страны: динамика роста сохраняется - Тенденции мирового экономического развития. Обзор за 1990 г. и начало 1991 г., М., "Наука", 1991.

9. *Федоровский А.* Южнокорейский опыт внешне ориентированного развития; МЭ и МО, М., 1999, №7.

10. *Чудодеев А.* Прыжок "четырех китов" – ж. Новое время, 1989, №27.

11. How big is Asia. The Economist, 7.11.98.

6-БОБ
ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИ (АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ)

Ривожланаётган жаҳоннинг айрим минтақаларидаги иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатлари, уларнинг ташқи иқтисодий, савдо алоқалари кенгайишига кучли туртки бўлди. Шу билан бирга, бир қатор ички ва ташқи омилларга кўра, минтақавий ички ҳамкорликни кенгайтириш, чуқурлаштириш, янги ҳудудий бирлашмаларнинг пайдо бўлиши борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай иттифоқларнинг аъзолари фақат ривожланаётган мамлакатлар

эмас, балки илғор мамлакатлар ҳам ушбу минтақа аъзолари ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш соҳасида ҳам, минтақа ичидаги кооперацияда ҳам илгарилаб кетганлардан бири — Осиё-Тинч океани минтақаси ҳисобланади. Бу минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий ривожланиш борасида ўсиш энг юқори бўлган давлатлар: Япония, АҚШ, янги индустриал мамлакатлар (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур), Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси аъзолари бўлган мамлакатлар ҳамда Канада, Австралия, Янги Зеландия, Хитой.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва минтақада давлатлараро ҳамкорликни рағбатлантирувчи омиллар

Умуман, минтақа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан юқори суръатларда ривожланишига, бу ерда жойлашган давлатларнинг самарали сиёсати, ҳукуматлар, саноат ва фан доираларининг биргаликдаги ҳаракатлари сабаб бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг иқтисодий стратегияларида тафовут бўлишига қарамай, қуйидаги бир қатор ўхшаш томонлари ҳам бор:

1. Экспортга мўлжалланган сиёсат юритиш, бунда:

— Иқтисодий режалаштириш ва сиёсатни танлашда қиймат омилларини доимий ҳисобга олиш рағбатлантирилади;

жаҳон хўжалиги билан интеграциялашиш хусусий секторнинг самарадорлигини оширувчи механизмларни ишга солади;

экспорт чет эл валютасида даромад келтиради.

2. Юқори жамғариш нормаси. Маълумки, бирон-бир мамлакатнинг омонатлари, жамғармалари унинг ялпи миллий маҳсулоти ҳажмининг 20%га етса, у ўз-ўзини тиклаб турувчи ривожланиш босқичига эришади. 1960 йилда Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо давлатлар ичида фақат Тайванда жамғариш нормаси 20%га етди. 1982 йилдан бошлаб барча аъзо мамлакатларда 20%дан ошди. Шундай қилиб, ўз жамғармалари, чет эл манбаларидан келадиган қўшимча маблағларига эга бўлган бу мамлакатлар иқтисодини кенг кўламда инвестициялашга эришди.

3. *Хусусий секторнинг фаол роли ва иқтисодиётни самаралироқ ривожлантириш мақсадида хусусийлаштириш сиёсатининг ўтказилиши.* Бу ерда хусусийлаштиришнинг икки — мулкчиликни ва бошқарувни хусусийлаштириш томонлари бор. Мулкчиликни хусусийлаштиришда ижтимоий тенгсизликни вужудга келтирмаслик ёки абадийлаштирмас-лик чораларини кўриш лозим. Шунинг учун ҳам Хитойда товарлар оқимини тартибга солиш борасида бозор қонунлари ва механизмлари қабул қилиниши давлат мулки сақлангани ҳолда амалга оширилади. Хусусий мулкчилик етакчи бўлган Японияда ҳам мулкчилик ва бошқарув бир-биридан алоҳидадир.

4. *Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тараққиёт.* Минтақадаги мамлакатларда қишлоқ хўжалигини гуллаб-яшнаётган тармоққа айлантириш мақсадида аграр секторга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Жанубий Кореяда қатъийлаштирилган нархларни сақлаб туришга қаратилган давлат дастури қабул қилинган ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга доир илмий тадқиқотлар ўтказилди, ҳар хил тадбирлар кўрилди.

5. *Иқтисодий мослашиш (адаптация) сиёсати.* 1970-йиллар ва 80-йиллар бошида юз берган нефть инқирози давридаги иқтисодий пасайишга қарамай, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари юритган иқтисодий сиёсат уларни бу мураккаб даврни қарзларсиз босиб ўтишга имкон берди. Бунинг устига улар 3—4% ўсишга, кейин эса жаҳон иқтисодидаги умумий юксалиш шароитида 10% ва ундан ортиқ ўсиш суръатига эриша олди. Умуман, Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси минтақаси мамлакатларида 1980—2000 йилларда ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 7,8%ни, Шарқий Осиёда — 9,3%, Жануби-Шарқий Осиёда — 6,3%ни ташкил этди. Хитой эса бу кўрсаткич бўйича етакчи бўлди - унда 10,1%га етди.

6. *Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари учун бу ерда миллий интилишларни самарали амалга ошириш учун қулай бўлган халқаро ҳамкорлик муҳити мавжудлиги муҳим умумий омил ҳисобланади.* Шу билан бирга, у кооперация жараёни меҳнат тақсимотининг анъанавий вертикал ва горизонтал турларига асосланган бошқа минтақалардан анча фарқланади. Биринчи тур XIX асрда устунлик қилган, саноати ривожланган мамлакат билан хомашё етказиб берувчи мамлакат ёки метрополия билан мустамлака ўртасидаги

муносабатни ифодалаган. Иккинчи тур Европа Иттифоқига хос бўлиб, унда тахминан бир хил даражада ривожланган, маданияти ўхшаш бўлган индустриал мамлакатлар ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик олиб борадилар. Булардан фарқли ўлароқ, Осиё-Тинч океани минтақа мамлакатларида меҳнат тақсимоти "учаётган ғозлар" типидаги ривожланиш номини олиб, унга ўзига хос ўсиш тури тўғри келади. Маълумки, бу ҳудудда АҚШ биринчи ва етакчи давлатга айланди. XIX аср охирларидан бошлаб Япония энг зарур истеъмол товарлари соҳасида, кейинроқ узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, саноатнинг турли соҳаларида қувиб етиш усулидаги ривожланиш стратегиясига амал қилди. Ҳозирги вақтда янги индустриал мамлакатлар ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо давлатлар Япония йўлидан бормоқда.

Кўрилаётган мамлакатлардаги интеграция жараёнининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, Осиё мамлакатларининг ривожланиш даражаси, табиий ресурсларнинг кўп ёки камлиги, маданий, тарихий ва диний хусусиятлар жиҳатдан фарқларнинг катталиги туфайли уларнинг Европа Иттифоқи руҳида иқтисодий интеграциялашуви мумкин эмас. Бироқ, айнан шу кўп турлилик уларнинг "учаётган ғозлар" типида биргаликда ривожланишини тақозо қилади. Бунда ҳар қайси мамлакат ўзаро тўлдирувчи меҳнат тақсимоти ёрдамида олдинга ҳаракатланиш учун ўз хусусиятларини ишга солади.

Маълумки, халқаро меҳнат тақсимотининг бу тури, "Шимол-Жануб" доирасида индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар орасида муносабатларнинг ривожланишига ёрдам берди. Бир вақтлар Япония ва Америка капиталлари кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни яратиш учун Осиё мамлакатларига кенг кўламда инвестициялар киритган эди. Энди Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни авж олдиришмоқда. Улар йирик бозорларга айланиб, минтақа ичидаги савдо-сотиқнинг кенгайишига ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, 1990-йилларнинг ўрталарига келиб, Сингапур ва Гонконг муҳим капитал экспортчиларига айланди. Жанубий Корея ва Тайвань бевосита инвестициялар киритиш, технология ўтказиш йўли билан бошқа мамлакатларга ёрдам кўрсатмоқда.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо давлатларда меҳнат, табиий ресурслар мўл бўлиб, уларни бошқа мамлакатларга, ўз минтақаларидаги мамлакатларга етказиб бермоқда. Масалан, Индонезия, Малайзия ва Бруней нефт экспорт қилади. Бундан ташқари, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар Осиёдаги янги индустриал мамлакатлардан Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо давлатларга ўтиб туради. Шунинг учун уларда хомашё эмас, балки экспорт қилинадиган шу хомашёга ишлов бериш даражасини ошириш тадбирлари кўрилади. Минтақанинг кўп давлатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида сезиларли тараққиётга эришди.

Минтақа ичидаги интеграцияни рағбатлантирувчи ташқи сабаблар ичида Европа ва Америкада рўй бераётган иқтисодий блокларнинг шаклланиш анъанаси ажралиб туради. Бу Европа Иттифоқи доирасида ягона бозор ҳосил бўлиши муносабати билан Европа иқтисодиёти аутсайдер мамлакатлар учун ёпилиб қолади, деган хавотир билан боғлиқ.

"Шарқий Европа омили" ҳам уларни хавотирга солади. Бунга кўра, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда капиталга эҳтиёж кескин ошиб кетиши ва шу сабабли ссуда фоизи кўтарилиши мумкин.

Реципиент (қабул қилувчи) мамлакатлар орасида турли жамғармалар учун, капиталнинг кириб келиши учун, шу жумладан, ривожланишига расмий давлат ёрдами, хусусий кредитлар, инвестициялар учун жаҳон миқёсида рақобатнинг кучайиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Жанубий Корея илгари капиталнинг нетто-экспортчиси бўлган бўлса, 1991 йилдан бошлаб нетто-импортчисига айланди. Агар 1986–91 йилларда мамлакатга бевосита чет эл инвестициялари киритиш ўртача ҳажми 863 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2000 йилда у 3300 млн долларга етди ёки 3,5 марта кўпайди. Сингапур, Индонезия ва минтақанинг бошқа давлатларига кирадиган бевосита инвестициялар оқими анча ўсди (11-жадвал).

11 - жадвал

Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига бевосита чет эл инвестицияларининг кириши (млн АҚШ долларида)

Мамлакатлар	1986–91 (йилига ўртача)	1992	1993	1994	1995	1996	2000
Жанубий Корея	863	727	588	809	1776	2325	3300
Малайзия	1605	5183	5006	4342	4132	4672	1,500
Таиланд	1325	2114	1804	1322	2002	2268	6,200
Хитой	3105	11156	27515	33787	35849	40800	45300
Индонезия	746	1777	2004	2109	4348	6194	2,700
Сингапур	3592	2204	4686	8368	8210	9440	7000
Филиппин	501	228	1238	1591	1459	1520	500
Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари	2351	6964	7024	6457	8487	10875	9109

Индонезия, Малайзия, Таиланд, Хитойга кредитлар берилди. Тайвань ҳам капитал нетто-импортчисига айланмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни эътиборга олиш керакки, бевосита инвестициялар реципиентлари орасида саноати ривожланган мамлакатларнинг улуши ўсиши очиқ-ойдин кузатилмоқда. Бошқача айтганда, ривожланган мамлакатлар фирмалар даражасида бир-бирлари билан борган сари кўпроқ ҳамкорлик қилишмоқда. Умуман айтиш мумкинки, янги индустриал мамлакатлар ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо мамлакатлар жамғармалар учун кучаяётган халқаро рақобатга киришдилар. Бу жамғармаларнинг оғир шартлари ушбу мамлакатларни биргаликда ҳамкорлик қилишга мажбур этмоқда.

Минтақа ичидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ички омиллар

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари – этник, тил, маданият, диний эътиқод, тарихий йўл, технологик даража, табиий ресурсларининг кам-кўплиги жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи мамлакатлар мажмуидир. Шунинг учун биринчи омил шу турли-туманликдан энг самарали фойдаланиш зарурияти билан боғлиқ. Бунга минтақада транспорт, алоқа воситаларининг юқори ривожланганлиги қўл келади.

Энди ҳудуд ичида алмашинув жараёни ўсиб боргани сари икки томонлама алоқадан кўп томонлама алоқага ўтиш русуми етакчи омилга айланмоқда. Масалан, илгари Австралиянинг темир рудаси асосан япон металлургия заводларига етказиб берилган бўлса, энди Жанубий Корея ва Тайвань заводларига ҳам етказиб берилмоқда.

Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари мажмуига индустриал мамлакатлар ҳам, ривожланаётган мамлакатлар ҳам киради. Шунинг учун олимларнинг фикрича, Тинч океани ҳудуди асосида "Шимол-Жануб" диалогини ривожлантириш жаҳон миқёсидаги (глобал) диалог учун янги имконият очиб бериши мумкин. Осиё-Тинч океани мамлакатларининг турли-туманлигини ҳисобга олиб, олимлар бу ҳудудда Европа Иттифоқи типидаги ҳамжамият тузилмаси яқин ўртада пайдо бўлишига унча ишонаётганлари йўқ. Бунинг ўрнига, улар, ҳудудда эркин ва мослашувчан (эпчил) ҳамкорлик тузилмаларига, ҳатто Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо мамлакатлардагидан мустаҳкамроқ муносабат ўрнатишга имкон берадиган тузилмаларга интилиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади, деб ҳисоблашади.

Шубҳасизки, бозор механизмлари орқали амалга ошириладиган иқтисодий фаолият ҳудудда алоқаларни, алмашинувни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳудуд мамлакатлари ўртасида маданият, фан, таълим, технология соҳаларида ҳам алмашинувларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Тинч океани ҳудудидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришда шуни инобатга олиш керакки, бу мамлакатлар ҳудуд доирасидан чиқиб, жаҳон иқтисодига интеграциялашиш жараёнини тезлаштириш борасида ўз хатти-ҳаракатларини бирлаштириб, ҳамкорликнинг янада самарали босқичларига интилмоқдалар.

Минтақа ичидаги ўзаро муносабатлар, "Осиё кичик тизими" доирасидаги алоқаларнинг кучайиши аввало қуйидаги соҳаларда юз бермоқда:

– Савдо-сотиқ;
– бевосита инвестициялар;
– фирмалар ўртасидаги шериклик;
– давлатлараро даражадаги ҳамкорлик.

Мавжуд маълумотларга мувофиқ ўзаро ташқи савдо бўйича ўсиш жаҳон суръатларига нисбатан илгарилаб амалга ошмоқда, умуман ҳудуд мамлакатларининг бир-бирларига шерик сифатидаги роли кучаймоқда. 1980-йилларнинг иккинчи ярмида бу ҳудудда жойлашган янги индустриал мамлакатларнинг Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга, шу жумладан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо мамлакатларга чиқарган экспорт ҳажми ривожланган мамлакатларга бўлган экспорт улушидан кўпроқ бўлди.

1996 йилда Гонконгнинг умумий экспортида, Осиё ва Океания мамлакатларига экспорт улуши 55,4%, ривожланаётган мамлакатларга 47%, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Жанубий Корея ва Таиландга 5,3%ни ташкил қилди.

Хитой учун янги индустриал мамлакатлар бозорининг аҳамияти 1980 йиллар иккинчи ярмида Америка бозорига қараганда деярли 5 марта юқори бўлди (умумий экспортида улуши 37,8%, Америка бозори улуши эса 7,7%). Бу кўрсаткич Японияникидан икки марта (16,2%) юқори бўлди. 1996 йилда бу мамлакатларнинг Хитой экспортидаги улуши 48,7%гача ўсди.

Малакали ишчи кучи ресурслари жуда катта бўлган Хитой учун экспорт асосан кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, шундай маҳсулотлар экспорти Хитойда 1980-йилларда йилига ўртача 25% ўсган бўлса, унинг умумий экспортида бундай маҳсулотлар улуши 1975 йилдаги 30%дан 2000 йилда 80% гача ошди.

Хўш, Хитойда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ўсиши бошқа ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозоридан сиқиб чиқардими? Йўқ, бундай ҳол юз бермади. Биринчидан, Хитой экспорти бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг ўрнини эмас, балки даромад даражаси нисбатан юқори бўлган янги индустриал мамлакатларнинг экспорти ўрнини эгаллади. Иккинчидан, бугунги кунда жаҳонда сермеҳнат товарларга бўлган эҳтиёж керагидан ортиқдир.

Масалан, Хитойда сермеҳнат товарлар экспорти тез ривожланаётган айни пайтларда шарқий Осиёнинг "тўрт йўлбарси" (Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань)да бундай маҳсулотлар экспорти пасайди: 1994 йилдаги 55%дан 2001 йилда 20%га тушди. Хитой экспорти бу мамлакатлар экспорти ўрнини бемалол эгаллади. Натижада "тўрт йўлбарс" мамлакатларининг кийим-кечак, ўйинчоқ ва спорт товарлари бўйича жаҳон бозоридаги умумий улуши қисқарди. Ўша "тўрт йўлбарс" мамлакатларининг Хитойга киритган бевосита капиталлари Хитойнинг экспорти ўсишига олиб келди: уларнинг фирмалари кўп ҳолда ўз ишлаб чиқариш линияларини Хитойга кўчирдилар. Айни пайтда "йўлбарслар" ишлаб чиқаришнинг катта капитал қўйиш, юқори малакали ишчи кучларни талаб қиладиган соҳаларига, янги мураккаб технологияларга эътиборни кучайтириб, ушбу маҳсулотларни (компьютер, электроника, кемалар ва ҳ.к. замонавий буюмлар) ишлаб чиқаришда бир поғона кўтарилдилар.

Хитойнинг очиқ иқтисодиёти унинг жаҳон савдосидаги нисбий афзалликларини ўзгартириб юборди; шунинг учун "йўлбарслар" қаршилик қилиш ўрнига, туғилган имкониятлардан фойдаланишди, ўз ресурсларини оддий ишлаб чиқаришдан мураккаб ишлаб чиқаришга кўчиришди, дивиденд мақсадида ўз билимлари, тажрибаларидан Хитойда ишлаб чиқаришни кучайтириш учун фойдаланишди.

Япония ва АҚШга келсак, бу ерда ҳам янги индустриал мамлакатлар, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Хитой билан бўлган товаробороти уларнинг экспорт бўйича, импорт бўйича умумий ўсиш суръатларидан ошди. Масалан, АҚШнинг бу мамлакатларга экспорт улуши 1970 йилда 16,2%, 1987 йилда 24,2% ва 2001 йилда 19%ни, Японияда эса, тегишлича 55, 61,4 ва 47,6%ни ташкил этди.

Ҳудуднинг ривожланаётган мамлакатлари ўртасида савдосотиқнинг ўсиш суръатлари юқорилиги ҳудуд ичидаги алоқанинг борган сари зич ва сертармоқроқ бўлиб бораётганлигининг мустақил омилидир.

Ҳудудда ўзаро боғлиқликнинг кучайиши чет эл инвестицияларининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Ҳудуд ичидаги фирмалараро алоқа ва шерикликни турли усулларда жадаллаштириш ўзаро боғлиқликни кучайтиришнинг устувор омиллари жумласига киради, бу япон корпорациялари учун халқаро ишлаб чиқариш тизимининг шаклланиши билан боғлиқ. Гап шундаки, сармоя экспортининг турли мақсадлари

нисбати аста-секин ўзгармоқда. Кўпчилик компаниялар учун эндиликда реципиент мамлакатнинг бозорини экспорт орқали эгаллаш эмас, балки харажатларни оптималлаштиришга, ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишга, маҳсулотларни жаҳон бозори миқёсида сотишга имкон берадиган халқаро ички ва корпорацияларарo ташкилий-бошқарув тизимини яратиш асосий мақсад бўлиб қолди. Масалан, кейинги бир неча йил мобайнида ўз ташқи иқтисодий фаолиятида фақат экспортни кўзлайдиган япон корпорациялари улуши 46% дан 23% га тушиб қолди. Фирмалар орасида вазифалар рационал тақсимланадиган халқаро шериклик тизимларини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган япон фирмаларининг кўлами эса 50% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўсиб бориш тенденциясига эга. Шубҳасиз, Осиё ва Тинч океани ҳудуди мамлакатлари, унинг "Осиё кичик тизими" бундай шерикликнинг маркази ҳисобланади. Бунда япон корхоналари янги индустриал мамлакатлар билан фақат маҳсулотнинг ўзлаштириб бўлинган турларини эмас, балки янгиларини ишлаб чиқиш борасида ҳам ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилишди.

Айниқса, бундай муносабатлар Жанубий Корея билан жадал олиб борилмоқда. "Турли тармоқларга тегишли фирмалар муносабатлари тизими" Япония-Жанубий Корея фирмаларарo муносабатларида янги алоқалар жумласига киради. Унинг моҳияти, турли тармоқларда банд бўлган майда ва ўрта тадбиркорлар доимий ишловчи гуруҳлар (жамиятлар, иттифоқлар ва ҳ.к.) доирасида мунтазам равишда техникавий, иқтисодий ахборотлар билан алмашиб туришади, ўзларининг кўп жиҳатдан умумий ҳисобланган бошқарув, молиявий ва бошқа муаммоларини муҳокама қилишади, тўплаган тажрибаларини ўртоқлашишади.

Одатда, гуруҳлар давлат, маҳаллий ҳокимият органларининг ташаббуси ва иштирокида ташкил қилинади. Майда бизнесни ташкил қилишда бундай тизим жуда самаралидир. Бундай тизим Японияда яхши йўлга қўйилган бўлиб, кейинги йилларда Жанубий Корея ҳукумати ҳам шундай тузилмалар яратишни маъқулламоқда. Япония ва Жанубий Корея фирмаларининг тармоқларарo алоқалари илк бор 1991 йилда бошланди.

Сўнгги вақтларда янги индустриал мамлакатлар, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлар ассоциацияси давлатлари ўртасида йирик корпорацияларнинг ўзаро ҳамкорлиги анча фаоллашди. Бу мамлакатларнинг саноат, молия ва бошқа соҳалардаги етакчи компанияларининг молиявий-иқтисодий қудрати анча

ошганлиги уларнинг фаолият соҳаларини фаол диверсификациялаш, қўшилиш, кириб бориш сиёсатини ўтказиш, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳудудлараро шериклик тармоқларини яратиш имкониятларини берди. Масалан, Сингапур конгломерати "Кеппел" ва Индонезия фирмаси "Асторс" инвестициялар, ишланмалар соҳасида қўшма корхона тузиш ҳақида келишиб олишди. "Кеппел" Филиппин кемасозлиги ва қимматли қоғозлар операциялари соҳасида кўп миқдордаги акциялар пакетини сотиб олди.

*Индонезия ва Сингапур Индонезиянинг Лиау ороллари*да инфратузилмани ривожлантиришга доир ўз лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирди. Лиау ороллари га Сингапур сармояси борган сари кўпроқ кириб бормоқда. Янги индустриал мамлакатлар ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси давлатлари корпорацияларининг Хитой ва Вьетнамга қизиқиши ортиб, Осиё-Тинч океани ҳудудининг иқтисодий жиҳатдан ўсаётган қисмида, айниқса, "Осиё кичик тизими" доирасида борган сари жадаллашаётган ўзаро муносабатлар шаклланмоқда.

Осиё-Тинч океани минтақасидаги ҳамкорликни ташкилий расмийлаштириш (институционлаш) ва унинг хусусиятлари

Минтақа ичидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг юқорида айтиб ўтилган омиллари ҳудудда давлатлараро ҳамкорликни ташкилий расмийлаштириш жараёнини тезлаштирди. 1989 йилнинг ноябрида Канберра (Австралия)да Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши (АТЭС)нинг 12 давлати ташқи ишлар ва савдо вазирларининг 1-конференцияси бўлиб ўтди. Ўз характери, мақсади, концепцияси, иштирокчилар таркиби ва бошқа кўп жиҳатлари билан АТЭС бошқа замонавий, ҳудудий гуруҳлардан анча ажралиб туради. Хўжаликнинг ривожланиш шароитлари, даражаси, иқтисодларининг тузилиши, маданияти, миллий руҳияти, тарихий-сиёсий анъаналари бир-биридан кескин фарқ қиладиган давлатлар биринчи марта иқтисодий бирлашма тузишди. Шу билан бирга саноати ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар тенг ҳуқуқли шериклар каби иштирок этишади. АҚШ ва Канадани ҳисобга олмаганда, АТЭСга халқаро сиёсий иқтисодий, хўжалик ва

бошқа муносабатларда ҳозирги вақтгача суст роль ўйнаган давлатлар кирди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгашининг фаолияти дастлабки йилларда унинг ишидаги асосий 2 соҳани белгилаб берди. Биринчидан, савдо-сотиқ тармоғини эркинлаштириш, кўламини кенгайтириш мақсадида ҳамкорлик қилиш, аъзо мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш умумжаҳон савдосини эркинлаштириш масалаларини ҳал қилишда ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида ҳамкор бўлиш.

Дастлабки қадамлар сифатида қуйидаги ишларга киришилди:

– Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши мамлакатлари Европа Иттифоқи мамлакатлари қишлоқ хўжалигини субсидиялаш ҳажмини тезда ва кенг кўламда қисқартиришини талаб қилдилар;

– АҚШ Японiядан унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини эркинлаштиришини талаб қилди;

– ақлий (интеллектуал) мулкни муҳофаза қилиш, келгуси 10 йил мобайнида жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари савдосида миқдорий чеклашларни бекор қилишга уринишлар бўлди.

Иккинчидан, Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатларини технологик жиҳатдан ривожлантириш, юқори даражада ривожланган ҳудудий инфратузилма (ахборот, алоқа, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.)ни яратиш масаласи қўйилди. Бунда қуйидаги икки йўналишга устуворлик берилди:

1) Ҳудуд ичидаги савдо ва инвестиция оқимлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва ўрганиш;

2) савдо-сотиқни, инвестицияларни, технологик трансфертларни рағбатлантириш механизмларини яратиш.

Инфратузилмани ривожлантириш ва фан-техника тараққиётига кўмаклашиш соҳасида Япония қизиқарли таклифлар киритиб, қуйидагиларни бажаришга тайёрлигини билдирди:

1) технологияларни йиғувчи технополислар яратишни ўз зиммасига олиш, улар орқали ҳудуднинг ривожланаётган мамлакатларига ривожланган мамлакатлар технологияларини етказиб бериш;

2) тадбиркорларнинг кенг кўламда иштироки билан Осиё-Тинч океани савдо-саноат кўргазмасини ташкил қилиш;

3) мутахассислар тайёрлашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш, Осиё-Тинч океани технология, бошқарув ва тадқиқотлар марказини барпо қилиш;

4) инвестиция, технология, инсон ресурслари, савдосотиқ бўйича маълумотлар ҳудудий базасини яратиш.

Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгашининг тузилиши, унинг фаолиятидаги дастлабки натижа шуни кўрсатадики, эҳтимол, интернационаллашувнинг ҳозирги шароитига ва жаҳондаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиши талабларига тўлиқроқ жавоб берадиган ноанъанавий ҳудудий бирлашма тузилиши рўй берди. Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши фаолияти концепцияси, унинг қуйидаги муҳим 3 принципи бунга далил:

1) Биринчи принципга кўра, ҳудуд ичидаги иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш (божхона тарифларини пасайтириш ва ҳ.к.) га доир тадбирларни ушбу бирлашмага кирмайдиган давлатларга ҳам жорий қилиш. Концепцияда марказий ўрин олган "очиқ ҳудудийлик" тушунчасининг моҳияти ана шунда;

2) ҳамкорликнинг мослашувчан, тармоқланган шаклларига мўлжал олиш: бунда иштирокчилардан ҳар бири бирлашма фаолиятининг ўзи яхши имкониятларга эга бўлган қирраларини таъминлашни зиммасига олади ва бирлашманинг "ўз" соҳасига доир фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Бунда вазият тақозосига ва реал эҳтиёжларга қараб иштирокчилар орасида алоқалар пайдо бўлади ҳамда ривожланади, кучаяди ёки заифлашади. Бошқача айтганда, бирлашмани тармоқланган тарзда ташкил қилиш – бу марказлашган, қатъий шакл олган тизимларга тескари тизимдир.

Мисол: Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) мамлакатларининг ходимларини ўқитиш ва тайёрлаш ишларини имконияти яхшироқ бўлган Австралия ёки Канадада амалга ошириш самаралироқ. Бундай лойиҳани маблағ билан таъминлаш вазифасини эса, Япония ўз зиммасига олиши мумкин ва ҳ.к.

Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши доирасидаги ҳамкорлик бу бирлашмага кирмайдиган мамлакатлар учун ҳам очиқ бўлиши мумкин, деб таклиф қилинади.

3) Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши концепциясининг, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорлик секторида ҳамкорликка мўлжалланганлиги. Давлатлар иқтисодий ҳамкорлик жараёнига унчалик кўп аралашмаслиги, ҳеч бўлмаганда, бирлашма учун умумий бўлган фирмаларнинг хўжалик фаолияти эркинлигини чеклайдиган регламентлар киритишдан ўзини тийиши лозим.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг йирик ички ва фирмаларо тизимлари пайдо бўлаётган бугунги кунда фирмаларнинг ролига ургу бериш маълум маънода очиқликнинг кафолатидир.

Минтақадаги ҳамкорликнинг бошқа турлари

Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши минтақадаги давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг бўлиши мумкин бўлган ягона тури эмас. Кейинги пайтларда ўта ҳудудий даражада, иштирокчилар сони камроқ бўлган турли-туман ҳамкорлик тизимларини излаш фаол тарзда олиб борилмоқда.

Ишчанлиги пастроқ ва сустроқ бўлган йирик уюшмалар (форумлар) билан бир қаторда ҳудудлараро (ёки ҳудудлар ичидаги) икки ёки уч томонлама асосдаги, турли мамлакатларнинг чет вилоятларидаги ҳамкорликнинг кичик шаклларини топиш устида ишлар олиб борилмоқда.

1) 90-йиллар бошида Сараваннабуми – "Олтин учбурчак": Таиланд-Бирма-Ҳиндихитой ҳамкорлигини тиклаш режаси пайдо бўлди;

2) Бошқа уч томонлама лойиҳа – "Юксалиш учбурчаги": Сингапур-Риау архипелаги (Индонезия) ва Малайзиядаги Жоҳар штати ҳамкорлиги реалроқ;

3) Вьетнам ва Жанубий Хитойнинг шимолий вилоятлари ҳамкорликда юксалишнинг истиқболли янги зонасини ташкил қилишга қодир (чегара яқинидаги савдо-сотиқнинг ривожи бунга асос бўла олади).

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. ОТҲ ҳудудидаги давлатлар иқтисодий ривожланишининг асосий хусусиятлари қандай?

2. Ҳудуддаги интеграция жараёнларининг асосий сабаблари ва уларнинг хусусиятларини тушунтиринг.

3. ОТҲ давлатларининг ҳақиқий иқтисодий ўзаро боғлиқлигининг даражаси ва соҳаси.

4. ОТҲда ҳамкорликни расмийлаштириш ташкил этилишининг хусусиятлари.

5. ОТИК фаолияти ғоясининг асосий тамойиллари ва уларнинг хусусиятларини тушунтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. *Арин О.* Геометрия взаимозависимости. – ж."Азия и Африка сегодня". – М., 1998, №3.

2. *Арин О.* Миф о Азиатско-тихоокеанском регионе. – ж."Азия и Африка сегодня". – М., 1988, №1.

3. *Басовский А.Е.* Мировая экономика. Курс лекции. М., ИНФРА-М, 2003.

4. *Гребенщиков Э.* Диалог США-АСЕАН в новом Тихоокеанском контексте. ж."МЭ и МО", М., 1992.

5. *Гребенщиков Э.* Тихоокеанская региональная интеграция. ж."МЭ и МО" – М., 1993, №1.

6. *Костин А.* Экономическая рост стран Восточной Азии и интеграция. – ж."МЭ и МО" – М.: 1996, №3.

7. *Ломакин В.К.* Мировая экономика М., Финансы, 1998.

8. *Мальцева О., Семенов Е.* Экономическая интеграция в АТР. –ж "МЭ и МО", М.,1995, №19.

9. *Окита С.* Тихоокеанский регион: Перспективы развития.–ж. "Азия и Африка сегодня". – М., 1990, №5

10. *Раджабова З.К.* Мировая экономика М., ИНФРА-М, 2004.

11. *Чудодеев А.* Смена ориентиров. – ж." Новая время". М., 1989,№50

12. *Целишев Н.* Сотрудничество в АТР: Основа, возможности специфика (Статья 1). – ж."МЭ и МО", М., 1991, №11.

13. *Н Целишев Н.* Сотрудничество в АТР: Основа, возможности специфика (Статья 2). – ж."МЭ и МО", М., 1991, №12.

14. Доклад о человеческом развитии за 1998 г. Нью-Йорк, Оксфорд Юниверсити пресс, 1998, табл.26. 212-бет.

15. World investwent Report 1998: Trends and Determenants.UN New York and Geneva, 1998.

16. Trends and Development Report, 1998, UN, New York and Geneva, 1998.

III БЎЛИМ

ИҚТИСОДИ ЎТИШ ДАВРИГА ХОС МАМЛАКАТЛАР

1-БОБ
РЕЖАЛИ ТИЗИМДАН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ: ВАЗИФАЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МУАММОЛАРИ

Ўтиш жараёнининг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, ҳар бир мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан кўзланган мақсад каби, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ўсиб боришини таъминлайдиган барқарор бозор иқтисодини яратишдир. Ўтиш даврида ҳали кўп ишлар якунланмай, турли-туман муҳим масалаларга жавоб топилмайди. Шу боис бозор тизимига ўтишда бугунгача тўпланган тажрибалар билан танишиш долзарблик касб этади.

Олдинига режали тизимнинг муваффақиятлари анча салворли бўлди:

– Халқ хўжалигини индустрлаштиришдан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ўсди;

– ижтимоий кафолатлар умумий таълимни, турар-жойни, соғлиқни сақлашни, бутун аҳолининг иш билан бандлигини ўз ичига олди;

– 1930-йиллардаги буюк инқироз бу мамлакатларни четлаб ўтди;

– даромадлар нисбатан тенг тақсимланди;

– асосий товарлар ва хизматлар ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлди.

Бироқ, вақт ўтиши билан марказлашган режалаштириш тизими самарадорлигининг пастлиги сезилиб қолди ва бу қуйидаги оқибатларга олиб келди:

– режалаштириш органлари бозор иқтисоди шароитида нархларга доир барча маълумотларга эга бўлмади;

– режалаштиришнинг муваффақияти шахсий муносабатлар ва алоқаларга боғлиқ бўлиб, бу саноат, қишлоқ хўжалиги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди;

– қаттиқ назорат механизмининг киритилиши оқибатида шахсий ташаббус сўндириб турилди, бу кўпинча шахсга сиғинишга, тизимдаги олий мансаб намояндаларининг коррупцияга берилишига олиб келди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати пасайиши, кўп меҳнат ва энергияни талаб қилиши режали тизим яратган рағбатлантириш омилларининг бузилган моҳиятини акс эттирди, иқтисоди марказлаштирилган мамлакатларни жаҳон бозорлари ва бевосита чет эл инвестицияларидан ажратиб қўйди.

Қуйидаги асосий аломатлар ўтиш даври иқтисоди учун хос:

1. Иқтисоднинг нобарқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизликнинг кўпайиши, инфляциянинг кучайиши.

2. Ўтиш даври иқтисодининг алоҳида шакллари мавжудлиги. Масалан, мулкчиликнинг акциядорлик шакли, номенклатура-корпоратив мулкчиликнинг бир тури эканлиги ва ҳ.к.

Ўтиш даври иқтисодининг асосий вазифалари:

1.Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш.

Давлат тасарруфидан чиқариш – хўжаликни тўғридан-тўғри бошқариш вазифаларини давлат зиммасидан соқит қилиш, мулкчилик характерини ўзгартирмаган ҳолда тегишли ваколатларни корхонанинг ўзига бериш, демакдир.

Хусусийлаштириш давлат мулкини турли шартларда иқтисодий субъектларга бериш йўли билан мулк эгасининг ўзгартирилишини назарда тутади. Янги мулк эгаси мулкидан ўз хўжалик фаолиятида фойдаланади ва унинг натижалари учун тўлиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2. Бозор инфраструктурасини шакллантириш, хўжалик муносабатларини ўрнатишнинг янги механизмларини, товар, жамғарма, валюта, банк, меҳнат биржалари ва ҳ.к.ни ташкил қилиш.

3. Иқтисодни монополия таъсиридан чиқариш. Бу тадбир рақобатни кучайтириш, бозорда мувозанатга эришиш (фирмалар ўртасида рўй берадиган келишувчилик, қўшилиш, ҳар хил битимларга қарши чеклашлар тизимини ишлаб чиқиш)ни назарда тутади.

4. Нарх белгилаш устидан давлат назоратини бекор қилиш йўли билан нархларни эркинлаштириш, нархларни бозор қонунлари, талаб ва таклифга мослаб шаклланишига ўтиш.

5. Муомаладаги пул массасини чеклаш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш йўли билан молиявий-иқтисодий барқарорлаштириш (бундай сиёсатни ўтказмай туриб, нархлар устидан назоратни бекор қилиш инфляциянинг юқори суръатларда юз беришига олиб келади).

6. Аҳолининг кам таъминланган қисми бозор иқтисоди шароитларига осон мослашиши учун кучли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий қилиш.

7. Иқтисодни истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни илгарилама ривожланиш йўналишига қайта ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини, унинг талаб ўзгаришлари ва янги технологияларга уйғунлигини ошириш.

Бозор иқтисодига ўтиш асосан *икки йўналишдан* иборат. *Биринчи йўналиш* қисқа муддатлар ичида иложи борича кўп туб ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутади. *Иккинчи йўналиш* қисман ўзгаришларни амалга ошириш, уларни босқичма-босқич чуқурлаштириб боришга асосланади.

Биринчи – туб ислоҳотлар йўналишида марказлашган режалаш тизими ўрнига бозор иқтисоди асосий элементларини барпо қилишга қаратилган ислоҳотлар мажмуи кўзда тутилади. Бу эса нархларни, савдони зудлик билан эркинлаштириш, нархларнинг турғунлигини таъминлашга қаратилган изчил барқарорлаштириш дастурини амалга оширишдан иборатдир. Бошқа тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади: жорий операциялар учун валютани эркин айирбошлашга ўтиш, янги хусусий корхоналар тузиш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, саноатни монополиядан чиқариш, бухгалтерия ҳисобининг янги стандартларини қабул қилиш ва ҳ.к.

Польша иқтисодиётида 1990 йилда ўтказилган кескин ислоҳотлар, Марказий–Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларидаги кўп сонли дастурлар, 1992 йилдан кейин эса янги мустақил давлатлардаги тадбирлар умуман юқорида айтилган комплекс моделга мос келади. Польша ва бошқа мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, баъзи ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам тез юз бериши мумкин экан.

Бироқ, бозор типидаги ҳуқуқий институтлар молия тизимининг шаклланиши учун йиллар ва ҳатто ўн йиллар керак бўлади.

Иккинчи моделда ислоҳотлар олдинига тажриба тартибида ўтказилиб, кейин муваффақиятли чиққан тажрибани кенг

ёйиш мумкин. Бу ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига ўтишни назарда тутади.

Ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш, масалан, Хитой олиб бораётган йўл ҳисобланади. Хитой 1978 йилда нархларни эркинлаштиришга киришди. Олдинига ислоҳотларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини тиклашга қаратилди, айрим жойларда хўжалик юритишнинг жамоат усули ўрнига деҳқон хўжаликлари тузилди, кейинчалик мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам шундай хўжаликлар тузишга рухсат берилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш нархлари кўтарилди, деҳқонларнинг даромадлари оширилди. Бозор асосида ишлайдиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари тузишга рухсат берилди. 1984 йилга келиб ислоҳотлар шаҳарларда ҳам бошланди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари катта молиявий мустақилликка эришди. Давлат корхоналарини бошқариш тизимида ислоҳотлар ўтказилди, илгари давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган корхоналарни маблағ билан таъминлаш энди талабчан банк тизими зиммасига юкланди. Савдо-сотиққа, чет эл капитали киритилишига қўйиладиган чеклашлар аста-секин юмшатилди, кўпгина институционал ислоҳотлар ўтказилди, хусусан, марказий банк ишлари бутунлай қайта ташкил этилди.

Режали хўжалик юритиш тизимидан бозор тизимига ўтишнинг икки модели мавжуд дегани, ҳали барча мамлакатлар хоҳлаганини шундай танлаш имкониятига эга эканлигини билдирмайди. Ҳар бир вариант учун ўзининг иқтисодий, сиёсий, тарихий ва бошқа шарт-шароитлари мажмуи мавжуддирки, улар ўз ёндашувини тақозо этади.

Марказий–Шарқий Европа мамлакатлари ислоҳотларни ўтказишга анча қулай макроиқтисодий, структуравий, институционал шароитларда киришди. Ислоҳотлар инфляция суръати анча паст бўлган шароитда бошланди. Бу мамлакатларнинг географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги янги савдо муносабатларига киришишлари учун қўл келди.

Бозор иқтисодига ўтиш вариантлари:

– Бозор институтларини аста-секин ташкил қилишнинг эволюцион йўли (Хитой, Венгрия ва бошқа мамлакатлар);

– иниқилобий йўли – радикал, туб ўзгаришлар зудлик билан ўтказилади (Шарқий Европанинг кўпчилик мамлакатлари, Польша ва ҳ.к.).

Кўрсатилган вариантлар ўртасидаги фарқ-тафовут изчил ўзгартиришлар, барқарорлаш тадбирларини ўтказиш муддатлари, халқ хўжалигини бозор механизмлари билан

қамраб олиш даражаси, давлатнинг тартибга солиб туриш фаолияти кўлами билан изоҳланади.

Бозор иқтисодига эволюцион йўл билан ёки революцион йўл билан ўтишни танлаш фақат сиёсий раҳбариятнинг хоҳишига эмас, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Мутахассислар фикрича, қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда бозор иқтисодига эволюцион йўл билан ўтган маъқулроқ:

– Хусусий тадбиркорлик кўникмаларини сақлаб қолган авлодлар ишлайдиган тармоқлар ва анча тараққий этган қишлоқ хўжалиги ҳамда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришлари борлиги;

– оғир саноат ва ҳарбий саноат комплексининг нисбий улуши унча катта эмаслиги;

– барқарор молия тизими;

– сиёсий ва хўжалик олий намояндалари ичида ислоҳотларни ўтказишдан манфаатдор қатламларнинг кўпчиликни ташкил қилиши.

Инқилобий усулни танлаш одатда ноиложликдан қилинган тадбир ҳисобланади. У кўпчилик ҳолларда маъмурий буйруқбозлик тизимидан қутилиш эҳтиёжи йиғилиб қолган тузилмавий номутаносибликлар оқибатида келиб чиққан ўткир товар тақчиллиги билан боғлиқ.

Бозор иқтисодига ўтишнинг эволюцион йўлига хос умумий аломатлар

1. Ислоҳотларнинг бошланиши қуйидаги тадбирлар ёрдамида истеъмол бозорида динамик мувозанат ўрнатилиши билан боғланади:

– Бозор ўзгаришларига мослашувчан нархлар тизими ёрдамида;

– хусусий секторда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни тезроқ йўлга қўйиш, уларга бўлган бозор эҳтиёжларини қондириш ёрдамида.

2. Бозор муносабатлари олдинига истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларини қамраб олади, шундан кейингина инвестиция тармоқларига ёйилади.

3. Нархларни эркинлаштириш ислоҳотнинг кейинги босқичларида амалга оширилади ва монополия анъаналари кучли бўлган тармоқларда нархлар устидан давлат назорати сақланиб қолади.

4. Инфляциянинг кучайишига йўл қўймаслик мақсадида кескин молия сиёсати ўтказилади.

5. Бозор инфраструктураси жадал шакллантирилади, хусусий тадбиркорлик рағбатлантирилади.

Эволюцион йўлнинг ўзига хос аломати — одатда ислоҳотлар қишлоқ хўжалигидан бошланади, чунки бу соҳада хусусий хўжалик ташаббуси учун муайян муҳит очилади.

Қишлоқ хўжалигининг, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича у билан боғлиқ тармоқларнинг ривожланиши учун берилган туртки бозор механизмларининг ёйилиши учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучга айланади ва айни пайтда истеъмол бозорининг эҳтиёжини қондириш билан бирга ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун қулай ижтимоий муҳит яратади.

Иқтисодни ислоҳ қилишга инқилобий ёндашув (фалаж қилиб даволаш — шок терапияси) усули

Инқилобий ёндашув чуқур институционал ислоҳотларни амалга оширишни, мулкчилик шаклларини кескин ўзгартириш (хусусийлаштириш)ни назарда тутади.

Россия ва Польшада фалаж қилиб даволаш тарафдорлари ўз иқтисодий дастурларини амалга оширишнинг икки босқичини ажратиб кўрсатишади.

Биринчи босқичда (1—2 йил) бозор ва молиявий мувозанатга эришиш учун инфляцияга қарши кескин чоралар кўриш.

Иккинчи босқичда (10—15 йил) иқтисодда белгиланган туб ўзгаришларни амалга ошириш, унинг ривожланишини таъминлаш кўзда тутилади.

Ислоҳотларни ўтказиш йўлидаги ютуқларни баҳолаш учун ушбу **тўрт асосий кўрсаткичдан** фойдаланилади: *эркинлаштириш, мулкий ҳуқуқлар ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тегишли институтларнинг мавжудлиги ҳамда ижтимоий сиёсатнинг йўналиши.*

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти парчаланишининг сабаблари.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муҳим вазифалари.

3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шакллари (вариантлари) ва уларнинг хусусиятлари.

4. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг хусусиятлари. Ислоҳотларни ўтказишда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш усули («шоковая терапия» усули).

5. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда институционал қайта шакллантиришлар.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-т. Т., «Ўзбекистон», 2003.

2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, Т., "Ўзбекистон", 1995.

4. *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан.4-т. Т., "Ўзбекистон", 1996.

5. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии. 1996, МБРР, Вашингтон, 1996.

6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА-М. 2004.

7. Экономическая теория (под редакцией Камаева), глава 23. М., 1998.

8. Экономическая теория (под редакцией Базилева, Гурко), Минск, 1998, глава 7.

2-БОБ
ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Ўтиш даврини бошидан кечираётган барча мамлакатларда иқтисодий аҳволни яхшилашда кенг кўламли эркинлаштириш ва барқарорлаштириш омиллари муҳим роль ўйнайди. *Эркинлаштириш* нарх-навонинг эркин белгиланишини, савдонинг давлат томонидан назорат қилиниши тўхтатилишини, янги компанияларни ҳеч бир тўсиқсиз тузиш мумкинлигини тақозо қилади. *Барқарорлаштириш* инфляциянинг қисқартирилишини, халқ хўжалиги, ташқи иқтисодий соҳалардаги номутаносибликлар бартараф қилинишини кўзда тутади.

Ислоҳотларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу икки омили ўтиш жараёнининг дастлабки босқичларида амалга оширилиши мумкин ва лозим.

Эркинлаштириш натижасида аҳоли ва корхоналар иқтисодий қарор-ечимларни мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, оқибатда марказлашган иқтисоднинг икки асосий муаммоси – бузилган рағбатлантириш тизими ва ахборот тақчиллиги муаммолари бартараф қилинади. Эркинлаштириш корхоналарни истеъмол талабини ҳисобга олишга мажбур қилиб, уларга рақобатли шароитда фойда кўриш имконини беради, нисбий нархларнинг ҳақиқий талаб ва тақлиф нисбатига мослигини таъминлайди.

Барқарорлаштириш ҳам ўтиш жараёнининг ажралмас узвий қисми ҳисобланади, чунки макроиқтисодий номутаносиблик бозор ислоҳотларининг барча ютуқларини йўққа чиқаради. Бозор иқтисодига эришган турли мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, агар инфляция даражаси тахминан 50%дан ошса, иқтисоднинг ривожланиши кескин секинлашади. Инфляциянинг юқори бўлиши нисбий нарх омилини бузиб акс эттиради, мавҳумликни келтириб чиқаради, мавҳумлик эса омонатларнинг жамғарилишига, инвестициялашга халақит беради. Шунинг учун *эркинлаштириш ҳар доим иқтисодий ўсишнинг асоси ҳисобланадиган нархларни барқарорлаштириш билан бирга олиб борилиши лозим.*

Эркинлаштириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсиш бир-бири билан узвий боғланган. Бу қонуният бозор сари бораётган Осиё мамлакатлари учун ҳам, Европа мамлакатлари учун ҳам тааллуқли. Барча минтақаларда иқтисодий ўсишнинг сабаблари кўп жиҳатдан янги компанияларнинг очилишига чеклашларнинг бекор қилинганлиги, илгари қолоқ ҳисобланган – хизмат кўрсатиш, экспорт ишлаб чиқариши соҳаларининг (Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалик соҳасининг ҳам) гуриллаб ривожланганлиги билан ҳам изоҳланади. Нарх-навонинг эркин белгиланиши ва эркин савдо, ёрдам пули (субсидия) ва имтиёзли кредитларнинг қисқартирилиши етакчи тармоқларда иқтисодий ўсишнинг тикланишига ёрдам бериши мумкин, чунки бу ҳол корхоналарни рақобат ва бюджетнинг қатъий чекланганлиги шароитига солиб, уларни ўз иш услубларини ўзгартиришга мажбурлайди.

Ўтиш даври иқтисодини бошидан кечираётган турли мамлакатлардаги бозор ўзгаришлари, суръатлари, кўламлари бир-биридан кескин фарқ қилиб, ҳар қайси мамлакатдаги

дастлабки шарт-шароитлар, сиёсий вазиятлар иқтисодий сиёсат услуби, ислоҳотлар стратегиясини белгилаб беради. Польшада эркинлаштириш "революцион" йўл билан амалга оширилди: 1990 йилнинг январь ойида нархларнинг 90%и эркинлаштирилди, ташқи савдодаги чеклашларнинг кўп қисми олиб ташланди, савдода давлат монополияси бекор қилинди, жорий операциялар учун валютанинг эркин айирбошланиши таъминланди.

1992 йилнинг январь ойида Россияда нархлар ва импорт операциялар соҳасида кучли (чуқур) эркинлаштириш амалга оширилди.

Польша ва маълум даражада Россия тажрибаси шуни кўрсатдики, фалаж қилиб даволаш стратегиясида асосий урғу бозорда мувозанатга эришиш воситаси сифатида молиявий-иқтисодий барқарорлаштириш, давлат бюджетини баланслаштиришга қаратилди.

Барқарорлаштириш тадбирлари аҳоли ва корхоналарнинг ортиқча пул миқдорлари (мавжуд товар массасига нисбатан) кўринишидаги инфляция бўлишини бартараф қилишга қаратилади.

Шунинг учун нархлар устидан давлат назоратининг бекор қилиниши, шу туфайли нархлар билан иш ҳақининг ўсиш суръатлари ўртасида кескин тафовут пайдо бўлиши (иш ҳақининг амалда деярли ўзгармай қолиши оқибатида) тез орада нархларни янада ошириш имконини йўққа чиқариши лозим, чунки аҳолининг тўлов имкониятлари пасайиб кетади.

Давлат бюджети тақчиллигини йўқотиш ёки ҳеч бўлмаганда кескин камайтириш, ссуда фоизини инфляция даражасидан ошириш (бу ҳол жорий талабни қўшимча равишда қисқартиришга олиб келади) тадбирлари ҳам инфляциянинг пасайишига, бозорнинг барқарорлашишига ёрдам беради.

Кўрилган барча тадбирлар ҳақиқий талабни акс эттирадиган айрим товарлар бўйича рационалроқ нархлар нисбатини таъминлашга имкон беради.

Фалаж қилиб даволаш даврида иқтисодий тизимда юз берган муҳим институционал ўзгаришлар:

– Нархларни эркинлаштириш (Польшада 1990 йил январидан 90% товарлар учун нархлар бозор асосида белгиланди, 5% товарлар учун нархлар давлат томонидан маъмурий тарзда тартибга солинди, қолган 5% товарлар учун нархларни ўзгартиришга давлат органларининг рухсати талаб қилинди);

– монополияга қарши қонунларнинг қабул қилиниши ва бир қатор тармоқларда давлат корхоналарининг майдалаштирилиши;

– давлат корхоналарининг тўлиқ тижорат ҳисобига ўтказилиши, корхоналар ва давлат молия маблағларининг ажратилиши;

– анъанавий марказлашган режалаштиришнинг бекор қилиниши;

– кичик хусусийлаштиришни (айниқса, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида) кенг ёйиш;

– катта хусусийлаштиришни ўтказиш учун ҳуқуқий ва ташкилий негизларни ишлаб чиқиш (саноатда, қурилишда, транспортда, йирик хўжалик бирликлари кўп бўлган тармоқларда);

– халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусий секторнинг динамик ривожланишини таъминлаш;

– миллий валютанинг эркин айирбошланадиган валютага ягона барқарор курс бўйича (ички) айирбошланишига эришиш;

– ижтимоий ҳимоя тизими асосларини яратиш, ишга жойлаш хизматини йўлга қўйиш, ишсизлик бўйича нафақаларни жорий қилиш.

Бу ўзгаришларнинг энг асосий аломати иқтисоднинг мустақил бошқарилишига йўл очиб бериш мақсадида давлатнинг иқтисодга аралашувини минималлаштириш ҳисобланади.

Давлат моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш учун масъулиятни ўзидан соқит қилади. Давлатнинг асосий вазифаси бозорнинг аҳволини назорат қилиб туриш, солиқ, кредит ва бошқа иқтисодий воситалар ёрдамида унга таъсир кўрсатишдан иборат бўлиб қолади.

Тажриба шуни кўрсатадики, биринчи босқичнинг натижаси истеъмол бозорида товар тақчиллигини бартараф қилиш ва мувозанатга эришиш бўлмоғи лозим, ана шунда исталган товарни бемалол сотиб олиш мумкин бўлади.

Бироқ юқорида қайд этилган ўзгаришлар қуйидаги оқибатларга олиб келади:

– аҳолининг кам таъминланган ва нотижорат соҳаларида банд бўлган аҳоли қатламининг ҳаёт даражаси кескин пасаяди;

– инвестицияга талаб, ишлаб чиқаришга капитал қўйиш камаяди;

– аҳолининг тўлов қобилияти умуман пасайиши оқибатида истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми пасаяди;

– ишсизлик кўпаяди ва (асосан назарий жиҳатдан) банкротлар сони ортади.

Венгрия ва Польша каби мамлакатлар ислоҳотларни бошқа-бошқа йўллар билан амалга оширишди, лекин 1997 йилга келиб иқтисодни умумий эркинлаштиришда тахминан бир хил муваффақиятларга эришишди.

Иқтисоднинг жуда тез суръатлар билан ривожланиши эволюцион йўлни танлаган Хитойда ислоҳотлар 1978 йилдан бери ўтказилади. Вьетнамда ҳам анчагина жўшқин ривожланиш юз бериб, 1986 йилда марказлаштирилган режалаштириш тизимидан воз кечилган эди. Бу ҳол 1989 йилдан кейин яққол намоён бўлди. Ўшанда ислоҳотлар суръати кескин тезлашган эди.

Бозор иқтисодига жадаллик билан киришган Марказий — Шарқий Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Хитой режалаштиришни бозор муносабатлари билан уйғунлаштирган бир неча босқичдан ўтиб, 1992 йилда янги мақсадини эълон қилди: "Социалистик бозор иқтисодини барпо этиш".

Хитойда 1978 йилда бошланган нархлар ислоҳоти икки йўналишда амалга оширилди: давлат харидлари улуши изчил қисқартириб борилди, бозор нарх белгилаган товарлар миқдори ошиб борди. Ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида бошланди ва аста-секин истеъмол товарларига тарқалди.

Ҳукумат нархларнинг уч даражали тизимини яратиш йўлини танлади. Бу тизимга кўра, қатъий давлат нархлари билан бирга эркин ("сузувчи") нархлар (булар учун юқори ва паст чегаралар белгиланган) ва бозор нархлари мавжуд.

Ислоҳот стратегиясининг моҳияти бозор нархларининг амал қилиш соҳаларини аста-секин кенгайтириб, қатъий давлат нархлари улуши қисқартириб боришидадир. Биринчи босқичда (1979—87) чакана нархлар 50%, иккинчи босқичда (1987—92) яна 30% эркинлаштирилди.

1993 йилда дон учун чакана нархлар эркинлаштирилди ва айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари учун карточкалар бекор қилинди. Давлатнинг нархларга таъсир қилиш иқтисодий воситалари такомиллаштирилди (масалан, барқарорлаштирувчи эҳтиёт жамғармалари ташкил қилиниши).

Хитойдаги ислоҳотларнинг асосий зиддиятлари — бири иккинчисини инкор қиладиган икки иқтисодий механизм: тугаб бораётган режали тизим ва пайдо бўлаётган бозор тизимининг мавжудлигидир.

1979 йилда ўтказилган иқтисодий ислоҳот натижасида Хитойда иқтисоднинг икки секторли модели пайдо бўлди. Бозор механизмлари истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда

асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлди ва у инвестиция талаб қилувчи ишлаб чиқариш соҳасини ҳам анча кенг қамраб олди.

Иқтисоднинг иккала секторида ҳам тартибга солишнинг бозор ва маъмурий методлари қўшилиб кетганлиги Хитой учун хос аломат ҳисобланади.

Хитойда бозор асосларига ўтиш аста-секин, равон юз бераётганлигига сабаб шуки, у ерда фақат номенклатура мослаша оладиган ислоҳотларгина ўтказилмоқда. Шунинг учун кўпинча ислоҳотларни тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш ижтимоий барқарорлик йўлида қурбон қилинади, маълум даражада бозор муносабатларига аралашиб қолган номенклатура қатламлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш ҳам кўзда тутилади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий юксалишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи илгари заиф бўлган экспорт ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобланади.

Вьетнамда савдо-сотиқ сиёсати анчагина кенг, лекин қисман эркинлаштиришни кўзда тутади, Хитойда эса асосий кучлар экспортга фаол кўмаклашишга қаратилган эди. Ҳозир иккала мамлакатда ҳам давлат экспорти баъзи муҳим товарларнигина ўз ичига олади, ундан ташқари давлат экспортининг улуши борган сари қисқариб бормоқда. Кўпгина товарлар экспорти бутунлай давлат назоратидан чиқарилган, мавжуд чеклашлар эса мажбурий ҳисобланмайди, бироқ импортни давлат томонидан тартибга солиб туриш Хитойда хали ҳам сақланмоқда.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда эркинлаштиришнинг роли, аҳамияти ва вазифалари.
2. Марказий, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг хусусиятлари.
3. Эркинлаштириш ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги.
4. Барқарорлаштириш ўтиш даврининг зарурий таркибий қисмидир.
5. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда макроиқтисодий барқарорлаштириш.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. «Халқ сўзи», 10 февраль 2004 йил.

2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Т., «Ўзбекистон», 1996.

3. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1996.

4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, Т., «Ўзбекистон», 1995.

5. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии. 1996, МБРР, Вашингтон, 1996.

6. Раджабова З.К. Мировая экономика М., ИНФРА-М, 2004.

7. Экономическая теория (под редакцией Камаева), М., 1998, глава 23.

8. Экономическая теория (под редакцией Базилева, Гурко), Минск, 1998, глава 7.

3-БОБ
МУЛКЧИЛИК: ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УСУЛЛАРИ

Бозор иқтисодига ўтаётган янги давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, рақобатни кучайтириш, корхоналарнинг самарадорлигини оширишнинг йўлларидан бири мулкчилик ҳуқуқларини аста-секин номарказлаштиришдир.

Хусусий сектор етакчи ўринни эгаллайдиган иқтисодни яратишнинг икки йўли мавжуд: давлат мулкини хусусийлаштириш ва янги хусусий корхоналар ташкил қилиш.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар давлат корхоналарини бошқариш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Баъзи мамлакатлар мулкчилик шаклларини оммавий тарзда ўзгартирмай туриб ҳам бозор ўзгаришларини муваффақият билан амалга оширмоқда. Лекин бундай ислоҳотларнинг натижаларини узоқ муддат бирдай ушлаб туриш қийин. Бошқа бир давлатлар учун ягона стратегия зудлик билан оммавий тарзда хусусийлаштириш ҳисобланади. Лекин "етти ўлчамай" қилинган хусусийлаштириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бугунги

кунда ўтиш даври мамлакатлари иқтисодини ривожлантирувчи омиллар тизимининг негизини ташкил қилувчи мулкчилик ҳуқуқини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мулкчилик ҳуқуқи нима?

Мулкчилик ҳуқуқи мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини, мулкдан бошқаларнинг фойдаланишига йўл қўйиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқини, мулкдан даромад қилиш ҳуқуқини ва мулкни сотиш ёки уни бошқача йўл билан тасарруф қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади

Ривожланган бозор иқтисодига ўтган мамлакатларнинг давлат корхоналари билан хусусий корхоналарини бир-бирига таққослаб кўриш борасида олиб борилган амалий тадқиқотлар (1980-йилларда ўтказилган) натижасида шундай хулосага келиндики, хусусий компанияларда иш унумдорлиги, меҳнат фаолияти кўрсаткичлари давлат корхоналаридагидан юқори бўлар экан. Саноати ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштиришга қадар, хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг ишини таҳлил қилиш борасида кейинги вақтларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси – хусусий мулкчилик шаклларининг афзалликлари кўплигини кўрсатади. Масалан, Жаҳон банки томонидан 18 та мамлакат (6 та ривожланаётган, 12 та ривожланган мамлакатлар) даги 61 та хусусийлаштирилган компаниянинг ишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, камида 60% ҳолатда рентабеллик, савдо ҳажми, иш самарадорлиги, маблағлар қўйиш ҳажми ўсганлиги аниқланган, бунда иш билан бандлик даражаси пасаймаган. Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда, даромад даражаси ўртача ёки юқори бўлган ривожланаётган мамлакатларда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини белгилашда хусусий мулкчилик шакли асосий омил бўлганлиги амалда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатларга нисбатан Польшада хусусийлаштириш секинроқ кечди. Хулоса: 1994 йилдан мамлакатда кузатилган ялпи миллий маҳсулотнинг 6%ли йиллик ўсиши хусусийлаштириш шарт эмаслигидан далолат беради. Иқтисоднинг юксалишига сабаб, давлат корхоналарининг самарадорлик даражаси эмас, балки янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига хусусий секторнинг кенгайганлигидир.

Бу мамлакатлар учун Янги Зеландия тажрибаси ибратлидир. Унга кўра, қатъий бюджет чеклашлари, рақобат ёрдамида

баъзи давлат корхоналарининг ишини яхшилаш мумкин, бунда мулкчилик шаклини ўзгартириш шарт эмас.

Оммавий хусусийлаштириш яқин келажакда идеал мулк эгаларини пайдо қилмаслиги ҳам мумкин, лекин у капитал бозорларининг ривожланишини, иқтисоднинг умуман фаолият кўрсатишини назорат қилиб турадиган институтларнинг такомиллашишини таъминласа, оқибат натижада яна мукаммалроқ корпоратив бошқарувга олиб келиши мумкин.

Хўш, корпоратив бошқарув дегани нима? Кичик корхоналарда корпоратив бошқариш бевосита амалга оширилади: одатда, корхона эгаси корхона фаолиятини бошқаради. Бироқ, йирик корхоналарда эгалик қилиш ва бошқариш вазифалари бир-биридан ажратилган. Шунинг учун корхона эгаси маъмуриятнинг фаолиятини назорат қилиб туриши лозим. Бундай назорат усулларидан бири – акциядорлар томонидан амалга ошириладиган бевосита назоратдир. Иккинчи усул – корхонанинг иш кўрсаткичлари ёмонлашган ҳолларда акцияларни сотишни кўзда тутади: акциялар курсининг пасайиши менеджерларни интизомга чақириши, яъни уларни ҳушёр торттириши лозим.

Корхоналарни хусусийлаштириш усуллари

Жаҳон амалиётида ҳозирча хусусийлаштиришнинг қуйидаги уч усули қўлланган:

1.Корхоналарни ташқи мулкдорларга сотиш.

Бу усул бозор иқтисоди шаклланиб бўлган мамлакатлар (Буюк Британия), даромад даражаси ўртача бўлган ривожланаётган мамлакатлар (Чили)да муваффақият билан қўлланган. Бироқ, корхоналарни бундай усулда сотиш қиммат турадиган, секин амалга ошадиган, кутилганидан мураккаброқ бўлган жараён ва асосийси, бундай усулда айрим корхоналаргина сотилган. Бунинг сабабларидан бири – маҳаллий капиталнинг камлиги, сотиб олишга қурби етмаслиги, хусусийлаштирилган корхона чет эл капиталига боғлиқ бўлиб қолгани туфайли сиёсий кескинликнинг вужудга келишидир.

Корхоналарни чет элликларга сотиш усули жамиятда адолатсизлик билан қилинган жараён деб идрок қилинади. Оддий фуқаролар бу жараёнда иштирок эта олмайди ва хусусийлаштиришнинг бу усули ошкораликдан холи, у ўзбошимчалик ва коррупцияга йўл очиб беради, деб ҳисоблайдилар.

2. Давлат корхоналарининг маъмурият ва ходимлар томонидан сотиб олиниши.

Корхонани унинг маъмурияти, ходимлари томонидан сотиб олиниши хусусийлаштиришга муқобил усул, бу усул Польша, Руминия, Словения ва Хорватияда кенг тарқалди.

Айтиш жоизки, бу усул баъзи камчиликлардан холи эмас. Камчиликлардан бири – бойликларнинг нотекис тақсимланиши: яхши ишлаб турган сердаромад корхона ходимлари қимматли активларни олишади, айни пайтда зиён кўриб ишлаётган корхона ходимлари қўлига паст қийматли активлар тегади ёки узоқ вақт ҳеч қандай даромад ололмасликлари мумкин. Унинг яна бир камчилиги – корпоратив бошқарувга путур етказишидир.

3. Аҳоли ўртасида хусусийлаштириш чеклари (ваучерлар) тарқатиш ва ваучер эгалари ўртасида мулкни нисбатан тенг тақсимлаш.

Хусусийлаштиришнинг бу шакли биринчи марта Литва, Монголия, собиқ Чехословакияда қўлланган. Кейин Албания, Арманистон, Қозоғистон, Молдова, Польша, Руминияда такрорланган. Ваучердан Россия ва Грузияда фойдаланилганда бу ерларда корхоналарнинг маъмурияти ва ходимларига устунлик берилди. Натижада зиён кўриб ишлаётган корхоналарда унинг самараси жуда паст бўлди ва ваучерлар бегоналар қўлига ўтиб кетди. Венгрия, собиқ Югославия, Македония Республикаси ва Ўзбекистон ваучерлардан умуман воз кечган бир неча мамлакат жумласига киради. Бу мамлакатлар ўз қарорларининг сабабини шу билан изоҳлашдики, акцияларнинг тарқатилиши уларни қабул қилиб олувчилар назарида акцияларнинг қийматини йўқотади, ваучер дастурлари эса "ҳақиқий" мулк эгалари пайдо бўлишини кечиктириб юборади.

Кичик корхоналарни хусусийлаштириш

Йирик корхоналарни хусусийлаштиришга нисбатан кичик корхоналарни хусусийлаштириш осон. Уларнинг кўпчилиги савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бу фаолият турлари оддий технологиялардан фойдаланишни, бозорга эркин кириб боришни кўзда тутади. Кичик корхоналарни хусусийлаштиришда катта капиталнинг мавжудлиги, қайта тузиш зарурати, тартибга солиш, бошқаришдаги камчиликлар каби жиддий муаммолар пайдо бўлмай-

ди. Кичик корхоналарни хусусийлаштириш вазифасини маҳаллий ҳокимият ўз зиммасига олиши мумкин. Йирик корхоналарни баҳолашга нисбатан кичик корхоналарни баҳолаш анча осон бўлганлиги учун уларни сотишдаги очиқ савдода зарур бўладиган маълумотларга истаган одам эга бўлиши мумкин.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг узоқ муддатли ривожланишидаги муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, янги фирмаларни очишга кўмаклашиш ҳам муҳимдир. Йирик корхоналарнинг мулкини тақсимлаш узоқ давом этадиган жараён бўлганлиги учун айнан шу янги хусусий корхоналар тезроқ фойда кўрилишини таъминлайди. Масалан, Польшада жуда секинлик билан амалга оширилган расмий хусусийлаштириш дастурлари эмас, балки жуда кўп янги корхоналарнинг ташкил қилиниши мамлакатда иқтисодий ривожланишга сабаб бўлди. Тажриба шуни кўрсатадики, техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ошиши айнан янги ташкил қилинган компанияларда юз берди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда хусусийлаштириш.
2. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш моделлари.
3. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш усуллари.
4. Кичик корхоналарни ва фермер хўжаликларини хусусийлаштириш.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. «Халқ сўзи», 10 февраль 2004 йил.
2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Т., «Ўзбекистон», 1996.

6. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии. 1996, МБРР, Вашингтон, 1996.

7. *Раджабова З.К.* «Мировая экономика» М., ИНФРА, 2004.

8. Экономическая теория (под редакцией Камаева), М., 1998, глава 23.

9. Экономическая теория (под редакцией Базилева, Гурко), Минск, 1998, глава 7.

4-БОБ
ЎТИШ ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қашшоқлик билан курашиш, инсон капиталини асраш, уни бозор иқтисоди эҳтиёжларига тайёрлаш иқтисодий юксалишга, ижтимоий адолатга, сиёсий барқарорликка кўмаклашади.

Ишлаб чиқаришнинг инқирози, даромадлар борасидаги тенгсизликлар оқибатида Марказий – Шарқий Европа мамлакатлари ва янги мустақил давлатларда камбағаллик кескин кўпайиб кетди. Иш ҳақининг эркинлаштирилиши, даромадларни табақаланиши даражаси юқори бўлган хусусий секторнинг улуши ўсиб бориши оқибатида бутун минтақада даромадларнинг тенгсизлиги кузатилди. Айримлар ҳаддан ташқари бойиб кетди, кўпчилик камбағаллашди ва ҳатто қашшоқлашди.

Камбағаллик даражаси қандай аниқланади? *Мутлақ камбағаллик* шахсий ёки оилавий даромадлар (ёки харажатлар)ни муайян миқдордаги товарлар, хизматлар қийматига таққослаш йўли билан аниқланади. *Нисбий камбағаллик* даромадларни бошқа шахслар ёки оилаларнинг даромадларига таққослаб белгиланади. *Субъектив камбағаллик* амалдаги даромадларини муайян шахслар ўзлари кутаётган ва тасаввур қилаётган даромадларга таққослаб белгиланади.

Камбағаллик муаммоларини ҳал қилишнинг калити иқтисодий ўсишни тиклаш. Бироқ, аҳолининг баъзи тоифалари, масалан, малакалари даражаси бозор талабларига мос бўлмаган ходимлар, кексалар, болалар ва кўп болали оилаларнинг муаммоларини фақат иқтисодий ўсиш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Аҳолининг бу гуруҳи учун эгасига бориб етадиган (адресли) ёрдам дастурини ишлаб чиқиш зарур. Лекин аҳолининг ҳаёт даражасини ҳақиқатан кўтариш учун иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш лозим.

Бозор иқтисодига ўтиш даврида юз бераётган жараёнлар *меҳнат бозорига* ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу *уч йўналишда*

содир бўлди: иш ҳақи даражаси ва таркиби ўзгарди, минтақалар, тармоқлар бўйича иш билан бандлик таркиби ўзгарди ва ишсизлик бандликни тартибга солиш механизмидан бирига айланди.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда меҳнат бозорларини қайта қуриш жараёни уч йўналишнинг бирига кўра юз беради. *Биринчи йўналишга* мувофиқ, давлат секторидаги иш билан бандлик кескин пасайиб кетади. Бу йўналиш Марказий – Шарқий Европа мамлакатлари учун хос. *Иккинчи йўналиш* бозор иқтисоди шароитларига мослашиш йўли бўлиб, у Россияда ва янги мустақил давлатларнинг кўпчилигида амалга оширилган. Бу мамлакатларда иш билан бандлик ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан анча секинлик билан қисқарди. Корхоналар оммавий тарзда ишдан бўшатиш йўлидан қочганликлари туфайли ходимлар расман штатда қолганликлари ҳолда энг кам иш ҳақи олишган ёки ҳеч нарса олишмаган, лекин кўп вақтларини норасмий сектордаги ишга бағишлаб, корхоналарнинг баъзи имтиёзларидан фойдаланиб туришган.

Учинчи йўналиш – Хитой моделига мувофиқ давлат секторидаги бандлик 1993 йилгача ўсиб борди, кейин эса бироз пасайиш юз берди.

Ишсизликнинг ортиб бориши билан Марказий – Шарқий Европа мамлакатлари ва янги мустақил давлатларда ушбу икки масала: корхоналарга кўмаклашишни давом эттириш керакми-йўқми ва меҳнат бозоридаги фаол сиёсат нимадан иборат бўлиши лозим, деган масалалар долзарб бўлиб қолди.

Ишсизлик даражаси юқори ва ишчи кучининг шароитга мослашувчанлиги паст бўлган минтақаларда ўзини ўнглаб олиши кутилаётган ёки ёпиб қўйилиши бутун минтақа учун оғир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган корхоналарга иш ҳақи учун вақтинчалик маблағ билан ёрдам бериш (субсидия) мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бироқ, бунда шуни ҳисобга олиш керакки, бу субсидиялар аста-секин бекор қилиниши лозим.

Меҳнат борасидаги *фаол сиёсат уч асосий* йўналишда мавжуд: бандлик хизмати (ишга жойлашиш учун кўмаклашиш ва маслаҳат бериш); касбга ўргатиш; янги иш ўринларини ташкил қилиш.

Мамлакатда *юқори малакали* ва *жисмонан соғлом* меҳнат ресурслари мавжуд бўлган тақдирдагина иқтисодий юксалишга эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан ўтиш даврини бошидан

кечираётган мамлакатлар мустаҳкам негизга эга. Шуни таъкидлаш лозимки, марказлаштирилган режали тизимнинг ижобий томонлари туфайли Марказий – Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида кўп ютуқларга эришилди: деярли умумий бошланғич, тўлиқсиз ўрта таълим берилиши, даромад даражаси нисбатан ўхшашлиги, бошқа давлатларга нисбатан саводлилик даражасининг юқорилиги, аниқ фанлар соҳасида техникавий билимлар ва тайёргарликнинг устунлиги. Таълим олиш борасида эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳам муҳим ютуқ бўлиб, бу омил аҳолининг умумий савиясига, саломатлигига, иш унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатган. Бироқ, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари рақобатли шароитдаги эркин бозорнинг кун сайин ўзгариб турадиган эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки буйруқбозлик асосидаги иқтисод эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган эди. Шунинг учун айни пайтда шу тизимларда ҳам тегишли ислоҳотларни ўтказишга тўғри келади.

Инсоннинг саломатлигига тўрт гуруҳдаги омил таъсир кўрсатади: даромад, яшаш тарзи, атроф-муҳитнинг аҳволи ва касбга доир касалликлар, шунингдек, тиббий хизмат сифати.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизими тўрт усулда маблағ билан таъминланади:

Биринчи усул – нақд пул билан таъминлаш. Бу асосий усул бўлиб, юз йиллар мобайнида қўлланиб келинади. Бюджетдан маблағ ажратиш учун солиқ тушумлари, соғлиқни суғурталаш тизими бўлмаган энг камбағал давлатларда ҳозир ҳам қўлланилади.

Иккинчи усул – хусусий суғурталаш тизими. Бу асосан тушадиган фойдага асосланган бўлиб, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади. Саноати ривожланган мамлакатлар ичида фақат АҚШда қўлланади, лекин бу ерда давлат ҳам соғлиқни сақлаш тизимига каттагина маблағ ажратади.

Учинчи усул – ижтимоий ҳимоялаш. Бу усул Аргентина, Германия, Корея Республикаси, Уругвай, Чили, Ўзбекистон ва қатор янги мустақил давлатларда қўлланилади.

Тўртинчи усул – солиқ тушумларидан маблағ ажратиш кўпчилик мамлакатларда, жумладан, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция ва Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Шимолий Африканинг кўпгина мамлакатларида асосий манба ҳисобланади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1. Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларида камбағаллик муаммоларининг ечими.
2. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя.
3. Меҳнат бозори шакллари.
4. Ўзбекистон ишчи кучлари халқаро миграцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз. «Халқ сўзи», 10 февраль 2004 йил.
2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии, 1996. МБРР, Вашингтон, 1996.
6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА, 2004.

5-БОБ
МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1. Меҳнат бозорининг моҳияти ва унинг асосий хусусиятлари.
2. Рақобатли меҳнат бозорига таъсир этувчи омиллар.
3. Меҳнат бозорининг русуми.
4. Бандлик назарияси: анъанавий, Кейнс.
5. Ишсизлик ва унинг кўринишлари: фрикцион, таркибий (структура) ва даврий (циклик).
6. Ишсизлик даражасини аниқлаш.
7. Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий харажатлари.
8. Бандлик бўйича давлат сиёсати: меҳнат қилиш кафолати, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ишсизлик нафақаси, бандлик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.
9. Бандлик бўйича давлат хизмат идоралари: вазифалар, тузилмалар, муаммолар.

Ҳар бир жамиятнинг имкониятлари (ресурслари) чекланган бўлиб, улардан иложи борича унумлироқ фойдаланиш истаги туғилиши табиийдир. Бу табиийки, меҳнат ресурсларига ҳам тааллуқлидир.

Тўла бандлилик деганда, фақат меҳнатга яроқли имкониятлардангина фойдаланиш кўзда тутилади. Болалар, қариялар ҳамда ногиронлар маълум қисмининг меҳнатидан фойдаланишни таъқиқлаб қўядиган қонунчилик буни назарда тутади.

Тўла бандлилик мамлакатнинг меҳнатга қобилиятли барча фуқаролари иш билан банд деган маънони англатмайди. Бирор киши меҳнат қилишни хоҳлаб иш жойини қидирсагина уни ишсиз деса бўлади. Тўла бандлиликда ишсизлик фақат фрикцион ва тузилмавий (яъни бирор киши турмуш шароитлари ўзгарганлиги ёки бошқа сабаб туфайли ўз хоҳиши билан иш жойини алмаштирмоқчи бўлганлигидаги ишсизлиги билан) ишсизлик бўйича белгиланади. Бу ҳол ишсизликнинг табиий даражаси деб баҳоланади ва у доим мавжуддир.

Табиий ишсизлик даражасини инобатга олиб, иқтисоднинг реал ишлаб чиқариш имкониятларини билиш ёки табиий ишсизлик даражасини инобатга олиб ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулот ҳажмини белгилаш мумкин. Худди ана шу ҳолда иқтисод "чекланган имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда" ишлаб чиқариши мумкин бўлган аниқ маҳсулот миқдори юзага келади.

Тўла бандлилик ҳолати учун хос бўлган табиий ишсизлик даражаси ишчи кучи бозорида мувозанат сақланган тақдирда юзага келади. Бундай пайтда иш қидириб юрганларнинг сони бўш турган иш жойлари ёки вакансияларга тенг бўлади. Ана шу ҳолатда ҳар бир ишчи кучи таклифига тегишли талаб ҳам топилади.

Табиий ишсизлик даражаси иқтисоднинг ижобий омили ҳисобланади. Нега деганда, бу ҳолатда иш вақти кам йўқотилади, чунки меҳнат бозорида мувозанат бор. Демак, иш жойини қидиришга жуда кам вақт сарфланади. Талаб ҳамиша таклифга тўғри келади. Меҳнат бозорида ишчи кучи ошиб кетмагани каби унга танқислик ҳам сезилмайди.

Табиий ишсизлик даражаси иқтисодда бир ҳолатда турмайди, кўпинча табиий ҳолатдан ё юқори, ё паст бўлади. Бу кўп жиҳатдан иқтисоднинг қайси паллада турганига боғлиқ. Масалан, ишлаб чиқариш даражаси кўтарилиб, "жонланиш" палласи бошланганида бандлилик тўла ҳолга, ишсизлик даражаси табиий даражага яқинлашади.

Шундай ҳолатлар бўладики, бандлилик 100%га кўтарилади. Масалан, бу ҳолат иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳарбий буюртмалар билан боғлиқ бўлган, ўшанда ҳукуматларда ишчи кучига талаб катта бўлиб, ишдан бўшашлар таъқиқлаб қўйилган ва қонунчилик йўли билан ишчи кучи таклифи кўпайишига имкон берилган (икки ишда ишлаш, иш вақтидан сўнг меҳнат қилиш ва ҳ.к.лар). Бундай шароитда бандлилик ортади, лекин даромад кўпайгани туфайли инфляция ҳам юзага келади. Иқтисодчилар ишчи кучининг 95–96%и банд бўлса, оптимал даража, деб ҳисоблашади. Бу рақам албатта ўзгариб туради. Масалан, аҳоли таркибида ёшлар кўпайиб, демографик вазият ўзгарганида табиий ишсизлик даражаси ўсиши мумкин, нега деганда, ёшларнинг иш топиши анча мушкул бўлади, бундай вазиятларда қонунчилик йўли билан ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Масалан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури, ишсизлик бўйича нафақаларни жорий этиш каби. Ишсиз қолган одам ишсизлик нафақасини кўпроқ олса, ўзига маъқул келган иш жойини шошмасдан топиши эҳтимоли ҳам осонлашади. Демак, иккинчи марта иш жойини йўқотмайди.

Ишсизлик шунчалик мураккаб ва жиддий ижтимоий масала экан, барча чоралар билан унга қарши курашиш керакми, деган маъно келиб чиқади бундан. Бу масалада бозор иқтисодининг имкониятлари қандай?

Ҳамма бозорларда талаб ва таклиф қонунлари ҳукмрон. Меҳнат бозорида одамлар маълум ҳақ эвазига ўз молини, яъни ўзининг ишчи кучини таклиф қилади, иш берувчилар эса унга талабгор бўлиб, сотиб олади ва ҳақини тўлайди. Демак, меҳнат бозорида бозорга хос бўлган тўртта зарур элемент мавжуд: талаб, таклиф, нарх ва рақобат. Ишчи кучи нархи дегани унинг иш ҳақи. Иш ҳақи даражаси эса бандлилик ва ишсизлик ўртасидаги нисбатга боғлиқ.

Ишчи кучи таклифини шакллантирувчи омиллар қуйидагилар:

– Мавжуд иш ҳақи даражаси;
– маданият;
– дин;
– касаба уюшмаларининг мавжудлиги;
– солиқлар даражаси;
– ишчи кучининг таркиби (масалан, унда ёшлар кўпроқ бўлиши мумкин);
– ишчи кучининг ҳудудий бўлиниши.

Ишчи кучига бўлган талаб иш берувчиларнинг умумий иқтисодий талабига кўра, қанча маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш зарурлиги билан боғлиқ бўлган одам ёллаш эҳтиёжига қараб белгиланади. Демак, бу ишлаб чиқаришнинг умумий талабига, унинг техник жиҳатдан қай даражада жиҳозланганлигига боғлиқ. Яъни маълум миқдордаги машиналарга маълум миқдордаги одамлар зарур. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш харажатлари мақбул даражада бўлган тарзда давом этади ва улар таркибига кирадиган иш ҳақи ҳам шунга яраша тўланади.

Меҳнат бозори фаолиятини таърифловчи бир қанча иқтисодий назариялар бор.

"Анъанавий (классик) бандлик назарияси"

Анъанавий бандлик назариясига кўра, тўла бандлик бозор иқтисодида одатий ҳол ҳисобланади, шунинг учун давлат сиёсатининг энг яхши тури бунга аралашмаслик сиёсатидир, деб таърифланади.

Анъанавий бандлик назарияси бозор иқтисодиётида ялпи харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни сотиб ололмаслиги каби вазият юзага келмаслигига асосланади. Агар шундай ҳолат юз берса, нарх ва иш ҳақи сингари тартибга солиш воситалари ўз-ўзидан ишга тушиб кетади, бунинг натижасида умумий харажатларнинг камайиши ишлаб чиқариш кўламининг пасайишига, бандлилик ва соф даромадларнинг озайишига олиб келмайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, таклиф кўпайган тақдирда иш ҳақи (нархи)нинг пасайиши мувозанатни тиклашга олиб келади.

Мабодо, иш ҳақи, иш излаб юрганларнинг барчаси иш жойини топгудай чегарадан юқори бўлса, меҳнат бозорида таклифлар керагидан ортиқ бўлади.

Демак, анъанавий бандлик назарияси жуда юқори даражадаги иш ҳақини назарда тутади. Бозор қоидалари ишга тушиши лозим: сероб таклиф иш ҳақи нархига "тазйиқ" қилади, токи, у пасаймагунча, яъни ишсизлик (автоматик равишда) иш ҳақи даражасини камайтиради, оқибатда мувозанат тикланади – тўла бандлилик ҳолати юзага келади. Лекин амалда иш ҳақининг камайиши назариядагидан кўра, нисбатан анча сустроқ рўй беради. Ишловчилар ўз даромадларидан воз кечгилари келмайди. Бундан ташқари, иш берувчилар ҳам иш ҳақи барқарор бўлишидан

манфаатдор, чунки бу нарса ишлаб чиқаришни, даромадни режалаштириш имконини беради, жамиятда хотиржамликни таъминлайди. Касаба уюшмалари билан иш берувчилар ўртасида тузиладиган қўшма шартномаларда иш ҳақи даражаси белгилаб қўйиладики, бу нарса унинг бозор мувозанати қонунларига мувофиқ ўзгариб туришига халақит беради. Демак, ишсизлик давом этаверади.

Иш ҳақи юқори даражада, ортиқча таклиф сероб бўлади, бу эса – анъанавий назариянинг таърифи бўйича ихтиёрий ишсизликдир, чунки ишловчилар иш ҳақининг камайишига йўл қўймайди. Бу энди юқори даражадаги иш ҳақи учун жамият тўлайдиган солиқ, демакдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатнинг бандлик масалаларига аралашуви ортиқча кўринади. Нега деганда бу соҳадаги тартиб-қоидалар ўз-ўзидан мувозанатни сақлаб туради. Лекин амалда назария бошқа, тажриба бошқа. Мунтазам равишда узоқ давом этган ишсизлик ва инфляция доим мавжуд. Оқибатда янги назария – *бандлик бўйича Кейнс назарияси* пайдо бўлди.

1936 йилда инглиз иқтисодчиси Джон Мейнард Кейнс бозор иқтисодиётидаги бандлилик даражасига ўзига хос таъриф берди. Унга кўра, бозор иқтисодида тўла бандликка кафолат берувчи қонун-қоида йўқ. Тўла бандлик табиий эмас, кўпроқ тасодифий ҳолдир. Шундай экан, давлат бозорда рўй берувчи жараёнларга фаол аралашмоғи лозим.

Кейнс қайд этадики:

– иш ҳақини камайтириш имкониятлари жуда кам;

– иш ҳақи камайтирилган тақдирда ҳам унинг самараси оз бўлади, чунки ишловчиларнинг даромадлари пасаяди, оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларга бўлган ялпи талаб камаяди.

Бинобарин, давлат ялпи талабнинг кўпайишига қаратилган фаол молиявий сиёсатни амалга ошириб, инвестицияларни рағбатлантириб, солиқларни камайтирган ҳолда (булар ишчи кучига бўлган талабни кўпайтиради ва бандлилик даражасини оширади) ишсизликка қарши курашиши лозим.

Иш ҳақини аста-секин, кескин бўлмаган ҳолда ошириш бўйича таклифларни ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Массачусетс университетининг профессори Мартин Вейман қуйидагиларни таклиф қилади:

– иш ҳақининг бир қисми фирманинг рентабеллиги билан бевосита алоқадор бўлиши шарт. Даромаднинг бошқа қисми ушбу фойданинг маълум ҳиссасидан иборат бўлиши керак.

1980-йиллардан бошлаб фойдадаги иштирок улуши ғояси меҳнат шартномаларида кафолатланган энг кам иш ҳақи кўзда тутилган ҳолда қайд этиладиган бўлди. Чунончи, Вейманга кўра, кафолат бўйича соатига тўланадиган 10 доллар ўрнига 5 доллар, плюс фирма фойдасининг маълум фоизи (ҳиссадорлик иш ҳақи) тўланади. Ҳиссадорлик иш ҳақи кўринишидаги бу фарқ мутаносибликни тезроқ тиклашга ёрдам беради, чунки кафолатланган иш ҳақи даражаси анча паст. Ишловчилар ҳиссадорлик орқали келадиган иш ҳақига кўпроқ манфаатдор. Чунки бу уларга чегараланмаган иш ҳақи олиш имкониятини беради. Натижада уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ва маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади.

Ишсизлик

Фрикцион ишсизлик

Ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган жойга ўз меҳнатини таклиф қилиш ёки ишдан кетиш ҳуқуқига эга. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ҳолатда одамларнинг маълум бир қисми "иш ахтариб юради". Баъзилар ўз истак-хоҳишларига кўра иш жойини ўзгартиради. Яна бир тоифадагилар ишдан бўшатилганлиги сабабли янги иш жойини қидиради. Учинчи тоифадагилар эса мавсумий иш билан банд бўлади. Қолаверса, кўпгина фуқаролар, айниқса, ёшлар биринчи бор иш қидираётган бўлади. Ана шу тоифаларга кирувчиларнинг умумий сони йил давомида ойлар бўйича ўзгариб туради, чунки ишга жойлашганлар ўрнини ишга кирмоқчи бўлганлар тўлдириб туради.

Юқоридаги сабаблар бўйича иш қидириб юрган ва яқин орада ишга жойлашишни кутаётган одамларни иқтисодчилар "фрикцион ишсизлар" деб, ана шу ишсизлик турини эса "фрикцион ишсизлик" деб номлашади. Бу ҳол тушунарли, нега деганда фрикцион ишсизлик меҳнат бозоридаги вазият у ёки бу томонга оғганлигини ва мувозанат бузилганлигини билдиради.

Фрикцион ишсизлик муқаррар нарса. Унинг юз бергани маъқул, деб ҳисобланади. Нега деганда, кўп одамлар юқорироқ маош олиш, ўзининг ижодий имкониятларини тўлароқ намойиш этиш мақсадида иш жойини ўзгартиради. Шу тариқа фрикцион ишсизлик натижасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш анча дуруст ҳолатга келади, жамият даромадлари ошади, миллий даромад кўпаяди.

Таркибий ишсизлик

Фрикцион ишсизлик секин-аста таркибий ишсизликка олиб келади.

Талаб тузилиши, ишлаб чиқариш тузилиши вақт ўтган сари ўзгариб боради. Технологиялар ўзгариши натижасида ишчи кучига бўлган талаб ҳам ўзгаради. Баъзи касб турларига бўлган талаб камаяди, бошқа касб турларига эҳтиёж ошади. Айни пайтда мавжуд касб турларига бўлган талаб ошиши ҳам мумкин. Янги касб турлари пайдо бўлади. Бунинг натижасида меҳнат бозоридаги мувозанат бузилиб, ишсизлик вужудга келади.

Ишчи кучи сустроқ бўлиб, у талаб соҳасидаги ўзгаришларни дарров қабул қилолмайди. Бунинг оқибатида ишловчиларнинг айрим қисми зарур бўлган янги меҳнат *кўникмаларига эга эмаслиги, яъни унинг энди* харидга арзийдиган бисоти йўқлиги маълум бўлади. Ундаги мавжуд меҳнат кўникмалари эскирган, унга талаб ҳам йўқ. Ишсизликнинг бу тури "таркибий ишсизлик" деб номланган.

Ишчи кучларини ҳудудий жиҳатдан қайта тақсимлаш, янги ҳудудларни ўзлаштириш бўйича тадбирлар таркибий ишсизликка сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда дастлабки ўзлаштириш даврида кўпроқ қурувчилик ихтисосидаги ишчилар ёлланади. Лекин кейинчалик кам малакалилар ишсиз қолади.

Шу тариқа қишлоқ хўжалигини кенг механизациялаш малакасиз қишлоқ хўжалиги ишчиларига ҳожат қолдирмайди. Нархларнинг пасайиши сабабли кўмир, нефть ва газ ишлаб чиқаришдаги оқсоқлик оқибатида шу соҳалардаги ишчилар ўртасида ишсизлик юзага келади. Таркибий ишсизлик аҳоли учун оғир оқибатлар олиб келади. Фрикцион ишсизлар меҳнат бозорида у ёки бу нархда ўз кўникмаларини сотиши мумкин. Таркибий ишсизлар янги кўникмаларга эга бўлмайди. Масалан, пахта терувчи махсус тайёргарлик кўрмаган бўлса, электрон ҳисоблаш машинаси бўйича дастурчи ёки оператор бўлиб ишлай олмайди-ку. Баъзи ҳолларда эса мавжуд меҳнат кўникмаларини ишлатишга мувофиқроқ жой танлаш мақсадида ҳар ким турган жойини ўзгартириши мумкин. Тизимдаги узоқ муддатли ишсизлик шунга ҳам боғлиқ.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, фрикцион ишсизлик ва таркибий ишсизлик сарҳисоб қилинганида ишсизликнинг табиий даражасига тенг келади. Бу даража бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан ҳар бир мамлакат меҳнат ресурсларининг 4–5% ига тўғри келади.

Даврий ишсизлик

Даврий ишсизлик деганда, иқтисодий даврнинг пасайиш босқичи билан боғлиқ бўлган ишсизлик тушунилади. Пасайиш даври маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабнинг камайиши, бандликнинг қисқариши, ишсизликнинг кўпайиши билан ажралиб туради. Бу ҳол даврий ишсизликни талаб камайган ишсизлик деб номлашга имкон беради. Масалан, 1933 йилдаги Буюк инқироз пайтида даврий ишсизлик 25%га кўтарилган.

Ишсизликни аниқлаш даражаси

Аҳолининг барча қисми шартли равишда уч тоифага бўлинади:
– меҳнат қилиш лаёқатига етмаган аҳоли;
– меҳнат қилиш лаёқатига етган аҳоли;
– меҳнат лаёқатидан ўтган аҳоли.

Ҳар қандай давлат қонунчилик йўли билан бу чегараларни аниқлаб қўяди. Одатга кўра, биринчи тоифага 16 ёшга етмаган ўсмирлар киради. МДҲ мамлакатларида ишга лаёқатлилик даражаси эркаклар учун 16–60, аёллар учун эса 16–55 ёш қилиб белгиланган. Қатор бошқа мамлакатларда пенсия ёши баландроқ бўлиб, кўп ҳолларда эркаклар ва аёллар учун баробардир.

Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?

Аввало аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмидан тузатиш – меҳнат муассасаларида турганлар, ҳарбий хизматчилар, биринчи ва иккинчи тоифа ногиронлари, меҳнатга қобилиятли ёшдаги ўқувчилар, ўз хоҳиши билан ишлашни истамайдиган фуқаролар мустасно этилади (айирилади).

Қолган аҳоли ишлаётганлар ва ишлашни хоҳлайдиганлар бўлиб, салоҳиятли ишчи кучи ҳисобланади. Демак, ишчи кучи деганда ишловчиларни ва фаол иш ахтариб юрган ишсизларни тушуниш керак. Худди шу маънода фаол иш қидириш аломати ишсизга хосдир.

Ишсизлик даражаси ишчи кучининг иш билан таъминланмаган улушидир.

$$\text{Ишсизлик даражаси:} \quad \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{ишчи кучи сони}} \times 100\%.$$

Келтирилган тенглик бўйича мисол: 2000 йилда минг киши ҳисобида:

1. N мамлакатининг аҳолиси 2000 йилда	–	25900
2. 16 ёшга етмаганлар, меҳнат лаёқати ёшидан ўтганлар ва I ва II гуруҳ ногиронлари	–	16200
3. Махсус муассасалардаги шахслар	–	3,0
4. Ишлашни хоҳламайдиган ишсизлар	–	2600
5. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчилар	–	930
Ҳаммаси бўлиб: ишчи кучи 1–(2+3+4+5) сатрлар	–	6167
ишловчилар	–	6047
ишсизлар (6167–6047)	–	120

Ушбу мамлакатда ишсизлик даражаси 2000 йилда қуйидагича бўлган:

$$\frac{120000}{6167000} \times 100 = 1,9\% .$$

МДҲ мамлакатларида меҳнат вазирлиги ёки давлат бандлилик хизмати ишсизларни рўйхатга олиб боради. Минтақавий органлар (меҳнат биржалари, бандлилик бўйича давлат хизмат органлари)га мурожаат қилган ишсизларни рўйхатга олади. Яъни бу мамлакатларда ишсизлик тўғридан-тўғри ҳисобга олиш орқали аниқланади.

Дунёдаги кўпчилик давлатларда ишсизлик даражаси ҳар ойда ўтказиладиган оралатиб олинадиган тадқиқотларга кўра белгиланади. АҚШда 60 минг оила шундай савол-жавобга тутилади. Тадқиқот дастурига кўра, оиладаги ишловчиларнинг сони, оила аъзолари нима учун ишламаслиги, нимага ишдан бўшаганлиги, ким иш қидираётганлиги ёки иш қидиришни хоҳламаганлиги, бунга нима сабаблар борлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган ҳисоб-китобда қуйидагилар ўзгартирилиб турилади:

– қисман банд бўлганлар;
– иш топишдан умидини узганлар;
– ахборотдаги чалкашликлар.

1. Ишловчилар тоифасига тўла бўлмаган иш куни ёки тўла бўлмаган иш ҳафтаси билан ишлаётганлар киради. Мисол тариқасида кўрсатилган мамлакатда бундай фуқаролар, турли саноат соҳаларида 26 минг кишидан иборат (улар ноиложликдан тўла бўлмаган (иш куни) билан бандлар). Бундан ташқари, яна 3000 га яқин аёл ўз хоҳиши билан иш кунини тўла бажармайди. Агар шулар ишловчилар рўйхатидан чиқариб ташланса, ишсизлик даражаси 2,5% га кўтарилади.

2. Иш топишдан умидини узганларнинг бир қисми меҳнат биржасида қайд қилинмайди, савол-жавобларда иш топишга хоҳиш-ирода борлигини айтишмайди. Натижада расмий статистика уларни рўйхатга киритмай, ишсизлик даражасини пасайтириб кўрасатади.

3. Жуда кўп фуқаролар меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтиши, савол-жавобларда «иш қидириб юрибман», деб айтишлари ҳам мумкин. Фаол иш қидириб юрганларга бериладиган ишсизлик нафақалари ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳол ишсизлик даражасининг ошишига олиб келади.

Шундай экан, давлат иқтисодий жиҳатдан қанчалик соғлом эканлиги аниқ маълум бўлиб туриши учун ишсизлик даражасини белгилаш услубини ҳамиша такомиллаштириб бориши керак бўлади.

Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий чиқимлари

Табиий даражадан ошиб кетган ишсизлик жиддий иқтисодий хатарга олиб келади.

Энг асосий йўқотиш – ишлаб чиқарилмаган маҳсулотдир. Иқтисодиёт ишлаш қобилиятига эга бўлган, ишламоқчи бўлганлар учун етарли иш жойини таъминлаб беролмас экан, қўшимча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлардан маҳрум бўлади.

Иқтисодчилар буни ялпи миллий маҳсулот ҳажмидаги оқсоқлик деб баҳолашади. Масалан, юқорида келтирилган мисолда мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 2000 йилда 39 млрд доллардан иборат бўлган, яъни ҳар бир ишловчи бир йилда 6500 долларлик ялпи миллий маҳсулот берган. Агар ҳамма ишсизлар меҳнатга жалб қилинганида ялпи миллий маҳсулот 780 млн долларга кўпайган бўлар эди. Амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот мана шу имконият даражасидан паст, шунинг учун ҳам бу ҳолни ялпи миллий маҳсулотдаги оқсаш дейилади. Ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, бу оқсаш ҳам шунчалик баланд бўлади.

АҚШ иқтисодида бу борада ўзига хос доимий миқдор ишлаб чиқилган. Иқтисодиётчи-математик Артур Оукен амалдаги ишсизлик даражаси табиий ишсизлик даражасидан бир фоизга ортиб кетса, ялпи миллий маҳсулотдаги йўқотиш 2,5%ни ташкил этишини исботлаб берган. Масалан, табиий ишсизлик даражаси 5% бўлиб, амалдаги ишсизлик даражаси 9%ни ташкил этса, йўқотиш (9 – 5) х 2,5–10%дан иборат бўлади.

Агар МДҲ мамлакатларидаги ишсизликнинг шаклланиш даражасини кузатсак, бу ерда ишсизликнинг аксарияти аёллардан,

ёшлардан, хизматчилардан, пенсия ёшига етиб қолган паст малакали ишчилардан иборат эканлиги маълум бўлади. Булар меҳнат бозорида энг кам лаёқатли ҳисобланувчи аҳоли гуруҳларидир.

АҚШдаги ишсизликнинг кўринишлари шундан далолат берадики, у ерда ҳам ишсизлик даражаси ёшлар, кам малакали хизматчилар ва бошқалар ўртасида анча юқори. АҚШ олимлари бунга қуйидаги ҳолатларни сабаб қилиб кўрсатишади:

– фирмалар малакали хизматчилар – "оқ ёқали" хизматчиларни ишдан камроқ бўшатади;

– катта ёшдагиларга нисбатан ёшларнинг малакаси паст, баъзан эса, бутунлай йўқ;

– аҳолининг бир қисмига нисбатан таълим соҳасида камситиш ҳолатлари, йирик шаҳарларда уларнинг геттолларда яшаши натижасида айниқса ёшлар учун иш топишнинг қийинлашуви.

АҚШдаги ўзига хос вазият шундан иборатки, ишсизлик даражаси эркакларга нисбатан аёллар ўртасида анча камроқ. Эркаклар кўпроқ инвестиция маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган соҳаларда ишлашадики, бу соҳалар кўпроқ ўзгарувчан бўлиб, даврийлиги билан ажралиб туради.

Ишсизликнинг иқтисодий чиқимлари ҳақида гап кетганда, аҳоли даромадининг камайишини, меҳнат кўникмалари йўқолишини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Ишсизлик ижтимоий чиқимларга ҳам олиб келади. Меҳнат бир бутунлик ҳиссини уйғотади. Инсон учун иш – бу мақом, обрў-эътибор, дегани. Иш кунимизни, ҳаётимизни безаб туради. Ишсиз одам касб-ҳунари ярамай қолганлигидан надомат чекади. «Мен энди ортиқча эканман», деб ўзини қийнайди. Статистика маълумотларига кўра, ўзини-ўзи ўлдириш ҳоллари ишсизлар орасида кўпроқдир. Спиртли ичимликлар, наркотик моддаларни истеъмол қилиш ҳоллари ва жиноятчилик кўпаяди. Врачларнинг таъкидлашича, ишсизликнинг ортиши миллатнинг саломатлигига путур етказади. Асабийлашиш, уйқусизлик, бош оғриқлари, ҳаётдан безиш ҳоллари ишсизлар орасида кўпроқ учрайди. Узоққа чўзилиб кетадиган ишсизлик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Худди ана шундай шароитда Гитлер Германияда ҳокимият теласига келган эди. Юқори даражадаги ишсизлик ижтимоий тартибсизликларга, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий йўлидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин ва олиб келади ҳам.

Ишсизлик нафақалари

Ишсизлик учун нафақалар миқдори ишсизлик даражасига катта таъсир қилиши мумкин. Бу қуйидагича рўй беради:

– ишсизлик учун нафақа жуда оз бўлса, ишсиз бўлса-да, фаол иш қидириб юрганларнинг ҳаммаси ҳам бандлик хизмати рўйхатидан ўтавермайди. Бу ҳол расмий ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади;

– ишсизлик нафақаси ҳаддан ташқари юқори бўлса, ишга киришни хоҳламаган кўп одамлар учун яхшигина даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу нарса расмий ишсизлик даражасини сунъий равишда ошириб юборади.

Ишсизлик учун нафақалар кимнинг ҳисобидан тўланади? Шуни алоҳида кўриб чиқиш лозим бўлади. Ана шундай нафақалар бериладиган мамлакатларнинг аксариятида иш берувчилар ва ишловчилар ҳақининг маълум миқдори ажратилиб бериладиган махсус суғурта жамғармалари ташкил этилади. МДҲдаги кўпчилик давлатларда ана шундай тўловлар фақат иш берувчилар томонидан таъминланади. Ана шу тўловларни солиқ тури деб ҳам ҳисоблаш керак. Шуни эътиборга олиш керакки, бу тўловларни ким беришидан – иш берувчими ёки ишловчими қатъий назар, улар ишловчиларнинг даромадини қирқади.

Ишсизлик учун нафақалар миқдорини аниқлаш – бу миқдор ишсиз одам ва унинг оила аъзоларининг муайян эҳтиёжларини қоплаши лозим. МДҲ мамлакатларининг кўпчилигида ишсизлик даражаси ё ўртача, ёки энг кам миқдордаги (минимал) иш ҳақига қараб белгиланади. Ўртача иш ҳақига нисбатан бериладиган ишсизлик нафақасининг ўртача миқдори коэффициенти алоҳида эътиборга сазовордир. Ғарбий Европанинг кўпчилик мамлакатларида ва АҚШда ана шу коэффициент ўртача иш ҳақининг 50% ига тенг келади ёки ундан ҳам ошади. Россия Федерациясида бу рақам 25% дан камроқ бўлса, Ўзбекистонда 70%дан кўпроқни ташкил этади. Бу нарса шундан далолат берадики, Россияда ё ишсизлик нафақалари миқдори хусусида қаттиқ қонунчилик жорий этилган ёки кўпроқ кам иш ҳақи оладиган фуқаролар ишсизликка учрайдилар.

Ишсизлик юзасидан тўланадиган нафақаларни молиялаштириш, ишсизларга янги иш жойларини ташкил этишга, муддатидан олдин пенсияга чиқадиганлар (МДҲдаги кўпчилик давлатлардаги пенсия қонунлари ва умуман қонунчилик

бўйича пенсия ёши арафасида бўлган, бандлилик хизмати рўйхатидан ўтган шахслар муддатдан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга ҳисобланади) учун бериладиган пенсия тўловларига сарфламаган ҳолда ишсизлик нафақаларидан ўз мақсадларида фойдаланиш лозим. МДҲнинг кўпчилик мамлакатларида расмий ишсизлик даражаси табиий даражадан анча паст, лекин ислоҳотлар амалга оширилиб борилган сари бу даража кўтарилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, таркибий ва даврий ишсизлик кўтарилиши, бу эса, ишсизликни узоқ муддатга чўзиши мумкин. Демак, ишсизлик нафақалари муддатини узайтириш лозим бўлади. Оқибатда харажатлар кўпаяди. Бу ўринда жамғармаларга салбий таъсир этувчи инфляция жараёнини ҳисобга олишга тўғри келади.

Бандлик бўйича давлат сиёсати

1933 йилдаги Буюк инқироз даврида иқтисодга, меҳнат бозоридаги жараёнларга давлат албатта аралашиши керак, деган ақида муҳим бўла бошлади. Ана шу ҳолда ҳукуматлар хатти-ҳаракати ялпи фаровонликни оширишга қаратилди.

Ҳукуматнинг хатти-ҳаракати меҳнат қилиш кафолатини таъминловчи қуйидаги етти банддан иборат:

1.Меҳнат бозорини ҳимоялаш.

Ҳукумат тўла бандликни таъминлаш кафолатини олади. Ҳақ тўланадиган иш тезроқ олиш гарови бўлмиш маҳсулотлар ва хизматларга бўлган умумий талабни бир даражада сақлаб туриш масъулияти ҳам уларнинг зиммасида. Амалда бу мамлакат иқтисодидаги бўш ишчи ўринларни ишсизлик даражаси билан тенглаштириб туриш, демакдир. Баъзи мамлакатларда ўзига хос солиқ, молиявий сиёсат оқибатида тўла бандлиликка эришилган. Бу сиёсат эса, кескин иқтисодий юксалишга қаратилган.

2.Бандлик кафолатлари.

Меҳнаткашлар ишдан бўшатилишига қарши муайян кафолатга эгаки, бу кафолатлар қонунчилик йўли билан, олдиндан хабар бермаган ҳолда иш жойини қисқартирмоқчи бўлган тадбиркорларга нисбатан жазо чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бандлик кафолати ишга қабул қилиш пайтида камситишга қарши курашишни, ижтимоий жиҳатдан заифроқ бўлган кишиларни (ногиронларни) меҳнатга жалб этиш имкониятларини ошириш тадбирларини қамраб олади.

3. Меҳнат хавфсизлиги.

Давлат меҳнаткашларнинг ҳаёти ва саломатлигини ўз назорати остида сақлайди, меҳнат гигиенаси, хавфсизлик техникаси бўйича тадбирлар белгилайди. Айрим мамлакатларда инспекция хизматлари томонидан назорат қилинадиган минимал меъёрлар мавжуд. Бошқа бир мамлакатларнинг корхона ва фирмаларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонуний равишда чора-тадбирлар кўриш йўлга қўйилган.

4.Иш жойини сақлаш кафолати.

Тейлор тизимидан келиб чиққан иш жойини сақлаш кафолати бугунга келиб, кўпгина касаба уюшмалари ва меҳнаткашлар гуруҳининг асосий мақсадига айланиб қолди. Бу нарса меҳнат тақсимотидаги жадал юксалишга, иш ўрнининг йўқолиши ва таркибий ишсизликка олиб келадиган ҳолатга қарши туришга имкон беради.

5. Даромадлар кафолати.

Кўпгина ҳукуматлар қашшоқликни тугатиш, "бешикдан гўргача" даромад олишни таъминлаш борасида кўпдан-кўп ваъдалар беради. Бу масалани ҳал этиш учун энг кам иш ҳақини белгилаш, жамоа музокаралари ҳуқуқини жорий этиш, иш билан банд бўлмаган аҳолига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатиш йўлларидан фойдаланилади.

6. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш кафолатлари.

Ҳукуматлар таълим олиш ва касб-ҳунар ўргатиш соҳасидаги ҳамма ижтимоий чиқимларни кўтариши, ўқиш жараёни, касбни эгаллаш, соғлиқни сақлаш ва бошқаларга маблағ ажратиш орқали ишчи кучининг самарадорлигини рағбатлантириши кўзда тутилади.

7. Меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларининг кафолати.

Ҳукуматлар қўшма музокараларни ўтказиш чоғида меҳнаткашларга ён босиш мажбуриятини олади. Қонунчилик, тартиб-қоидалар, расм-русумлар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлари тақдирдагина уларнинг сиёсий-иқтисодий мавқеини кўтаришга имкон беради.

Меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда ҳал қилувчи қуйидаги бешта омилга эътибор берайлик.

1. *Ҳимоялаш тартиботи* – меҳнаткашлар айрим тоифаларининг "ҳимоясизлик" кўринишларини чеклашга мўлжалланган ҳимоя тартиботи.

2. *Рағбатлантириш тартиботи* – бу фаолиятнинг муайян турлари мавжудлиги ва ривожланишига даъват этувчи шарт-шароитни яратишга қаратилган.

3. *Чеклов тартиботи* – баъзи шахслар ёки бир гуруҳ меҳнаткашларнинг бошқаларга нисбатан кўпроқ имконият олишига йўл қўймайди (тартиб-қоидалар бунга имкон бермайди).

4. *Юқорида бўладиган тартибот* – ҳукумат нуқтаи назаридан меҳнаткашлар манфаатларига мос тушадиган йўналишлар бўйича уларни "бошқариш"га мўлжалланган.

5. *Молиявий тадбирлар* меҳнат бозорида таклифни юзага келтиришга ёки маълум даражада бандликни сақлашга мўлжалланган солиқлар, ёрдам пулларидан фойдаланиш, энг кам миқдордаги иш ҳақига қўшимча бериш ёхуд кам малакали ишловчилардан, ё вақтинча ишловчилардан фойдаланадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш.

Шунингдек, меҳнат муносабатларини тартибга солишга қарши қаратилган икки амалга ахамият бериш керак:

– меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти қонун асосида камайтирилади;

– қонунчилик ўзгармаган ҳолда ижтимоий ҳимоя даражаси камаяди. Бунинг сабаблари қуйидагича: а) айрим қонунларга риоя қилмаслик; б) қонунчиликка тўла риоя қилган ҳолда ижтимоий ҳимоялаш даражасини сақлаш учун камроқ маблағ ажратиш; в) меҳнат аҳлининг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини чеклаш; г) ҳақ-ҳуқуқ ва имкониятлари бобида меҳнат аҳлининг миясини "қотириш"; д) меҳнат аҳлининг иш статусини барбод этиш ("Д" банди билан асосан тўла бўлмаган иш куни турлари боғлиқ; "в" ва "г" бандлари эса касаба уюшмаларининг тарқалиб кетиши, мунтазам ишсизлик ва даромадлардаги ортиб бораётган тенгсизлик билан боғлиқ).

Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан АҚШда ишсизлик муаммоси кучайди ва 1946 йилда бандлик бўйича махсус қарор қабул қилинди. Унда шундай жумлалар бор: "АҚШнинг ушбу конгресси шуни таъкидлайдики, бандлилик борасида федерал ҳукумати ҳамиша рўй берадиган сиёсий вазифалар ва масъулият соҳаларида унинг умумий мақсадлари ва вазифаларига кўра ҳамда миллий сиёсатга боғлиқ бошқа сиёсий йўналишлар нуқтаи назаридан бор имкониятларини ишга солади".

1978 йилда қабул қилинган ва Хэмфри-Хоукинс қонуни деб аталувчи тўла бандлилик ва меъёрий ўсиш қонуни иқтисодиётни барқарор қилиш соҳасида федерал ҳукумат олдидаги вазифаларни белгилаб берди ва кенгайтирди. Қонун бўйича ҳукумат олдига келаси 5 йил учун иқтисодиёт борасида мақсадларни аниқлаш, шу мақсадларни амалга ошириш учун

дастур ёки режаларни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Айни пайтда ишсизлик даражасини 4%га тушириш, инфляция суръатини нолга яқинлаштириш вазифаси ҳам юкланган. Шунингдек, АҚШнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини яхшилаш, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, давлат сектори кўламини камайтириш ҳам мўлжалланган.

Францияда бандлик сиёсати давлат даражасида бўлиб, меҳнат соҳасида турар жойидан қатъий назар ҳамма фуқароларга тенг имкониятлар беришдан иборат. Бу ерда бандлик хизмати фаолияти янги иш жойларини ташкил этишга, меҳнат бозорида энг заиф аҳоли табақаларини ҳимоя қилишга, яъни ишсизлик даражасининг ошмаслигига, унинг салбий натижалари кўпаймаслигига қаратилган.

Демак, бозор иқтисодига ўтиш даврида шундай тизим яратиш керакки, токи ҳар бир фуқаро асосий ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга етадиган кафолатли даромадга эга бўлсин.

Давлат бандлик хизматлари ушбу тизимнинг асосини ташкил этмоғи лозим. Бу хизматлар ишсизларни ва иш излаб юрганларни рўйхатга олади, ишсизлик нафақалари тўлаш орқали уларга моддий ёрдам кўрсатади, ишсизларни ўқитиш, қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этади, ўқиш даврида уларга стипендиялар тўлайди, янги иш жойлари яратиш борасида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги хизматлари "Аҳоли бандлиги ҳақида қонун" ва шунга тааллуқли меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1 Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда қашшоқлик, иқтисодий ўсиш, тенгсизлик.

2 Ўтиш даврида даромадлар тенгсизлигининг ошиш сабаблари.

3 Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда меҳнат бозоридаги ислоҳотлар.

4. Иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда ижтимоий ёрдам тизимидаги ислоҳотлар.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. «Халқ сўзи», 10 февраль 2004 йил.

2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т., «Ўзбекистон», 1999.

4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1996.

5 От плана к рынку. Отчет о мировом развитии. 1996, МБРР, Вашингтон, 1996.

6. *Раджабова З.К.* Мировая экономика. М., ИНФРА, 2004.

6-БОБ
ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, жаҳон ҳамжамиятига муваффақият билан қўшилиб, халқаро муносабатларнинг тенгҳуқуқли субъектига айланди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси деярли барча нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси, уни дунёнинг 174 давлати тан олди, 123 мамлакати билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 43 та хорижий дипломатик ваколатхоналар ишлаб турибди.

Жаҳон амалиётига "ислоҳотларнинг ўзбек модели" деган ном мустаккам жойлашиб олди. Ўтиш даври иқтисоди ривожланишининг ўзбек модели асосида И.Каримовнинг "давлат бош ислоҳотчи" деган тамойили ётади. Бунда ўз ички ресурслари – истеъдодли меҳнат аҳли, пахта, олтин, уран ва йирик хориж сармоядорлари маблағларига суянадиган қудратли иқтисодий тизимни барпо этишга асосий эътибор қаратилади.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда бозор ўзгаришлари барқарорлик дастурлари билан бирга олиб борилади. Бозор ислоҳотларини барқарорлик дастурлари билан биргаликда амалга ошириш учун ислоҳотларнинг қонуний ҳуқуқий асосини яратиш, қисқа муддат ичида миллий валютани жорий этиш, пул муомаласини тартибга солиш, гиперинфляцияни йўқотиш, умумий тўлов қуввати талаби, умумий таклифни мувофиқлаштириш зарур эди. Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини вужудга келтириш, унинг ёрдамида давлат бюджетини баланслаш вазифасини ҳал этиш, бюджет

тақчиллигини халқаро андозалар даражасига етказиш, натижада келгуси иқтисодий ўсиш учун шароит яратиш талаб қилинар эди.

Кўпгина мафкуравий ақидалардан воз кечилди. Очиқ иқтисодиётга ўтиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг таркибий бир қисмига айланган янги вазиятда Ўзбекистон интеграция жараёнларида фаол ва кенг кўламда қатнашув йўлида ғов бўлиб турган тўсиқларни енгиб ўта бошлади.

Ушбу муаммонинг муваффақиятли ҳал этилиши пировард-оқибатда, биринчидан, бозор шароитига ўтиш йўлида мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш, уни таркибий қайта қуриш, иккинчидан, бунинг учун таъсирчан қонунчилик, ташкилий, моддий ва техник омилларни юзага келтириш билан боғлиқдир.

Иқтисодиётни соғломлаштириш, таркибий қайта қуриш ҳақида шуни айтиш мумкинки, буларни амалга ошириш учун саъй-ҳаракат, вақт ва имкониятлар талаб этилади. Ўзбекистоннинг халқаро интеграция жараёнларида бевосита иштироки учун қонунчилик асосларини, қулай шарт-шароит яратиш унчалик енгил кечмайди, чунки у ўзининг янги тарихида мустақил давлат сифатида жаҳон саҳнида эндигина чиқа бошлади.

Ўзбекистон ўтган йиллар мобайнида собиқ Иттифоқ давридан кейинги шериклар билан иқтисодий алоқаларнинг узилиши туфайли юзага келган оқибатларни енгиб ўтишга, барқарорликка, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига эришишга муваффақ бўлди. 2004 йилда унинг ўсиши 4,9%ни ташкил этди. Мамлакатда саноатнинг асосий тармоқлари — нефть, газ, машинасозлик, металлга ишлов бериш, олтин қазиб олиш ва бошқа соҳалар сақлаб қолинди, янги — автомобилсозлик, нефть-кимё саноати барпо этилди. Ўзбекистон энергетика мустақиллигига эришди ва ўзини-ўзи дон билан таъминлаш вазифасини ҳал этмоқда. 2001 йилги дон импорти 1992 йилга қараганда 4,5 млн тоннадан 1 млн тоннагача қисқарди.

Ўзбекистонда "ЎзДЭУавто" (Андижон) автомобиль заводи қурилиб, муваффақият билан ишламоқда. Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди. 1998 йилда Марказий Осиёда йирик ҳисобланган шакарни қайта ишлаш заводи (Хоразм), юк автомобилларини ишлаб чиқарадиган завод (Самарқанд) қурилиши тугалланди. Ўзбекистонда авиапарк тўла янгиланди, эндиликда халқаро йўлларда Дс-10, А-310 "Боинг" самолётларидан фойдаланилмоқда. Телекоммуникациялар

секторига «Siemens» ва «Alkatel» концерни инвестициялари жалб қилинган.

Ўзбекистон олтин қазиб олиш ҳажмини ошириб бормоқда. 1990-йиллар бошида мамлакат йилига 70 тонна олтин қазиб олган бўлса, 1998 йилда 87 тоннага етди.

Бугунги кунда мамлакатда 2,7 мингта турли конлар борлиги аниқланган. Улар минерал хомашёларнинг кўпчилик турини ўз ичига олади. Бу хомашёларнинг 60 дан ортиқ тури ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Умумий минерал хомашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Муҳим стратегик ресурслар — нефть ва газ конденсати, табиий газнинг 155, қимматли металларнинг 40дан ортиқ, рангли, ноёб ва радиоактив металларнинг 40, тоғ-кимё хомашёларининг 15 истиқболли конлари аниқланган. Республика олтин захираси бўйича дунёда тўртинчи, олтин қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда туради, шунингдек, мис бўйича ўнинчи ва ўн биринчи, уран бўйича еттинчи ва саккизинчи ўринда туради.

Республикада мармарнинг 20, гранитнинг 15 та кони аниқланган. Оқ ва қора декоратив тошнинг катта табиий қатламларига эга бўлган конлар Евроосиё зонасидаги энг йирик конлардан ҳисобланади. Уларнинг захираси 85 миллион кубометрдан ортиқ, бу тошга ишлов бериш корхоналарини юзлаб йиллар мобайнида хомашё билан таъминлаш имкониятини беради, деган гап бор.

Бугун Ўзбекистон жаҳон бозорига пахта толаси ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатдаги қулай табиий иқлим шароитлари йил давомида картошка, сабзавотнинг кўплаб турлари ва бошқа экинлардан бир неча марта ҳосил олиш имконини беради.

Қайд этилган салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Республика иқтисодиётига хориж инвестицияларини жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Бунда иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди шу мақсадда бу ерда қонуний тартибда солиқ ва божхона масалаларида қатор имтиёзлар тизими яратилди. Бу эса ўзбек

бозорига хориж инвесторларини яна ҳам кенг жалб қилиш имконини беради.

1998 йил ўрталарида "Чет эл инвесторлари тўғрисида" ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида"ги икки қонун амалга киритилди. Бунда ишлаб чиқариш соҳасига, катта экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналарга қўйилган хориж инвестицияларини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар алоҳида кўзга ташланиб туради. Хусусан, иқтисоднинг устувор секторига киритилган бевосита хориж инвестициялари республиканинг инвестицион дастурига киритилиб, унга кўра хориж капитали иштирокида барпо этилган корхоналар етти йил мобайнида даромад солиғидан озод этиладилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 3,5 мингдан ортиқ қўшма корхоналар рўйхатга олинган. Уларнинг таъсисчилари таркибида "Ньюмонт", (АҚШ), "РЭНК КСЕРОКС" (Буюк Британия), "Мерседес-Бенц" (Германия), "Буллер" (Швейцария), "ДЭУ корпорейшн" (Корея Республикаси), "Бурсель" (Туркия) ва бошқа жаҳонга машҳур фирмалар бор. Жаҳондаги тамаки ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланадиган йирик компания – "БАТ Инвестменс" билан биргаликда республика тамаки саноатини хусусийлаштириш лойиҳаси тугалланди. Унга кўра иқтисодиётга 250 млн АҚШ долларига яқин инвестиция киритилди.

Хориж инвесторлари учун ягона қулай шароит яратиш мақсадида энг устувор тармоқлар қайд этилган инвестицион дастур ишлаб чиқилди. Булар:

– Илғор технологияни қўллаш асосида халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш; минерал хомашё ресурсларини олиш ва чуқур қайта ишлашга доир экологик тоза корхоналарни ташкил этиш;

– ишлаётган корхоналарда табиатни муҳофаза қилувчи тадбирларни амалга ошириш;

– саноат ва маиший хизмат чиқинди-қолдиқларини қайта ишлаш;

– радиоэлектроника саноати ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш;

– замонавий ахборот, телекоммуникация тизимларини ташкил этиш;

— ресурс, энергия тежаш асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш;

— дори-дармонлар, тиббиёт техникаси асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш;

— туризм индустриясини ривожлантириш.

Хорижий инвесторлар учун қуйидаги кенг кафолатлар белгиланди:

— сиёсий хавф-хатардан суғурта қилиш (шу мақсадда Ўзбекистонда "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси ишлаб турибди, шунингдек, 10 млн АҚШ доллари устав капиталига эга бўлган "Ўзбекинвест Интернешнл" халқаро компанияси тузилди);

— миллийлаштириш ва реквизиция қилишдан суғурта қилиш;

— қонуний фаолият натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни хориж валютасида чет элга ўтказиш;

— мулкдорнинг хоҳишига кўра, фойдадан республика ҳудудида қайта инвестиция ёки бошқа тарзда фойдаланиш.

Кейинги қонунлар инвестициялаш шароитларига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолларда хорижий инвесторларга нисбатан уларнинг инвестициялари амалга оширилган пайтда жорий қонун нормалари 10 йил мобайнида ўзгаришсиз қўлланаверади.

— хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган пайтда уларга етказилган зарарлар суд тартибида давлат органлари томонидан қопланади.

Хорижий инвесторлар учун қатор ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

— ўз хусусий ишлаб чиқариш маҳсулотларини лицензиясиз, тўсиқларсиз олиб чиқиш;

— республикага олиб келинаётган импорт товарларга бож олмаслик;

— хорижий жисмоний ва юридик шахсларни давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнига эркин кира олишини таъминлаш (бунга кўчмас мулкни кенг сотиш ва хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини 30 фоизгача ҳажмда сотиб олиш ҳам киради);

— хорижий юридик ва жисмоний шахсларга улар жойлашган уй-жой биноларини ер майдонлари билан бирга хусусий мулк қилиб сотиш.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларни бир жойга тўплаш, ёрдам кўрсатиш учун Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида инвестицияларга ёрдам кўрсатиш хизмати, Давлат мулк қўмитасида эса кўчмас мулк ва хориж инвестициялари бўйича агентлик ташкил этилди.

Бозор инфраструктураси институтларининг тизими яратилиб, уларга инвестицион жамғармалар ва банклар, суғурта компаниялари, Республика жамғарма биржаси, Кўчмас мулк биржаси, Товар хомашё биржаси ва бошқалар кирди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал секторига 2000 йилгача жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 12 млрд АҚШ долларидан ошиб кетди. 1999 йилда 2,0 млрд АҚШ доллари ўзлаштирилди. Республикада инвестициялар тақсимотига назар солганда, устувор тармоқларнинг ривожланиши кўзга ташланади. Хусусан, 2000 йилда хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 15 фоизга яқини Ўзбекистоннинг нефть ва газ саноатида, машинасозликда — 12%, транспорт ва телекоммуникацияда — 10%, кимё саноатида — 10%, енгил саноатда — 4%га яқин инвестиция ўзлаштирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Улар орасида Фарғона водийсининг Асака шаҳрида бунёд этилган "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси бор. Лойиҳа Жанубий Кореянинг "DAEWOO" компанияси билан биргаликда амалга оширилди. Бу заводдан чиқаётган "Нексия", "Тико", "Дамас", "Матиз" автомобиллари (йилига 100 мингга яқин) қисқа муддат ичида мамлакат шаҳар ва қишлоқ йўлларини яқин қилди. Улар Марказий Осиё давлатлари, Россия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

1999 йил баҳорида Самарқандда "СамКочавто" ўзбек-турк қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Унда минглаб қулай ва ихчам автобуслар, турли маркадаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, автомобилсозликнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бир-бирига боғланган тармоқларининг юксалишига ва аҳоли бандлигининг барқарор ўсишига олиб келади. Автомобиль ишлаб чиқаришидаги бир ишчи ўрин бир-бирига боғлиқ тармоқларда 7—8 ўринни вужудга келтиради.

Ҳозирги кунда республикада ушбу янги тармоқда 14 мингга яқин киши ишламоқда. Лойиҳа қуввати йилига 200 минг автомобилдан иборат Асака заводи 100 минглик

қувватдан ошмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланиши 30% га етди. Бир неча йилдан кейин бу кўрсаткич қўшни давлатлар корхоналарини дастурга тортиш билан 70%га етиши режалаштирилган. Яқин икки йил ичида хусусий ва хорижий инвестициялар ҳисобига аккумулятор батареялари, автомобиль ойналари, ойна кўрсаткичлар, автомобилларнинг турли эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

1998 йил май ойида Париждаги халқаро автотранспорт ишлаб чиқарувчилар ташкилоти қароргоҳида "Ўзавтосаноат" ассоциацияси бу ташкилотга 33-тенгҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Тошкентда йирик авиация заводи жойлашган. У МДҲда "Ил-76" ҳарбий транспорт самолёти ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади. Завод "Ил-114-ЮО" русумли Ўзбекистон — Россия ўрта магистрал йўловчи самолётининг янги модификациясини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Унга Канаданинг "Пратт энд Уитни" двигатели ва "Гамильтон стандарт" Америка фирмасининг самолёт парраги ўрнатилган.Бу самолёт мамлакатнинг ички авиа йўлларидаги "Як-40", "АН-24" русумли самолётларнинг эскирган нусхалари ўрнига алмаштирилади.

1991 йилга қадар республикада қазиб олинган нефть ҳажми уни ўзини-ўзи таъминлаши учун етарли эмас эди. Ўзбекистонга ўртача 6 млн тоннача нефть олиб келинар, айни вақтда унинг ташқарисига 7—8 млрд кубгача газ ташилар эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин нефть ва газ саноатини тубдан қайта қуриш, мамлакат ўзини-ўзи нефть маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат стратегик вазифа қўйилди. Бунда илғор технология ва асбоб-ускуналардан фойдаланишга ўтиш катта роль ўйнади. Масалан, "Келлог" (АҚШ) ва "Нишо Ивай" (Япония) компаниялари билан биргаликда Кўкдумалоқ нефть конденсати заводида мамлакатимизда биринчи марта "Сайклинг процесс" улкан технологияси қўлланилди, у ер қаъридан углеводород ёнилғисини қазиб олишни кўпайтириш имконини берди. Бу лойиҳа хориж шерикларни тармоққа жалб қилиш бўйича ишларнинг бошланиши бўлди.

1997 йил августида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди. Жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда "Технип" (Франция) ва "Марубени" (Япония) компаниялари билан ҳамкорликда қурилган бу завод мамлакат

нефтни қайта ишлаш саноати ривожида туб бурилиш бўлди. Завод биринчи навбатининг қуввати йилига 2 млн тонна нефть етказиб беради.

Японияниинг "Мицуи" компанияси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши ўзбек нефтини қайта ишлаш асосида автобензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин олиш имконини беради. Мазкур лойиҳани молиялаштириш Европа тикланиш ва ривожланиш банки кредитлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Қизилқумда "ААБ Лумус глобал" (АҚШ), "Мицуи", "Нишо Ивай" (Япония) компаниялари консерциуми томонидан амалга оширилаётган Шўртан газ-кимё комплекси Марказий Осиёдаги йирик қурилишлардан бўлиб, у нефть тармоғи ва Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида муҳим қадам бўлади. Мазкур заводнинг ишга тушиши кимё саноати учун асосий маҳсулот бўлган полиэтилен билан мамлакат ўзини-ўзи таъминлашига имкон беради.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳам чуқурлашмоқда. Ўзбекистонда 500 дан ортиқ жамоа хўжалиги қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг аксарияти фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Оила пудрати, боғ ва токзорларни узоқ муддатли ижарага бериш ҳисобига мулкдорларни шакллантириш йўлга қўйилди. Дон экиладиган майдонларнинг 95% дан ортиқроғида, пахтазорларнинг 87%ида оила пудрати шароитида фаолият олиб борилмоқда. Хўжаликда харажатлар ҳисобининг чек тизими кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистонда 54 минг гектар боғ ва 28 минг гектар токзорлар узоқ муддатли ижарага берилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сўнгги 10 йил ичида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли мамлакатда макроиқтисодий вазият барқарорлашди. 1997 йилдан бошлаб нафақат ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича, балки унинг йиллик аҳоли жон бошига миқдори бўйича ҳам ўсиш таъминланиб, иқтисодиётнинг реал секторида муҳим таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда

Лекин сўнгги 10 йил ичида жаҳон иқтисодида бир қанча муҳим воқеалар бўлди. Булар: 1992–1993 йиллардаги Европа валюта инқирози, 1994–1995 йиллар Мексикада бўлган инқироз, 1997 йил Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги молия инқирози – бу 1998 йил жаҳон молия инқирозига

айланди, 1998 йил Россия тизимли инқирози, 1998 йил энергетика инқирози кабилардир.

Бўлиб ўтган бу воқеалар Ўзбекистон иқтисодиётига у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон бозорида минерал-хомашё ресурсларининг муҳим турлари, стратегик хомашё нархининг тушиб кетиши пахта, қимматли ва рангли металлар, минерал ўғитларни экспорт қилувчи Ўзбекистон учун валюта тушуми, тўлов баланси, айрим тармоқларни техникавий қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришнинг қисқартирилишига олиб келди.

Мамлакат ички бозорининг торлиги, экспортнинг хомашё ресурсларига жаҳонда ўзгариб турадиган нархларга боғлиқлиги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ривожидан кўра кўпроқ экспортни кенгайтириш сиёсатига ўтиш стратегиясини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан янада юксалиши ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши унинг жаҳон бозорига нафақат хомашё ресурсларини, балки тайёр маҳсулотларнинг ҳам экспортчиси сифатида чиқиши билан мустаҳкам боғлиқдир.

Ўзбекистон ишчи кучлари халқаро миграцияси

Барча мамлакатларнинг иқтисоди йилдан йилга цивилизация тараққиётининг жаҳондаги тенденцияларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ҳеч бир мамлакат фақат ўз қобиғида ўралиб яшаши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш, капиталнинг жадаллик билан интернационаллашуви меҳнат бозорини интернационаллашувига олиб келмоқда. Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти, савдодаги амалга ошираётган ишлари каби жаҳон ҳамжамияти аъзолари меҳнат миграцияси жараёнларига ҳам жалб қилиниб борадилар. Бугунги кунда бунинг сабаби иқтисодий сабабларда намоён бўлади. *Ишчи кучларининг миграциясига сабаб* бўладиган омиллар ҳақида гап кетганда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасидаги фарқлар, иш ҳақининг нисбатан пастлиги, меҳнат шароити ходимни қаноатлантирмаётгани каби ҳолатларни қайд этиш керак бўлади. *Иммиграцион* жараёнлар, энг аввало, тадбиркорнинг энг арзон хорижий ишчи кучларидан фойдаланиши туфайли қўшимча фойда олиш истаги туфайли юзага келади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига яна ҳам мустаҳкам тортилиб бормоқда.

Ўзбекистон тарихининг олдинги давридан фарқли равишда жаҳон иқтисоди тараққиётининг ҳозирги босқичи учун характерли бўлган меҳнат ресурслари халқаро миграцияси жараёни зудлик билан ривожланиб бормоқда. *Ишчи кучларининг халқаро миграцияси* – меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишга жойлашиш мақсадида бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтишидир. Кўчиб кетган (мигрант) меҳнаткашларнинг миқёси, давомийлиги ва касб структурасига қараб *ишчи кучларининг халқаро миграцияси турли кўринишга эга бўлиши мумкин. Булар:* ички ва ташқи, вақтинча ва давомий, юксак малакали мутахассислар миграцияси, яширин миграция ва нисбатан яқинда пайдо бўлган, сўнгги йилларда кенг ёйилган меҳнаткаш хотин-қизлар миграцияси.

Ишчи кучлари миграциясининг ҳозирги кундаги ўзига хос хусусияти – унинг структураси, географияси миқёси кенгайиб, ўзгариб бораётганидир. Миграция структураси энг аввало этник, жинсий, ёш, касб белгиларига қараб фарқ қилади. Масалан, структуранинг жинсий белгиларига аёллар меҳнат миграциясини кўрсатиш мумкин. Миграциянинг касбий структурасига "brain-drain – ақлли-идрокли одамларнинг четга чиқиб кетиши" ёки яширин миграцияни киритиш мумкин. Зеро, яширин кўчиб келувчи (мигрант)ларнинг асосий қисми малакасиз ходимлардир.

Ишчи кучлари халқаро миграциясининг бошқа хусусиятларидан яна бири – унинг йилдан-йилга кўплаб мамлакатлар ва кишиларни жаҳон миграцион жараёнига жалб қилиб, кенгайиб бораётганидир. Миграциянинг бу улкан кўлами туфайли жаҳон меҳнат бозори, уларнинг марказлари таркиб топди. Кўплаб манбаларда турли муаллифлар жаҳон миграцион марказлари миқдорини ҳар хил талқин қиладилар. Мазкур дарсликда бундай марказларнинг 8 таси ажратиб кўрсатилган. Булар – АҚШ, Ғарбий Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Лотин Америкаси, Африка, Канада, Австралия. Ўз навбатида бу марказларнинг ҳар бири миграцион ҳаракатда ўз хусусиятлари ва йўналишларига эга.

Юқорида санаб ўтилган мамлакатлар ва минтақалар, жаҳон миграцион марказларининг қайси бирига қарашли эканлигидан қатъий назар, ишчи кучлари миграцияси юзага чиқишининг ўзлари учун ижобий ва салбий оқибатларини белгилайдилар.

Ўзбекистон интеграцион жараёнга кириб боргани сари миграцион даврага ҳам тортилиб, рўй бераётган жараёнларнинг ўзи учун аҳамияти, моҳиятини белгилаб боради.

Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси жараёнларини таҳлил қилганда, уларни 1991 йилдан олдинги ва кейинги, яъни мустақилликка эришгандан кейинги даврни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистондаги 1991 йилгача бўлган меҳнат миграциясининг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, бу даврда миграцион жараёнлар стихияли характерга эга бўлиб, аҳоли нисбатан кам ҳаракатлилиги билан ажралиб турган. Асосан меҳнат ресурсларининг ички кўчиб юриши кўпроқ бўлган. Республикага ишчи кучларининг ташқаридан оқиб келиши урушдан кейинги вазият билан, яъни кўплаб Россия, Украина, Белорусия корхоналарининг Ўзбекистон ҳудудига кўчириб келтирилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, 1966 йил Тошкентдаги зилзила туфайли ишчи кучлари миграциясининг кўпайиши кузатилди. Собиқ иттифоқ мамлакатининг Европа қисмидаги республикаларидан ишчи кучларининг турли сабаблар билан кўчиб келиши ва доимий яшаб қолиш жараёни содир бўлди.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазият тубдан ўзгарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикадаги миграцион жараёнлар геополитик вазиятнинг ўзгариши, барча республикаларнинг мустақил деб эълон қилиниши билан боғлиқ бўлди. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси тамоман бошқача аҳамият касб этиб, у халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, Ўзбекистоннинг кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан тан олиниши ва бошқалар билан белгиланди.

Ҳозирги кунда республиканинг миллий чегаралари нафақат экспорт ва импорт товарлар, хизматларгагина эмас, балки ишчи кучларга нисбатан ҳам очиқдир. Бир томондан, инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар барпо этиш, конларни ўзлаштириш қўшимча хорижий ишчи кучларни республикага жалб этишни талаб қилади. Бошқа томондан, маълум даражада паст бўлса ҳам ишсизликнинг мавжуд бўлиши, юртдошларимизнинг вақтинча чет элда ишга жойлашишга ва айни вақтда ўз фаровонлигини оширишга интилиши ишчи кучларини экспорт қилиш ёки республика эммиграцион сиёсатини амалга ошириш учун шарт-шароит яратади. Эмиграцион сиёсат ўз навбатида чет мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда, хорижий иш берувчиларни излашда, улар билан Ўзбекистон

Республикаси фуқароларини чет элга ишга жўнатиш учун икки томонлама шартнома, битимлар имзолашда намоён бўлади. Бунда шуни таъкидлаш керакки, чет эл корхоналари билан тузилган ва имзоланган шартномалар ходимларимизни ишга жойлаштириш билан уларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда хориж корхоналарида ўқитишни ҳам кўзда тутади.

Ишчи кучларининг халқаро миграцияси каби Ўзбекистондаги меҳнат миграциясининг ҳам ижобий ва салбий томонлари бор. Бу эса, республика иқтисоди учун унинг аҳамиятини белгилаб беради. Энг аввало, Ўзбекистонда ишчи кучлар эмиграциясининг ижобий таъсири ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш зарурки, юртдошларимизнинг чет элда вақтинча ишга жойлаштирилиши туфайли республикада ишсизлик муаммоси ҳал этилади. Бундан ташқари, ходимлар малакаларини ошириш, ўз фаровонликларини яхшилаш имкониятига эга бўладилар. Лекин эмиграциянинг энг аҳамиятли самараси шундаки, шартномалар орқали чет элга чиққан мигрантлар ўзларининг ойлик иш ҳақларини Ўзбекистон Республикаси миллий банкидаги ҳисоб дафтарчаларига ўтказишади ва қайтиб келгач улардан фойдаланишади. Бу эса, мамлакатимизга валюта тушумининг кўпайишига олиб келади. Эмиграциянинг салбий оқибати шундаки, малакали ишчи кучларининг қўнимсизлиги юз беради. Айрим юртдошларимиз шартнома асосида чет элга ишга жойлашиш учун бориб, у ерда катта пул берадиган иш қидириб, шартномаларни бузадилар, оқибатда иш берувчи томон учун ҳам, бизнинг томон учун ҳам кўплаб муаммоларни келтириб чиқарадилар.

Ишчи кучларининг Ўзбекистондаги имиграцияси мамлакат иқтисодига ижобий таъсир этади. Хорижлик шериклар бу ерда ўз корхоналарини барпо этиб, уларга капитал жалб қилиб, биргаликда ишлаб чиқаришни амалга ошириб, айни вақтда замонавий технология ва ўз малакали ишчи кучларини ҳам олиб келадилар. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ошириш, мутахассисларимизни янги технология билан таништириш, уларга замонавий ишлаб чиқариш тажрибасини беришга имконият яратади.

Халқаро Транспорт коридорлари (йўлаклари)

Жануби-Шарқий Осиёдан то Ўрта ер денгизигача чўзилиб кетган "Буюк Ипак йўли" Шарқ ва Ғарб халқларини юзлаб

йиллар давомида бир-бири билан боғлаб келган. Бу йўлдан олиб ўтиладиган асосий товар — ипак бўлиб, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини Хитой усталари минг йиллаб сир тутганлар. "Ипак йўли" номи шундан, лекин туялар карвони бу йўлдан фақат ипакнигина эмас, балки катта миқдордаги хомашё, бронза буюмлари, чинни, жун, кобальтни ҳам олиб ўтган.

Ипак йўлининг тарихи камида икки минг йилликни, милоддан олдинги 500-йилдан XVI асрга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Буюк Ипак йўлининг асосий йўналиши Италиядан Туркия орқали Ироқ ва Эронга, ундан Марказий Осиёга, кейин эса, Шимолий Помирдан, Кошғар ва Ёркентга томон чўзилган. Бу ерда иккига ажралган. Шимолдан Такла-Макал чўлига ўтиб, Лобнор кўли томон кириб борган ва кўчманчи халқлар жойлашган чўл орқали ўтиб, кейин Хитойга борган.

Буюк Ипак йўлининг ўрта қисми Марказий Осиёда нисбатан тор ва ягона бўлган. Кейин эса, бир неча тармоқларга ажралиб, шаҳарлар, мамлакатларга қараб тарқалиб кетган. Бир томондан — у Ирландия соҳиллари ва норвег фиордларига, Португалия ва Дания, Суздаль ва Урал тоғларига бориб тақалса, бошқа томондан Япония, Индонезия ортидаги Пряность ороллари, Цейлон ва Филиппингача чўзилиб борган. Хуллас, ана шу йўллардан тинимсиз товарлар ўтиб турган. Бу катта йўлда Марказий Осиё минтақаси етакчи роль ўйнаган.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ислоҳотлар йўлида жаҳон иқтисодий марказлари билан ўзаро алоқаларни фаоллантириш янада долзарб масаладир. Бу катта иқтисодий комплексни транспорт билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Биринчи навбатда, бу экспорт таннархида транспорт харажатларининг улуши катталиги билан боғлиқдир. Чунончи, транспорт тизимининг аҳволи кўп жиҳатдан минтақа мамлакатлари экспорт товарларининг умумий рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Транспорт харажатларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар Марказий Осиё республикалари иқтисодий тараққиёти учун катта аҳамиятга эгадир. Унинг серқатнов катта йўллари юк ташишнинг транзит йўлаклари ролини бажаради.

1991 йилда Марказий Осиёнинг 5 та мустақил республикаси ташкил топганидан кейин Ипак йўлини қайта барпо этиш ғояси яна бир янги муҳим омилга айланди. Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг умумий

сони 32 тага етди. Айни шу маънода ТРАСЕКА лойиҳаси энг йирик давлатлараро лойиҳа ҳисобланади. Бу лойиҳанинг мақсади минтақа транспорт инфраструктурасини яхшилашга техник ёрдам кўрсатиш, республикалар ўртасидаги, уларнинг яқин қўшнилари, Ғарбий Европа билан транспорт, савдо алоқаларини ривожлантиришда уйғунликни таъминлашдан иборатдир. Лойиҳа Марказий Осиёдаги 5 ва Кавказ ортидаги 3 республика транспорт идораларининг раҳбарлари иштирок этган Брюссель конференциясида Европа иттифоқи билан биргаликда маъқулланди. Унда автомобиль, темирйўл, денгиз транспортига доир, автомобиль йўллари, савдони яхшилаш, божхона тартиб-қоидаларини бир нормага солиш хусусида 23 лойиҳа қабул қилинди.

Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон, Грузия давлатлари раҳбарлари томонидан 1996 йил 13 майда имзоланган "Транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида" тўрт томонлама ҳукуматлараро битим ва "Темирйўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида" шартнома имзолангандан кейин Транскавказ темирйўли бўйича товарлар ташиш янгиланди. Тошкент-Ашгабот-Туркманбоши-Боку-Поти ва Батуми йўналиши бўйича (Каспийда паромдан фойдаланиб), юк Қора денгиз орқали Констанция (Руминия) портига боради. У ердан эса Европа бозорига чиқади. Бироқ у ерда ҳам муайян муаммолар бор. Поти ва Туркманбоши портлари тикланиш ва қайта қуришга муҳтож. Бу ишларга маблағларнинг бир қисми Ўзбекистоннинг пудратли транспорт фирмаларидан тушади, бу фирмаларнинг кўпчилиги ушбу портларда ўз ваколатхоналарини очмоқдалар.

Имзоланган ҳужжатлар битимда қатнашаётган мамлакатлар юкларини ташишда муҳим устунликларни назарда тутади. Булар:

– темирйўлда амалда бўлган тарифларни 50% имтиёзли камайтиради;

– юклар ва темирйўлларнинг юрадиган ҳамма составига биринчи навбатда хизмат қилиш;

– транзитнинг эркин режими;

– порт хизматларида имтиёзли шароитлар ва бошқа имтиёзлар бериш.

Тўрт томонлама битим имзоланган вақтдан кейин ўтган давр мобайнида унга Тожикистон, Болгария, Қирғизистон, Қозоғистон ва Руминия қўшилди. Бунга мувофиқ бу йўналиш бўйича юклар оқими ортди ва келажакда у кўпайиб боради.

Моҳиятига кўра, Хитойнинг Шарқий портлари, Кореянинг Европа билан боғловчи транспорт йўлагида юк ташишни жонлантириш ТАСИСнинг "Савдога ёрдам" дастури доирасида амалга оширилади ва ТРАСЕКА лойиҳасига киради. ТАСИС дастурини амалга оширишда яқин вақт ичида Бухоро вилоятида пахта толасини контейнерларга ортишнинг замонавий марказини барпо этиш, уни ТРАСЕКА йўлаги орқали экспорт қилиш кўзда тутилади.

Андижон (Ўзбекистон Республикаси) – Ўш (Қирғизистон Республикаси) – Кошғар (Хитой Халқ Республикаси) янги темир йўлининг қурилиши Марказий Осиё давлатларининг яхши қўшничилик муносабатлари, иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкамлашга ёрдам беради, янги транс-континенталь темирйўл магистралини вужудга келтиришнинг реал имкониятларини яратади. Бу қисқа йўл Шарқда ХХРни Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари билан ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари орқали Яқин Шарқ, Жанубий Европа билан боғлайди. Бу магистрал Тинч ва Атлантика океанлари ўртасидаги мавжуд транспорт алоқаларига муқобил бўлиши мумкин.

Агар Россия Федерацияси орқали Владивостокка ўтадиган параллель тўрт йўналишга эга бўлган Транссибирь магистралини ҳисобга олмаганда, Атлантика океанидан Тинч океанигача Евроосиё континентида ер устидаги савдо алоқалари анча суст ривожланмоқда. (Бунга қиёсан шуни кўрсатиш мумкинки, Шимолий Америка континентида темирйўл соҳаси юксалган даврдан бошлаб 9 та трансконтинентал темирйўли йўналиши бўлиб, уларнинг 2 таси Канададан, 7 таси Қўшма Штатлардан ўтган). Россия Федерациясидан жанубга томон чўзилган Осиё континентининг кенг ҳудуди орқали яқин орада Хитойдан Марказий Осиё орқали Истанбулга тўғри темирйўл йўналиши ўтади. Бундан ташқари, БМТнинг Осиё ва Тинч океани иқтисодий-ижтимоий комиссияси ўзининг "Осиёда қуруқликдаги транспорт йўли структурасини ривожлантириш" (АЛТИД) дастури доирасида Жанубий Осиё орқали Сингапурдан, Ҳиндистон орқали Туркияга ўтадиган трансосиё темирйўли қурилишини ниҳоясига етказишга ҳаракат қилмоқда. Лекин бу магистралда қатор бир-бирига боғланадиган йўл тармоқларини қуриш керак бўлади.

IV БЎЛИМ

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИДАГИ МОҲИЯТИ

Халқаро Иқтисодий Ташкилотлар (ХИТ) халқаро битим асосида маълум иқтисодий алоқаларни (валюта, кредит, солиқ, транспорт, товар алмашуви ва ҳ.к.) олиб бориш мақсадида тузилган ташкилотдир. ХИТ шу ташкилотнинг умумий принциплари ва йўналишини белгиловчи юридик ҳужжат асосида ўз фаолиятини олиб боради. Бу ҳужжат ҳар бир аъзо томонидан имзоланиб, низом (устав), декларация ёки битим тарзида бўлади.

ХИТ – тузилишининг асосий *мақсади* жаҳон ҳамжамиятида ёки маълум минтақада иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир.

ХИТлар фаолият кўлами нуқтаи назаридан *жаҳон миқёсидаги* ёки *минтақавий* ташкилот бўлиши мумкин[1].

Жаҳон миқёсидаги (умумжаҳон) ХИТлар: Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг Иқтисодий-ижтимоий кенгаши, унга тегишли махсус муассасалар, Жаҳон Ислом конференцияси ташкилоти ва ҳ.к.

Минтақавий ХИТлар: Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО), БМТнинг минтақавий ташкилотлари – ЭСКАТО, ЕЭК ва ҳ.к.

Нима учун бу ташкилотлар ҳақида чуқурроқ билишимиз керак? Чунки дунё ҳамжиҳатлигига, иқтисодий ҳамкорлик ривожини таъминлашга, интеграцион жараёнларга бир томондан давлатлараро муносабатлар билан чиқилса, иккинчи томондан, айнан шу ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали эришилади.

Жаҳон ҳамжиҳатлигида бўлиш, унда муҳим ўрин эгаллаш давлат мавқеини мустаҳкамлаб, халқ фаровонлигини таъминловчи катта омил бўлиб келган.

---

[1]ХИТлар классификациясида ҳукумат, ҳукуматлараро, ноҳукумат ва бошқа турлари ҳам ажратилади.

Жаҳон банки (ЖБ)

Ташкил этилган вақти – 1944 йил июль, Бреттон-Вудс, (АҚШ, Нью-Гемпшир штати), штаб-квартираси (қароргоҳи) Вашингтонда жойлашган.

Бреттон-Вудс халқаро ҳамкорлиги томонидан Жаҳон банкига белгиланган вазифалар унга берилган ном – яъни Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР)да ўз аксини топди. Асосий вазифа сифатида иқтисодий тараққиётни молиялаштириш юклатилди. Агарда жаҳон банкининг бирламчи кредитлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европанинг иқтисодиётини тиклашга йўналтирилган бўлса, кейинчалик у ўз эътиборини жаҳоннинг қолоқ мамлакатлари иқтисодини тиклашга қаратди. Ҳозирги вақтда эса Жаҳон банкининг асосий мақсади *ривожланаётган мамлакатларнинг* иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, мазкур мамлакатларнинг ишлаб чиқариш даражасини оширишга ёрдам бериш ва аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга кўмаклашишдир.

Жаҳон банки ўз таркибига йирик иккита ташкилотни: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) ва Халқаро тараққиёт ассоциациясини (МАР) олади. Улардан ташқари унга яна учта бошқа ташкилотлар ҳам билвосита киради: Жаҳон банки билан уюшган, аммо ҳуқуқий, молиявий жиҳатдан мустақил фаолият кўрсатувчи – Халқаро молиявий корпорация (МФК) (бу ташкилот ривожланаётган мамлакатлардаги хусусий корхоналарни молиялаштиришга ёрдам беради). Инвестицион келишмовчиликларни тартибга солиш халқаро маркази ва Инвестицияларни ҳар томонлама кафолатловчи агентлик (МИГА).

Халқаро тараққиёт ассоциацияси (МАР) мамлакатларга имтиёзли кредитлар бериш билан шуғулланиб, улар донор мамлакатлар томонидан бериладиган хайрия маблағлари асосида молиялаштирилади. Жаҳон банки дунёдаги капитал, қимматбаҳо қоғозлар бозорларининг асосий маблағ олувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, банк бир қатор мамлакатлардан облигация, заём сотиш орқали тўғридан-тўғри қарз олади, йиғилган маблағлар қолоқ мамлакатларнинг тараққиёти йўлида ишлатилади ва уларга имконияти даражасидаги паст фоизлар ҳисобида берилади.

Жаҳон банки кредит олиш, уни қайтара олиш даражасида бўлган мамлакатлар учун маблағларни мужассамлайди. Аммо,

бой мамлакатларга ёки алоҳида шахсларга жаҳон банки томонидан кредит берилмайди.

Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг жон бошига ялпи миллий маҳсулот 1200 доллар атрофида бўлган тақдирда улар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан кредит олиш имкониятига эга бўладилар. Бу кредитлар 12—15 йил ичида қопланиши лозим. Иккинчи томондан, Халқаро тараққиёт ассоциацияси (МАР) кредитларни қолоқроқ мамлакатларга, яъни улардаги ялпи миллий маҳсулот жон бошига 800 доллардан кам бўлган мамлакатларга беради (асосан МАР томонидан берилаётган кредитларнинг 80 фоизини ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига 700 доллардан кам бўлган мамлакатлар олади). Бу кредитлар бўйича фоизлар олинмасдан, кўпгина ҳолларда улар 35—40 йиллар оралиғида тўлаш шарти билан берилади.

Жаҳон банки ўз фаолиятини ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларга техник лойиҳаларни, иқтисодий дастурларни молиялаштириш жиҳатдан ёрдам бериш орқали бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Бу вазифалар банкнинг асосий узоқ муддатли вазифаси ҳисобланади.

Охирги йилларда банк олдинги йиллардаги тажрибаларига таянган ҳолда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичлари даражаларини инобатга олиб, лойиҳаларни танлаш жараёнида асосан ривожланаётган мамлакатларнинг қолоқ қатламларини қамрашга, уларнинг тараққиёт даражаларини оширишни назарда тутган ҳолда олиб бориляпти.

Шунинг учун ҳам, Банк томонидан техник ва молиявий жиҳатдан ёрдам бериш даражаси тақдим этилаётган конкрет лойиҳани кўриб чиқишда асосан мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади.

Банк мамлакатларга техник жиҳатдан ёрдам бериш ва молиялаштириш жараёнида БМТ томонидан белгиланган дастурга асосан ҳам техник ёрдам берувчи, ҳам лойиҳани ижро этувчи сифатида қатнашади.

Банк томонидан танланадиган лойиҳа, уларнинг йўналишлари миллий мамлакатлар, уларнинг маҳаллий ҳокимиятлари, бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳар томонлама келишилган ҳолда амалга оширилади.

Банк кредит ажратиш жараёнида ўз мутахассислари иштирокида кредит олувчи мамлакатларнинг иқтисодини синчковлик билан таҳлил этиш асосида қайси соҳага асосий

эътибор бериш ёки капитал қўйилмаларни жойлаштириш борасида у ёки бу соҳани танлаш имкониятидан фойдаланади. Бундай таҳлитда иш юритиш ушбу мамлакатнинг асосий муаммолари ечимида қатнашиб, унинг ривожланишига ёрдамлашишни назарда тутади.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги фаолияти

Ўзбекистон жаҳон банкига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди, унинг олдидаги мажбуриятларини бажариш учун 12,1 млн АҚШ доллари миқдорида бадал тўлади. Ўзбекистонга МБРР томонидан 2493 акция (жами акциялар миқдорининг 0,17 фоизи) чиқарилди, овозлар эса – 2743 (0,18 фоиз)ни ташкил этди.

Жаҳон банки 1993 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва унинг Ўзбекистондаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

– Бозор структурасининг шаклланишида техник ёрдам кўрсатиш;

– ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга молиявий жиҳатдан кўмак бериш;

– мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Бозор тизимларини шакллантиришга техник жиҳатдан ёрдам бериш борасида республикада макроиқтисодий соҳада мониторинг ўтказиш, уларни таҳлил этиш, банк тизими, бухгалтерия ҳисоб-китобларини, коммуникацияларни ривожлантириш каби тадбирлар киради. Жумладан, бу борада Жаҳон банки тизимининг вакиллари билан биргаликда республикада банк тизимининг ривожланиш даражаси йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилди, ундан келиб чиққан ҳолда бозор механизмининг инфраструктурасини мужассамлаш, илмий-техникавий салоҳият даражасини аниқлаш борасида ҳам анча ишлар олиб борилди.

Жаҳон банки энергетика соҳасини ривожлантириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришга мўлжалланган лойиҳалар учун ҳам кредит ажратиб, Орол муаммолари ечимига, ишлаб чиқариш секторлари ривожига, пахтани қайта ишлаб чиқариш соҳасига ҳам эътиборини қаратмоқда.

12 октябр 1993 йил – биринчи кредит. Институционал ривожланиш бўйича техник ёрдам лойиҳаси. Жаҳон банки томонидан 21 млн АҚШ доллари миқдоридаги заём 20 йил муддатга, шундан 5 йил имтиёзли муддатдир. Лойиҳанинг

умумий қиймати 25 млн АҚШ доллари. Молиялаштиришнинг бошқа манбалари: Ўзбекистон ҳукумати – 400 минг АҚШ доллари, ЕИ – 2,6 млн АҚШ доллари., Япония – 1 млн. АҚШ доллари (кейинчалик қатор кредитлар бўлди).

МБРР томонидан молиявий секторни ислоҳ этиш борасидаги лойиҳани молиялаштириш бўйича заём ажратиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа бўйича ҳозирда озроқ миқдорда аванс ажратилган, молиявий секторни ислоҳ этиш бўйича тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш учун комиссия таркиби тузилган.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА – МАР)

1960 йил ноябрдан ўз фаолиятини бошлаган МАР Жаҳон Банки таркибига кириб, унинг фаолияти кам ривожланган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат.

МАР га 170 га яқин давлат аъзодир.

МАРнинг кредит сиёсатига биноан, кредитлар МБРР фоизларини тўлашга имконияти бўлмаган давлатларгагина берилиши мумкин. МАР кредитларини (булардан фоиз олинмайди) олиш имконига ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига йилига 800 доллардан ошмаган давлатлар эга бўлиши мумкин, аммо МАР амалиётда кўпгина давлатларга ушбу кўрсаткич 700 доллардан ошмаган тақдирда кредит беради. Ушбу банк кредитлари 35–40 йил муддатга берилиб, кредит олинган биринчи 10 йил давомида ҳеч қандай қайтарув тўловлари тўланмайди.

МАР МБРРга ўхшаб капитал бозорида қўшимча маблағлар жалб этиш имкониятига эга эмас. Ҳар уч йилда унинг жамғармасини донор мамлакатлар маблағ билан тўлдириб туради. Аъзолик бадаллари уларнинг МБРРга бўлган бадаллари билан таққосланиб, МАР аъзоларининг келишувига нисбатан 2 гуруҳга: ривожланган мамлакатлар ва суст ривожланган мамлакатларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга кирувчи давлатлар эркин конвертацияланадиган валютада тўлаб, улар асосан молиялаштириш учун ишлатилади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи давлатлар бадалининг ўндан бир қисмини эркин конвертацияланадиган валютада тўлаб, қолган қисмини миллий валютада тўлаши мумкин.

Халқаро валюта фонди (ХВФ – МВФ)

МВФ 1944 йил июлда Бреттон-Вудс (АҚШ, Нью-Гемпшир штати)да ташкил топган, қароргоҳи Вашингтонда жойлашган.

МВФ – Ҳукуматлараро корпоратив валюта-молиявий ташкилот бўлиб, фаолияти давлатлараро вужудга келадиган, тўсатдан рўй берувчи ва олдиндан билиш мумкин бўлмаган миллий валюталарнинг ўзгарувчанлиги, давлатларнинг миллий валюталарини алмаштириш доирасидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир. МВФ ўз фаолиятини "шартномавий моддалар" номини олган Низомга биноан олиб бориб, мазкур жамғарма аъзолари томонидан имзоланган. Жамғарма томонидан тегишли нормалар белгиланган. Ҳар бир давлат олдидаги муҳим мажбуриятлар аниқланиб, унда аъзоларнинг ҳеч қандай тўсиқсиз миллий валюталарни алмаштириши, жамғармага ўзининг монетар сиёсати бўйича келгуси режа ва вазифалари тўғрисида маълумотлар беришини талаб этади. Шу билан бирга улардан ўз фаолиятини МВФнинг тавсияномаларига мослаштиришни талаб этади, ишнинг бу тарзда олиб борилиши аъзо давлатларнинг фаолиятлари билан келишилган ҳолда ишни ташкил этишга ёрдам беради. МВФда белгиланган нормаларга таянган ҳолда унда доимо умумий пул захираси мавжуддир, улар кўзда тутилмаган қийин иқтисодий ҳолатларда фойдаланилади.

МВФнинг мақсади

МВФ ўз фаолияти асосини жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши учун етарли шарт-шароит ва ундаги валюта тизимини тартибга солиш, деб ҳисоблайди. Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қуйидаги *мақсадларни* қўяди:

1) Халқаро савдонинг ўсишига ёрдам кўрсатиш;

2) миллий валюталар қадрини бир меъёрда ушлаб туришга кўмаклашиш;

3) жамғармага аъзо давлатларнинг жорий ҳисоб-китобларини амалга ошириш жараёнида кўп томонлама тизимни ташкил этишга кўмаклашиш, халқаро савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар, валюталар борасидаги тўсиқлар вужудга келмаслигига ёрдам бериш;

4) савдо ва тўловлар доирасидаги тўсиқлар вужудга келмаслиги учун аъзо давлатларга кредит ресурсларини бериш;

5) халқаро валюта доирасида вужудга келувчи муаммоларни ечиш борасида маслаҳат-форумлар ўтказиш.

Жамғарма аъзо давлатларнинг валюта курслари доирасида уларни тартибга солиш юзасидан, уларнинг фаолияти самараси, халқаро валюта тизими устидан назорат-кузатув ишларини олиб боради. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир аъзо мамлакат жамғармага назорат ишларини олиб бориши юзасидан тегишли маълумотларни бериб туриши лозим.

Жамғарма халқаро савдо, турли хилдаги тўловларни амалга ошириш, ундаги резервларнинг ҳолати бўйича масъул бўлганлиги сабабли бу борадаги ишларнинг жорий этилишига асосий эътиборни қаратади.

Жамғарманинг асосий мажбуриятларидан яна бири бу — унинг аъзо давлатларга СДР (Special drawing rights — Специальные права заимствования)га таянган ҳолда тақсимлашнинг жорий этилишига манба сифатида қўшимча ликвидлик кўмаги беришдир. СДРнинг курси сифатида беш асосий валютанинг ўртаси олинади. МВФ шу кунга келиб, 21,4 млрд СДР чиқарди. У бугун 27 млрд АҚШ долларига баҳоланмоқда (2000 молиявий йилда 1 СДР — 1,26 АҚШ долларига тенг эди).

Молиялаштириш манбаи

МВФ банк ҳисобланмайди ва омонатчилар, маблағ олувчилар ўртасида даллоллик вазифасини ўтамайди. Жамғарма 125 млрд АҚШ доллари ҳажмида молиявий ресурсларга эга. Маблағлар бадал, аъзо давлатлар ссудалари асосида юзага келади. Айрим ҳолатларда МВФ қўшимча пул маблағларини баъзи давлат ташкилотларидан ҳам олиши мумкин. Унга аъзолик тўловлари миқдори иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Аъзолик тўловларининг 25 фоизи захира активлари бўйича тўланиб, СДР ёки шунга тенг келадиган валюталар шаклида, қолган қисми давлатнинг миллий валютасида тўланади.

МВФнинг пул маблағларга бўлган зарурияти ҳар 5 йилда текширилади.

Квота

Жамғармага аъзо давлатларнинг ҳар бири СДР билан ҳисобланадиган квотага эга. У Жамғарма билан бўладиган молиявий ва ташкилий муносабатларда асосий роль ўйнайди. Биринчидан, Жамғармадаги овозлар сонини белгилайди (250 номинал овоздан ортиқ), ҳар 100 000 СДР квотага 1 овоз тўғри келади. Иккинчидан, Жамғарманинг молиявий маблағларига имконият очиб беради. Учинчидан, СДРнинг тақсимланишида у аъзонинг ҳиссасини белгилаб беради.

Моддаларга биноан, кенгашнинг бошқарувчилари квоталарни белгилашда унинг ҳажмини 5 йилга мўлжалланган ҳолда белгилаши зарур.

Молиявий маблағларни олувчилар

Жамғарма томонидан бериладиган кредитларни унга аъзо бўлган барча бой ёки камбағал давлатлар олиши мумкин, маблағ етишмаган тақдирда вужудга келган муаммони ечиш доирасида умумий молиявий маблағлардан фойдаланилади.

Жамғармадан олинган маблағлар 3—5 йил давомида тўланиши, лекин уни тўлаш муддати 10 йилдан ошмаслиги керак. Ундаги фоизлар бозордагилардан паст даражада бўлсада, Халқаро тараққиёт ассоциациясидагидек жуда паст қилиб белгиланмайди.

МВФ томонидан бериладиган ёрдам учун унга муҳтож бўлган давлатнинг тўлов баланси асосдир. Унга биноан тегишли ҳисоб-китоблар олиб борилади.

МВФ ислоҳотларни олиб бориш учун кредит беради, берилаётган кредитлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлиги, унинг ривожланиши даражасига оид назорат ишларини, кузатувларни олиб боради, зарурат бўлган ҳолларда техник ва бошқа хилдаги маслаҳатлар, шунинг билан биргаликда, банк, солиқ тизимлари доирасида ривожланиш, ислоҳотларни олиб бориш, тегишли статистик маълумотларни йиғиш, ҳисоблаш, уларни чоп этиш бўйича техник ёрдам кўрсатади.

Ҳар йили (МВФнинг молиявий йили 30 апрелда тугайди) тақдим этилган квоталар валютада ҳисоб-китоб қилиниб, СДР ҳамда валюталар курсларининг ўзгаришига асосланган ҳолда уларнинг фарқлари, тўланиши лозим бўлган суммалари аниқланади.

Кредитлар бўйича тўловларни қоплаш кредит олингандан 3–4 йилдан сўнг бошланади.

МВФ ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар

Ўзбекистонга берилган квота 275,6 млн СДРни ташкил этади. Ундан 25 фоизини қайтариб олиш мумкин, қолган сумма вексел тўловлари шаклида тўланади. Юқорида таъкидланганидек, молиявий йилнинг охирида ҳисоб-китоблар бўйича аниқланган фарқ Ўзбекистон томонидан 1999 йил учун тўланди. Кредитларни қоплаш муддати эса 2001 йилдан бошланган.

Жами МВФ томонидан берилган кредитлар 135,625 млн СДР ёки у тахминан 198,013 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистонда МВФнинг доимий ваколатхонаси мавжуд.

Мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ўрганиш мақсадида унинг вакиллари вақти-вақтида ташриф буюришади, МВФга бўлажак муносабатлар бўйича таклифлар киритишади.

Жамғарма томонидан кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш мақсадида ҳам техник ёрдам берилмоқда.

Ҳар йили МВФда ва унинг институтларида Марказий банк, Молия вазирлиги, республиканинг бошқа муассасаларидан ходимлар ўқиб, ўз малакаларини оширмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР)

Европа тикланиш ва тараққиёт банки 1991 йили Франция собиқ президенти Ф.Миттеран ташаббуси билан ташкил этилиб, ўз олдига (ташкил этилиши тўғрисидаги битимга биноан) Марказий ва Шарқий Европада бозорни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишни мақсад этиб қўйган. Банк ўз аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар олиб боришига, уларнинг жаҳон иқтисодий ҳамкорлиги қаторига қўшилишига кўмак беради.

ЕБРРнинг биринчи президенти этиб Жак Аттали сайланган, 1993 йилнинг августидан мазкур лавозимни Халқаро валюта жамғармасиниг директори, сўнгра Франция банкининг президенти Жак де Ларозьер эгаллади.

Ўзбекистон ЕБРРга 1992 йилнинг бошларида аъзо бўлди, шу йилнинг ўзида республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, унинг тараққиёт даражасини ўрганиш мақсадида банк томонидан бир қатор ташкилий ишлар олиб борилиб, жумладан, кенгаш директорларининг аъзолари — президент ва вице-президент ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ушбу ташрифларнинг натижаси сифатида ЕБРР томонидан Ўзбекистонга нисбатан стратегия ишлаб чиқилди. 1993 йили ЕБРР Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларини жорий этди.

1994 йил 10 январда ЕБРР директорлари кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистонга банк томонидан лойиҳаларни молиялаштиришга бериладиган маблағ олиш учун олдиндан бериладиган кафолат шарти бекор этилди. ЕБРР томонидан бундай қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берилгандан далолатдир. Банк томонидан белгиланган кафолатнинг бекор этилиши каби қарорнинг қабул қилиниши собиқ 26 социалистик давлатлар ичида биринчи давлатга нисбатан бўлди.

ЕБРР томонидан қуйидаги етакчи соҳаларда молиявий ва техник томондан эътиборни марказлаштириш, уларга кўмак бериш жиҳатлари белгиланди:

— Молиявий сектор;

— янги минерал хомашё ресурсларини топиш, уларни қайта ишлаш соҳаси;

— энергетика комплекси;

— пахтани қайта ишлаш, агробизнес;

— туризм;

— транспорт ва алоқа;

— атроф-муҳитни муҳофаза этиш.

Шуни инобатга олиб, Европа банки Ўзбекистонда фаолият кўрсатиш доирасида қуйидаги 6 тамойилни белгилади:

— Молиявий сектор (банклар);

— кичик ўрта корхоналар;

— инфраструктура, энергетика комплекси;

— табиий ресурслар;

— пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа соҳалари;

— туризм соҳаси.

ЕБРР томонидан Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш учун 120 млн АҚШ доллари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкига кафолатсиз 60 млн АҚШ доллари; 30 млн АҚШ доллари "Асака" акционерлик-тижорат банкига (Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан) ва 30 млн АҚШ доллари бошқа тижорат банкларига (Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан) ажратилди.

Европа Иттифоқи

"Европа Ҳамжамиятлари", "Европа Ҳамжамияти", "Европа Иттифоқи" (ЕИ) – бу номлар 50 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган битта ягона уюшманинг фаолиятини акс эттиради. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқининг (1993 йил ноябрдан бошлаб расмий шундай ном олган) таркибига 15 давлат: Франция, Германия, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Англия, Шотландия, Шимолий Ирландия, Греция, Испания, Португалия, Швеция, Австрия ва Финляндия киради. Бугунги кунда, яъни 2004 йил 1 майидан бошлаб бу иттифоққа янги 10 давлат қўшилиб (Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Литва, Латвия, Эстония, Мальта, Кипр, Словакия), аъзолар сони 25 тага етди.

Европа Иттифоқи ўзининг ялпи маҳсулоти, ташқи савдо ҳажми бўйича АҚШ ва Японияни орқада қолдириб, жаҳоннинг етакчи учта иқтисодий марказларидан бири бўлиб саналади.

Европа Иттифоқининг ташкил топиши 18 апрель 1951 йил саналиб, Парижда "Кўмир ва пўлат бирлашмаси" тузиш шартномасининг имзоланиши билан боғлиқдир. Ушбу шартномани тузишда илк бор қуйидаги олтита давлат: Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, ГФР ва Франция қатнашган.

Европа Иттифоқининг ривожланиш босқичлари

1957 йил 17 мартда 2 йил давом этган тайёргарликдан сўнг, мазкур олти давлат вакиллари Римда "Европа Иқтисодий Ҳамжамияти" (ЕИҲ) ва "Атом энергетикаси бўйича Европа Ҳамжамияти" (Евратом) номли яна икки шартномани имзоладилар.

"Европа Иқтисодий Ҳамжамияти"нинг тузилиши Европа интеграцияси босқичларини амалга оширишда ҳал қилувчи қадам бўлди. Асосий ва бирламчи вазифалардан бири

(тахминан 1970 йилда бажарилиши лозим эди) Божхона Иттифоқи ҳамда маҳсулотлар бозорини ташкил этиш эди. Шу билан биргаликда шартнома ўз олдига умумаграр ривожланиш, савдо сиёсати, мазкур интеграциянинг келгуси ривожланишига қаратилган бошқа тадбирлар, яъни Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг иқтисодий стратегик йўналишларини белгилаб олди.

Божхона Иттифоқи юқорида белгиланган муддатдан бир ярим йил олдин ташкил топди. Европа интеграциясининг ривожланишида, биринчидан, 1967 йил барча юқорида таъкидланган ҳамжамиятлар олий органларининг умумлашиши асосида ягона кенгаш ва ягона комиссия тузилиб, улар Европа парламенти, Европа Иттифоқи суди билан биргаликда ягона институционал тузилмани ташкил этди. Иккинчидан, Европа Иттифоқига Буюк Британия, Дания, Ирландия, Норвегия давлатлари билан Иттифоққа аъзо бўлиш бўйича музокаралар олиб борилди. Аммо Норвегия давлатида ўтказилган миллий референдум натижалари асосида, бу давлат Иттифоққа қўшилмади, қолган уч мамлакат 1973 йил 1 январдан Ҳамжамият аъзоларига айланиб, "олтилик" давлатлари "тўққизлик"ни ташкил этди. Шу вақтдан бошлаб барча расмий ҳужжатлар "Европа Ҳамжамияти" номи билан атала бошланди (1993 йил ноябригача).

1981 йил Греция ҳамжамиятга ўнинчи аъзо бўлиб кирди. 1986 йили Испания ва Португалия давлатлари ҳам аъзо бўлдилар. 1980-йилларнинг ўрталарида, узоқ муддатли синовлардан сўнг янги, якуний, ягона ички бозорни ташкил этиш босқичига ўтилди. 1986 йилда унинг ҳуқуқий асоси юзага келиб, 1987 йил 1 июлдан кучга кирди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан имзоланган ягона Европа акти тузилди. Шу вақтдан бошлаб "Ягона ички бозор" тушунчаси 1950–60 йилларда Рим шартномаси ва бошқа ҳужжатларда юритилган "Умумий бозор" тушунчаси ўрнини эгаллади.

Ягона ички бозор яратиш жараёнида, биринчидан, асосий ургу нафақат бож тўсиқлари, товар ҳаракатининг эркин амалга оширилиши, балки барча жисмоний, техник, ҳуқуқий, маъмурий тўсиқлар бартараф этилишига қаратилди.

Иккинчидан, товарлар ҳаракати, капиталлар, ишчи кучи ҳаракатидаги, тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар фаолиятидаги мамлакатлараро чегара тўсиқлари йўқотилди, умумий ягона валютага ўтиш келишилди. Ҳамжамиятда

йиғилган тажрибалар асосида амалий хатти-ҳаракатлар дастури тузилиб, 1985 йили Европа ҳамжамияти комиссияси томонидан тайёрланган "Оқ китоб"да ёритилди. Улар 300 аниқ тадбирни ўз ичига олиб, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўлларини белгилаган. Мазкур дастур 1993 йилнинг 1 январига бажарилди, лекин тадбирлар узоқ муддатга белгиланиб, ягона ички бозорнинг ташкил этилиши Иттифоқ миқёсида бажарилган муҳим амалдир.

1989 йили ягона ички бозордан иқтисодий, валюта ва сиёсий Иттифоққа ўтиш бўйича қарор қабул қилинди. Бу масала бўйича 20 йил давомида хатти-ҳаракатлар қилинганди. 1991 йилнинг декабрида Голландиянинг Маастрих шаҳрида бўлиб ўтган Европа Кенгаши сессиясида ушбу масала бўйича шартнома маъқулланди ва 1992 йил 7 февралда аъзо давлатлар томонидан имзоланди.

Ушбу шартноманинг бажарилиши XX асрнинг охирги ўн йилини ўз ичига қамраб, ягона валютага ўтиш XXI аср бошланиши, 2002 йилга тўғри келди.

Европа Иттифоқи Кенгаши

Мазкур кенгаш "Европа Иттифоқи вазирлар кенгаши" номи билан машҳурдир. Бу кенгаш аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари кенгаши, молия, маориф, қишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаш вазирлари кенгашидан иборат. Европа Иттифоқи Кенгашининг қонунлари қарор ва директива шаклида чоп этилади. Қарорлар мажбурий характерга эга бўлиб, Европа Иттифоқи давлатлари қатнашчиларининг миллий қонунлари туркумига киритилади.

Европа Кенгаши

1974 йили Парижда бўлиб ўтган Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокидаги конференцияда Европа Кенгашини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Европа Кенгаши олий орган мавқеига эга бўлиб, унда аъзо давлатлар раҳбарлари иштирок этади. 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Европа Кенгашининг йиллик йиғилишида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги делегация қатнашиб, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик битими имзоланди.

Европа Парламенти

Европа Парламенти Европа Иттифоқи мамлакатларининг 370 млн фуқароларининг сиёсий эркинлигини ифодалаб, овоз бериш йўли билан сайланади.

Европарламент дунёдаги энг йирик парламентдир. Комиссия фаолиятини назорат этиш, қонун чиқариш фаолияти, иттифоқ бюджетига қўшимча ўзгартиришлар киритиш Европарламентнинг асосий вазифасидир.

Европа Комиссияси

Европа Комиссияси Европа Иттифоқининг ижро этувчи органидир. Унинг 20 та аъзоси миллий ҳукуматлар томонидан белгиланади, аммо ўз фаолиятида тўлиқ мустақил ҳисобланади. Иттифоққа аъзо бўлган йирик мамлакатлар: Франция, Италия, Германия, Испания, Буюк Британия ушбу комиссияга иккитадан, қолган мамлакатлар биттадан вакил юборади. Вакиллар беш йил муддатга сайланиб, комиссарлар номини оладилар. Жак Сантер бошчилигидаги комиссия аъзолари ўз вазифаларига 1995 йил киришиб, уларнинг ваколатлари 2000 йилда тугади, ҳозирги вақтда комиссия фаолияти янги таркибда давом этмоқда.

Европа Суди

Европа Иттифоқининг бошқа халқаро ташкилотлардан фарқи шундаки, улар томонидан имзоланган шартномалар мажбурий характерга эга бўлиб, сўзсиз бажарилиши лозим. Шартномадаги моддалар, ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий далолатномалар аъзо мамлакатларнинг қонунларига қўшилади. Уларнинг бажарилиши аниқ-равшан белгиланиши талаб этилиб, Европа Суди шу борада назорат ишлари олиб боради.

ЕИ билан ҳамкорлик моҳияти

Европа Иттифоқига интеграциялашув иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларга чуқур ижобий таъсир кўрсатади. Интеграциялашув жараёни шериклик ва ҳамкорлик битимлари тузишдан бошланиб, Европа Иттифоқига қабул қилишдан олдинги стратегия жорий қилинганидан сўнг янги фазага кирди. Европа Иттифоқи билан Марказий – Шарқий Европанинг олти мамлакати (Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Словакия, Чехия), деярли барча МДҲ

давлатлари (Туркманистон ва Тожикистондан ташқари), шунингдек, Болтиқ бўйи мамлакатлари ўртасида имзоланган битимлар Европа Иттифоқининг ҳамкорлик тўғрисида тузган битимлари ичида энг чуқур ва кенг битимлар ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик тўғрисида тузилган битимлар каби бу ҳужжатлар ҳам Европа Иттифоқи билан МДҲ ва Болтиқ мамлакатлари ўртасида фақат савдо муносабатларинигина белгилаб қолмасдан, балки молиявий ҳамкорлик, тижорат тажрибаси, қонунчилик масалаларини, турли даражадаги сиёсий мулоқот масалаларини қамраб олади. Бу ҳужжатлар шу мамлакатлар ўртасида, яқинда ташкил қилинган Марказий Европа эркин савдо ассоциацияси доирасида савдони эркинлаштиришни ҳам рағбатлантиради.

Копенгагенда 1993 йилда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда Марказий – Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатларни Европа Иттифоқи таркибига қабул қилиш тўғрисида биринчи марта қатъий фикр билдирилган эди. 1995 йилнинг июнь ойида эълон қилинган "оқ ҳужжат" деб аталувчи ҳужжат Европа Иттифоқига киришдан олдинги стратегияни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган. Унда Европа Иттифоқига номзод мамлакатлар ички бозори тармоқларининг ҳар биридаги ҳал қилувчи тадбирлар белгиланган, қонунчилик босқичларининг навбатлари аниқланган, ялпи қонунларни амалга ошириш, уларга риоя қилинишини таъминлаш учун аниқ тадбирлар таклиф қилинган.

Бироқ, Европа Иттифоқига янги мамлакатларнинг қўшилиши дарҳол амалга ошади деб ўйламаслик керак: Австрия, Финляндия, Швециянинг бунга қўшилиши тўғрисидаги музокаралар икки йилга яқин чўзилди, Испания деярли 10 йиллик музокаралардан сўнг Иттифоққа аъзо бўлди. Аъзолик нима беради? Европа Иттифоқига киришдан кўриладиган манфаатлар қуйидагилардан очиқ-ойдин кўриниб турибди: сиёсий барқарорликка эришилади, савдо-сотиқ, капиталнинг айланиши эркинлашади, умумий жамғармаларга йўл очилади, анча қулай бозор шароитларига эга бўлган тузилмага қўшилади.

Европа Иттифоқига тезроқ аъзо бўлиш ўтиш даврини бошдан кечираётган Европа мамлакатларида ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва чуқурлаштириш учун жуда муҳимдир. Бу мамлакатларни ташкилотга қабул қилиш учун нима тўсқинлик қилади? Муаммолардан бири, Европа Иттифоқи қоидаларини амалга ошириш ва ҳаракатга тушириб юбориш учун бу мамлакатларда маъмурий-ташкилий тузилмаларни барпо қилиш

лозим. Бироқ, энг катта муаммо – Европа Иттифоқининг бюджети муаммосидир. Бюджетнинг тахминан 80%и Европа Иттифоқининг ночорроқ минтақаларига ёрдам жамғармалар тузилмаларини маблағ билан таъминлашга сарфланади. Бундан ташқари, ягона қишлоқ хўжалиги сиёсати доирасида Европа Иттифоқига аъзо мамлакат фермерларига субсидиялар ажратилади. Бу тузилмаларнинг ишини қайта ташкил қилмай туриб, уларни Марказий – Шарқий Европа мамлакатларига жорий қилиш қимматга тушади. Ягона қишлоқ хўжалиги сиёсатининг айрим элементлари 1992 йилда ўзгартирилган, лекин яна қўшимча ислоҳотлар ўтказиш мўлжалланган.

Шундай қилиб, интеграция босқичма-босқич ўтказиладиган жараён бўлиб, Европа Иттифоқига аъзоликнинг айрим элементлари, жумладан, хусусий эркин савдо бошқа омилларга нисбатан тезроқ амалга оширилади; шу билан бирга, эҳтимол бу тадбир Европа Иттифоқининг ичидаги фойдали ислоҳотларни тезлаштиришга ҳам сабаб бўлар.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)

ЭКОСОС Бирлашган миллатлар ташкилот (БМТ)нинг уставига биноан ўзининг иқтисодий-ижтимоий фаолиятини ва БМТ қошидаги махсус институт ва агентликлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи орган сифатида ташкил этилган. Кенгаш таркибига 54 аъзо мамлакат кириб, ҳар йили Бош Ассамблеянинг сессияларида 18 давлат қайта сайланиб, янгиланиб турилади. Кенгашда қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилиниб, ҳар бир аъзо бир овозга эгадир.

Аъзоликларнинг бўлиниши:

Африка	14
Ғарбий Европа	13
Осиё	11
Лотин Америкаси	10
Шарқий Европа	6

ЭКОСОС вазифалари ва масъулияти

– БМТ тизими ҳамда аъзо мамлакатларнинг умумий, соҳаларарo характерга эга бўлган халқаро иқтисодий-ижтимоий масалалари доирасидаги муаммоларни ечишда марказий форум сифатида хизмат қилади;

– халқаро иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш бўйича муаммоларни ўрганиш, ҳисоботлар тайёрлаш, улар асосида тегишли тавсияномалар бериш;

– инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида уларга риоя этиш, уларни кузатиш ва бу масалаларни ечишда кўмаклашиш;

– халқаро конференцияларни чақириш, Бош Ассамблеяга унинг тасарруфига кирувчи масалалар бўйича тегишли конвенциялар лойиҳаларини тайёрлаш;

– БМТ билан бўладиган муносабатлар бўйича махсус битимларни ишлаб чиқиш;

– Бош Ассамблеянинг БМТ аъзоларига йўналтирилган тавсияномалари бўйича махсус агентликлар ўртасида маслаҳат, тавсиянома ишларини умумлаштириш;

– Бош Ассамблеянинг тавсиясига биноан БМТ аъзоларига ва махсус агентликларга тегишли хизматлар кўрсатиш;

– Кенгаш ечиши лозим бўлган муаммолар бўйича нодавлат ташкилотлар билан маслаҳатлар олиб бориш.

ЭКОСОС сессияси мунтазам, ҳар йили 5 ҳафта давомида Женевада ёки Нью-Йоркда ўтказилади, имконият бўлмаган ҳолларда Нью-Йоркда 2 та ташкилий сессиялар бўлиб ўтиб, уларда мамлакатларнинг бош вазирлари ёки мутасадди шахслар иштирокида иқтисодий-ижтимоий соҳадаги асосий масалалар ечилади. Кенгашнинг йил давомидаги фаолияти унинг ёрдамчи комиссия, қўмиталарида олиб борилиб, улар ўзларининг йиғин-мажлисларини ўтказадилар, кенгаш олдида ҳисобот берадилар.

Кўмакчи ташкилотлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

– фаолият кўрсатувчи комиссиялар: статистика бўйича, аҳоли ва унинг ривожланиши, ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари, аёллар статуси, наркотиклар, жиноятчиликни бартараф этиш ҳамда одил суд доирасидаги, фан ва технологиялар тараққиёти масалалари бўйича тараққиётга кўмаклашувчи комиссиялардир;

– минтақавий комиссиялар: Африка бўйича иқтисодий комиссия (Аддис-Абеба, Эфиопия), Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия (Бангкок,

Таиланд), Европа бўйича иқтисодий комиссия (Женева, Швейцария), Лотин Америкаси ва Кариб ороллари бўйича иқтисодий комиссия (Сантьяго, Чили), Ғарбий Осиё бўйича ижтимоий комиссия (Уммон, Иордания);

– доимий қўмиталар: координация ва тегишли дастурларнинг бажарилиши масалалари бўйича, тартибга солиш бўйича, нодавлат ташкилотлари бўйича, ҳукуматлараро агентликлар билан ишлаш бўйича қўмиталар;

– янги ресурслар, энергия, иқтисод, социология, маданий ҳуқуқ бўйича эксперт органлар сонини аниқлаш ва уларни режалаштириш;

– ижроия қўмиталар, БМТ болалар жамғармасининг кенгаши, қочоқлар масалалари бўйича БМТ комиссарининг офиси, аёллар масалаларини тадқиқот этувчи институт, халқаро наркотик масалалари бўйича назорат қилувчи қўмита, жаҳон савдо масалалари бўйича кенгаш.

ЭКОСОС ўзининг низомига биноан нодавлат ташкилотлари билан ўз масъулиятидаги масалалар бўйича тегишли маслаҳатлар олиб боради. Мазкур ташкилотлар кенгаш фаолиятига кўмаклашиш борасида ўз тажриба ва билимларини бир-бирлари билан алмашишлари лозимдир.

Мингдан ортиқ нодавлат ташкилотлари маслаҳатчи ташкилотлар мақомини олган. Улар 3 категорияга бўлиниб, 1-категория кенгашнинг асосий фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар; 2-категорияга махсус соҳалар бўйича ва 3-категорияга қайси ҳолатдалигига қараб ёки муайян ҳолларда кенгаш томонидан фойдаланиладиган ташкилотлар киради.

Маслаҳатчи мақомини олган ташкилотлар кенгашнинг очиқ мажлисларига, унинг кўмаклашувчи органларининг йиғинларига ўзларининг вакилларини йўллашлари мумкин. Улар кенгаш фаолияти ёки нодавлат ташкилотига доир масалалар бўйича БМТ котибияти билан маслаҳатлашиши ҳамда ёзма равишда баён этиши мумкин.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)

ЮНЕСКОнинг қароргоҳи Франция пойтахти Парижда жойлашган. Бош директори Коичиро Матцуура.

1945 йил 16 ноябрда Лондонда қабул қилинган ЮНЕСКО низомига кўра, ташкилот органларининг вазифалари белгилаб

берилган. Бош конференция, Ижроия кенгаши ва Котибият унинг раҳбар органлари ҳисобланади.

Мақсад ва вазифалари

— адолатга ялпи ҳурматни, қонунчилик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш манфаатлари йўлида таълим, фан ва маданият соҳаларида халқлар ҳамкорлигини кенгайтириш орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаси деб билади;

— барча ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали халқларнинг ўзаро яқинлашувига, бир-бирини тушунишига имкон яратади, шу мақсадда гояларни сўз орқали ва тасвирий йўл билан эркин тарқатиш учун ўзи фойдали деб ҳисоблаган халқаро битимлар тузишни тавсия этади;

— халқ таълимини ривожлантириш, маданиятларни тарқатишни рағбатлантиради;

— билимларни асраш, кўпайтириш ва кенг ёйишга ёрдам беради;

— ушбу ташкилотга аъзо давлатларга ўз маданиятларини, таълим тизимининг мустақиллигини, дахлсизлиги, ўзига хослигини таъминлайди. Ташкилот моҳият-эътибори жиҳатидан ушбу мамлакатларнинг ички ваколатига тааллуқли масалаларга ҳар қандай йўл билан аралашувдан воз кечади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ушбу ташкилотга бемалол аъзо бўлишлари мумкин. БМТга аъзо бўлмаган давлатлар Ижроия кенгашининг тавсиясига кўра унинг Бош конференцияси томонидан ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан унинг тўла ҳуқуқли аъзоси.

Бош конференция

Бош конференция ташкилот фаолиятининг йўналиши ва умумий йўлини белгилаб беради. Конференция ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг вакилларидан иборат. Аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг ҳукумати, агар мавжуд бўлса, миллий комиссия ёхуд маърифий-илмий ва маданий муассасалар билан маслаҳатлашиб, сайланувчи 5 нафардан ортиқ бўлмаган вакилини тайинлайди. Ҳар бир давлат Бош конференцияда битта овозга эга. Қарорлар овозларнинг умумий кўпчилиги билан қабул қилинади. Кўпчилик деганда ҳозир бўлганларнинг,

овоз беришда қатнашганларнинг кўпчилиги тушунилади. Ташкилотга аъзо бўлган давлатнинг бадаллик қарзи жорий ва олдинги йиллардаги қарзлари миқдоридан кўп бўлса, у конференцияда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Ҳар икки йилда бир марта конференция навбатдаги сессиялари чақирилиб турилади, буларнинг ҳар бирида Раис ва бошқа Ҳайъат аъзолари сайланади. Зарур бўлса, сессия таълим, табиий, гуманитар фанлар, билим тарқатиш масалалари бўйича давлатлараро, халқаро конференцияларни ташкил этади. Конференция Ижроия кенгаши аъзоларини сайлайди, Ижроия кенгашининг тавсиясига кўра, Бош директорни тайинлайди.

Ижроия кенгаши

Ижроия кенгаши 51 нафар аъзо давлатдан иборат. Ижроия кенгаши Бош конференциянинг кун тартибини тайёрлайди. Кенгаш икки йиллик давр мобайнида тўрт марта навбатдаги сессияларга тўпланади. Лавозимдаги шахслар навбатдаги сессияларда тайинланади.

Котибият

Котибият таркибига Бош директор, лозим бўлган хизматчилар киради. У Кенгашга тақдим этиш учун ташкилотнинг иш режалари лойиҳаларини кирим-чиқимлари билан бирга тайёрлаб беради. Бош директор Бош конференция томонидан яна сайланиш шарти билан 6 йил муддатга тайинланади. Унинг вазифаси Конференция ва Кенгаш томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар хусусида таклифлар киритишдан иборат, шунингдек, у аъзо бўлган давлатларга, Ижроия кенгашига Ташкилот фаолияти ҳақида мунтазам равишда маърузалар тарқатиб туради.

ЮНЕСКОнинг собиқ Бош директори Федерико Майор жаноблари 1995 ва 1999 йилларда Ўзбекистонда бўлди.

Унинг сафарлари чоғида Ўзбекистон Республикаси билан ЮНЕСКО ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида Меморандум имзоланди. Ушбу Меморандум туфайли Ўзбекистон ЮНЕСКОдаги фаолиятини фаоллаштириш имконига эга бўлди.

XXVIII – Бош Конференция ўта муҳим ўрта муддатли стратегияни қабул қилди. Бунда 1996–2001 йилларга мўлжалланган ЮНЕСКО фаолиятининг асосий вазифалари, бош йўналишлари белгилаб берилди. *Икки асосий йўналиш: тинчлик йўлида тараққиёт ва тараққиёт йўлида тинчлик,* ана шу ўта муҳим ўрта муддатли стратегия асосини ташкил этади.

Ушбу ташкилот миқёсида Ўзбекистон ташаббуси билан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

— Беғаразлик тамойиллари ҳақида баёнот;

— ЮНЕСКО ҳомийлиги остида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ва Хива ҳамда Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 1994 йилнинг декабрь ойида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси тузилди.

Комиссиянинг асосий вазифаси республикада ЮНЕСКО режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларида маҳаллий вазирликлар, идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб туришдан иборат.

БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси

БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК) БМТ Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси резолюциясига биноан 1947 йил 28 мартда урушда вайронгарчиликка учраган мамлакатларга самарали ёрдам кўрсатиш мақсадларида Европани иқтисодий жиҳатдан тиклаш бўйича БМТнинг муваққат органи сифатида таъсис этилган. Кенгашнинг 1951 йил 18 сентябрдаги резолюцияси асосида БМТнинг доимий органи мақомини олган.

Комиссия Европанинг иқтисодий фаолияти даражасини кўтаришга, Европа мамлакатларининг ўзаро ва дунёдаги бошқа мамлакатлар билан бўлган иқтисодий муносабатларини қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳаракатлар доирасида ташаббус кўрсатади ва иштирок этади. ЕИК статистик маълумотлар тўплаш, иқтисодий, технологик масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш, комиссия аъзолари бўлган мамлакатларда буларни ривожлантириш, кенг ёйиш ишларида бош-қош бўлади ва рағбат кўрсатади.

ЕИК ўзининг барча ёрдамчи органлари фаолиятига оид раҳбарлик тамойилларини ишлаб чиқади, уларнинг режаларини тасдиқлайди, ишини йўналтириб туради ва назорат қилади. Қўмиталарнинг таклифларини кўриб, ана шу таклифлар асосида ҳукуматларга ёхуд ҳар йили ўз фаолияти ҳақида ҳисобот берувчи Иқтисодий ва ижтимоий комиссияга таклифлар йўллайди.

Европадаги ҳамма мамлакатлар, собиқ иттифоқ мамлакатлари, АҚШ, Канада, Исроил (ҳаммаси бўлиб 55 мамлакат) ЕИК аъзоси ҳисобланади. Бунга аъзо бўлмаган Ватикан, Лихтенштейн, Сан-Марино унинг фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок этади.

ЕИКнинг одатда ҳар йили бир марта ўтказиб туриладиган навбатдаги сессияси унинг раҳбар органи ҳисобланади. БМТ Котибиятининг бир бўлаги ҳисобланган, Ижрочи Котиб раҳбарлик қиладиган Котибият ЕИКка ва унинг ёрдамчи органларига хизмат кўрсатади.

ЕИК ташкилий бўлинмалари 9 бўлимдан иборат: булар иқтисодий таҳлил, лойиҳалаштириш ва режалаштириш, савдо, энергетика, саноат ва технология, транспорт, атроф-муҳит, қишлоқ хўжалиги, статистика бўлимларидир. Бундан ташқари, ЕИК таркибида иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олган кўпдан-кўп қўмиталар, ишчи гуруҳлари бор.

ЕИК Котибиятининг қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистоннинг ЕИК билан икки томонлама муносабатлари

Ўзбекистон транспорт ва атроф-муҳит бўлимлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Ўзбекистон Республикаси вакиллари "Ўтиш босқичида турган мамлакатлар тараққиётига кўмаклашиш уларнинг *умумжаҳон иқтисодига қўшилувининг муҳим омили* сифатида" (1995 йил 30 март, Женева), "Транспорт соҳасида (ҳуқуқий тизимлар билан бирга) ЕИК тадқиқотлари" (1995 йил 26 сентябрь, Женева) сингари ЕИКнинг қатор семинарларида, транспорт иқтисодиётидаги жараёнлар бўйича Ишчи гуруҳи сессиясида (1995 йил 27—29 сентябрь, Женева), Божхона масалалари бўйича ЕИК маъмурий комитетининг XVIII сессиясида ва ҳоказоларда иштирок этдилар.

1996 йил 15—17 октябрда Тошкентда "Халқаро транзит юк ташишни енгиллаштириш" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Бу семинар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси билан биргаликда ташкил этилди. Семинарда 11 мамлакат ҳамда 5 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Семинар натижасида Марказий Осиё минтақасида ва минтақаларо транспорт воситасида халқаро юк ташишни енгиллаштиришга қаратилган бир битимга эришилдики, у Марказий Осиёда, Кавказ ортида юк ташиш ва савдо самарадорлигини оширишга, минтақа

мамлакатларининг халқаро бозорларга чиқишида қулайликлар яратишга имкон берди.

Ҳозирги пайтда ЕИК Марказий Осиё мамлакатларини денгиз портлари билан улайдиган транспорт йўлаклари бўйича лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Транспорт, божхона муаммолари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларидаги турли конвенцияларга Ўзбекистонни жалб этиш юзасидан биргаликда иш олиб борилмоқда.

БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО – ESCAP)

БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий-ижтимоий комиссияси ЭКОСОСнинг 1947 йил 28 мартдаги қарорига биноан дастлаб Осиё ва Узоқ Шарқ бўйича иқтисодий комиссия тарзида урушдан жабр кўрган Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларига ёрдам бериш учун тузилган муваққат орган сифатида таъсис этилган. Кенгашнинг 1951 йил 18 сентябрдаги резолюциясига биноан БМТнинг доимий органи мақомини олган. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1974 йил 1 августда қабул қилган резолюцияда уни бундан буён "Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси" деб номлашга қарор қилган. Комиссия дастлаб ташкил топган пайтда Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларининг урушдан кейинги иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиб борди. Узоқ муддатли режага кўра, комиссия мазкур минтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ташаббускор бўлишга, ёрдам беришга даъват қилинади.

Ҳозирги пайтда Комиссия Осиё, Узоқ Шарқ ва Тинч океани мамлакатлари иқтисодиётининг яхлит ривожланишига амалий ёрдам бермоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт муаммоларига, миллий дастурлар ва режаларни мувофиқлаштириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда; ижтимоий тараққиёт, саводсизликни тугатиш, уй-жой қурилиши масалалари билан шуғулланмоқда. Унинг ҳомийлигида ер усти транспорти инфратизимини ривожлантиришга мўлжалланган АЛТИД лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бир йилда бир марта чақириладиган ялпи сессия комиссиянинг олий органи ҳисобланади. Иқтисодий ва ижтимоий

муаммоларни ўрганиб, шулар юзасидан ўз тавсияларини берувчи доимий қўмиталар: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва атроф-муҳит, табиий бойликлар ва энергетика, ривожлантиришни режалаштириш ва статистика, саноат, технология, аҳоли жойлашган ерлар, савдо, нуфуз, ижтимоий тараққиёт, транспорт ва алоқа бўйича тузилган қўмиталар Комиссиянинг асосий ёрдамчи органлари ҳисобланади.

Қуйидагилар Комиссия ҳомийлиги остида фаолият кўрсатадилар: Маслаҳат кенгаши, Осиё статистика институти, Меконг дарёсининг қуйи оқими ҳавзасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш қўмитаси, Осиёдаги қирғоқбўйи ҳудудларида ва Тинч океани минтақасининг жанубий қисмида табиий бойликларни биргаликда аниқлашни мувофиқлаштириш қўмитаси, Осиё ривожланиш институти, денгизга чиқолмайдиган мамлакатлар бўйича махсус орган, тайфунлар бўйича қўмита, Комиссия аъзолари томонидан тайинланадиган доимий вакилларнинг маслаҳат қўмитаси.

Комиссия БМТ сиёсати доирасида ва Кенгашининг умумий назорати остида фаолият кўрсатади. Шарт — Комиссия ҳар қандай мамлакатга нисбатан шу мамлакат ҳукуматининг розилигисиз ҳеч қандай ҳаракатда бўла олмайди.

Комиссия:

— Осиё-Тинч океани минтақасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, минтақа иқтисодий фаолият даражасини ошириш, шу минтақанинг ўзаро ва дунёдаги бошқа мамлакатлар билан бўлган иқтисодий муносабатларини қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш йўлидаги мувофиқлаштирилган фаолиятга ташаббускор бўлади, шунга қаратилган чора-тадбирларда иштирок этади;

— Осиё-Тинч океани минтақаси ҳудудларида ўзи мақсадга мувофиқ деб топган иқтисодий, техник муаммолар тадқиқотини олиб боради ва ташкил этади;

— иқтисодий, техник, статистик ахборотларни тўплаш, баҳолаш, тарқатиш ишларини амалга оширади ва ташкил этади;

— минтақа мамлакатларининг хоҳиш-истагига кўра, котибият ихтиёридаги маблағлар доирасида маслаҳат хизматлари кўрсатади. Шарти — бундай хизматлар БМТнинг махсус муассасалари ёки тегишли органлари томонидан ҳам кўрсатиладиган хизматларнинг айнан ўзи бўлмаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб ушбу ташкилот аъзоси.

БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО)

Ташкилот 1966 йил Австрияда жорий этилган, қароргоҳи Венада жойлашган.

БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти ривожланаётган мамлакатларнинг саноат ва техник жиҳатдан тараққиётига кўмаклашувчи махсус муассаса ҳисобланади.

ЮНИДО конституциясида ушбу ташкилотнинг қуйидаги *тўртта* бош вазифаси белгилаб берилган:

– саноатни ривожлантириш, қайси соҳаларга кўпроқ аҳамият бериш, стратегияни ишлаб чиқишда бевосита чет эл инвестициялари орқали саноатнинг юксалишига алоҳида эътибор берган ҳолда аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматларига маслаҳатлар бериш;

– саноат соҳасида тайёргарлик, статистика, стандартлар, янги технологияларни баҳолаш билан шуғулланувчи давлат муассасаларини ташкил этиш ва қарор топишида ёрдам кўрсатиш;

– муносиб технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришда янада юқорироқ самараларга эришиш, маҳсулот сотишда янги бозорларни забт этишда алоҳида корхоналарга ёрдам кўрсатиш;

– халқаро саноат кооперациясига, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида техник ахборотлар билан айирбошлашга ёрдам бериш.

БМТ молия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган жадвалга биноан ялпи ички маҳсулот ҳажмига кўра, Ўзбекистоннинг улуши ЮНИДО мунтазам бюджети умумий миқдорининг 0,18%ни ташкил этади.

ЮНИДО Ўзбекистонда олти лойиҳа асосида иш олиб боради:

– Хусусийлаштириш жараёнига, хусусий секторнинг ривожланишига техник ёрдам кўрсатиш;

– тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи учта учирма бизнес инкубаторларни ташкил этиш;

– Ўзбекистонда инвестициялашга ёрдам берадиган хизмат турларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўмаклашиш;

– "COMFAR" дастуридан фойдаланган ҳолда инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича семинар ташкил этиш;

— инвестицияларга ёрдам бериш бўйича минтақавий дастури;

— саноат сектори бўйича шарҳларни тайёрлашнинг минтақавий дастури.

Ушбу дастурлар бўйича кўзда тутилган ёрдам миқдори 2 млн АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этади.

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД)

ЮНКТАДнинг биринчи сессияси БМТ Ассамблеяси 1962 йилда маъқуллаган БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси резолюцияси бўйича 1964 йилда бўлиб ўтди ва шу йилда Бош Ассамблея ўзининг ёрдамчи органларидан бири сифатида ЮНКТАДни таъсис этди.

Ҳозирги пайтда 188 та давлат ЮНКТАД аъзоси ҳисобланади, кўпгина ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари унинг иш фаолиятида кузатувчи мақомига эга. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бери ЮНКТАД аъзосидир.

ЮНКТАДнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: халқаро савдони, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий юксалишни кучайтириш мақсадида тараққиёти турли даражада бўлган мамлакатлар ўртасида савдони рағбатлантириш, халқаро савдо, иқтисодий ривожланиш тамойиллари, йўналишларини аниқлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш; БМТ Бош Ассамблеяси, унинг Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси билан ҳамкорликда халқаро савдо ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; савдода, ана шу тараққиёт соҳасида ҳукуматлар ўртасида, айрим иқтисодий минтақавий гуруҳлар ўртасида келишувга эришиш; халқаро савдо, шунга боғлиқ соҳалар бўйича музокараларни ташкил этиш, расмий ҳужжатларни қабул қилиш.

ЮНКТАД Бош Ассамблея олдида бевосита жавобгар ҳисобланади. Унинг бош котиби БМТ Бош котиби томонидан тасдиқланади ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланади.

Савдо ва тараққиёт кенгаши ЮНКТАДнинг олий органи ҳисобланади.

Кенгаш таркибига қуйидаги ўнта қўмита киради:

1) Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ёрдам бўйича;

2) Хизматлар секторини ривожлантириш бўйича;

3) Инвестициялар ва молиявий тадқиқотлар бўйича;

4) Савдо соҳасида юқори даражада самарадорликка эришиш бўйича;

5) Хусусийлаштириш бўйича;

6) Ривожланаётган мамлакатлар билан халқаро савдодаги имкониятларни кенгайтириш бўйича;

7) Инвестициялар ва юксак технологиялар соҳасидаги ташқи алоқалар бўйича;

8) Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича;

9) Алоҳида иқтисодий тузилмаларни ривожлантириш масалаларида йирик ташкилотларнинг аҳамиятига доир масалалар бўйича;

10) Янги халқаро савдо нуқтаи назаридан савдодаги имкониятлар бўйича.

ЮНКТАД қароргоҳи Женевада жойлашган.

БМТнинг халқаро савдода ҳуқуқлар бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ)

Халқаро савдода ҳуқуқлар бўйича комиссия (ЮНСИТРАЛ) 1996 йилда ЮНКТАД билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, уни қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан таъсис этилган.

Комиссиядан мақсад халқаро савдода долзарб қонунларни жорий этиш, уларни яхлит ҳолга келтиришдан иборат. ЮНСИТРАЛ халқаро савдода ҳуқуқларни уйғунлаштириш ва ягоналаштириш соҳасида Бош Ассамблеянинг бош мандатига эга. Комиссия халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида БМТнинг адлия органи ҳисобланади

1973 йилда Бош Ассамблея унга аъзо бўлган давлатлар сонини 29 нафардан 36 нафарга кўпайтирди. Комиссия аъзолари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 3 йилга (2 муддатдан кўп бўлмаган тарзда) сайланади.

Комиссия аъзолари сайланган кунларидан бошлаб ўз вазифаларини адо этишга киришадилар ва ташкилий сессиядан бир кун аввал ўз ваколатларини топширадилар.

ЮНСИТРАЛ ҳар йили бир марта чақириладиган сессияларда ўз фаолиятини амалга оширади, бу сессиялар БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ёки Венадаги Халқаро марказда ўтказилади. БМТнинг адлия бўйича алоқалар ваколатхонасига қарашли халқаро савдо ҳуқуқи бўлими ЮНСИТРАЛ котибияти ҳисобланади.

Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ)

Божхоналар бўйича ҳамкорлик Кенгаши (БҲК) тарихи 1950 йил 15 декабрдан бошланиб, ўшанда Брюсселда ушбу Кенгашни таъсис этувчи Конвенция имзоланган эди. БҲКнинг биринчи инаугурацион сессияси 1953 йил 26 январда бўлиб ўтди (1983 йилда орадан ўттиз йил ўтгач, ушбу кун – 26 январ "Жаҳон божхоналар куни" деб белгиланди).

БҲКга аъзо бўлган мамлакатлар ҳар йили Молия қўмитаси белгилаб берган миқдорда ташкилот бюджетига бадал тўлайди.

1994 йил июнидан бошлаб БҲКнинг янги номи – Жаҳон Божхона Ташкилоти (ЖБТ) жорий этилди.

ЖБТ божхона ташкилотларининг ҳамкорлигига, божхона тизимининг техник жиҳатлари, иқтисодий омилларига доир масалалар мажмуини ўрганиш билан шуғулланади, конвенция лойиҳаларини, конвенцияларни талқин этиш ва тадбиқ қилишда пайдо бўладиган мунозарали масалаларни ҳал этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқади, божхона тартиботи, муаммоларига алоқадор ахборотларнинг ўз вақтида жўнатилиши учун жавоб беради.

Ўзининг деярли 50 йиллик фаолияти давомида ЖБТ 17 та халқаро конвенцияни, 50 дан ортиқ тавсияномани ишлаб чиқди ва амалда жорий қилди. Булар божхона қоидаларини ягоналаштириш, маҳсулот ҳаракатини тезлаштириш борасида ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

ЖБТ сессияси одатда унинг қароргоҳи жойлашган Брюсселда, баъзан аъзо бўлган бошқа мамлакатларда йилига бир марта ўтказилади. Унда ЖБТга аъзо бўлган мамлакатларнинг божхона маъмурияти раҳбарлари иштирок этадилар.

ЖБТнинг асосий органлари – ташкилотнинг сиёсат ва стратегиясини ишлаб чиқувчи Сиёсий Комиссия (23 аъзо) ва Молия Қўмитасидан (13 аъзо) иборат.

ЖБТ амалий ишлар бўйича ўз фаолиятини қуйидаги техник қўмиталар орқали юритади:

– Божхона қоидаларининг бузилиши ва контрабанда масалалари бўйича қўмита;

– Уйғунлаштирилган тизим бўйича қўмита;

– Доимий техник қўмита;

– Божхона қиймати бўйича техник қўмита;

– Маҳсулотларнинг келиб чиқишига оид қоидалар бўйича техник қўмита.

ЖБТ Котибияти Брюсселда жойлашган, унинг таркибида 100 нафардан кўпроқ ходим бор. Котибиятда ЖБТга аъзо бўлган мамлакатлардаги божхона маъмуриятининг 67 нафар доимий вакили – атташелари фаолият кўрсатади. Булар ушбу мамлакатларнинг Брюсселдаги элчихоналарига бириктирилган. 1998 йил июн ойида Мишель Дане (Франция) 5 йил муддат билан ЖБТ Бош секретари этиб сайланган.

ЖБТ йил давомида техник мажлислар ўтказиб туради, булар асосан Кенгаш қароргоҳида чақирилади. Инглиз ва француз тили ЖБТнинг расмий тили ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий мақсади жаҳон божхона тизимини юксак даражада уйғунлаштиришдан иборат. Доимий Техник қўмита (ДТҚ) божхона муаммолари соҳасида шу вазифанинг бажарилишини таъминлайди. ДТҚ ўз фаолиятида энг муҳим ҳужжатлардан бири – божхона муаммоларини енгиллаштириш ва уйғунлаштириш бўйича Халқаро Конвенция (у Киот конвенцияси сифатида машҳур)га амал қилади. Конвенция 31 иловани ўз ичига олган бўлиб, буларда божхона муаммоларини енгиллаштириш ва уйғунлаштиришга йўл очиб берувчи асосий тамойиллар тавсия этилган.

ДТҚ яна бир муҳим ҳужжатни ишлаб чиқди. Бу Истанбул конвенцияси. Унда маҳсулотларни вақтинча ўтказиб юборишга оид бўлган ҳаракатдаги барча ҳужжатлар жамланган. ЖБТ ўз аъзоларига назорат воситалари ва усулларини такомиллаштиришда ёрдам кўрсатади, божхона соҳасига оид маълумотларни автоматик ишлаб чиқишга оид замонавий воситалардан кенгроқ фойдаланишга имкон яратади.

ЖБТнинг асосий вазифаларидан бири – божхона қонунчилигини турли шаклларда бузишларга қарши курашда ўз аъзоларига кўмаклашиш мақсадида божхона соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир. Божхона қонун-қоидаларини бузишнинг олдини олиш, бундай ҳолатларни текшириш ва жазолаш бўйича 1977 йилда (Найробида) қабул қилинган Конвенция ЖБТнинг асосий юридик ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулотларни таърифлаш ва кодлаштириш бўйича *Уйғунлашган тизим (УТ)* ишлаб чиқилганлиги ЖБТ фаолиятидаги энг муҳим натижалардан биридир. Ушбу тизимда 5000 дан кўпроқ маҳсулот гуруҳлари бўлиб, улар олти сонли рақамдан иборат кодлар билан белгиланган, унда маҳсулотларга таъриф берилган ва УТдан бир хилда фойдаланишни таъминловчи қонун-қоидалар келтирилган.

УТ божхона ҳақини белгилаш, халқаро савдо статистикасини тўплаш борасидагина эмас, балки маҳсулотлар қаердан келаётганлигини аниқлаш, халқаро битимлар тузиш, юк ҳақини белгилашда ҳам жуда қўл келади. УТ халқаро савдода туб қонун тусини олди, ҳозирги пайтда жаҳон маҳсулот оборотининг 91 фоизи унинг қонун-қоидаларига бўйсунади.

ЖБТ божхона қиймати – божхона тўловларини тўғри белгилаш учун зарур бўлган ҳақлар тизимининг энг асосий унсури борасида ҳам анча-мунча ишлар қилди.

Маҳсулотга нисбатан ягона божхона қиймати тизимини қўллашда дунёдаги барча божхона маъмуриятларида ягона муомалалардан келиб чиқиш айни муддаога айланган эди. Ана шу мақсадга эришиш учун қатор мамлакатлар Савдо ва тариф бўйича Бош Битимни (СТББ-ГАТТ) имзолаш учун 1947 йил 30 октябрда Женевада тўпланишган. Ушбу масаланинг ривожи сифатида кейинчалик БҲК (ЖБТ) ташкил топди. СТББ (ГАТТ) билан ЖБТ ўртасида ҳамиша яқин ҳамкорлик бўлиб келган. СТББ Умумжаҳон Савдо Ташкилотига айланганидан (1995) кейин ҳам бу ҳамкорлик давом этиб келмоқда. Ҳар икки ташкилот бир-бирига кузатувчи юборган.

Жаҳон божхона ташкилотининг ғоят муҳим вазифаларидан бири – божхона ходимларини тайёрлаш, уларни ўқитишдан иборат. ЖБТ экспертлар, мутахассисларнинг ёрдамига, аъзо бўлган мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг кўнгилли бадалларига таянган ҳолда ходимларни ўқитишда турли техник ёрдам кўрсатмоқда, божхона фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича модуллар ҳозирлаб бермоқда, аъзо бўлган мамлакатлардан инструкторлар тайёрлаш бўйича курслар ташкил этилиб, таълим режаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистон ҳам аъзо давлат сифатида ушбу соҳаларда ҳамкорлик ривожига эътиборни кучайтирмоқда.

ЖБТ томонидан таълим учун бериладиган стипендиялар сони ҳамма аъзолар учун бир йилда қарийб 20 ўринни ташкил этади. Мана шу стипендияларни олишга номзодлар конкурс асосида танланади, ЖБТнинг расмий тилларидан бирини яхши билиш шарт ҳисобланади.

ЖБТ ҳозирги пайтда божхона ишларини уйғунлаштириш ва стандартлаштиришни ривожлантириш борасида фаолият кўрсатмоқда, аъзо бўлган мамлакатларга уларнинг божхона хизматлари ўртасида ахборот айирбошлашни ривож-

лантиришда, замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳамда бошқарув усулларини такомиллаштиришда, улар билан савдо ҳамжамияти ўртасидаги ўзаро алоқани кучайтиришда ёрдам бермоқда. Бутун дунёдан келган божхона экспертлари учун фикр ва тажриба алмашув имконини берувчи учрашувлар ташкил этмоқда.

Умумжаҳон савдо ташкилоти

1994 йил 15 апрелда Марокашда (Марокеш) Умумжаҳон Савдо Ташкилотини (УСТ) тузиш ҳақида Битим имзоланди. УСТ ўз янги фаолиятини 1995 йил 1 январдан бошлади. Шу вақтгача у 1947 йил октябрида тузилган Савдо ва тарифлар бўйича Бош Битим (ГАТТ) номи билан юритилиб келарди.

УСТ Тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош битим (ГАТТ) меросхўри бўлиб, Уругвай раунди деб номланган савдо соҳасидаги музокаралар натижасидир.

УСТ қароргоҳи Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган.

Умумжаҳон Савдо Ташкилоти фаолияти кўп томонлама савдо тизими учун зарур бўлган ҳуқуқий, муомалавий асосни яратиб беришга қаратилган. У мамлакатлар савдо қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш тамойилларини белгилашда келишилган асосий мажбуриятлардан келиб чиқадиган ҳолларни аниқлаб беради. Бундан ташқари, мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари, ўзаро мунозаралар, музокаралар, баҳслар натижасида равнақ топадиган макондир.

Савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби ҳақидаги моддaнинг кириш қисмида қайд этиладики, қатнашувчи мамлакатлар ички бозорларида ўз маҳсулотлари учун қандай савдо тартиботи жорий этган бўлса, бу бозорга кираётган бошқа мамлакатлар товарлари учун ҳам шуни қўллаши лозим. Яъни "*Миллий тартибот*" ҳақидаги қоида мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун белгиланган савдо тартиботини четдан келадиган шу хилдаги маҳсулотлар учун ҳам жорий этилишини назарда тутади.

Икки йилда бир марта чақириладиган Вазирлар Конференцияси УСТнинг Олий органи ҳисобланади. УСТнинг кундалик фаолияти масалалари билан унинг қатор ёрдамчи органлари шуғулланади, булар ичида Бош кенгаш асосий ҳисобланиб, у баҳсларни ҳал этиш, савдо сиёсатини қайта кўриб чиқиш масалалари билан шуғулланади.

УСТ Котибияти Женевада жойлашган. Унда қарийб 450 киши хизмат қилади. Котибиятга Бош директор, унинг тўрт нафар ўринбосари раҳбарлик қилади.

Котибиятнинг вазифаларидан бири музокаралар ўтказиш, битимларга эришишда УСТ органларига хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, котибият ривожланаётган мамлакатларга, энг суст ривожланган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатади. УСТдаги статистик таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодчи-мутахассислар мамлакатлар савдо сиёсатини, савдонинг аҳволини ўрганишади. Бу ташкилот юристлари эса УСТ қонун-қоидаларини нотўғри талқин қилиш натижасида савдода рўй берган жанжали воқеаларни бартараф этишда кўмаклашади.

Котибият янги аъзоларни қабул қилиш бўйича музокаралар ташкил этади, аъзолик масалалари бўйича мамлакат ҳукуматларига маслаҳатлар беради. УСТ бюджети қарийб 83 млн АҚШ долларидан иборат. Бюджет маблағларининг бир қисми Халқаро савдо маркази фаолиятини молиялашга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси УСТга аъзо бўлиш истагини билдириб, ўзининг ички савдо тартиботи ҳақида 1998 йилда унга меморандум тақдим этди. Ҳозирги вақтда УСТ томонидан бу борада комиссия тузилиб, Ўзбекистонни аъзоликка қабул қилиш масаласи ўрганилянти.

Эркин савдо бўйича Европа уюшмаси (ЭСЕУ)

Бу уюшма 1960 йилда ташкил этилган минтақавий иқтисодий гуруҳ бўлиб, дастлаб унинг таркибида Австрия, Буюк Британия, Дания (1973 йил), Норвегия, Португалия (1983 йил), Швейцария, Швеция кирган. Кейинчалик Исландия, Финляндия, Лихтенштейн қўшилган. 1991–1993 йилларда Туркия, Чехословакия, Исроил, Польша, Руминия, Венгрия, Болгария билан эркин савдо тўғрисида битим имзоланган. Европа Иқтисодий Макони ҳақидаги битимга кўра (1994 йилда кучга кирган) ЭСЕУ аъзоси бўлган мамлакатлар унинг қатнашчиларига айланган (Швейцария ва Лихтенштейн бундан мустасно).

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ-ОЭСР) – дунёда иқтисодий жиҳатдан энг устун даражада ривожланган мамлакатлар ташкилоти; ушбу мамлакатларнинг

иқтисодий, ижтимоий сиёсатларини мувофиқлаштириш мақсадида 1960 йилда ташкил этилган. 2000 йилга келиб унинг аъзолари сони 31 тага етди (унинг охирги аъзоси Чехия, у собиқ социалистик давлатлар ичида ушбу ташкилотга ҳозирча қабул қилинган ягона мамлакатдир).

ИҲТТ Европа Иттифоқига ўхшаган интеграцион бирлашув ҳисобланмайди. Ушбу ташкилот аъзо бўлган мамлакатларнинг ички ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид масалаларни шунчаки четлаб ўтган ҳолда ўз фаолиятини уларнинг ташқи иқтисодий муаммолари бўйича тавсиялар беришга қаратади.

"Париж клуби"

"Париж клуби" – Халқаро Валюта Жамғармаси аъзоларининг қарз берувчи мамлакатлар ҳукуматлараро ташкилотидир. Саноати ривожланган етакчи давлатларнинг бир гуруҳи ушбу "клуб"ни 1961 йилда ташкил этган, мақсад - танг вазиятларда жамғарма етишмай қолганда ХВЖга аъзо бўлган мамлакатлар ундан қарзга молиявий маблағ олиши учун шарт-шароит яратиш.

"Париж клуби" ХВЖ заёмлари ҳақидаги Бош битимлар доирасида 1962 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

"Рим клуби"

"Рим клуби" – фан-техника тараққиёти, даврида инсоният ривожининг асосий жиҳатларини ўрганиш мақсадида 1968 йилда тузилган Халқаро жамоат ташкилоти.

"Клуб" ижтимоий тараққиётдаги зиддиятлар, инсоннинг атроф-муҳитга етказаётган зарарларидан келиб чиқувчи муаммоларга – ҳозирги замон цивилизацияси муаммоларига жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиш борасида бир талай хайрли ишларни амалга оширди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) мамлакатлараро ва унинг аъзолари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларни таъминловчи минтақавий ташкилотдир (қароргоҳи Теҳронда).

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 1964 йилда Эрон, Покистон ва Туркия Республикаси томонидан "Минтақавий

ҳамкорлик тараққиёти" номи билан ташкил этилган эди. Аммо, 70-йилларга келиб, мазкур мамлакатларнинг минтақааро савдо манфаатларининг пасайиши туфайли ўз фаолиятини тугатди.

Ушбу мамлакатлар ўзаро муносабатларининг яхшиланиши 1985 йилда минтақавий ташкилотнинг "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти" номи билан фаолиятини ривожлантиришига олиб келди.

1992 йилга келиб Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Марказий Осиё (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон), Озарбойжон ва Афғонистон давлатлари қўшилиб, бунинг натижасида мазкур Ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар сони 10 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолигига 1992 йил 28 ноябрда қабул қилинди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг асосий мақсади

Аъзо мамлакатларда:

– савдо муносабатларини кенгайтириш;

– аҳолининг турмуш даражаси ва иқтисодий ўсишини таъминлашга кўмаклашиш;

– ўзаро боғловчи маънавий-маданий алоқалар ривожини таъминлаш.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини бошқарувчи тизим Ташқи Ишлар Вазирлари кенгаши ҳисобланиб, унинг бирламчи вазифаларидан бири ташкилотнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, тегишли қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Вазирлар кенгаши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар Ташқи ишлар вазирларидан ташкил топган бўлиб, бир йилда бир марта кенгаш томонидан уюштирилган йиғилишда қатнашадилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг иккинчи асосий бошқарув ташкилотидан бири – бу Вазирлар кенгаши йиғилишларининг ўртасида йиғилувчи, Ташқи ишлар вазирлари томонидан қабул қилинган асосий йўналиш ва сиёсатни ҳаётга тадбиқ этувчи "Вакиллар кенгаши"дир.

1996 йилга келиб, Ҳамкорлик ташкилотининг ташкилий масалалари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан у "Доимий вакиллар кенгаши" деб юритила бошлади. Кенгаш доимий фаолият юритади. Унга Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан белгиланган асосий йўналишларни ишлаб чиқиш ва назорат этиш, унинг бюджетини, минтақаларарo режалаштириш кенгашига маслаҳатлар бериш,

турли хилдаги ҳисоботларни қабул қилиш масъулияти юклатилгандир.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг яна бир асосий тизимларидан бири — Минтақавий ривожлантириш кенгашидир. Мазкур кенгашга Ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар режалаштириш ташкилотларининг раҳбарлари кириб, улар ташкилотнинг Теҳронда жойлашган қароргоҳида йилига бир марта йиғиладилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг доимий ҳаракатдаги ташкилоти унинг Котибияти бўлиб, бутун жорий даврдаги ташкилотнинг масалаларини ечиш билан шуғулланади. Теҳронда ўзининг қароргоҳига эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг котибиятини бошқариш учун вазирлар кенгаши томонидан 5 йил муддатга Бош котиб тайинланади.

Ташкилотнинг Котибиятида иқтисодиёт, транспорт, савдо, фан ва маданият соҳаларида иқтисодий ҳамкорлик борасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқувчи 8 та техник қўмита фаолият кўрсатади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига асос бўладиган ҳужжатларга қуйидагилар киради:

— Измир шартномаси. Мазкур шартнома Иқтисодий ҳамкорлик Устави сифатида юритилади. Шартномада ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, мақсад-вазифалари, Ташкилотнинг бошқа турли томонлари ўзида мужассамлаштирилган. Биринчи бор шартнома барча Ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан 1992 йил 28 ноябрда Исломободда имзоланган. Сўнгра 1996 йили Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги изланишлар натижасида Измир шартномаси яна бир бор кўриб чиқилди, навбатдан ташқари 1996 йил 14 сентябрда Измирда чақирилган Вазирлар кенгашининг йиғилишида аъзо бўлган мамлакатлар томонидан қайта имзоланди.

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг Кветтин режаси. Мазкур ҳужжат Ташкилотнинг транспорт, савдо, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳаларидаги режаларини ўз ичига олади. Режа 1993 йил 7 февралда Кветта (Покистон) шаҳрида Ташкилотнинг вазирлар кенгашида қабул қилинган, кейинчалик Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг олий даражада Истанбулда бўлиб ўтган иккинчи учрашувида маъқулланган.

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тараққиётининг узоқ муддатга — 2000 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган

Истанбул декларацияси. Ушбу ҳужжатда Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятининг иқтисодиёт, фан ва маданият каби соҳалардаги асосий вазифалари белгилаб берилган. Декларация 1993 йил 7 июлда Истанбулда бўлиб ўтган ташкилотга аъзо давлат раҳбарларининг иккинчи учрашувида қабул қилинган.

– Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бажариладиган жорий иш тартиблари. Ушбу Ташкилот томонидан ўтказиладиган маросим ва анжуманларни ташкил этиш тартиби ва ҳисоботларни тайёрлаш бўйича тартиблар белгиланган.

Ислом ташкилоти конференцияси

Ташкилот 1969 йил 25 сентябрда мусулмон мамлакатлари, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Работ (Марокко) шаҳрида бўлган конференциясида ташкил этилган.

Ислом Ташкилоти Конференциясининг (ИТК) муҳим органлари қуйидагилардир:

1) Давлат ва ҳукумат бошлиқлари конференцияси;
2) Ташқи ишлар вазирлари конференцияси;
3) Бош секретариат;
4) Халқаро Ислом адолат суди.

Давлат ва ҳукумат бошлиқлари конференцияси Ташкилотнинг олий органи бўлиб, ислом манфаатлари талаб этган вақтда, аъзо мамлакатларнинг асосий муаммоларини кўриб чиқиш, ташкилотнинг сиёсий координацияси (мувофиқлаштириш)ни қайта куриш лозим бўлиб қолганда йиғилади (1981 йилдан бошлаб ҳар 3 йилда 1 марта).

Ташқи ишлар вазирлари конференцияси давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари ёки аккредит вакиллари даражасида аъзо мамлакатларнинг бирида йилига бир марта йиғилади.

Ташқи ишлар вазирлари конференциясида Бош секретарь сайланади (тўрт йил муддатга ва фақат бир маротаба сайланади). Бош секретариат 200 га яқин штатга эга.

Халқаро ислом адолат суди ташкилотнинг асосий ҳуқуқий органи ҳисобланади.

ИТКнинг мақсади

1. Мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш.
2. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий соҳада ҳамкорлик қилиш.

3. Барча мусулмонларнинг миллий ғурури, ҳуқуқ ва мустақиллигини таъминлаш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Аъзо мамлакатларнинг:

— Зиёратгоҳларини қўриқлаш;

— Фаластин халқи курашини қўллаб-қувватлаш борасида иш фаолиятини мувофиқлаштириш (координациялаш).

Қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш:

— Ирқий камситишларга, колониализмнинг барча шаклларига чек қўйиш;

— Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оқилона ёндашиш;

— Ташкилотга аъзо мамлакатлар орасида ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро келишув, ҳамкорликни рағбатлантириш.

Аъзо мамлакатлар Устав мақсадларини амалга ошириш борасида қарорлар чиқарадилар, мажбуриятлар қабул қиладилар. Бу борада улар қуйидаги принципларга риоя қиладилар:

1. Аъзо мамлакатлар орасида тўла тенглик.

2. Ўз-ўзини англаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ҳуқуқини ҳурмат қилиш.

3. Ҳар бир аъзо мамлакатнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини ҳурмат қилиш.

4. Аъзо мамлакатлар орасида бўладиган турли келишмовчиликларни тинч йўл билан, музокаралар, арбитраж орқали ҳал этиш.

5. Аъзо мамлакатларнинг ҳудудий бутунлиги, сиёсий мустақиллигини бузишга бўлган барча уриниш ва ҳар қандай куч ишлатиш борасидаги ҳаракатларни тўхтатиш.

Ушбу ташкилот аъзолари 54 та мамлакатдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам бу ташкилотга аъзодир (1994 йилдан бошлаб).

Конференция асосан араб, инглиз ва француз тилларида иш олиб боради.

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЧЭС) 1993 йилнинг февралида Истанбулда бўлиб ўтган Албания, Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Молдавия, Руминия, Болгария, Россия, Туркия ва Украина давлатлари парла-

ментлари раҳбарлари ўртасидаги учрашувда ташкил топди. 1995 йилга келиб, бу ташкилотга Греция ҳам аъзо этиб сайланди. Ташкилотга раҳбарлик навбати билан амалга оширилади.

Бу ташкилотнинг таркибига кирган аъзо мамлакатлар асосан парламент давлатларидир. Уларда ўзларининг президентлари, бошқарувчи ҳукумат ва парламентлари мавжуд, бу эса қисман сиёсий ўхшашлик томонлари ҳам мавжудлигидан далолат беради.

ЧЭСнинг ташкил топишига бир қатор омиллар таъсир этдики, улар қаторида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: собиқ иттифоқнинг парчаланиши, қатор иқтисодий инқироз ҳолатига келиб қолган давлатлар иқтисодий аҳволининг таранглашуви, собиқ иттифоқ даврида тузилган иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг бузилиши, уларнинг Ғарб мамлакатлари билан рақобатлаша олмайдиган ҳолатга тушиши ва ҳ.к.

Шунинг билан бирга мазкур ташкилотнинг фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас:

– Ҳозирги вақтда ҳам ЧЭСга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар мавжуд;

– айрим давлатлар ўзларининг ички қарама-қаршиликлари билан олишмоқдалар;

– ер майдони ва мулклар бўйича давлатлараро келишмовчиликлар давом этмоқда;

– тарихан давом этаётган Греция ва Туркия ўртасидаги тафовутлар;

– мамлакатларнинг ЧЭСдаги фаолиятларида уларнинг ички тафовутлари натижасида бир йўналишда, мақсадли ишларни олиб боришга қаршиликлар мавжуд;

– қатор аъзо давлатлар ЧЭС ассамблеясига кириш хоҳишини билдирмадилар, бу ҳолат уларнинг ҳамкорлик бўйича сусткашлик билан фаолият кўрсатиши ҳамда шу ўринда бир-бирларига бўлган муносабатларидан далолатдир.

Лекин айрим давлатларнинг ўзаро қарама-қаршиликлари мавжудлигига қарамасдан, уларнинг иттифоққа кириш истаги иқтисодий масалаларнинг сиёсий масалалардан устуворлигидан далолат беради. Ҳамкорликдаги муҳим йўналишлар транспорт инфраструктураси, молия, савдо ривожига қаратилиб, бу борада амалий ишлар ҳам қилинди. Бунга мисол тариқасида ЧЭС томонидан Салоника шаҳрида ташкил этилган банк

фаолияти айрим мамлакатларнинг умумманфаатли лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. ЧЭС томонидан олиб борилаётган ёки ечимини кутаётган лойиҳаларнинг бажарилиши ҳам унинг фаолиятига ўз таъсирини ўтказади.

Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС) ташкилоти ўзаро алоқаларнинг ўсиши натижасида 1989 йилда Австралия мамлакатининг таклифига биноан ташкил топди. Ўз фаолиятини кичик гуруҳ сифатида бошлаб, кейинчалик мамлакатларнинг эркин савдо ва иқтисодий ҳамкорлиги ривожланишига асосий ҳисса қўшувчи минтақавий ташкилотга айланди.

Сеул декларациясига биноан Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Осиё-Тинч океани ҳавзаси инсонларининг умумманфаати йўлида, шу билан биргаликда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши йўлида иқтисодий ўсиш даражасининг ошишига кўмаклашиш;

– Минтақада иқтисодий самарадорликни, иқтисодий ўсишни яхшилаш, қўшимча товар ва хизматларни, капитал ва технологияларни жалб этишни амалга ошириш;

– Осиё-Тинч океани минтақаси ва бошқа давлатлар манфаатлари йўлида ҳар томонлама эркин савдо тизимини яратишга ҳаракат қилиш, уни ривожлантириш.

– Ўзаро инвестицияларни жалб этиш борасида УСТ (ГАТТ-ВТО) принципларига риоя этиш, товарларни сотиш, хизмат кўрсатиш борасида қийинчиликларни туғдирувчи ҳолатни камайтириш.

Декларацияда иқтисодий ўсиш жараёнида Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш асосий масала деб инобатга олинган. Осиё-Тинч океани ҳавзаси мамлакатларининг фаолияти аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатга биноан олиб борилади. 1991 йили Ташкилот ўз фаолиятини очиқ мунозара шаклида ҳар бир қатнашчининг фикрига биноан олиб боришни лозим топди.

Ташкилотта аъзо мамлакатларнинг Ташқи ишлар ва Молия вазирлари иштирокидаги учрашув ташкилотнинг олий органи ҳисобланиб, ҳар йили минтақадаги иқтисодий муаммоларни ечиш, ташкилот фаолиятини, унинг сиёсатини кўриб чиқиш учун йиғилади.

Ушбу учрашувларни ташкил этиш, ишчи гуруҳлар дастурлари, қўмиталар бюджетларини кўриб чиқиш учун ҳар йили масъул шахслар учрашуви ўтказилади. Асосий иқтисодий муаммоларни ечиш жараёнида Ташкилотга аъзо давлатларнинг раҳбарлари қатнашади.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини тартибга солиш мақсадида, 1993 йил февралида Сингапурда котибият ташкил этилиб, ушбу вазифани бажариш учун директор тайинланиб, у бир йил муддатга сайланади.

Мамлакат вазирлари ўртасидаги йиллик учрашувларда 3 қўмитанинг дастурлари ва 10 та ишчи гуруҳ белгиланади. Бу қўмиталар савдо, инвестиция, ахборот таъминоти, иқтисодий даражаларнинг таҳлили, ташкилот доирасидаги кадрлар масаласи устида ишлайдилар.

Аъзо мамлакатлар рўйхати:

1. Австралия	11. Сингапур
2. Бруней	12. АҚШ
3. Гонконг	13. Таиланд
4. Индонезия	14. Тайван
5. Канада	15. Филиппин
6. ХХР	16. Чили
7. Малайзия	17. Жанубий Корея
8. Мексика	18. Япония
9. Янги Зеландия	19. Россия
10. Папуа - Янги Гвинея	

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси

Ассоциацияга (АСЕАН) 1967 йил 8 августда Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари Ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган Бангкок декларацияси асос бўлди. 1976 йилга келиб, Бангкок

декларацияси Жануби-Шарқий Осиё давлатлари томонидан дўстлик ва ҳамкорликни ўзаро алоқалар дастури асосида олиб бориш тўғрисидаги шартнома билан тўлдирилди.

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясининг мақсади

– Минтақада тинчликни ўрнатиш мақсадида иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда минтақавий ҳамкорликни олиб бориш;

– ҳамкорлик, тенглик руҳида иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт, маданий ривожланиш асосида минтақада ўзаро хатти-ҳаракатлар олиб бориш;

– иқтисодий, ижтимоий, маданий, техник, илмий ва маъмурий соҳаларда фаол ҳамкорлик ҳаракатларини рағбатлантириш;

– фан ва маориф соҳаларида ўзаро алоқаларни ривожлантириш;

– аҳоли турмуш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, транспорт, алоқа соҳаларида ҳамкорлик.

АСЕАН га аъзо давлатлар

1. Бруней.
2. Вьетнам.
3. Индонезия.
4. Малайзия.
5. Филиппин.
6. Сингапур.
7. Таиланд.
8. Лаос.
9. Комбоджа

Ассоциация таркиби

1) Аъзо давлатлар ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида 3 йилда бир марта йиғилувчи конференция ассоциациянинг олий органи бўлиб ҳисобланади;

2) марказий бошқарув органи – ўтадиган Ташқи ишлар вазирлари учрашуви бўлиб, навбат билан аъзо бўлган давлатлардан бирида бўлиб ўтади;

3) доимий қўмита таркиби – ассоциацияга раислик қилувчи давлатнинг Ташқи ишлар вазири, қолган 6 давлат элчилари ҳар 2 ойда йиғилади;

4) АСЕАН давлатлари Молия вазирлари учрашувларида иқтисодий ҳамкорлик борасидаги масалалар кўрилади;

5) Давлатларнинг бошқа вазирлари (маориф, энергетика, соғлиқни сақлаш, фан-техника, табиатни муҳофаза этиш) учрашувлари фан-техника, ижтимоий ривожлантириш, маданият ва ахборот қўмиталари, наркотик ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари борасидаги масъул мансабдор шахслар йиғилиши асосида тайёрланади;

6) Давлатларнинг Ташқи ишлар, Молия вазирлари ўзаро учрашувлари икки соҳадаги фаолиятнинг мувофиқлашишига қаратилган;

7) Давлат раҳбарлари учрашувларида сиёсий масалалар кўриб чиқилади. Ассоциация иқтисодий ҳамкорликни бешта қўмита — қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик, молия ва банк, саноат, энергетика, транспорт, савдо ва туризм қўмиталари фаолияти асосида олиб борилади;

8) Ҳар бир давлатда АСЕАН томонидан белгиланган фаолиятни олиб бориши учун миллий котибият тузилиб, бош директор бошчилигида юритилади;

9) Консультатив аҳамиятга эга учрашувлар АСЕАН фаолиятини осонлаштиради;

10) АСЕАННинг Бонн, Брюссель, Вашингтон, Веллингтон, Женева, Канберра, Лондон, Оттава, Париж, Сеул ва Токиодаги 11 та қўмиталари ташқи алоқаларни таъминлайдилар;

11) АСЕАН секретариати — Бош секретар томонидан бошқарилиб, ҳар 3 йилда ўзгаради ва ўзининг ўринбосари, 3 директори, 9 та директор ўринбосарларига эга.

АСЕАН фаолияти

Сингапур декларацияси ўз олдига сиёсий ва хавфсизлик доирасида иқтисодий-сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш учун қатор масалаларни қўяди.

1. Иқтисодий соҳада:

— 2003 йилга АСЕАН доирасида эркин савдони ташкил этиш;

— Маълум маҳсулотлар бўйича умумий имтиёзли божхона тарифларини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Сиёсий соҳада:

— Тинчлик, озодлик ва нейтралитет минтақаси ташкил этиш ҳамда ядро қуролидан озод зонани ташкил этиш;

— Лаос, Комбоджа ва Мьянмо ўртасидаги изчил алоқаларни ривожлантириш;

– Япония, Австралия, Канада, Европа Иттифоқи, Корея Республикаси, Янги Зеландия ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

3. АСЕАН доирасида:

– Институтларни мустаҳкамлаш;

– хавфсизлик, молия, телекоммуникация, туризм, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва соғлиқни сақлаш борасида ҳамкорликни ривожлантириш.

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) 1960 йилда унга аъзо бўлган давлатларнинг нефть соҳасидаги сиёсатини мувофиқлаштириш ва ягоналаштириш мақсадида ўтказилган Боғдод (Ироқ) конференциясида ташкил этилган. Унинг низоми эса 1965 йилда Каракасда (Венесуэла) бўлиб ўтган конференцияда қабул қилинган.

Аъзо бўлган давлатларнинг вакилларидан (одатда делегацияга нефть ёки энергетика вазири бошчилик қилади) иборат конференция ОПЕКнинг олий органи ҳисобланади. Конференция бир йилда икки марта Венада ўтказилади. ОПЕК Бош котиби айни пайтда конференция котиби ҳисобланади. Конференция умумий сиёсий йўлни белгилаб боради ва бу сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўради, бюджетни ва низомдаги ўзгаришларни тасдиқлайди, янги аъзоларни қабул қилиш ҳақида қарор чиқаради. У Низомда айнан кўзда тутилмаган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади. Ҳамма қарорлар бир овоздан қабул қилиниши лозим (янги аъзоларни қабул қилиш ва расмий масалалар бундан мустасно).

Бош котиб раҳбарлик қилувчи котибият бошқарувчилар кенгашининг раҳбарлигида жорий ишларни олиб боради. Бош котиб ОПЕКнинг қонуний вакили ҳисобланади.

1991 йилдан бошлаб ОПЕК, унга аъзо бўлмаган нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ва Европа Иттифоқи халқаро энергетика агентлиги билан энергетика масалалари бўйича ахборотларни айирбошлаш, саноат соҳасида, атроф-муҳитни сақлаш, нефть бозорини авайлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказиб келмоқда.

ОПЕКка 11 мамлакат аъзо бўлиб кирган: Эрон (1960 йил), Ироқ (1960), Қувайт (1960), Саудия Арабистони (1960),

Венесуэла (1960), Қатар (1961), Индонезия (1962), Ливия (1962), Бирлашган Араб Амирликлари (1962), Жазоир (1969), Нигерия (1971), Эквадор (1973) ва Габон (1975).

Автотранспорт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар халқаро ташкилоти

Автотранспорт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар халқаро ташкилоти (АИХТ) 1919 йилда Парижда юзага келган. 1999 йилда АИХТ беш қитъадаги 35 та миллий уюшмаларни ўз таркибига олди.

Шунга кўра, у амалда бутун жаҳон автомобиль саноатини қамраб олган.

АИХТнинг асосий вазифаси автомобиль саноатига тааллуқли миллий уюшмалар ўртасида доимий алоқаларни таъминлаш, автомобиллар ишлаб чиқариш саноатида тадқиқот ишлари олиб бориш, шу соҳага оид ахборотларни тўплаб уюшмаларга, тегишли аъзоларига тарқатиш, ваколатли ҳукуматлараро ва халқаро органлар ҳамда халқаро ташкилотлар олдида автомобиль саноатини ташкил этиш билан бирга рағбатлантиришдан иборат.

АИХТ фаолиятини учта қўмита орқали амалга оширади.

Техник қўмита (1956 йилда тузилган). Белгия, Чехия, Франция, Германия, Италия, Япония, Нидерландия, Испания, Швеция, Буюк Британия, АҚШ автомобиль ишлаб чиқарувчилар уюшмалари техник қўмита ишида мунтазам қатнашиб келадилар.

Қўмитага кирмаган АИХТ аъзолари қўмита нашр этган барча иш ҳужжатларини, ҳисоботларини, техник ахборотларини мунтазам равишда олиб турадилар. Шунингдек, улар қўмитага таклиф ва техник маълумотлар бериб туришлари мумкин.

Техник қўмита олдида ҳисобот бериб турувчи 6 та экспертлар гуруҳи, қатор махсус гуруҳлар муфассал тадқиқотлар учун масъулдирлар. Бу тадқиқотлар кўп жиҳатдан шовқинга, ҳавони ифлослантиришга, бевосита (тормоз, чироқ, кўра билиш омиллари) ва билвосита (бахтсиз ҳодисаларни камайтириш) хавфсизлик масалаларига тааллуқлидир.

Техник қўмита мажлиси бир йилда уч марта, ҳар бир экспертлар гуруҳи эса бир йилда камида икки марта ўтказилади.

Масаланинг моҳиятига қараб, АИХТнинг саноат ва иқтисодий сиёсати бўйича қўмитаси (СИСҚ) ноҳукумат саноат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Дастлаб миллий ишлар бўйича қўмита деб аталган ушбу қўмитага илк бор 9 та мамлакат бирлашган (Бельгия, Франция, Германия, Италия, Испания, Япония, Швейцария, Буюк Британия, АҚШ). Бўлак уюшмалар ҳисобига аста-секин кўпайиб борган аъзолар қўмита фаолиятини ривож эттиришни маъқул кўриб, бугунги кунда барча аъзолари у ёки бу даражада СИСҚ фаолиятида ҳамкорлик қилади.

Саноат ва иқтисодий сиёсат бўйича қўмитанинг асосий фаолияти автомобилнинг ҳозирги жамият ҳаётига кириб келиши, автомобиль саноатининг келажаги билан боғлиқ асосий иқтисодий омиллар, янги социологик йўналишларни таҳлил этишга қаратилган.

СИСҚ аъзолари уюшмалар томонидан берилган ахборот, тўпланган тажрибаларга суяниб, автомобиль саноати ва йўл транспортининг иқтисодий аҳамияти, автовоситаларни ташиш, солиқ тўплаш сиёсати, оғир тижорат автотранспортининг вазни, ўлчови, ёқилғини тежаш, иқтисодий шароитда атроф-муҳитни сақлаш каби масалаларга кўпроқ урғу беради.

Кўргазмалар қўмитаси 1976 йилда ташкил этилган.

Ҳозирги кунда қўмитада Австрия, Бельгия, Болгария, Хитой, Хорватия, Чехия, Миср, Эстония, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Италия, Япония, Корея, Россия, Сербия, Словакия, Испания, Швеция, Швейцария, Украина, Буюк Британия автомобиль ишлаб чиқарувчилар уюшмалари иштирок этади.

Қўмитанинг асосий мақсади автотранспорт ишлаб чиқарувчилар сиёсатини Европадаги халқаро кўргазмаларда қай даражада қатнашганига қараб мувофиқлаштириб боришдан иборат.

Қўмита АИХТ ассамблеясига ҳавола этиш учун ҳар йили халқаро кўргазмалар тақдимини тайёрлайди. Бунга кўра, ишлаб чиқарувчилар ўз автотранспортларини келаси йил кўргазмага қўйишлари мумкин. Қўмита жадвал тасдиқланганидан, тегишли томонларга етказилганидан сўнг қабул қилинган қарорлар тўғри ижро этилаётганини таъминлайди.

Бундан ташқари, қўмита кейинги йилларга мўлжалланган жадвални янада яхшилаш мақсадида ўрта муддатли автокўргазмалар рўйхатини янгилаб туради, автокўргазма ташкилотчилари томонидан тузилган гуруҳ билан ҳамкорликда кўргазмаларнинг ички кўринишини уйғунлаштириш устида иш олиб боради. Қўмита йиғилиши бир йилда камида бир марта ўтказилади.

Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси ҳисобланувчи "Ўзавтосаноат" 1998 йил 6 майда, АИХТ Бош Ассамблеяси сессиясида аъзо этиб қабул қилинган ва 1998 йил 1 июлдан бошлаб расман АИХТ аъзоси ҳисобланади.

ТАСИС (МДҲ мамлакатларига техник ёрдам)

ТАСИСни ишлаб чиқиш ғояси 1990 йил декабр ойида Европа Иттифоқининг Римда бўлиб ўтган мажлисида юзага келди.

Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1991 йил июл ойидаги қарори асосида ТАСИС дастури расман таъсис этилди. Қайта кўриб чиқилган янги қарор 1993 йилда қабул қилинди. Дастур Европа Иттифоқи бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, шу Иттифоқ қонунларига мувофиқ тарзда фаолият кўрсата бошлади.

Сиёсий ўзгаришларни, тез ўзгариб бораётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ТАСИС дастурига зудлик билан тузатишлар киритилди. Дастлаб дастур фақат битта мамлакат – собиқ иттифоқга мўлжалланган эди. У кучга кирган йилдан кўп вақт ўтмай иттифоқ парчаланиб, ноаниқлик даври бошланди. Ана шу воқеалар натижасида аввалига Болтиқбўйи давлатлари, сўнг 12 та янги мустақил давлат пайдо бўлдики, буларнинг ҳар бири ўзининг ислоҳотлар сиёсатини белгилаб, ўз йўлини танлади. Бу янги давлатлар ичида Ўзбекистон биринчи бўлиб мустақил Президентлик бошқарувига ўтди.

Европа Иттифоқи янги мустақил давлатлар пайдо бўлганидан кейин ислоҳотлар жараёни суръатларини сақлаб қолиш нечоғли аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етди. Шу тариқа мустақил давлатларнинг ҳар қайсиси билан дастлаб муносабат ўрнатган сиёсий ташкилотлардан бирига айландики, бу ТАСИС дастурининг бундан кейинги фаолиятинигина эмас, балки янада ривож топишини таъминлаб берди.

ТАСИС умумий эҳтиёжларни аниқлаганидан сўнг шерик мамлакатлар билан биргаликда қайси секторларга бирламчи ёрдам бериш кераклигини аниқлашга киришди. Унинг қўллаб-қувватлаётган энг йирик бирламчи секторлари қуйидагилардир:

– Давлат корхоналарини қайта қуриш, хусусий секторни ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалиги;

– инфраструктура – энергетика, алоқа ва транспорт;
– ядро хавфсизлиги ва атроф-муҳитни ҳимоялаш;
– давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш;
– ижтимоий таъминот;
– таълим.

ТАСИСнинг мақсади – шерик мамлакатларга уларнинг жамиятларидаги ижтимоий-иқтисодий тузилмани тубдан қайта қуришда ёрдам беришдан иборат бўлиб, масалаларни амалий ҳал этиш йўлида янги фикрлар, муқобил усулларни таклиф қилган ҳолда жамиятнинг ҳамма даражаларида фаолият кўрсатади.

Турли-туман давлат, хусусий ташкилотлар ноу-хау ҳамда асбоб-ускуналар етказиб беришда ТАСИС маблағларидан фойдаланишади. Бу ерда ғарб тажрибаси жойлардаги билимлар, кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади. Ана шу махсус билимларнинг кўпчилик қисми Европа Иттифоқи ташкилотларидан келиб тушади, аммо жойларда шунга муносиб мутахассислардан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ТАСИС лойиҳалари республика ҳукумат муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Илова

ИҚТИСОД СОҲАСИ БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

1969 й. Тинберген Я. (Нидерланд), **Фриш Р.** (Норвегия): иқтисодий жараёнлар таҳлилининг динамик моделини яратгани ва амалда қўллагани учун.

1970 й. Самуэльсон П. (АҚШ): иқтисод фанлари соҳасида таҳлилнинг умумий даражасини юксалтириш борасидаги ишлаб чиқилмалари учун.

1971 й. Кузнец С. (АҚШ): иқтисодий ўсиш муаммолари борасидаги илмий тадқиқоти учун.

1972 й. Эрроу К. (АҚШ), **Хикс Дж.**(Буюк Британия): мувозанат умумий назарияси ва фаровонлик назариясига қўшган ҳиссаси учун.

1973 й. Леонтьев В. (АҚШ): "харажатлар – чиқариш" услубини ривожлантириш ва уни иқтисодий масалалар таҳлили амалиётида қўллагани учун.

1974 й. Хайек Ф. (Буюк Британия), **Мюрдаль Г.** (Швеция): пуллар ва конъюктуравий ўзгаришлар назарияси ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва институционал жараёнлар ўзаро таъсирининг таҳлили борасидаги илмий ишлари учун.

1975 й. Канторович Л. (Собиқ Иттифоқ), **Купманс Т.** (АҚШ): ресурсларни оптимал тақсимлаш назариясига қўшган ҳиссаси учун.

1976 й. Фридмен М. (АҚШ): истеъмол таҳлили, пул алмашуви тарихи ва монетар назариясини ишлаб чиққани учун.

1977 й. Мид Дж. (Буюк Британия), **Олин Б.** (Швеция): халқаро савдо ва капитал халқаро ҳаракати назариясига қўшган ҳиссаси учун.

1978 й. Саймон Г. (АҚШ): халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида қарор (ечимлар) қабул қилиш жараёни борасидаги тадқиқотлари учун.

1979 й. Льюис А. (Буюк Британия), **Шульц Т.** (АҚШ): ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий муаммолари борасидаги тадқиқотлари учун.

1980 й. Клейн Л. (АҚШ): иқтисодий моделларни яратгани ва улар асосида иқтисодий цикл (давр) ва иқтисодий сиёсатнинг таҳлили учун.

1981 й. Тобин Дж. (АҚШ): молия бозорлари ва уларнинг харажатлар, ишсизлик, ишлаб чиқариш, баҳо борасидаги ечимларга таъсирининг таҳлили учун.

1982 й. Стиглер Дж. (АҚШ): саноатлашган структуралар ва давлат бошқаруви муаммоларининг тадқиқоти ва бозорларнинг таҳлили учун.

1983 й. Дебре Ж. (АҚШ): умумий иқтисодий мувозанат назарияси муаммоларини ишлаб чиққани учун.

1984 й. Стоун Р. (Буюк Британия): миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишга қўшган ҳиссалари учун.

1985 й. Модильяни Ф. (АҚШ): молиявий сиёсат муаммолари борасидаги тадқиқотлари, инвесторлар хатти-ҳаракати ва уларнинг қимматбаҳо қоғозларга бўлган муносабатларининг таҳлили учун.

1986 й. Бьюкенен Дж. (АҚШ): сиёсий қарорлар (ечимлар) қабул қилиш назариясининг шартномавий ва конституцион асосларини ўрганиб чиққани учун.

1987 й. Солоу Р. (АҚШ): иқтисодий ўсиш муаммоларини назарий ишлаб чиққани учун.

1988 й. Аллэ М. (Франция): иқтисодий мувозанат назариясини чуқурроқ ишлаб чиққани, иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва фоиз нормаларининг ўзаро таъсирининг таҳлили учун.

1989 й. Хаавельмо Т. (Норвегия): эконометрик таҳлил назариясининг ривожига қўшган ҳиссаси учун.

1990 й. Марковиц Г., Миллер М., Шарп У. (АҚШ): ҳозирги замон молия бозорларига қўшган ҳиссаси ва уни иқтисодда қўллагани учун.

1991 й. Коуз Р. (АҚШ): ижтимоий харажатлар ва мулк ҳуқуқи муаммолари борасидаги илмий тадқиқотлари учун.

1992 й. Беккер Г. (АҚШ): иқтисодиёт нуқтаи назаридан инсон хатти-ҳаракати ва ижтимоий муносабатлар муаммоларининг таҳлили учун.

1993 й. Норт Д. Фогель Р. (АҚШ): иқтисодиёт тарихи соҳасида янги йўналиш яратгани (ушбу масалалар таҳлилида иқтисодий статистикадан фойдалангани) учун.

1994 й. Харшани Дж., Нэш Дж. (АҚШ), **Зельтен Р.** (Германия): ўйинлар назариясини ишлаб чиқишга қўшган ҳиссаси ва уни иқтисодда қўллагани учун.

1995 й. Лукас Р. (АҚШ): иқтисодий сиёсатни чуқурроқ тушунишга сабаб бўлган рационал таҳлил гипотезасини ишлаб чиққани ва амалиётда қўллагани учун.

1996 й. Викри У. (АҚШ), **Миррлис Дж.** (Буюк Британия): бир-бирига қарама-қарши ва тўлиқ бўлмаган маълумотлар мавжудлиги ҳолатида стимул (рағбатлантириш) назарияси борасидаги тадқиқотлари учун.

1997 й. Мертон Р., Шолз М. (АҚШ): чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозлар баҳосини белгилашнинг янги услубини ишлаб чиққани учун.

1998 й. Амартиа Сен (Ҳиндистон): ривожланаётган ва энг камбағал мамлакатлардаги иқтисодий фалокатларнинг, хусусан, очликнинг сабабларини ўрганишдаги тадқиқотлари учун.

1999 й. Манделл Р. (АҚШ): ҳозирги давр халқаро макроэкономика ривожига қўшган ҳиссаси, пул ва фискал сиёсатини, алмашув курси сиёсати, халқаро савдо ва капитал оқимлари масалалари билан ўзаро боғлиқ бутун бир тизим сифатида қилган таҳлили учун.

2000 й. Хекмен Дж., Макфэдден Д. (АҚШ): шахсий ва оилавий хулқ-атворнинг статистик таҳлили назарияси ва услубиятини ишлаб чиққани, микроэконометрика ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун.

2002 й. Даниел Канеман (АҚШ ва Исроил): психологик тадқиқотлар натижасини иқтисодиётга татбиқ қилгани учун, **Вермон Смит** (АҚШ) альтернатив бозор механизмига тааллуқли эмпирик тадқиқотлари учун

2003 й. **Роберт Ф Энгл** (АҚШ): Нью-Йорк Университети; **Клайв У Дж. Гренджер** (АҚШ) Колифорния Университети: Иқтисодий вақт қаторлари таҳлили усулларини ишлаб чиққани учун.

Н.М.

МУНДАРИЖА

Сўз боши. Р.С.Қосимов 3

I БЎЛИМ. **БОЗОР ИҚТИСОДИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР**

1-боб. Жаҳон иқтисоди ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, асосий босқичлари ва тамойиллари 10
2-боб. Жаҳон иқтисодининг интернационалашуви.....46
3-боб. Халқаро корпорациялар 55
4-боб. Капиталнинг халқаро ҳаракати 66
5-боб. Ишчи кучининг халқаро миграцияси 76
6-боб. Ҳозирги замон иқтисодида халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари 91
7-боб. Бозор иқтисоди ривожида давлатнинг роли 109

II БЎЛИМ. **РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР**

1-боб. Ривожланаётган мамлакатлар умумий тавсифи.....127
2-боб. Ривожланаётган мамлакатлар ва жаҳон хўжалиги: интеграциянинг ўзига хос хусусиятлари.....145
3-боб. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириш муаммолари.....161
4-боб. Ривожланаётган мамлакатлар ва капиталнинг халқаро ҳаракати.....168
5-боб. Замонавий жаҳон иқтисодида янги индустриал мамлакатлар.....181
6-боб. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари (Асосий тамойиллар ва интеграциялашувнинг ўзига хос хусусиятлари).....194

III БЎЛИМ. **ИҚТИСОДИ ЎТИШ ДАВРИГА ХОС МАМЛАКАТЛАР**

1-боб. Режали тизимдан бозор муносабатларига ўтиш: вазифалари, шакллари, муаммолари.....209
2-боб. Эркинлаштириш ва иқтисодий ўсиш.....215
3-боб. Мулкчилик: хусусийлаштириш жараёни ва усуллари.....221
4-боб. Ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя.....226
5-боб. Меҳнат бозори ва уни шакллантириш масалалари....229
6-боб. Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимида ва унинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни.....245

IV БЎЛИМ. **ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИДАГИ МОҲИЯТИ**.....260

Рустам Ҳамидович Шодиев,
Эркин Раҳимович Маҳмудов

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Муҳаррирлар *И.Зойиров, Х.Хўжаев*
Бадиий муҳаррир *А.Бобров*
Техник муҳаррир *Т.Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Ф.Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *З.Аҳмедова*

ИБ№ 4261

Босишга 15.03.2005 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Тип Таймс гарнитураси. Офсет босма. 16,38 шартли босма тобоқ. 20,5 нашр тобоғи. Жами 1000 нусха. 84 рақамли буюртма. 105–2004 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30// 700128. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Шодиев Р.Ҳ.,Маҳмудов Э.Р.
Ш74 Жаҳон иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик/ Р.Ҳ.Шодиев, Э.Р.Маҳмудов. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 312 б.

1. Муаллифдош.

Дарсликда ҳозирги давр жаҳон иқтисоди шаклланиши ва ривожланишининг мураккаб жараёнлари, иқтисодий тизимлар фаолияти ҳамда тараққиётининг қонуниятлари, уларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашиш муаммолари таҳлилига кенг ўрин берилган.

Дарсликнинг вазифаси – жаҳон иқтисоди фаолияти, тараққиётининг назарий асослари, амалий нуқтаи назарларини эгаллашга, шу билан бирга ташқи иқтисодий фаолият ва муносабатлар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашга ёрдам беришдир.

Мазкур нашр иқтисодиёт олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилари, жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар муаммолари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

ББК 65. 5 я 73